

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Абдуллаев Олимжон

«ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ»  
(ўқув қўлланма)

I – қисм.

(Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ОЎЮ мувофиқлаштирувчи кенгашин томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган)

Наманган – 2002

**О.Абдуллаев. «Иқтисодий география ва экология».  
(ўқув қўлланма) 1-ҳисм.**

Ушбу ўқув қўлланмада иқтисодий ва ижтимоий географиянинг моҳияти, асосий жараёнлари, ривожланиш қонуниятлари, дунё сиёсий картаси, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, жаҳон хўжалигининг табиий ресурслар ҳалоҳияти, ривожланиш босқичлари, иқтисодий ҳлоҳиятининг асосий таркиби ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ҳалқаро ҳамжамиятда тутган ўрин, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув масалалари ёритилган.

**Университет ва институтларнинг иқтисодиёт факультетлари учун тасдиқланган дастур асосида ёзилган за талабаларнинг бугунги XX аср охири ва XXI аср бошларидаги дунё хўжалиги ва аҳолиси масалаларини чуқур ўрганишга ёрдам беради.**

**Университет ва институтларнинг иқтисодиёт, социология ва география факультетлари талабаларига стўлжалланган.**

**Ҳалғасул муҳаррир:** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, география фанлари доктори, профессор З.Акрамов.

**Асраризчилар:**  
География фанлари доктори, профессор А.Солиев.  
Иқтисод фанлари доктори, профессор Т.Мирзамаҳмудов.  
География факлари номзоди, доцент Т.Маллабеев

# МУНДАРИЖА

<b>Сўз боши.....</b>	<b>7</b>
<b>Кириш...</b>	<b>9</b>
<b>I БОБ. «Иқтисодий география ва экология» фанининг предмети, мақсади, вазифалари ва тадқиқот усуллари.</b>	<b>11</b>
1.1. «Иқтисодий география ва экология» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	11
1.2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва худудий ташкил қилиш тушунчалари.....	16
1.3. Ўзбекистонда «Иқтисодий география ва экология» фанининг илмий йўналишлари ва илмий мактаблари.....	19
1.4. «Иқтисодий география ва экология» фанининг тадқиқот усуллари.....	22
<b>II БОБ. Дунё сиёсий картаси. Ўзбекистон дунё сиёсий картасида.</b>	<b>27</b>
2.1. Сиёсий карта тушунчаси. Дунё сиёсий картасининг қисқача шакланиш босқичлари.....	27
2.2. БМТ тамойиллари бўйича дунё мамлакатларининг гуруҳлаштириш.....	35
2.3. Дунё сиёсий картаси ва ҳозирги ҳалқаро муносабатлар.....	43
2.4. Ўзбекистон дунё сиёсий картасида.....	44
<b>III БОБ. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг асосий тамойиллари ва омиллари.</b>	<b>51</b>
Иқтисодий тамойиллар, қонун ва қонуниятлар ҳақида тушунча. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг дастлабки тамойиллари.....	51
3.2. Ҳудудий меҳнат тақсимоти – ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг илмий асоси.....	55
3.3. Ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва жойлашишига таъсир этувчи умуниқтисодий қонунлар.....	58
3.4. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ижтимоий – экологик, табиий ва ижтимоий – иқтисодий омиллари.....	68

<b>IV БОБ.</b>	<b>Дунё табиий ресурслари ва</b>	
	<b>экологик муаммолар.</b>	
4.1.	Жамият тараққиётида табиий омилларнинг ўрни..	72
4.2.	Минерал хом – ашё ресурслари иқтисодиётнинг бош тармоқларини ривожлантириш омили.....	76
4.3.	Дунё океани минерал хом – ашё ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	80
4.4.	Иқлимий ресурслар ва атмосферани муҳофаза қилиш. Сув ресурслари.....	85
4.5.	Рекреацион ва бўльнеологик ресурслар.....	90
	<b>V БОБ. Дунё аҳолиси. Жаҳон хўжалигининг</b>	
	<b>инсоний ресурслари.</b>	92
5.1.	Ер шари аҳолисининг сони ва ўсиш суръатлари. Дунё аҳолисининг миллий (этник) таркиби. Дунё аҳолисининг диний таркиби.....	93
5.2.	Дунё аҳолисининг жойлашиши ва миграция. Жаҳон иқтисодиётидаги урбанизация жараёни....	100
5.3.	Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби. Меҳнат ресурслари. Бандлик ва ишсизлик суръатлари.....	110
	<b>VI БОБ. Илмий–техника инқилоби ва унинг</b>	
	<b>жамият тараққиётини тезлаштирувчи роли.</b>	121
6.1.	Илмий – техника инқилоби тушунчаси, характерли белгилари. Таркибий қисмлари. Илмий – техника салоҳияти тушунчаси ва баҳолаш мезонлари.....	121
6.2.	Илмий – техника инқилоби ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар.....	126
6.3.	Илмий – техника инқилобининг ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишига таъсири ва иқтисодий ўсиш асоси.....	131
6.4.	Илмий – техника инқилобининг XX аср охири XXI аср бошларида дунё хўжалигига таъсири ва атроф – муҳит муаммоси.....	136
	<b>VII БОБ. Дунё хўжалиги ва унинг тармоқ</b>	
	<b>таркиби. Дунё хўжалиги.</b>	139
7.1.	Халқаро меҳнат тақсимоти – дунё хўжалигининг моддий асоси. Дунё хўжалигининг моҳияти ва босқичлари.....	139

7.2.	Дунё хўжалиги ва халқаро меҳнат тақсимотидаги янги жараёнлар.....	151
7.3.	Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперация.....	155
7.4.	Ҳозирги шароитда халқаро рақобат ва унинг хусусиятлари.....	160
	<b>VIII БОБ. Дунё хўжалиги тизимида саноатнинг роли ва тармоқ таркиби хусусиятлари</b>	164
8.1.	Иқтисодиётнинг умумий тармоқ таркиби тушунчаси.....	164
8.2.	XX аср охири XXI аср бошларида саноатнинг тармоқ таркиби ва ривожланиши.....	165
8.3.	ТоФ – кон саноати.....	169
8.4.	Ёқилғи – энергетика мажмуасининг таркиби ва ривожланиш жараёнлари.....	173
8.5.	Металлургия саноати мажмуалари.....	179
8.6.	Машинасозлик саноати мажмуаси.....	183
8.7.	Кимё саноати.....	191
8.8.	Енгил, ўрмон – целлюлоза ва озиқ – овқат саноатининг тармоқ таркиби ва ривожланиш жараёнлари.	194
	<b>IX БОБ. Агросаноат мажмуаси: ривожланиш жараёнлари.</b>	202
9.1.	Агросаноат мажмуаси ва агробизнес тушунчаларининг моҳияти. «Кўк инқилоб» ва унинг моҳияти.....	202
9.2.	Зироатчилик ва унинг тармоқ таркиби.....	213
9.3.	Чорвачилик ва унинг тармоқ таркиби.....	221
9.4.	Дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ижти – моий – иқтисодий типларининг хусусиятлари.....	227
	<b>X БОБ. Транспорт мажмуаси: ривожланиш хусусиятлари.</b>	233
10.1.	Транспорт тизимининг ҳозирги ривожланиш жараёнлари.....	233
10.2.	Халқаро транспорт тизимининг асосий кўрсаткичлари.....	236
10.3.	Транспорт турлари. Қуруқлик транспорти.....	242

10.4.	Сув ва ҳаво транспорти. Транспортнинг бошқа шакллари.....	248
10.5.	Минтақавий транспорт тизими. Транспорт ва атроф – муҳит муаммоси.....	253
	<b>XI БОБ. Халқаро иқтисодий алоқалар ва уларнинг шакллари</b>	258
11.1.	Халқаро савдо – халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми.....	259
11.2.	Хизмат кўрсатиш соҳалари.....	269
11.3.	Халқаро ишлаб чиқариш ва илмий – техник ҳамкорлик.....	275
11.4.	Халқаро иқтисодий интеграция ва халқаро иқтисодий бирлашмалар..... Адабиётлар.....	278 291

## СҮЗ БОШИ

Фанлар тизимида география бирмунча күхна фан ҳисобланыб, унинг таркибида турли илмий – амалий йўналишларнинг пайдо бўлиши қатор янги фанларнинг шаклланиб, мустақил фан сифатида ажралиб чиқишига олиб келди. Гарчанд, ўтмиш географияси (эрэмиздан олдинги III – II асрларда яшаган Эратосфен илк бор география сўзини фанга киритган) тасвирий мазмунга эга бўлган бўлсада, XX асрдан бошлаб унинг амалий (прикладной) мазмуни кучая бошлади. Ҳозирги замон географияси фанлар тизимида табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқада ривожланишини мажмуули (комплекс) ҳар тарафлама (кўп қиррал) ва ҳар томонлама горизонтал (кенглик бўйича) ва вертикал (пастдан – юқорига) ўрганувчи ягона фандир.

География фани бир – бирини тўлдирувчи икки фундаментал тармоқга: табиий география ва иқтисодий географияга (иқтисодий география сўзини илк бор М.В.Ломоносов қўллаган) ажralади. Табиий география табиат компанентларининг (ҳудуднинг геологик ривожланиши, тоғ жинслари, қазилма бойликлари, рельефи, иқлими, сувлари, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) узвий алоқада ривожланиши ва ҳудудий тафовутини (ландшафтларни) ўрганади. Иқтисодий география эса инсоннинг табиатга таъсирининг маҳсули бўлган Ер шари ҳўжалик «қобиғи»нинг ҳудудий ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қиласди.

Иқтисодий география ижтимоий – географик фан бўлиб, у жамият ривожланишини табиий компанентларга узвий боғлаб макон ва замон ўзгаришида иқтисодий таҳлил асосида ўрганади.

XX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб иқтисодий географиянинг ижтимоий (социал) йўналиши, яъни аҳоли ва ишчи кучи омили ҳамда унинг фаолиятини ташкил этишни тадқиқ қилувчи ижтимоий география қарор топа бошлади. Натижада, иқтисодий география ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишни мажмуули ўрганувчи иқтисодий ва ижтимоий география мақомини олиб, унинг ўрганиш объекти янада чуқурлашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодий география ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва табиат муҳофазаси узвий алоқадорлиги масалаларини «инсон – табиат – ҳўжалик – экология» тизими тамойилида таҳлил қиласди. Шунинг учун иқтисодий география фанини нафақат иқтисодиёт йўналиши бўйича юқори малакали

мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртлари, балки, касб – ҳунар коллежларида ҳам ўқитишини тақазо этмоқда. Шу боис, иқтисод фанлари доктори, профессор Олимжон Абдуллаевнинг «Иқтисодий география ва экология» фани бўйича китоби ўқув қўлланма сифатида катта илмий – услугубий аҳамиятни касб этади. Қўлланмада ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг экологик оқибатлари, иқтисодиётнинг қонуниятлари, иқтисодий интеграцияси ва атроф – муҳит муҳофазаси масалалари юқори илмий – услугубий маҳорат билан баён этилган.

Қўлланма бутунги кун талаби дараражасида ёзилган бўлиб, унинг мазкур биринчи қисми ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ташкил этишининг тамойиллари ҳамда қонуниятлари илмий – амалий мулоҳазалар асосида бажарилган ва иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

**География фанлари доктори, профессор А.Солиев**  
**География фанлари номзоди, доцент Т.Маллабоев**

## Кириш

ХХ аср инсоният тарихи силсиласида юксак илмий – техник ривожланиш ҳамда шу аснода ижтимоий муносабатларнинг байналминаллашуви ва глобаллашуви асри сифатида гавдаланди. Хусусан, аср ўргаларида юзага келган Илмий – техника инқилоби, 70 – йиллардан яққол гавдаланган демографик вазиятнинг чуқурлашуви, 90 – йиллар учун хос бўлган кенг қамровли иқтисодий интеграция ва буларнинг барчаси ижтимоий – иқтисодий география фани тизими ривожланишига ўз таъсирини кўрсата одди.

Ўтган 30 – 40 йил давомида фаннинг илмий тадқиқ сферасида рўй берган бундай жараён ва янгича муносабатлар бутунги кунда иқтисодий географияни ўрганишнинг тор ва чуқурлашган тадқиқ тамойилларидан бир мунча чекинишга олиб келди. Чунончи, жамиятимиз турмуш тарзига бозор муносабатларининг тобора илгарилаб кириши нафақат хўжалик фаолияти тизимида, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам мутлақо янги фаолият ва муносабат турларини қарор топтироқда. Бу эса ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришни ўрганишни ўзининг бош вазифаси сифатида қараган иқтисодий география фани истиқболида янги қирраларнинг вужудга келаётганлигини кўрсатади. Эндиликда иқтисодий география деганда кўз ўнгимиизда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий ва тармоқ ривожланишини ўрганиш билан бир қаторда сиёсий география, бошқарув географияси, тиббиёт географияси, биоиндустря географияси, ахборот географияси каби янги фан соҳалари яққол намоён бўлмоқда. Бу ўз – ўзидан янги фан тизимлари оқимининг юзага келаётганлигини англатади. Шу маънода ҳам бугун жамият тараққиёти ва ривожланишининг географик омилларини ўрганиш зарурияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

Қўлланманинг мазкур биринчи қисмида иқтисодий география фанининг ривожланиши тарихи, фаннинг бугундаги ҳамда яқин истиқболдаги устивор йўналишлари илмий мушоҳада орқали ёритилган. Бундан ташқари жаҳон хўжалиги тармоқларининг бугунги иқтисодий салоҳияти ва таркиби (ёқилғи – энергетика, металлургия, машинасозлик, агросаноат, транспорт мажмуаси, ташқи иқтисодий алоқалар), жаҳон иқтисодий интеграцияси, иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий ривожланиш қонуниятлари, экология масалалари

баён этилган. Кенг маънодаги янги статистик маълумот ва иқтисодий индикаторлардан фойдаланилган.

Қўлланма олий ўқув юртлари иқтисодиёт йўналишлари талабалари учун мўлжалланган бўлса—да, ундан география, минтақашунослик, ҳалқаро муносабатлар ихтисослиги талабалари, шунингдек, аспирантлар, тадқиқотчилар, амалиётчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

# I БОБ. «ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ» ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1.«Иқтисодий география ва экология» фанининг предмети, мақсади, вазифалари ва тадқиқот усуллари

«Иқтисодий география<sup>1</sup> ва экология<sup>2</sup>» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.

«Иқтисодий география» тушунчаси М.В.Ломоносов томонидан 1760 йилдан ишлатила бошлаган бўлсада, иқтисодий географик тасаввурлар инсониятнинг **ўзлаштирувчи иқтисодиёт** босқичидан бошланган. Биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти дәжончилиқдан чорвачиликнинг ажралиб чиқиши ҳамда унинг **ишлаб чиқарувчи иқтисодиётта** ўтиши, суформа дәжончиликтининг «Буюк» тарихий дарёлар ва Ўрта Денгиз соҳили бўйларида юзага келиши, иккинчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳунармандчиликтининг ривожланиши, шаҳарлар ва савдо – сотиқнинг тараққиёти иқтисодий географик билимларга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди ва иқтисодий географик тасаввурлар доираси кенгайди. Мулкчилик муносабатларининг юзага келиши, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари, фан, маданият, архитектуранинг ривожланиши, қадимги давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиши, бошқарув шаклларининг (монархия ва демократия) юзага келиши иқтисодий географияни фан сифатида шаклланиши учун шарт – шароитларни ҳозирлади.

Айниқса, милоднинг V – асиридан XVII аср ўрталарига қадар бўлган даврда ишлаб чиқариш кучларининг сезиларли тараққиёти (фойдалари қазилмалардан кенг фойдаланиш, металл эритиш, ип ва шойи газламалар тўқиши, гилам, қофоз ва чинни буюмлар ишлаб чиқариш, шамол ва сув кучидан фойдаланиш, кемачиликнинг ривожланиши ва дастлабки географик кашфиётлар, мамлакатнинг сиёсий, савдо ва маданий марказлари сифатида шаҳарлар ролининг ортиши, фаннинг тараққиёти, ички бозорнинг шаклланиши, давлатлар

<sup>1</sup> Иқтисодий география термини грекча бўлиб, «о́йконо́мия» хўжалик, гео – ер, графо – ёзаман яъни ернинг хўжалик тавсифи деган маънioni билдиради.

<sup>2</sup> Экология сўзи – грекча бўлиб, экос – уй – жой ва логос фан (таълимот) деган маънioni билдиради ва фанга 1866 йил Э.Геккел томонидан киритилган ва тор маънода тушунилган бўлса, бутунги кунда экология – умумбашарий муаммога айланган ва табиат – жамият ўртасидаги тўғри ва қайта алоқаларни ифодаловчи мажмуали тушунчадир.

ўртасидаги савдо – сотиқнинг ривожланиши натижасида Шарқий ярим шарда З та йирик минтақавий савдо марказларининг (Жанубий ва Жануби – Шарқий Осиё, Ёвропа – Венеция, Генуя, Гинза иттифоқи ва Яқин Шарқ) шаклланиши халқаро бозорнинг юзага келиши учун шарт – шароит ҳозирлади.

XVI аср ва XVII асрнинг биринчи ярмида техника тараққиёти (Ёвропа) саноатнинг ривожланишига, транспорт ва савдога кучли таъсир қилди.

Капиталнинг дастлабки жамғарилиши жараёни, табиий фанлар равнақи, халқларнинг миллат бўлиб шаклланиши, Буюк географик қашфиётлар, аҳолининг миграцион ҳаракатларининг бошланиши, халқаро савдонинг кучайиши – халқаро бозорнинг юзага келишига, мустамлакачиликнинг бошланишига ва дастлабки иқтисодий ҳамда иқтисодий – географик қарашларнинг таълимот сифатида мужассамлашувига олиб келади.

XVII аср ўрталаридан бошлаб фабрика – завод ишлаб чиқаришнинг бош соҳага айланиши (Ёвропада), АҚШ (1776). Англия мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин тутиши, миллий хўжалик тизимларининг байналмиллашуви ва географик меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ишлаб чиқаришнинг оқилона жойлаштириш (И.Тюнен) назарияларини юзага келтиради.

XIX асрнинг 70 – йиллари ва XX аср (1913 йил) бошларига қадар бўлган босқичда ирик саноат, замонавий транспорт ва халқаро бозор жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келади. Бу босқичда саноатни оқилона жойлаштириш – штандорт назарияларининг юзага келиши (А.Вебер) иқтисодий географияни фан сифатида шакллантирди.

XX асрнинг 20 – йилларидан бошлаб иқтисодий география собиқ СССР олий ўқув юртларида (иқтисодиёт ва география факултетларида) асосий предмет сифатида ўқитила бошланди. Айни пайтда, иқтисодий география дунё сиёсий картасида, жаҳон хўжалигида, минтақалар ва мамлакатлар хўжалик тизимидағи муҳим миқдор ва сифат ўзгаришларини тадқиқ қилди. 1976 йилдан бошлаб иқтисодий география иқтисодий ва ижтимоий география деб юритила бошланди. Бундай ўзгариш билан проф. А. Солиев таъкидлаганидек, фаннинг мазмуни унинг шаклига мослаштирилди, чунки (А.О) бу шаклан ўзгариш эди, моҳиятнан иқтисодий география доирасида ижтимоий масалалар ҳам айни пайтда ўрганиб келинар эди». (А.Солиев «Иқтисодий ва ижтимоий географияниң долзарб масалалари» – Т.. 1995, 7 – бет).

ХХ асрнинг 50 – йилларининг ўрталаридан бошланган илмий – техника инқиlobи (ИТИ) табиат ва жамият ( $T \leftrightarrow J$ ) ўргасидаги муносабатларни кенгайтириди ва чуқурлаشتариб юборди, ишлаб чиқариш тизимларида ва халқаро иқтисодий муносабатларда муҳим сифат ўзгаришлари учун йўл оғди. Табиий ресурсларни ўзлаштириш кучайди, мутлақо янги ресурслар ишлаб чиқаришга тортилди. Янги ўзлаштирилиши мураккаб ва қийин (агроиклиний жиҳатидан) бўлган ҳудудларни жадал ўзлаштириш билан бир қаторда қадимдан ўзлаштирилган ҳудудларда чўлланиш жараёнлари ҳам кучайди. ИТИнинг гуркираб ривожланиши, аҳоли сони кўпайишининг тезлашуви оқибатида инсониятнинг табиатга, атроф – муҳитга таъсири кучайди ва индустрисал йўналишдаги антропоген (иккинчи табиат) ландшафтлар (манзара, кўриниш) юзага келди. Антропоген ландшафтларнинг тобора ҳукмрон мавқени эгаллаб бориши табиий муҳитнинг табиийлигини ёки бирламчи табиатнинг аста – секин йўқолиб боришига ва бундай табиат – жамият ўргасидаги қайта алоқалар эса мураккаб экологик инқирозларнинг юзага келишига ва умумбашарий муаммога айланишига олиб келди. Иқтисодий география тадқиқотларида экологик жараёнларни ўрганилишининг кенгайиши билан «Иқтисодий география ва экология» деб юритила бошланди. Бу ном моҳиятан ХХ аср охири ва XXI аср бошларида халқаро ва минтақавий муаммоларнинг экологик муаммолар билан чамбарчас боғлиқлигини ифодалайди.

«Иқтисодий география ва экология» фани ижтимоий – гуманитар фанлар (иқтисодий фанлар) тизимиға кириб табиий, ижтимоий – иқтисодий ва экологик жараёнларни тармоқ ва ҳудудий жиҳатдан ўрганади. «Иқтисодий география ва экология» фанининг вазифаси табиат ривожланишининг объектив қонуниятларининг ( $T_0K$ ) ва жамият ривожланишининг объектив қонуниятларини ( $J_0K$ ) бир – бири билан боғлиқ ҳолда, яъни ( $T_0K \leftrightarrow J_0K$ ) табиат – аҳоли – ижтимоий – иқтисодий тизимлар ( $T \leftrightarrow A \leftrightarrow ITI$ ) ўргасида барқарор доимий (қайта) алоқаларнинг шаклланишини, бу алоқалар ривожланиш босқичларининг амал қилиши, давом этиши ва бошқарилиши жараёнларини тадқиқ қилишдан иборат.

**«Иқтисодий география ва экология» фани** бир қатор фанлар билан ўзаро алоқада бўлиб унинг тадқиқотлари ва хуносаларидан кенг фойдаланади. «Иқтисодий география ва

экология» фани билан алоқадор фанлар тизимини иккига бўлиш мақсадга мувофиқ.

1) Табиий фанлар – яъни табиий географик фанлар тизими, геология, биология ва тармоқлар экологияси;

2) Иқтисодий ва ижтимоий – гуманитар фанлар – яъни жаҳон иқтисодиёти, микро ва макроиқтисодиёт, саноат иқтисодиёти, агросаноат иқтисодиёти, транспорт иқтисодиёти, менежмент ва маркетинг, ташки иқтисодий алоқалар ва халқаро муносабатлар, статистика, ахборотлар технологияси ва информатика, фалсафа, тарих, мамлакатлар миллий иқтисодиёти, иқтисодий – географик фанлар тизими, табиатдан фойдаланиш иқтисоди, ижтимоий экология, социология ва халқаро ҳукуқ.

Кўриниб турибдики, «Ижтимоий география ва экология» фани кўплаб фанлар билан узвий алоқада бўлсада, бу фанлар билан қўшилиб кетмайди ва мустақил фан бўлиб, жамиятни ҳудудий ташкил этиш ва бошқаришни мажмуали ўрганиши билан ажралиб туради.

«Иқтисодий география ва экология» предметининг асосини ишлаб чиқариш кучларининг турли даражадаги тармоқ, тармоқлараро ва ҳудудий шаклланиши, ривожланиши, юритилиши ва бошқарилишини такомиллаштиришдан иборат жараёнлар ташкил қиласди. Бу жараёнлар ниҳоятда мураккаб ижтимоий – иқтисодий тизимлар ва муаммоларни ўз ичига олади: табиий мұхит ва табиий ресурслар мажмуаси, аҳолининг демографик ҳусусиятлари ва жойлашиб тизимлари – кичик қишлоқдан (овул) – то урбанизациянинг энг ривожланган шаклларига (мегалополис) қадар жараёнлар, моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳаси саноат ва унинг табақалашган тоғ – кон, ёқиғи – энергетика, металлургия (қора ва рангли), машинасозлик, кимё, ўрмон – целялюзода, енгил, озиқ – овқат саноати тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш мажмуаси (зироатчилик ва чорвачилик), транспорт тизими ва унинг мамлакат, минтақавий, халқаро меҳнат тақсимотидаги интеграцион алоқаларининг ривожланишидаги роли, инфратузилмалар мажмуаси (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш), халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро иқтисодий интеграция ҳамда жаҳон ҳўжалиги тармоқларини (маҳаллий, минтақавий, халқаро) ҳудудий ташкил қилиш ва илмий – техника тараққиёти билан боғлиқ ривожлантириш, такомиллаштириш ва истиқболи, минтақавий ва умумбашарий муаммолардан иборат.

Кўриниб турибдики, «Иқтисодий география ва экология» фани на фақат ишлаб чиқариш кучларининг тармоқ ва ҳудудий жойлаштириш жараёнини ўрганибигина қолмай, балки жамиятнинг ҳудудий ташкил этишини такомиллаштириш ва бошқариш тўғрисидаги фан сифатида ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Айни вақтда, бугунги кунда Т↔А↔ИТИларни тадқиқ қилишнинг мутлақо сифат жиҳатидан янги босқичи бошлианди. Бу давр бозор муносабатларининг жаҳон хўжалигида етакчи ҳукмрон муносабатларга айланиши ва тадқиқотларни «экологиялаштириш», «ижтимоийлаштириш», «иқтисодлаштириш» вақти бошланганлиги билан ажralиб турмоқда.

«Иқтисодий география ва экология» фанининг мақсади – иқтисодчи талабаларни бугунги жаҳон ҳамжамиятидаги юз бераётган сиёсий, ижтимоий – иқтисодий, табиий ва экологик жараёнлар ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни тўғрисидаги билимлар билан қуроллантиришdir.

**Фанинг вазифалари** «Иқтисодий география ва экология» фанининг асосий вазифалари мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ижтимоий ислоҳотлардан келиб чиқсан ҳолда талабаларга қўйидаги йўналишларда пухта билимлар беришdir:

- «Иқтисодий география ва экология» фанининг назарий асосларини ўргатиш, жаҳон сиёсий картасининг шаклланиши босқичлари, ҳозирги босқичдаги ҳалқаро муносабатлар, XX аср охирги 10 йиллигига дунё сиёсий картасидаги ўзгаришлар, ҳалқаро ва минтақавий можаролар, уларнинг оқибатлари, жаҳон мамлакатлари тўғрисида маълумотлар, Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистоннинг тутган ўрнини баҳолаш;
- Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш қонуниятлари ҳамда омилларини, йўналишларини;
- Табиий шароит ва табиий ресурсларнинг мамлакатлар иқтисодий – ижтимоий ривожланишидаги роли ва ўрни, улардан фойдаланиш, экологик муаммоларнинг сабаб ва оқибатлари;
- Мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида эришилган илмий – техника ютуқларини ўрганиш, илфор

технологиялардан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиш за хуоса бериш;

- Жаҳон аҳолиси, меҳнат ресурслари, турли мамлакатда меҳнат ресурсларининг сифати ва малака тарқиши, миграция ва урбанизация масалаларини тадқиқ қилиш;
- Жаҳон хўжалигининг таркиби (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ташқи иқтисодий алоқалар) ва ҳудудий ривожланиш хусусиятларини, халқаро иқтисодий – ижтимоий тизимлар фаолиятини ўрганиш;
- Жаҳон хўжалигига айрим мамлакатларнинг тутган иқтисодий – ижтимоий ривожланиш хусусиятларини төсийк қилиш ва тегишли хуосалар чиқариш;
- Инсоният олдида турган умуминсоний (халқаро) муаммолар (тинчлик ва қуролсизланиш, экологик, демографик, энергетика ва хом – ашё, озиқ – овқат, йунё океани ва космосни тинчлик мақсадларида ўзлаштириш ва бошқалар) ҳамда минтақавий (Орол ва Орол шайи, Афғонистонда тинчликни юзага келтириш ва бошқалар) муаммоларни ўрганиш;
- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини баҳолаш ва унинг Марказий Осиёда тинчликни сақлаш ва барқарорликнинг таъминлашдаги роли, ҳамда иқтисодий, сиёсий – ижтимоий тизимлардаги иштирокини баҳолаш.

«Иқтисодий география ва экология» фанининг асосий вазифаси талабаларга жаҳон хўжалиги ва халқаро муносабатлар тизими тўғрисида яхлит тасаввур ва билимларни беришдан иборатdir.

## **1.2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ҳудудий ташкил қилиш тушунчалари**

Ишлаб чиқариш кучлари моҳиятини тўғри таъин қилиш ва тушунища инсон меҳнати (ишчи кучи), меҳнат предмети, меҳнат воситалари ва ишлаб чиқариш воситалари тушунчаларини билиш муҳим ўрин тутади. Инсон меҳнати – инсоннинг маълум мақсадга мувофиқ йўналтирган фаолиги бўлиб, ана шу фаолияти натижасида у табиат предметлағани (буюмлари) ўзgartиради ва ўз эҳтиёжларига мослаштиради. Меҳнат ўзининг мазмуни ва характеристики жиҳатидан ақший, жисмоний, малакали ва малакасиз меҳнатга бўлинади. Меҳнат қиймат яратишдаги ролига кўра яъни унинг натижаси тоберага

айланғанда ва пул воситаси билан алмашғанда конкрет ва абстракт мәхнатта бўлинади.


Жамиятнинг ривожланиши билан мәхнатнинг ижтимоийлашуви жараённи ҳам чуқурлатади. Инсон мәхнати (кучи) ишлаб чиқаришнинг (жамиятнинг) асосидир. Инсона төхнати натижасида моддий ва маънавий неъматлар юзага келади. Ана шу жараёнда инсон мәхнат билан бирлашқан мәхнат предметлари ва мәхнат воситалари ҳам иштироқ тади.

**Мәхнат предметлари** – инсон мәхнати (кучи) ерфланадиган обьект ёки манбалардир. Мәхнат предмети ишлаб – чиқариш истеъмолга яроқли ҳолга келтириш учун кўнга ишланади. Мәхнат предметларига: а) ер ости ва ер устиний бойликлари; б) дастлабки қайта ишланган ўлжалланган материаллар – пўлат, прокат, иш – газлама, ластмасса кабилар киради. Мәхнат предметлари тайёр аҳсулотлар бўлгунга қадар бир нечта ишлаб чиқариш ёқишини ўтгани мумкин. Шунингдек, иммий – техника ёқишиб мәхнат предметларига таъсир этиб муғлақо янги бинада учрамайдиган сифат ва хоссаларга эга бўлган материалларни юзага келтирди. Бу материаллар иктисодиётнинг янги ва энг янги соҳаларида ўллагилиши файлни мамлакатлар миллый иктисодиётида ва

лигида ишқиlobий ўзгаришиларни юзага келтирумоя.

**Мәхнат воситалари** – инсоннинг ҳамат садметларига таъсир этиб маҳсулотлар ишлаб чиқаре физига ишлатадиган буом ёки буюмлар мажмум орат қуроллардир. Мәхнат қуроллари таркиб бўлиб машиналар, дастгоҳлар, аспоб – тарзи, мәхнат жараёнини ташкил қилинади. Ишлаб чиқарниш инструктурасидан иборат. Мәхнат воситалари ишга жамият тараққиётига мос ривожланиб.

**Ишлаб чиқариш воситалари** – моддий атинида фойдаланадиган мәхнат предметлари сугалари мажмуаси бўлиб ишлаб чиқариш физигинида ифодаланади. Ишлаб чиқариш юсисон мәхнати узвий боғлиқ бўлиб, ягона жараёнда эди. Мәхнат қуроллари жонли мәхнат билан соғлиқ бўлади 1 айни вақтида инсон мәхнати фаолияти ҳам ишлаб чиқариш воситаларига борлиқдир. Ишлаб чиқариш воситаларисиз инсон мәхнати фаолияти ҳам бўлмайди. Бу жараёнларда ҳал алувчи омил инсоннинг ўзи, яъни унинг маълум мақсади а ўналтирилган фаолиятдин инсоннига шундай мақсадида



фаолияти түфәнни ишләо чиқариш жараёнларида кенг қўлланиладиган предметларни вужудга келтиради.

**Ишлаб чиқариш кучлари ва унинг моҳияти** — моддий бойликлар ва неъматлар ишлаб чиқаришида ишлатиладиган ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бу ана шу ишлаб чиқариш воситаларини муайян ишлаб чиқариш тажрибаси билим ва маҳоратлари билан ҳаракатга солувчи кишилар жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ташкил қиласди.

Ишлаб чиқариш кучларининг энг фаол ва ҳаракатчал, ҳал қилювчи таркиби — инсонлардир. Инсонлар ишлаб чиқаришнинг моддий-техник асосини, фан ва техника ютуқларини билим ва малакаларини қўллаб доимий суръатда ўзгариради. Ишлаб чиқариш қуроллари (машиналар, дастгоҳлар, асбоблар ва бошقا) ҳам ишлаб чиқариш кучларининг ўзгариши аввало ишлаб чиқариш қуролларининг ўзгаришидан бошланади. Чунки, инсон меҳнатини енгиллаштириш ва унумлироқ бўлиши учун доимий суръатда мавжуд қуролларни такомиллаштириб боради. Бу жараёнда инсоннинг ўзи, малакаси ҳам ривожланади ҳамда ишлаб чиқаришнинг янги-янги соҳалари юзага келади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга географик мұхит, геодемографик жараёнлар (түғилиш, меҳнат ресурслари, аҳоли зичлиги кабилар), эҳтиёжнинг ўсиши, илмий-техника инқиlobи каби бир қатор омиллар ҳам сезиларли таъсир этади. Айни вақтда, фаннинг ўзи XX асрнинг 70-йиллардан бошлаб бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Ишлаб чиқариш кучлари шунингдек жамиятнинг маънавий — интелектуал имкониятларини ҳам ўз таркибига олади. Ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти тарихи жамият тараққиёти тарихининг асосини ташкил қиласди.

**Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш. Ве ҳудудий ташкил қиласи.** «Жойлаштириш» термини жуда аниқ тушунча бўлиб иқтисодиётнинг хом-ашё, ёқилги, снергия манбалари, меҳнат ресурслари ва тайёр маҳсулотларни истеъмол қилювчиларнинг аниқ ҳудудларда жойлашганилигини ифодалайди. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш жуда кенг маънода ер шаридага, мингақаларда, мамлакат, иқтисодий районларда иқтисодиётнинг ҳал қилювчи тармоқлари — саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт тизимининг ҳудудий тақсимланишидир. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга табиий шарт — шароитлар, табиий

ресурслардан фойдаланиш имкониятлари, аҳолининг табиий ўсиши, зичлиги, шаҳарлар, истеъмол минтақалари ва ҳудуднинг геостратегик ҳолати таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда, ишлаб чиқариш кучларини жойлашишига илмий—техника инқиlobи, экологик муаммолар, янги ҳудудларни ўзлаштириш кучли таъсир этмоқда.

«Ҳудудий ташкил этиш» термини «жойлаштириш» терминига нисбатан жуда кенг ва чуқур тушунча бўлиб мураккаб табиий, ижтимоий—иқтисодий тизимларни ўз таркибига олади. Ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил қилиш — географик (ҳудудий) меҳнат таҳсимоти, ҳудудий ишлаб чиқариш ва агросаноат мажмуаларини, иқтисодий районлар, аҳоли жойлашиши, аҳоли жойлашишининг замонавий ва ўта замонавий шакллари, шаҳарлар тараққиёти, районларо ва район ичидағи ишлаб чиқариш алоқалари, ҳудудларнинг мажмуали ижтимоий иқтисодий ривожланиши, антропоген фаолият ва унинг оқибатларидан иборат — жамиятни ташкил этиш тизимлари ва бу тизимларнинг бошқариш мажмуасидир.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш кучларини «жойлаштириш» тушунчасига нисбатан «ҳудудий ташкил қилиш» тушунчаси миқдор ва сифат жиҳатидан фарқ қилиб ишлаб чиқариш кучларининг самарали жойлашиши, бошқарилиши ва истиқболини ифодалайди.

### **1.3. Ўзбекистонда «Иқтисодий география ва экология» фанининг илмий йўналишлари ва илмий мактаблари**

Ўзбекистон ҳудудида дастлабки иқтисодий ва иқтисодий—географик билимлар узоқ тарихга эгалиги билан ажralиб туради. Суформа деҳқончилик, ирригация иншоотлари, шаҳарлар ва мамлакатлар, аҳолишунослик ва ҳунармандчилик, археологияга доир маълумотлар йирик мутафаккирлар М. Қошварий, Муҳаммад Ҳоразмий, Абу Абдулла Муҳаммад ибн ат—Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Зайд Балхий, Абу Абдулла Жайҳоний, Абу Абдулло Ҳоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ҳорақий ва Замахшарий, Сомоний, Ҳофизи Абру, Фиёсидин Нақрош, Улугбек, Али Қушчи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Жумладан, Маҳмуд Қошварийнинг «Девону лугатит—турк» номли асарида табиат тасвиirlари, ершунослик, экологик ва географик маълумотлар берилган. Муҳаммад ибн Мусо Ҳоразмийнинг (780—847) «Ернинг тасвири» ва

«Хоразм географияси» номли асарлари ер билими, картография, геодезия ва мамлакатшуносликка оид ғоят қимматли маълумотларга бой.

Ал – Беруний ва Ибн Сино асарлари XVIII асрга қадар Европа олий ўқув юртларида дарслик сифатида қўлланиб келинган бўлса, Хоразмда «Маъмун академияси» ва Улугбек илмий мактаби Марказий Осиё ҳудудидагина эмас балки, бутун жаҳонда илм – фаннинг ривожланишига бекиёс ҳисса қўпди. Айниқса, З.М. Бобурнинг «Бобурнома» асарида Фарғона водийси табиати, хўжалиги, аҳолиси ва шаҳарларига доир ғоят қимматли маълумотлар берилгани билан ажralиб туради.

Марказий Осиё ҳудудларини илмий жиҳатдан ўрганиш XVII аср охири XX аср бошларига қадар Россия империясининг ўлка бойликларини ўз манфаатлари учун фойдаланишга мўлжалланган қатор илмий экспедициялари фаолияти билан боғлиқдир.

Туркистоннинг Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилганидан сўнг 1897 йил Тошкент шаҳрида ташкил этилган «Туркистон география жамияти» бутун Туркистон, жумладан Ўзбекистон ҳудуди, табиати, аҳолиси, табиий бойликлари, хўжалик тизими, шаҳарлари тўғрисида системали тарзда маълумотлар тўплаш билан шуғулланди.

1920 йилдан бошлаб Тошкентда Туркистон Давлат университетининг ташкил топиши (ГошДУ ва ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети) ўлкада кенг миқёсда иқтисодий ва иқтисодий – географик тадқиқотлар йўлга қўйилишига замин яратди. Дастлаб, рус олимлари Г.Н.Черданцев, Н.Н.Кожанов, Н.К.Ярашевич, Ю.И.Пославский, А.И.Головин ва бошқалар Туркистон ҳудудини иқтисодий районлаштириш, Марказий Осиё ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш, табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш, аҳолишуносликнинг назарий ва амалий муаммолари билан шуғулланадилар.

40 – йилларда эса йирик иқтисодий – географ В.М.Четиркин Ўрта Осиёни иқтисодий – географик жиҳатидан тадқиқ қилиб «Средняя Азия» номли монографиясини ёзди.

50 – 60 – йиллардан бошлаб Ўзбекистон иқтисодий – географларининг дастлабки вакиллари (З.М.Акрамов, М.К.Қораҳонов, Ҳ.Ҳасанов, С.Зиёдуллаев ва бошқалар) Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш (Фарғона водийси – 1952 й), иқтисодиёт тармоқлари – саноат,

қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва истиқболи (Самарқанд ва Қашқадарё қишлоқ хўжалиги географияси), аҳолишунослик ва аҳоли географияси, шаҳаршуносликка доир илмий тадқиқотларни амалга оширдилар.

70 – йиллардан бошлаб мамлакатимиздаги таниқли иқтисодий географлар – З.М.Акрамов, А.Солиев, О.Ота – Мирзаев, иқтисодчилар – С.Зиёдуллаев, К.И.Лапкин, И.Искандаровлар раҳбарлигида ишлаб чиқариш кучларини самарали ҳудудий ташкил қилиш, ривожлантириш ва истиқболларини мажмуали ўрганувчи йўналишлар ва илмий мактаблар шаклланди.

Бу йўналишлар:

табиий шароит ва табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш ва минтақавий экологик муаммолар тадқиқоти;

аҳолишунослик ва аҳоли географияси, шаҳаршунослик;

саноат тармоқлари географияси, агросаноат мажмуаси, ижтимоий – иқтисодий (медицина, хизмат кўрсатиш каби) соҳалар ва минтақаларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши ва истиқболларининг тадқиқ қилишдан иборатdir.

Ўзбекистонда иқтисодчи ва иқтисодий географлар тайёрлашда 1950 йилда ташкил этилган Ўзбекистон ФА ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши (СОПС), ҳозирги кундаги Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига қарашли «Макроиқтисодиёт ва ижтимоий – иқтисодий тадқиқотлар институти» ҳамда 1957 йил ташкил этилган Ўзбекистон ФА География бўлими, Ўзбекистон Миллий Университети «Иқтисодий география» кафедраси, 1972 йилдан ташкил этилган География факультети қошидаги аҳолишунослик муаммолари лабораториясининг хизмати каттадир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва амалга оширилган туб иқтисодий ислоҳотлар миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва шакланишига, мамлакат хўжалик тизимининг байналмиллашуви билан жаҳон хўжалиги, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий – маданий ҳаётига доир дастлабки илмий – тадқиқотларнинг юзага келишига олиб келди. Бутунги кунда Ўзбекистон Президенти хузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши Академияси, Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт институти, Макроиқтисодиёт ва ижтимоий – иқтисодий тадқиқотлар маркази, Бозор ислоҳотлари илмий – тадқиқот институти, Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия институти, ЎзМУ, ТошИУ кафедраларида МДҲ, давлатлари, Шарқий Европа, иқтисодий

ривожланган мамлакатлар, Хитой, Шарқий ва Жануби-Фарбий Осиё мамлакатларида бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларининг ривожланиш масалалари ўрганилмоқда.

#### **1.4. «Иқтисодий география ва экология» фанининг тадқиқот усуллари**

Табиат ва жамият ўртасида алоқадорлик ва ижтимоий – иқтисодий тизимларни тадқиқ этиш ғоят мураккаб жараёндир. «Иқтисодий география ва экология» фани тадқиқотларида қуйидаги усуллардан:

а) тармоқлар бўйича (мамлакатлар ва иқтисодий районлар хўжалигининг алоҳида тармоқларини, шунингдек, жаҳон хўжалигининг тармоқ таркибини);

б) районлар бўйича: (мамлакатлар ва иқтисодий районлар хўжалик мажумасини);

в) маҳаллий (локал), яъни алоҳида олинган саноат корхонасини, фирмалар фаолиятини, аҳоли қўрғонлари, деҳқон – фермер ва уй хўжаликлари, ассоциациялар ва бошқа корхоналар хўжалик фаолиятини тадқиқ қилишда кенг фойдаланилади.

⇒ «Иқтисодий география ва экология» фанида тармоқлар бўйича тадқиқот усуллари муҳим ўрин тутади. Бу усул орқали жаҳон хўжалиги, иқтисодий район ва мамлакат бўйича иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари, тармоқнинг иқтисодий район ва мамлакат хўжалик ихтисослашувида тутган ўрни, истиқболда ривожланиши ҳамда иқтисодий районларнинг шаклланишидаги ўрни тадқиқ қилинади;

⇒ районлар бўйича – яъни район – мамлакат хўжалик мажмуасини, мавжуд табиий шароит, табиий, ижтимоий – иқтисодий ресурслар ҳамда илмий – техника инқилоби ютуқлари асосида самарали ҳудудий ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш ва шакллантириш тадқиқ қилинади. Шунингдек, район ва мамлакат бўйича мажмуали тадқиқотда район ва мамлакат ҳудудида ривожланаётган ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишнинг самарали шакллари, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва агросаноат мажмуалари, вертикал ва горизонтал ишлаб чиқариш алоқалари ҳамда энергия ишлаб чиқариш босқичлари (цикллари) ўрганилади.

⇒ Ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишни такомиллаштириш ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишда

маҳаллий усул, яъни аниқ корхона, фирмалар фаолияти, аҳоли қўргонлари, ассоциациялар, деҳқон – фермер ва уй хўжаликларининг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий эътибор маҳаллий шароит, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш алоқалари, ҳамда истиқболда ривожланиш масалаларига қаратилади.

⇒ «Иқтисодий география ва экология»» фани тадқиқотларда тариҳий усул кенг қўлланилади. Тариҳий усул айни вақтда барча ижтимоий – гуманитар фанлар тизимида ва табиий фанлар тизимида ҳам муҳим тадқиқот усули ҳисобланади. «Иқтисодий география ва экология»» фанида тариҳий усул орқали ишлаб чиқариш кучларининг турли тариҳий босқичларида ривожланиши, иқтисодий алоқалар, ҳалқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва шаклланиши, хўжалик ва аҳолининг ҳудудлар бўйича жойлашиши, табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши, ҳудудларнинг аҳоли томонидан ўзлаштириш ҳолати ва бугунги аҳволи, хўжалик ривожланиши ва жойлашиши хусусиятлари ўрганилади. Шунингдек, тариҳий усул ишлаб чиқариш кучларини яқин ва олис истиқболда ривожланиш йўналишларини белгилашда ҳам кенг қўлланилади.

⇒ Статистик усул – иқтисодий – географик ва экологик тадқиқотларда муҳим усуллардан бўлиб аҳолининг ижтимоий – иқтисодий фаолияти ва ҳудудлар бўйича мажмуули маълумотлар тизимини тадқиқ қилиш имконини беради. Статистик усул орқали ҳалқаро, минтақавий ва маҳаллий ижтимоий – иқтисодий тизимга доир факт ва рақамлар таҳлил қилинади. Чунки, статистик факт ва рақамлар «Иқтисодий география ва экология» нинг ўзига хос «нони» ҳисобланади.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида ҳудудлардаги иқтисодий – ижтимоий жараён, аҳолининг жойлашиши, умумий демографик жараён, меҳнат ресурслари, урбанизация, шаҳар ва бошқа аҳоли қўргонлари, шунингдек, иқтисодиётнинг муҳим соҳалари – саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмалари соҳаларининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари ҳамда истиқболда ривожланиш жараёнлари ўрганилади.

⇒ Иқтисодий районлаштириш усули – мамлакатларнинг табиий, ижтимоий – иқтисодий минтақаларининг мамлакат ички меҳнат тақсимотидаги ўрни, ихтисослашув ҳолатини ўрганиш, минтақалар бўйича узоқ муддатга мўлжалланган

ижтимоий – иқтисодий ва экологик сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради. Бу усул орқали мамлакатнинг ҳар бир минтақасининг ўзига хос табиий шароити, табиий ресурсларининг иқтисодиётни ривожланишдаги ўрни, хўжаликнинг тарихий – иқтисодий ривожланиши ва ҳозирги ҳудудий ташкил этиш ҳолати, мавжуд илмий – техник салоҳиятлардан фойдаланиши негизида самарали ишлаб чиқариш тизимини шакллантиришнинг йўналишлари белгиланади.

⇒ Социологик сўров (анкеталаштириш) – тадқиқотларда кенг қўлланиладиган усуллардан бўлиб, аниқ шароитда ҳудудлар, тармоқлар бўйича кенг маълумотлар олиш имконини беради. Бу усул, айниқса, ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий – иқтисодий – экологик муаммолар мажмуасини аниқлашда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг турли шаклларида юзага келган муаммоларни ўрганишда шунингдек, аҳоли ва меҳнат ресурслари билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ қилишда зарур бўлган мухим маълумотлар йигиш имконини беради.

⇒ Таққослаш усули – ҳудудлар хўжалиги ва аҳолининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имкониятини беради ва кўпроқ ўқув мақсадларида кенг қўлланилади.

⇒ Фактлар таҳлили усули – асосида тармоқлар ўртасида ва тармоқлар ичидағи фарқлар аниқланади ва корхоналар йўналиши белгиланади. Фактлар таҳлили кўплаб ҳодисаларни умумлаштириш ҳамда тармоқларни моделлаштириш учун керакли маълумотларни тайёрлаш имконини беради.

⇒ Иқтисодий – математик моделлаштириш – усули хўжалик ва аҳолига доир рақамлар мажмуасини таҳлил қилиш, ўрганилаётган жараённи миқдорий баҳолаш имконини беради. Ижтимоий – иқтисодий жараёнлардаги миқдор боғланишларнинг математик ифодасини кибернетика фанларида модел, уни тузиш эса моделлаштириш дейилади. Моделнинг аниқлиги, тўпланган маълумотлар даражаси ва ҳажмига, уларнинг тўғрилигига, тадқиқотчининг малакаси ва моделлаштириш жараёнидаги аниқланадиган масаланинг кўламига боғлиқ. Кейинги йилларда тармоқлараро ва ҳудудлараро ишлаб чиқариш тизимларининг баланслашда (мувозанатлаштириш), иқтисодиёт тармоқларини ва ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришнинг турли вариантларини аниқлашда моделлаштиришдан фойдаланил – моқда. Иқтисодий – математик моделлаштиришда ЭҲМ лар кенг қўлланилмоқда. Бунда чизиқли дастурлаштириш усули

құлланилади. Чизиқли дастурлаштириш ғоят хилма – хил иқтисодий жараёнлар учун оқилюна ечимларини аниклаш имконини берувчи математик дастурдир.

⇒ Аэрокосмик тәдқиқоттар усули – самарали тәдқиқот усулларидан бири. «Иқтисодий география ва экология» да кенглик бүйича, яғни катта ҳудудларда табиат, хұжалик, ақоли, атроф – мұхит мажмусини тәдқиқ қилишда кенг фойдаланылмоқда. Айни вақтда, аниқ ҳудудларда ишлаб чиқариш күчларининг ривожланиши, ҳудудий ташкил қилиш, хұжалик ва ақоли жойлашуви, шаҳарлар, агломерация ва иқтисодий районлар чегаралари, атроф – мұхит қолати түгрисида аниқ ва янги маълумотлар олиш имконини беради. Шунингдек, бу усул орқали керакли ҳудудни танлаб олиб ўрганиш ва натижаларни бошқа ҳудудларга тәдбиқ қилиш ҳам мүмкін.

⇒ Баланс ва гурухлаштириш усули – баланс усули иқтисодиёт тармоқлари, тармоқлараро, ижтимоий соҳаларда доимо ўзгариб турувчи иқтисодий күрсаткичлар мувозанатини ифодаловчи күрсаткичлар тизимиdir.

⇒ Гурухлаштириш усули – оммавий статистик маълумотларнинг бир хил, типик бўлган белгиларга кўра гурухлаштиришdir. Ушбу усул ўрганилаётган ижтимоий – иқтисодий жараёнларни ҳудудлар ва тармоқлар бүйича умумлаштириш имконини беради.

⇒ Эксперт баҳолаш усули – ишлаб чиқариш күчларининг тармоқлар ва ҳудудлар бүйича истиқболда ривожланишини юқори малакали эксперtlар ёрдамида баҳолашдир. Эксперт баҳолаш усули айниқса инсон хұжалик фаолияти туфайли атроф – мұхитда юз бераётган ўзгаришларни баҳолашда кенг құлланилмоқда.

⇒ Иқтисодий башорат (прогноз) қилиш усули. Иқтисодиётни ривожланиши, ақоли сони ва таркибини, ҳудудларнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётини илмий башорат қилишдан иборатдир. Иқтисодий башорат қилиш ижтимоий – иқтисодий, экологик муаммоларнинг олдиндан билиш, бу муаммоларни аниклаш ва жамият тараққиётининг илмий асосланған ечимларни ишлаб чиқиш имконини беради.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. «Иқтисодий география ва экология» фанининг предметини аниқланг?
2. «Иқтисодий география ва экология» фанининг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Ўзбекистонда «Иқтисодий география ва экология» фанининг қандай йўналишлари ва илмий мактаблари мавжуд?
4. «Иқтисодий география ва экология» фани қандай тадқиқот усулларидан фойдаланади?

## II БОБ. ДУНЁ СИЁСИЙ КАРТАСИ. ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ СИЁСИЙ КАРТАСИДА

### 2.1. Сиёсий карта тушунчаси. Дунё сиёсий картасининг қисқача шаклланиш босқичлари

Сиёсий карта – географик карта бўлиб мамлакатларнинг, минтақаларнинг ва дунёнинг сиёсий бўлиниш жараёнини ифодалайди. Сиёсий география – иқтисодий ва ижтимоий географиянинг муҳим тармоги бўлиб сиёсий – географик ҳолат ва давлатларнинг чегаралари, ҳудудларнинг шаклланиши, давлат тузуми ва сиёсий – маъмурӣ бўлиниш ҳамда жамиятнинг сиёсий – ижтимоий таркибини, давлатларнинг ҳозирги дунё сиёсий – иқтисодий тизимидағи роли ва ўрнини ўрганади.

Сиёсий география:

⇒ Ҳозирги босқичда дунёдаги мамлакатларнинг давлат ва жамият қурилишининг бош белгилари ва хусусиятлари, мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари;

⇒ Мамлакатларнинг сиёсий – географик яъни (геостратегик) микро, мезо ва макро ҳолати, давлат чегараларининг, ҳудудий таркибининг шаклланиш босқичлари;

⇒ Мамлакатлар аҳолисининг миллий, ижтимоий – сиёсий – иқтисодий ҳаётдаги роли ва ўрнини;

⇒ Мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги, ҳалқаро сиёсий, иқтисодий ва нодавлат ташкилотлардаги ўрни, мамлакатларнинг сиёсий мақсадлари ва ҳалқаро муносабатлар тизимидағи иштирокини тадқиқ қиласди.

Сиёсий – географиядаги энг муҳим географик муаммоларидан бири – дунё сиёсий картасининг шаклланиш жараёнидир. Бу жараён иқтисодий характерга ҳам эга бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг «вақт чизифи» давомида ривожланиш босқичларини ифодалайди. Дунё сиёсий картасининг шаклланиш жараёни аввало ижтимоий меҳнат тақсимотининг юзага келиши, хусусий мулкчиликнинг ривожланиши, синфларининг ва турли ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатларнинг **ижтимоий – сиёсий ходиса** сифатида ташкил топишини ифодалайди.

Дунё сиёсий картасининг шаклланишини қўйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Мил.олд IV минг – III мингинчи йиллардан то мил. V асрига қадар;
2. Мил V асрдан то XVII асрнинг ўрталари;
3. XVII аср ўрталаридан то XIX аср ўрталари;
4. XIX аср 70 – йилларидан то XX аср бошлари (1913);
5. XX – асрнинг 20 – 90 йиллари ва XXI аср бошлари;

### 1. Мил. олд. IV минг – III мингинчи йиллардан то мил.

V асрига қадар. Бу босқичда Атлантика океанидан Тинч океанига қадар бўлган миңтақада ўз даврининг йирик қулдорлик давлатлари шаклланди. Рим империясида 50,0 млн. аҳоли, Ҳиндистон ва Хитойда 40 – 50 млн.дан аҳоли яшаган. Дастрабки давлатлар билан бир қаторда давлат тузилишининг икки шакли: (Қадимги Миср, Вавилон, Оссурия, Эрон ва Рим империяси) монархия ва (Финикия, Греция шаҳар давлатлари, Қадимги Рим (биринчи босқичда)) республика юзага келди. Айни вақтда, қулдорлик миңтақасидан ташқари йирик ҳудудларда турли қабила ва халқлар яшаб, тараққиёт бошлангич босқичида эканлиги билан характерланар эди. Эрамизнинг I –асрида халқлар ва кабилаларнинг Буюк кўчиши йирик қулдорлик давлатларининг сиёсий жиҳатдан талвасага солди. Жумладан, V –асрда Рим империяси қулади ва қулдорлик тузуми барбод бўлди.

### 2. Милоднинг V асридан то XVII асрнинг ўрталаригача

Бу босқич Европада V асрдан – XVII асрга қадар давом этди, 1500 йилга келиб Ер шари аҳолисининг сони 400 – 500 млн.кишига етди. Бунинг 3/4 қисми Осиё қитъасига тўғри келар эди. Шаҳар ҳаёти бўйича Осиё Европадан ўзиб кетди. Аммо, Европада узоқ давом этган турғуналиқдан сўнг шаҳарлар – ҳунармандчилик, савдо, маданий ва сиёсий марказлар сифатида катта рол ўйнай бошлади.

Натурал хўжалик ва меҳнат тақсимотининг пастлиги оқибатида сиёсий карта ғоят майдо – майда бўллаклардан иборат эди. (биргина Германия ҳудудида 300 дан ортиқ кичик давлатлар бўлган). Ички бозорнинг шаклланиши, халқлар ўртасида этник консолидациянинг кучайиши билан йирик марказлашган, абсолют монархия типидаги давлатлар – Франция, Англия, Испания, Рус давлати, Ҳиндистон, Хитой, Темур давлати ва бошқ. юзага келди.

Саноат ривожланиши билан бир қаторда шаҳарлар тез ривожланди. Чунончи, XVII аср бошларида Лондонда 200 минг, Париж ва Неаполда 300 мингдан ортиқ аҳоли яшай бошлади. Аҳолининг миграцион ҳаракатлари кучайди. Бу

жараёнлар Европа мамлакатларидан Англия, Нидерландия, Францияга, озроқ Италия, Испания, Германияга хос бўлиб, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия ва Океанияда ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти паст даражада қола берди. Натижада, Европа жаҳон хўжалигида етакчи мавқега эга бўлиб қолди ва бутунги саноатлашган қиёфа учун асос солинди. Европанинг бу даврда жаҳон хўжалигида етакчи мавқега эга бўлишига ва Буюк географик кашфиётларда асосий рол ўйнашига қуйидаги шарт-шароитлар:

1. Иқтисодий яъни товар – пул муносабатларининг ривожланиши;
2. Сиёсий яъни йирик марказлашган давлатларнинг шаклланиши;
3. Ижтимоий – янги ерларни очиш ва ўзлаштириш учун малакали мутахассислар мавжудлиги;
4. Техник каравеллани, компас ва компас карталарининг яратилиши;
5. Илмий – табиий фанлардаги ютуқлар;
6. Тарихий – географик, яъни турк Усмонийлари томонидан Ўрта дengiz бўйи ва Шарқий Европанинг бир қисмини босиб олинганлиги кучли таъсир кўрсатди.

Буюк географик кашфиётлар (Америка – янги дунёнинг кашф этилиши) жаҳон сиёсий картасининг ва жаҳон хўжалигининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Буюк географик кашфиётлар оқибатида Испания – Америкада, Португалия ва Голландия – Осиёда дастлабки мустамлака – қарам ҳудудларга эга бўлди. Мустамлакалардан Европага қимматбаҳо металлар, шакар, чой ва бошқа «мустамлака маҳсулотлари» келтирилди. Асосий савдо йўллари Атлантика ва Ҳинд океанининг ички дengизларидан ўtdi. Европада – Лиссабон, Севилья, Антверпен ва Амстердам каби йирик порт шаҳарлар юзага келди. Географик меҳнати тақсимоти янада чуқуралашди.

3. XVII аср ўрталаридан XIX аср ўрталарига қадар бўлган, босқичда том маъноси билан Европада «саноат инқилоби» даври бўлиб, мануфактура (кўл билан ишлаб чиқариш) босқичидан фабрика – завод ишлаб чиқариш босқичига ўтаетганлиги билан характерланади. Европа мамлакатларида индустрлаштириш, саноатнинг моддий ишлаб чиқаришнинг бош соҳасига айланиши жараёни бошланди. Буғ мاشинасининг (1784) ихтиро қилиниши эса саноат ва транспортда (паровоз, пароход) инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлди.

1789 – 1793 йиллардаги Буюк Француз инқилоби сиёсий устқурмада ҳам муҳим ўзгаришларга олиб келди. Абсолют монархия ўрнига республика (Францияда), конституцион монархия (Буюк Британия, Нидерландия) тизимлари қарор топди ва бутунги кунга қадар ҳам сақланиб келмоқда. Бу босқичнинг муҳим ижтимоий оқибатлари аввало аҳоли сонининг фоят тез кўпайиши (1650 йилда 550 млн.кишидан, 1850 йилда 1250 млн.кишига етди) ва шаҳарларнинг йириклишуви, континентларо миграцион ҳаракатларнинг жонланиши (асосан Европа мамлакатларидан Америка ва Австралияга), миллатларнинг шаклланиши билан характерланади. Осиё, Америка, Австралияning ички районларини ўзлаштириш давом этди.

Европада ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланишига саноат инқилоби фоят кучли таъсир этди. Жаҳон иқтисодиётida Европа сўнгра, 1776 йилда ташкил топган АҚШ катта ўрин тува бошлади. Англия жаҳон мамлакатлари ўртасида саноат, савдо, молия ва ҳарбий жиҳатдан етакчи мавқега эга бўлди. Лондон жаҳондаги энг йирик шаҳар, порт ва молия марказига айланди. 1870 йил жаҳон саноат ишлаб чиқаришнинг 33,0 фоизи Англия ҳиссасига, 25,0 фоизи эса АҚШ ҳиссасига тўғри келар эди. Буюк Британия – Испания, Нидерландия, Франция билан урушлар олиб бориб, умумий майдони 22,0 млн.км.кв бўлган (Хиндистон, Канада, Австралия, Жанубий Америкада) ҳудудларни ўзига қаратиб олди. Испания эса ўзининг Лотин Америкасидаги деярли барча мустамлакаларидан ажраб қолди. (Лотин Америкасидаги 1810 – 1825 йиллардаги миллий озодлик ҳаракати натижасида.) Бу ҳолат Англияни жаҳон иқтисодиётни ва сиёсий картасида ҳаддан ташқари катта ўрин тутишига олиб келди.

Бу босқичнинг бош иқтисодий хусусиятлари хўжаликнинг янада байналминалашуви ва ҳалқаро географик меҳнат тақсимотининг чуқурлашувидир. Ҳалқаро савдода мустамлакалар ўрни қўйидаги омиллар билан белгиланар эди.

1. Мустамлакалар тор доирадаги қимматбаҳо маҳсулотларни етказиб беришдан ташқари ривожланган плантация хўжалиги (тропик деҳқончилик) маҳсулотларини етказиб бера бошлади. Эски Дунёдан «Янги Дунё» га шакарқамиш, кофе, чой, пахта экинлари, Янги Дунёдан Эски Дунёга эса маккажўхори, картошка, памидор, какао, тамаки экинлари ўтди.

2. Мустамлакалар плантация хўжаликлари учун ишчи кучи етказиб берди. Қул савдоси ривожланди, бундан Африка катта зарар кўрди.

3. Мустамлакалар метрополиялар учун саноат маҳсулотлари сотадиган бозорга айланди. Дастлабки ишлаб чиқариши оқилона жойлаштириш концепциялари ҳам юзага келди. Масалан, немис иқтисодчиси ва иқтисодий – географи Г.Тюненнинг (1783 – 1850) «қишлоқ хўжалигини жойлаштириш» назарияси бевосита Германия шароитида бозор муносабатларига хос юқори фойда олиш билан боғлиқ дастлабки илмий қарашлардан ҳисобланади.

4. XIX аср 70 – йилларидан XX аср (1913 й) бошларигача. Бу босқичда ишлаб чиқариш кучлари янада ривожланди. Айниқса, саноат тармоқлари гуркираб ўсади. 1870 – 1913 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5 марта га кўпайди. Саноатнинг янги тармоқлари – электро энергетика, нефть қазиб чиқариш, машинасозлик, кимё тез ривожланди.

Оғир саноат енгил саноатдан устун ривожланди. Ишлаб чиқариш ва капитал концентрациясининг кучайиши эса ишлаб чиқариши бошқаришнинг юқори ва самарали шакллари (монополиялар, концернлар ва синдикатларни) юзага келтирди. Ишлаб чиқаришнинг умумлашуви ҳудудий умумлашувнинг кучайишига ва саноат тутунлари, марказлари, районларининг шаклланишига олиб келди. Оғир саноат асосан кўмир ҳавзаларида (Рур, Донецк, Аппалачи, Марказий Англия ва бошқ.) ривожланди. Дастлабки, саноат – шаҳар агломерациялари юзага келди.

Ички ёнув двигателини ихтиро қилиниши оқибатида транспорт тармоқларида янада кучли ўзгаришлар рўй берди. Россия, АҚШ ва Канадада дастлабки трансконтинентал темир йўллар қурилди. Денгиз транспорти континентлараро аҳамият касб этди. (Елканли кемалар буғ билан юрадиган кемалар билан алмашди.) Сувайш ва Панама каналларининг қурилиши туфайли океанлараро юқ йўналишлари шаклланди. Транспортнинг ривожланиши халқаро бозорни янада кенгайишига олиб келди.

XX аср бошларида жаҳон мамлакатларида ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти ички қарама – қаршиликларга бойлиги, иқтисодий ва сиёсий нотекислик билан характерланади. Бу жараён айниқса, АҚШ учун хос бўлиб, XIX – асрнинг 60 – йиллари охиридан иқтисодий юксалиш палласига кирди. 1913 йилда АҚШ нинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси 36,0 фоизни ташкил қилди. Бу Англия,

Франция, Германияни биргалиқда олғанда ҳам күпроқ зеди. Нью-Йорк нафақат жаҳондаги энг йирик шаҳар бұлибина қолмасдан, Лондон ва Париж шаҳарларининг бир қатор функцияларини ўз устига олди ёки И.А. Витвер фикрича, жаҳон хўжалиги «Евромарказдан», «икки марказ» лилика айланди.

Европада Германия (1871 йилги бирлашувдан сүнг) иқтисодий тараққиёт йўлига кириб Англиядан ўтиб кетди. Франция ва Фарбий Европадаги бошқа бир қатор мамлакатларда иқтисодий тараққиёт нисбатан секинрок эканлиги билан характерланса, Щарқий ва Жанубий Европа мамлакатларида иқтисодий тараққиёт анча бўш зди.

Осиё (Япониядан ташқари) Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари иқтисодий жиҳатдан қолоқ, агарар хом – ашё мамлакатлари бўлиб қола берди. Худди шундай ҳолат Россиянинг мустамлакаси ҳисобланган Туркистон ўлкаси учун ҳам хос бўлиб, у типик агарар хом – ашё ҳудуди, тайёр маҳсулотлар сотилиадиган ўлка зди.

«Буюк давлатлар»нинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти ҳамда «Европадаги имтиёзли майда миллат»лар (Швеция, Бельгия, Нидерландия) дунёни ўзларининг таъсир даражаларига киритиш ва бўлиб олиш учун курашдилар. Дастрраб, Африка ва Океания тўла бўлиб олинди. Буюк Британия ўзининг мустамлакаларини янада кенгайтириди. Германия, Бельгия, Италия, АҚШ, Япониядан иборат мустамлакачи давлатлар юзага келди. Франция мустамлакалари кенгайди. Буюк Британия ўзининг мустамлакаларини кенгайтириб, 33,0 млн. кв.км. га етказди.

Бўлиб олинган дунёни қайта бўлиб олиш учун бўлган кураш биринчи жаҳон урушига (1914–1918) олиб келди. Мустамлака қарамлигининг шакллари ўзгарди. Колониал қарамликнинг протекторат шакли кенг ёйилди. Буюк Британия таркибидағи бешта ривожланган ишлаб чиқариши муносабатлари кўчирма қилинган – мустамлакалар доминон мақомига эга бўлди. Хитой, Эрон, Туркия амалда ярим мустамлака ҳудудлар бўлиб қолди. XIX аср охири XX аср бошларida дунё иқтисодий жиҳатдан ҳам таъсир минтақаларига бўлиб олинди. Иқтисодий жиҳатидан ривожланган мамлакатлар АҚШ, Европа мамлакатлари бўлса, Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Австралия ва Океания мустамлака ва қарам ҳудудлар бўлиб қолди.

Айни вақтда, бу ҳудудлар ривожланган мамлакатларнинг агарар хом – ашё районига айланди. Бу мамлакатлар озиқ – овқат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

етказиб беришдан ташқари арzon ишчи кучи етказиб берадиган район ва тайёр маҳсулотлар сотиладиган бозор ҳам эди. Бир қатор мамлакатлarda қишлоқ хўжалик ихтинослашуви монокультурага (якка ҳокимликка) асосланиб қолди. Шунингдек, Канада, Аргентина, Австралия, Янги Зелландия, ЖАР мамлакатлари ҳам озиқ – овқат, хом – ашё етказиб берувчи минтақага айланади.

5.XX асрнинг 20 – 90 йиллари ва XXI аср бошлари ХХ асрнинг 20 – 90 йиллари ва XXI аср бусағаси дунё сиёсий картасида ва жаҳон хўжалигида муҳим миқдор ва сифат ўзгаришлари юз берганлиги билан ажralиб туради. Дунё сиёсий картасидаги ўзгаришлар:

а) 1917 йил Россияда октябр тўнтариши билан боғлиқ жаҳоннинг икки ижтимоий – иқтисодий тузумга бўлиб юборилиши;

б) 1939 – 1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши оқибатида Європа сиёсий картасида Германиянинг учга (ГФР, ГДР ва Фарбий Берлин) бўлиниши; Шарқий Европада ҳалқ демократияси шаклидаги давлатларнинг (ПХР, ЧССР, ВХР, РСР, БХР, ЮСФР, АХДР, ГДР, Осиёда, – ХХР, КХДР, ВСР) Лотин Америкасида эса 1959 йил Кубанинг, 1970 йил ўрталаридан ЛХДР ни юзага келиши;

в) XX аср 50 – йилларнинг ўрталаридан мустамлака ва қарам ҳудудларда мустақиллик учун курашнинг кучайиши оқибатида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси, Океания ҳудудида 120 дан ортиқ мустақил давлатларнинг юзага келиши<sup>1</sup> ва тараққиёт йўлига кириши бу мамлакатлар дунё сиёсий картасида умумий ном билан «ривожланаётган мамлакатлар» деб юритилиши<sup>2</sup>;

г) XX асрнинг 80 – йиллари ўрталардан бошлаб социалистик тузумнинг ижтимоий – иқтисодий тизим сифатида таназзулга юз тутиши, аввало Шарқий Европа мамлакатларида, сўнгра 90 – йилларнинг бошларида собиқ Иттифоқ ҳудудида сифат жиҳатидан янги мустақил давлатлар

<sup>1</sup> Собиқ мустамлака, ярим мустамлака ва қарам ҳудудлар ўринда метрополия давлатлари бошчилигида иттифоқлар – чунонча, Буюк Британия етакчилигига «Ҳамдўстлик», Франция ҳамкорлигига «Ҳамжамият», АҚШ етакчилигига «Эркин қўшилган ҳудудлар» юзага келди.

<sup>2</sup> 1919 йили қуруқликнинг 70,0 фоизи (биргина Буюк Британия мустамлакаларининг ҳудуди 35,0 млн.км.кв бўлиб, 300 млн.дан ортиқ аҳоли яшаган) мустамлака, ярим мустамлака, қарам ҳудудлар бўлса, 2000 йил мустамлака ва қарам ҳудудлар қуруқликнинг 0,2 фоизи ва жаҳон аҳолисининг 0,1 фоизини ташкил қилди.

— Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Албания, Сербия, Чернегория, (Сербия ва Чернегория биргалиқда Югославия иттифоқини ташкил қылдилар), Словения, Хорватия, Босния ва Герцеговина ҳамда Латвия, Литва, Эстония, Беларус, Молдова, Грузия, Озарбайжон, Арманистан, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистан, Ўзбекистон ва Туркманистаннинг ташкил топиши ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва Германиянинг ягона давлат сифатида бирлашуви;

а) Яқин Шарқда Истроил – Фаластин муаммосининг босқичма – босқич ҳал қилиш жараёнининг бошланиши (1993 – 1999 йиллар) билан боғлиқ. Шунингдек бу босқичдаги асосий иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар:

1. Саноатнинг бир қатор тармоқлари, чунончи, электро – энергетика, нефть, алюминий эритиш, самолётсозлик, пластмасса ишлаб чиқариш, транспорт тизимида – автомобиль, ҳаво, қувур, алоқада – радио тез ривожлаанди. Қишлоқ хўжалиги интенсив тараққиёт йўлига кирди.

2. 50 – йиллардан бошлаб жаҳон хўжалигида мұхим сифат ўзгаришларга олиб келган илмий – техника инқилоби (ИТИ) бошланди. ИТИ жамиятнинг ёқилғи – энергетика асосига, меҳнат воситалари, меҳнат предметлари ва ишлаб чиқариш технологиясига кучли таъсир кўрсатди ва мұхим сифат ўзгаришлари юз берди.

3. ИТИ жаҳон хўжалигида мұхим тармоқ ўзгаришларга олиб келди. Тармоқ таркибида макро ўзгаришлар – саноатни моддий ишлаб чиқаришнинг барқарор ва самарали соҳасига айланиши, ноишлаб чиқариш (инфраструктура) соҳалари ҳиссасининг барқарор ортиб бориши ва қишлоқ хўжалиги ҳиссасининг қисқариш жараёни бошланди. Мезаструктурадаги (тармоқлараро) ўзгаришлар – саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ноишлаб чиқариш соҳалари ичиди юз бермоқда. Чунончи, саноатда қазиб берувчи саноат ҳиссасининг қисқариши – «зарбдор учлик» тармоқлари – (машинасозлик, кимё, электро – энергетика) ҳиссасининг тобора ортиши, қишлоқ хўжалигида – чорвачилик, транспортида – автомобиль, ҳаво ва қувур транспорти, ташки савдо ҳиссаси ортмоқда. Микро тармоқдаги ўзгаришлар аввало энг мураккаб ва табақалашган – машинасозлик ва кимё саноати учун хосдир. Масалан: машинасозлиқда ИТИ таъсиридаги бир гурӯҳ соҳалар – электрон жиҳозлар, ўта аниқ электро техника, автоматлаштириш воситалари ва жиҳозлари, авиакосмик ва атом техникаси, приборсозлик, метални қайта

ишлиш ва кимё – технология жиҳозлари ишлаб чиқариш олдинги ўринга чиқиб олди. Анъанавий тармоқлар – станоклар, темир йўл составлари, юқ автомобиллари, дengиз кемалари, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш ҳиссалари қисқармоқда.

4. ИТИ ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашишига кучли таъсир этди. Ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишидаги «анъанавий» омиллар билан бир қаторда – ҳудудий интеграция, табиий ресурслар, меҳнат ресурслари («ақл оқими») радио – электроникада (аёллар меҳнатидан кенг фойдаланиш), транспорт, инфраструктура, фан талаб ва экологик омилларнинг роли кучайганлиги билан ажralиб туради.

Айни вақтда аҳоли кўпайишининг тезлашуви («демографик портлаши») урбанизация жараёнининг кенгайиши, меҳнат жараёнининг чуқурлашуви, меҳнат ресурслари таркибидағи жиiddий ўзгаришлар ва этник жараёнлар ривожланди.

## **2.2. БМТ тамойиллари бўйича мамлакатларни гуруҳлаштириш**

Бугунги дунё сиёсий картасида 209 та давлат мавжуд. 1900 йилда дунё сиёсий картасида – 55 та мустақил давлат бўлса, 1947 йилда – 57 та, 1980 йилда – 160 та ва 1999 йилда – 187 тага етди. Дунё сиёсий картасида мамлакатларни турли кўрсаткичлар бўйича гуруҳлаштирилади. Жумладан:

- Ҳудудлар бўйича – чунки мамлакат ҳудуди ва аҳолисининг катталиги – сиёсий иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш омилидир. Шунга кўра, дунё сиёсий картасидағи мамлакатлар йирик, ўрта, кичик (митти) давлатларга бўлинади. Ҳудуди ва аҳоли сони жиҳатидан мамлакатлар, ўртасида фарқ жуда катта, яъни Россиядан (17,8 млн.кв.км.) то энг митти давлат Ватиканга (0,44 км.кв) қадар бўлинади. З млн.кв.кмдан ортиқ ҳудудга эга бўлган (Россия, Канада, ХХР, АҚШ, Бразилия, Австралия ва Хиндиистон) яъни 7 давлат қуруқликнинг 50,0 фоиздан ортигини эгаллайди. 100,0 млн.дан ортиқ аҳолига эга мамлакатлар 10 та бўлиб жаҳон аҳолисининг 3/5 қисмини ташкил қиласди.

Мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий – географик ҳолати бўйича, (Н.Н.Баранский) гуруҳлаштириш: дунё сиёсий картасида давлатларнинг жойлашиши ҳолатига кўра орол, яrim орол, архипелаг мамлакат, дengиз бўйи мамлакатларига

бўлинади. 40 га яқин мамлакат эса денгизга ва дунё океанига чиқа олмайди.

- Дунё мамлакатларининг маъмурий – ҳудудий бўлинишига кўра гурӯхлаштириш. Бутунги кунда дунёдаги 187 та мустақил мамлакатларнинг ва маъмурий – ҳудудий бўлиниш турличадир. Дунё мамлакатлари маъмурий – ҳудудий бўлинишига кўра унитар ва федератив давлатларга бўлинади. Дунё сиёсий картасидаги федератив давлатлар 20 га яқин бўлиб ё милий – этник хусусиятларига кўра, (Россия, Бельгия, Ҳиндистон, Нигерия) ёки тарихий – географик хусусиятлари (ГФР, Австрия, АҚШ) билан боғлиқ ҳолда федерация сифатида таркиб топган.

- Унитар давлат (францўзча «унитар», лотинча «унитас» – бирлик яхлит, бирлашган, бир бутунни ташкил қилувчи) ташкил қилувчи қисмлари давлат мақомига зга бўлмаган давлат. Бундай давлатда ягона олий конституция, ягона фуқаролик, ягона олий қонун чиқарувчи, ягона бошқарув ва суд органларч мавжуд бўлади. Унитар давлатнинг у ёки бу қисмида фао. яят кўрсатаётган давлат органлари маҳаллий давлат органлари ҳисобланади. Унитар давлат маъмурий – ҳудудий бирликларининг чегаралари марказий органлар томонидан қабул қилинган қонунлар асосида ўзгартирилади ва бунинг учун маҳаллий давлат органлари ёки аҳолининг розилиги талаб қилинмайди. Давлат органлари ўз фаолиятларини марказдан тайинланадиган махсус вакил (губернатор, комиссар, ҳоким ва хоказо) назорати остида амалга оширадилар.

- Федератив – лотинча «федерал» – иттифоқ бўлиб мустаҳкамлаш) – давлат тузилиши шаклларидан бири. Федератив давлатлар мураккаб тузилишга эга давлатлар деб ҳам юритилади. Бунинг боиси шундаки, федератив давлат, одатда, давлатларнинг ўз сиёсий мустақиллигини ихтиёрий равишда ва муайян доирада чеклаши йўли билан иттифоқка бирлашуви натижасида юзага келади.

#### Федерация яхси белгилар:

⇒ Федерация ҳудуди унинг субъектлари, яъни таркибий қисмлари баъзи давлатларда – штатлардан (АҚШ, Мексика, Бразилия, Венесуэла, Ҳиндистон, Австралия, Малайзияда), баъзиларида – провинциялардан (Аргентина, Канада), ёки ерлардан (Олмония ва Австрияда ва хоказо) иборат бўлади.

⇒ Федерация субъектлари, одатда федератив давлат конституциясига зид бўлмаган ўз конституциясини қабул

қилиш ҳуқуқига эга бўлади, лекин баъзи бир федератив давлатларда (масалан, Канаданинг провинциялари, Венесуэланинг штатлари, шунингдек, Ҳиндистоннинг кўпигина штатлари) бундай субъектлар ўзларининг мустақил конституцияларига эга эмас.

⇒ Федерация ва унинг субъектлари ваколатлари ўртасидаги чегара иттифоқ конституциясида белгиланади. Барча федератив давлатларда икки поғонали давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд органлари мавжуд. Биринчи поғона – федерациянинг олий қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятлари. Иккинчи поғона эса ҳар бир федерация субъектининг олий қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятидан иборат. Уларнинг ваколатлари конституция билан белгиланади. Ваколатларнинг чегаралари турли хилдир. Масалан, бир қатор давлатларда, жумладан, АҚШ, Швейцария, Бразилия, Канада, Аргентина, Венесуэла ва Мексиканинг федерал конституциясида икки турдаги ваколат доираси белгиланган: а) федерал ҳокимиятнинг мутлақ ваколат доирасига кирган масалалар (мудофаа, пул чиқариш, ташқи алоқа); б) федерация субъектларининг мутлақ ваколатига кирган масалалар (штат, олий қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд органларини тузиш, штатларнинг ўз қонунларини қабул қилиши, бюджет масалалари).

⇒ Баъзи бир давлатларда (масалан ГФР, Ҳиндистон, Малайзияда) юқоридаги икки ваколат доираси учинчӣ ваколат доираси билан тўлдирилади. Унга кўра, баъзи масалалар, бир вақтнинг ўзида ҳам федерация субъекти ваколатига киритилган. Бу ваколат доираси турига биноан, агарда бир масалани федерал қонунчилик билан федерация субъекти қонунчилиги турлича тартибга соладиган бўлса, федерал қонунчилик амал қиласи, яъни умум федератив қонунчиликка имтиёз берилади.

⇒ Ҳар бир федерация субъекти ўзининг ҳуқуқ ва суд тизимида эга бўлади. Масалан, 50 штатдан ташкил топган АҚШ да ҳар бир штат бир – биридан фарқ қилувчи ҳуқуқ тизими ва ўз суд тизимида эга.

⇒ Кўпигина федератив давлатларда умумдавлат фуқаролиги ва айни вақтда федерация субъектларининг ўз фуқаролиги ҳам мавжуд бўлади. Лекин бу хусусият ҳамма федератив давлатларга хос эмас. Масалан, Канада, Венесуэла, Ҳиндистон ва Малайзияда фақатгина федерал фуқаролик белгилаб қўйилган.

Федерация субъектлари одатда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида федерал парламентта маҳсус палатага эгадирлар (масалан, АҚШ Конгрессининг юқори палатаси – Сенат, Олмония парламентида – Бундестаг, Ҳиндистон парламентида – Штат кенгаши, Мексика Конгрессида – Сенат ва хоказолар шу вазифасини бажарадилар). Лекин, улар унитар давлатлардаги парламентларнинг юқори палатасидан жуда кам фарқ қиласидар. Чунки, одатда, федерация субъектлари миллий давлат тузилмалари, сифатида қаралмайди ва улар маҳсус манфаатларга эга эмас (Мустақиллик: изоҳли илмий – оммабоп лугат.: 1998. 219 – 220 – б).

Республика – (лотинча «рес» – иш ва «публикас» – ижтимоий: умумхалқ иши) – давлатни бошқаришининг асосий шаклларидан биридир. Бошқаришнинг республика шакли ўрнатилган мамлакатларда давлат ҳокимиютигининг олий органлари муайян муддатга сайланиб қўйилади.

Тарихда республиканинг ҳар хил турлари бўлган. Қадимги Юнонистон ва ўрта асрлар давридаёк, айрим давлатлар, бошқариш шаклига кўра, аристократик ёки демократик республика шаклида бўлган. Қадимги даврда – Спарта ва Рим, ўрта асрларда Генуя, Венеция, Флоренция, Буюк Новгород ва Псков шаҳар – давлатлари аристократик республика шаклида бўлганлар. Демократик республика Қадимги Греция – Афинада ўрнатилган бўлиб, фуқаролар учун умумий сайлов ҳуқуқи жорий қилинганлиги, ҳар иили қонунларнинг қайтадан тасдиқланганлиги ва мансабдор шахсларнинг қайтадан сайланганлиги, олий ҳокимият органи – Халқ мажлиси эканлиги билан характерланади.

Республиканинг турли шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари хақидаги фикрлар қадимги давр мутафаккирлари асарларида кўплаб учрайди. XIX – XX асрларга келиб, республика давлатни бошқаришининг энг кенг тарқалган шаклига айланди. Ҳозирги даврда республиканинг учта асосий тури мавжуд: Президентлик республикаси, парламентар республика ва аралаш республика.

Президентлик республикасининг Америка Қўшма Штатлари, Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Гватемала, Замбия, Кения, Колумбия, Мексика, Парагвай, Перу, Сальвадор каби мамлакатлар учун хос хусусиятлари: маҳсус ташкил этилган коллегиал орган томонидан сайланиши; президентнинг парламентдан мустақиллиги: бош вазир

лавозимининг йўқлиги: ҳукуматнинг президент томонидан тузилишидир.

Парламент республикасида кўп partiyaийлик тизими ривожланган бўлиб, мамлакат аҳолиси давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи орган – парламент депутатларини маълум бир муддатга сайлайди: парламент сайловларида галаба қозонган партия раҳбарлари ҳукуматни тузадилар, агар ҳеч бир партия вакиллари парламентда кўпчилик ўринларни ололмаса, коалицион (аралаш) ҳукумат ташкил қилинади: давлат бошлиги – Президент парламент томонидан сайланади; ҳукумат бошлиги бош вазир бўлиб, реал ҳокимият унинг қўлида тўпланади, ҳукумат, парламент олдида жавоб беради; ҳукумат таркибини парламент белгилайди, унинг қабул қиласиган қарорларига ўз таъсирини кўрсатади, бутун ҳукуматни ёки унинг айrim аъзоларини истеъфога жўнатади. Парламентар республикада бошқариш, қонун чиқариш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда президент эмас, балки бош вазир ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Давлатни бошқаришнинг парламентар республика шакли ҳозирги даврда Олмония Федератив Республикаси, Италия, Ҳиндистон, Австрия, Албания, Бангладеш, Истроил, Польша, Руминия, Туркия каби мамлакатларда ўрнатилган.

Аралаш республикада президентлик ва парламентар республиканинг асосий хусусиятлари биргалашиб ўз аксини топади. Унинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, президент билан ҳукумат ўртасида тўғридан – тўғри юридик алоқа заифдир. Президент бевосита ҳалқ томонидан маълум муддатга сайланади. У бевосита ҳукуматта раҳбарлик қилмайди. Ҳукуматни бош вазир бошқаради. Парламент билан ҳукумат ўртасида келиштириб бўлмайдиган низо келиб чиққанда, президент конституцияга биноан, парламентни ёки унинг қўйи палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Қонун билан белгиланган муддат ўтгандан сўнг, ҳалқ томонидан сайланган ҳокимият органларининг ваколати тутатилади ва уларга қайтадан сайлов ўтказилади. Аралаш республика шакли ҳозирги даврда Франция ва Россия Федерацияси учун хосдир.

80 – йилларнинг охiri 90 – йилларнинг бошида собиқ СССР ҳудудида ниҳоятда мураккаб сиёсий ва мафкуравий вазият мавжуд пайтда, Ўзбекистондаги муайян вазиятни инобатга олиб, ижодий равища республикавий бошқаришнинг шундай шакли танлаб олиндики, у Президент республикаси, парламентар республика ва аралаш республикага хос томонлар ва жиҳатларини ўзида

мужассамлаштиради. Бу нарса давлатимизни ҳозирги замоннинг мураккаб вазиятида талаб даражасида бошқариш имконини беради. (Мустақиллик: изоҳли илмий—оммабоп луғат. Т.: 1998, 185—187 бетлар.).

Давлат бошқарувининг монархия шакли 30 та мамлакатда мавжуд. Монархия — давлат бошқарувининг шундай шаклики — давлат бошлиғи император, қирол (қиролича), герцог, князь, султон, шайх ва бошқалар. Бунда олий ҳокимиятни бошқариш авлоддан — авлодга мерос тарзида ўтади. Монархия бошқаруви хилма — хил бўлиб, конституцион монархия, абсолют (теократик) монархия шаклига эга, Европада митти давлатлар Монако, Лихтенштейн кабиларда — герцоглик ва Ватиканда эса теократик монархия бошқарув шаклари қарор топган.

Буюк Британия дунёдаги энг қадимги конституцион монархия бошқарувига эга. Қирол (қиролича) Елизавета II — давлат бошлиғи, олий суд, қироллик қўшинлари олий бош қўмондони, англосакс черкови ва Британия ҳамжамияти<sup>1</sup> бошлиғидир. Амалда эса қонун чиқарувчи олий орган парламент ва ижро этувчи орган министрлар кабинетидир. Қирол парламент қабул қилган қарорларни тасдиқлайди.

Япония ҳам конституцион монархия типида бўлиб, император давлат ва миллат рамзи ҳисобланади, қонун чиқарувчи орган парламент, ижро этувчи орган — министрлар кабинетидир.

Саудия Арабистони эса абсолют монархия бўлиб, давлат бошлиғи қирол ҳам қонун чиқарувчи ҳам ижро этувчи ҳокимият, бир вақтнинг ўзида бош министр, қуролли кучлар олий бош қўмондони, олий суд ва дин пешвосидир. Ҳукумат асосан қирол оиласи аъзоларидан иборатdir.

Халқаро амалиётда дунё мамлакатлари З та асосий гуруҳга:  
а) иқтисодий ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари;  
б) бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар;  
в) ривожланаётган мамлакатларга бўлинади.

Дунё мамлакатларини бундай гуруҳлаштириш БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) томонидан таҳдил қилишни қулайлаштириш мақсадида қилинган.

<sup>1</sup> Британия ҳамжамияти Буюк Британияга қарашли собиқ мустамлакалар озодликка эришгандан сўнг юзага келган бўлиб, ҳозир унинг таркибига 50 та мамлакат киради.

- а) Иқтисодий ривожланган бозор иқтисоди мамлакатлари – таркибиға 24 та давлат киради. Бу гурұх таркибида саноати ривожланган ялии ички маңсулот (**ЯИМ**) ұажми катта бўлган иқтисодий ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари – Германия, Италия, Канада, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония; Европа Иттифоқи (**ЕИ**) – Бельгия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Буюк Британия, Франция, Швеция, Финляндия ва Австрия; Европа эркин савдо ассоциацияси (**ЕАСТ**) Австрия, Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швейцария, Швеция; Бенилюкс, (Бельгия), Нидерландия ва Люксембург ва Шимолий Америка эркин савдо келишуви (**НАФТА**) – АҚШ, Канада, Мексика ва Австралия мавжуд.
- б) Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар қуйыдаги кичик гурӯҳларга: Шарқий Европа мамлакатлари – Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия; МДҲ ва Болтиқ бўйи мамлакатлари – Россия, Украина, Беларус, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тоҷикистон, Арманистон, Молдава, Озарбайжон, Грузия, Латвия, Литва ва Эстония, шунингдек собиқ Югославия ўрнида юзага келган мустақил давлатлар; Хорватия, Словения, Македония, Югославия (Сербия ва Чернегория федерацияси)дан иборат.

Бу гурӯх мамлакатларида XX аср 80–йилларининг ўрталаридан бошлаб дастлаб Польшада, сүнгра Шарқий Европанинг бошқа мамлакатлари ва 90–йилларининг бошларидан СССР ва Югославияда иирик сиёсий, иқтисодий–ижтимоий ҳаётда катта тарихий ўзгаришлар бошланди, 90–йиллар бошидан бошлаб деярли юқоридағи барча мамлакатларда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида – бозор муносабатларига ўтиш ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш босқичи бошланди.

90–йилларнинг охирига келганды Польша, Чехия, Венгрия, Руминия, Болгария ва Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг натижасини берди ва иқтисодий–ижтимоий ҳаётда сезиларли ўзгаришлар – барқарор иқтисодий ўсиш бошланди.

в) Ривожланаётган мамлакатлар – одатда иқтисодий–географик ҳолатларига кўра минтақалар бўйича гурӯҳланади. Таҳдил қилиш мақсадларида, улар фаол тўлов балансига зга мамлакатларга ва капитал импорт қилувчи мамлакатларга бўлинади. Капитал импорт қилувчи мамлакатлар ўз навбатида энерго ресурсларни экспорт қилувчи ва энерго ресурсларни

импорт қиуувчи мамлакатларга бўлинади. Энерго ресурсларини экспорт қиуувчи мамлакатда дастлабки энерго ресурсларини ишлаб чиқариш (тошкўмир, лигнит, нефть, табиий газ, гидро ва атом энергетикаси) ўзининг эҳтиёжларидан камида 20,0 фоиз ортиқроқ бўлиши лозим. Ривожланаётган мамлакатлар сафида фаол тўлов балансига эта, энерго ресурсларини импорт қиуувчи, кейинги йилларда тайёр буюмларни катта муваффақият билан экспорт қиуувчи Осиё мамлакатлари ва ҳудудлар (Сянган, Корея Республикаси, Сингапур ва Тайван) мавжуд.

Ривожланаётган мамлакатлар ўртасида кейинги 20 йилда чуқур иқтисодий табақаланиш юзага келмоқда. Бугунги кунда уларни 3 га ажратиш мумкин. Биринчи гурухни саноати ривожланган мамлакатлар – «янги индустрисал мамлакатлар» гуруҳи ташкил қиласди. Бунга – Аргентина, Бразилия, Сянган, Корея Республикаси, Мексика, Сингапур, Тайван ва Туркия киради. Оралиқ гуруҳга ялпи ижтимоий маҳсулот, саноат ишлаб чиқариш ҳажми, аҳоли жон бошига товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича сезиларли даражада орқада бўлган Яқин Шарқ мамлакатлари киради. Бу мамлакатларда иқтисодиётнинг тармоқ таркиби, аҳолининг ижтимоий қатламлари ва жамиятдаги ҳолати фоят турличадир.

Шунингдек, нисбатан «ривожланган мамлакатлар» гуруҳига 50 га яқин мамлакатлар киради. Бу мамлакатлар тор монокультура хўжалик тизими ва хориж капиталига боғлиқлиги билан ажralиб туради. БМТ' бу мамлакатларга нисбатан 3 та ўлчов билан ёндошади. Улар учун аҳоли жон бошига ЯИМ 350 АҚШ долларидан ошмаслиги, катта аҳоли ўртасида ўқишини билувчилар – 20 фоиз атрофида ва ишлов берувчи саноатнинг ЯИМдаги ҳиссаси – 10 фоиздан ошмаслиги хосдир. Бу гуруҳга Осиёдан – 8, Африкадан – 28, Лотин Америкаси ва Океаниядан 5 та мамлакат киради.

Лотин Америкаси, Африка ва Осиёда кўплаб эркин савдо минтақалари, божхона, иқтисодий иттифоқлар юзага келди. Булар – Анд пакти (Боливия, Венесуэла, Колумбия, Перу), Марказий Америка умумий бозори – Гватемала, Гондурас, Коста – Рика, Никарагуа ва Сальвадор, Осиё – Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги – 14 та ривожланаётган мамлакатлар шунингдек, иқтисодий ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Канада ва Япония киради. Жануби – Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси – (АСЕАН – Бруней, Веътнам, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин), МЕРКОСУР (Аргентина, Бразилия, Парагвай ва

Уругвай), Жанубий Африка ривожланиш қўмитаси – САДК (Ангола, Ботсвана, Лесато, Малави, Мозамбик, Намибия, ЮАР, Свазиленд, Танзания, Зимбабве), Араб умумий бозори – Миср, Иордания, Ироқ, Яман, Ливия, Мавритания ва Сурия киради.

### **2.3. Дунё сиёсий картаси ва ҳозирги ҳалқаро муносабатлар**

Кейинги 50 йил дунё сиёсий картасида фоят мураккаб сиёсий, ижтимоий – иқтисадий жараёнларга бойлиги билан ажralиб туради. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг дунё икки йирик системага бўлинди. (капиталистик ва социалистик), кўплаб ҳарбий – сиёсий иттифоқ ва блоклар юзага келди. Бундай энг йирик ҳарбий – сиёсий блоклар Шимолий Атлантика ҳарбий блоки (НАТО) ва СССР бошчилигидағи Варшава шартномасидир. (ОВД). Шунингдек, 50 – йилларнинг ўрталаридан бошлаб миллий – озодлик ҳаракати Африка, Осиё ва Лотин Америкасида кучайди ва мустамлакачилик тизими емирилди ҳамда дунё сиёсий картасида 100 дан ортиқ суверен ёш, ривожланиш йўлига кирган давлатлар юзага келди.

Шунингдек, дунё сиёсий картасида иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўзига хос бош «қайноқ нуқталар» вужудга келди – Яқин Шарқда (Истроил давлатининг 1949 йил ташкил топиши ва Фаластин муаммоси, Ҳинди – Хитой ярим оролида (Веътнам, Кампучия), Корея ярим оролида (КХДР ва Корея Республикаси ўртасида), Африка ва Лотин Америкаси ҳудудларидаир. Бу нуқталарда шу ҳудуддаги мамлакатларгина эмас балки кўплаб бошқа мамлакатлар манфаатларининг ҳам тўқнашуви юз берди.

Дунё сиёсий картасида 80 – йилларнинг ўрталаридан бошлаб ҳалқаро муносабатларда йирик давлатлар (собиқ СССР, АҚШ, ГФР, Буюк Британия, Франция, Япония, Италия) ўртасида куч ишлатишдан ўзаро бир – бирини тушуниш ва ўзаро ҳамкорлик томон юз тўтиш, яъни «совуқ уруш» сиёсати ўз ўрнини ҳалқаро хавфсизлик ва тинчликни сақлаш сиёсатига бўшатиб берди.

Дунё сиёсий картасида Германиянинг ягона давлат бўлиб бирлашуви, социалистик тизимнинг ва СССР нинг тарқалиб кетиши, янги мустақил давлатларнинг юзага келиши, Варшава шартномасининг тарқаб кетиши билан НАТО нинг сиёсий иттифоқса айланиши каби ижтимоий – сиёсий жараёнлар катта воқеликка айланди.

Кейинги йилларда халқаро муносабатлар тизимида юзага келган 100 дан ортиқ минтақавий мажаролар, келишмовчиликларни сиёсий йўллар билан ҳал қилинди халқаро ҳамжамият – БМТ жуда катта рол ўйнамоқда. Чунончи, БМТ нинг бевосита ташаббуси билан Марказий Америкада (Никарагуа, Сальвадор), Африканинг жанубида (Намибия ва Ангола), Жануби – Шарқий Осиёдаги (Кампучия) қарама – қаршиликлар сиёсий йўллар билан ҳал қилинди. Чunksи, минтақалардаги миллий – этник, уруғ – аймоқчилик, диний экстремистик гуруҳлар ўртасидаги ўзаро курашларга халқаро ҳамжамиятнинг (БМТ доирасида) аралашуви заруриятига айланди. Биргина 1988 – 1999 йилларда БМТ тинчликни сақлаш мақсадида 30 га яқин операциялар ўтказди.

Айни вақтда, XXI – аср бошларида ҳам ҳали ер шарининг турили нуқталарида «қайноқ ҳудуд»лар – Афғонистон, Тожикистон, Чеченистон, Болқон ярим ороли, Яқин Шарқ, Хинди – Хитой ярим ороли, Африкада мавжудлиги дунёда халқларнинг хушёrlикка ундайди ва ўз куч ва файратларини тинчлик мақсадаларида бирлаштиришни тақозо қиласди.

Шундай қилиб, дунё сиёсий картаси даврнинг ўзига хос ойнаси бўлиб халқаро ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий – ижтимоий ва бошқа томонларини ифода этади.

#### **2.4. Ўзбекистон дунё сиёсий картасида**

XX аср охирги ўн йиллигига дунё сиёсий картасида мисли кўрилмаган сиёсий ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар юз берди. 130 йилдан ортиқ мустамлака азобини тортган ўзбек халқи давлат мустақиллигини қўлга киритди.

1990 йил 24 март куни Республика Олий Кенгашининг биринчи сессияси Ўзбекистонда Президентлик лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни) га ўзгаририш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонунни қабул қиласди. Ушбу сессияда И.А.Каримов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланди. Ўзбекистондаги мустақиллик тарихи мамлакат Президенти И.А.Каримов номи билан боғлиқdir.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иккинчи сессияси 1990 йил 20 июнь куни «Мустақиллик Декларацияси»ни қабул қиласди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон тарихининг янги даври бошланди. Сессияда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон

қилиш туғрисида» қарор қабул қилинди. Сессия Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлиги тантанали равишда эълон қилди.

И.А.Каримов ўзининг асарлари, маъруза ва нутқларида мамлакатимиз ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий тамойилларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлни белгилашда жаҳон тажрибасидан фойдаланилди, мамлакатимиз, халқимиз хусусиятлари ва манбаатлари ҳисобга олинди. Ташқи сиёсатга тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатнинг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

- мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;  
давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралари даҳасизлигини ҳурмат қилиш;  
бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;  
низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;  
куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;  
инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;  
ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормаларда халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган қоидалари ва нормаларнинг устиворлиги;  
давлатнинг, халқнинг олий манбаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш;  
ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш;  
тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;  
давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манбаатдорлик, давлат миллий манбаатларининг устунлиги;  
ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқаси билан узоқлашмаслик.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати, уни жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олинишини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги 165 давлат тан олди, уларнинг 120

таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий – техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 35 дан ортиқ мамлакатнинг элчихонаси очилди. Булар жумласига АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистонда 88 хорижий мамлакатлар ва ҳалқаро ташкилотларнинг, 24 ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 20 дан ортиқ давлатда – АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Хитой, Покистон ва бошқаларда Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўлидан бормоқда.

1992 йил 29 январда БМТ Хавфсизлик Кенгashi ўзининг 737 – қарорини овозга қўймасдан қабул қилди ва Бош Ассамблеяга Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилишни тавсия этди.

1992 йил 2 марта Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 46 – сессияда Ўзбекистон овозга қўйилмасдан, яқдиллик билан маъқўлаш асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

1992 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақил давлат номидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (EXХТ) нинг ҳужжатини имзолади.

1992 йил сентябрда Ўзбекистон Парламенти энг кўхна ҳалқаро ташкилотлардан бири – Парламентлараро иттифоқнинг 119 – аъзоси бўлди.

1993 йил январда Ўзбекистон Парламенти Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (EXХТ) Парламент Ассамблеясининг аъзоси бўлди. Бу ҳалқаро ташкилот нафақат Европада балки бутун дунёда давлатлараро муаммоларни жамоа бўлиб ҳал этишда муҳим ўрин эгаллади.

Ўзбекистон БМТ Низомини, ҳалқаро ҳуқуқий меъёрларни, давлатлараро муомала қоидаларини, шунингдек, БМТ таркибига кирувчи ҳалқаро ташкилотларнинг талабларига риоя қилишини билдириди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тўла тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил сентябрида бўлган 48 – сессиясида иштирок этди ва 28 сентябрда нутқ сўзлади. Жаҳон ҳамжамияти эътиборини Ўзбекистон Республикаси номидан бир қатор таклифларга қаратди:

- ⇒ Ўрта Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкентда БМТ нинг доимий ишловчи семинарини чақириш;
  - ⇒ БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган ҳалқаро можароларни таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш бўйича маҳсус гурӯҳ ташкил қилиш;
  - ⇒ Ўрта Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш;
  - ⇒ Ўрта Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролни тарқатмаслик устидан ҳалқаро назорат ўрнатиш;
  - ⇒ Наркобизнесга қарши курашни кучайтириш;
  - ⇒ Оролни ва Орол бўйини қутқариш;
- 1993 йил февралда Тошкентда БМТ нинг ваколатхонаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси ва БМТ раҳбарларининг саъии – ҳаракатлари натижасида БМТ нинг Тошкентдаги ваколатхонаси мамлакатимизда БМТ нинг Тараққиёт дастури, Қочоқлар иши бўйича олий комиссарлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ажолини жойлаштириш жамғармаси, Наркотик моддаларни назорат қилиш дастури, Саноат тараққиёти дастури, Болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибиغا олган ҳолда ишлай бошлади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашвида БМТ дориасидаги ихтисослашган ташкилотлар билан ҳамкорлик мұхим аҳамиятга эга.

1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлди. Хива ва Бухоро ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадрияtlар рўйхатига киритилди. Бу рўйхатда 411 та обьект бор.

1994 йил декабрда республикамизда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ташкил этилди, у идоралараро орган бўлиб, таркибига таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги вазирликлар ва идоралардан 49 киши аъзо бўлди.

ЮНЕСКО Ўрта Осиё тарихини ўрганиш, тиклаш ва оммалаштиришга катта аҳамият бермоқда. ЮНЕСКО қарорига биноан Самарқандда Ўрта Осиёни тадқиқ қилиш ҳалқаро институти ташкил этилди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон суверен давлат сифатида ҳалқаро майдонда биринчи қадамларни қўймоқда. Дунёдаги

мамлакатлар билан муносабатлар тўла ишонч асосида икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг болалар фонди, Халқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро Олимпиада қўмитаси, Халқаро автомобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотларнинг аъзоси бўлди, улар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар – Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳам қўмаклашмоқда. Халқаро савдо маркази (ЮНЕКТАД), тарифлар ва савдо Бош битими (ГАТТ) билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон 1992 йил 26 февралда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти – ЕХХТ га аъзо бўлди. И.Каримовнинг 1992 йил 9–10 июлда бўлган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мажлисида иштирок этиши, нутқ сўзлаши ва Кенгашнинг 10 июлда бўлган мажлисида раислик қилиши ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносаб ўрин эгаллаётганлигининг ёрқин далилидир. И.Каримов ўз нутқида у ёки бу минтақадаги тинчлик ва барқарорликни бузиши мумкин бўлган можаролар яқинлашувининг олдини олиш, можароларга йўл қўймаслик муаммолари билан шуғулланувчи механизмни вужудга келтириш, ташкилот қабул қилаётган ҳужжатларнинг таъсиричанлигини ошириш, ҳужжатлар можароларнинг олдини олиш, йўл қўймаслик руҳида бўлишини таъминлаш таклифларини илгари сурди.

ЕХХТ Тошкентда ва Урганчда атроф – муҳитни қайта соғломлаштириш бўйича семинарлар ўтказди. Орол муаммосини ҳал қилишга қўмаклашмоқда. 1995 йил июлда Тошкентда ЕХХТнинг алоқалар бўйича минтақавий бюроси очилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи Европа Иттифоқи, НАТО, ЭКО, Ислом конференцияси ташкилоти, қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

1996 йил июль ойида Флоренция шаҳрида Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

Бу ҳужжат Ўзбекистон, Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларниң ҳукуқий негизи бўлиб, сиёсий, иқтисодий, илмий – техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очди.

Ўзбекистон билан Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти – НАТО ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мавжуд. 1995 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг «ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК» дастурига кўшилди. «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури томонидан 1995 йилда АҚШда, 1997 йилда Қозогистон ва Ўзбекистонда ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий техник тайёргарлигини янада кўтиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида сайёрамиз озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига, озон қатламини камайтирадиган моддалар ҳақида Монреал Протоколига, атроф – муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўлашни таъқиқловчи конвенцияга, Ядро қуролини тарқатмаслик хақида шартномага кўшилди.

Ўзбекистон тарихан қисқа бир даврда жаҳон ҳамжамиятига қўшилди, ҳалқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда, умумий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда фаол қатнашаётган нуфузли давлат даражасига кўтириди. (Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. – Т.: «Шарқ», 1999)

Ўзбекистон ташки сиёсатининг асосий устивор йўналишлари қўйидагилардир:

- ⇒ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқ бўйи мамлакатлари билан бевосита ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- ⇒ Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон билан дўстона, қардошлиқ муносабатларини мустаҳкамлаш, улар билан қалин ижтимоий – иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш, илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш;
- ⇒ Ислом давлатлари билан савдо – сотик, туризм ва бошқа алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, Хитой ва Ҳиндистон каби буюк давлатлар билан самарали алоқаларни кенгайтириш;
- ⇒ Жануби – Шарқий Осиёдаги янги индустрисал мамлакатлар билан тенг ҳукуқли муносабатларни йўлга қўйиш асосида

уларнинг сармояларини саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт тизими, инфратузилмаларига, илм – фанга жалб қилиш;

⇒ АҚШ, Фарбий Европадаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар – ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия, Дания, Швейцария, Финляндия, Норвегия, Испания, Португалия, Греция ва бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли ўзаро ҳамкорликнинг янги имкониятларини ишга солиш, уларнинг замонавий технологиялари, инвестицияларини саноатнинг етакчи соҳаларига жалб қилиш, банк – молия тизими, мутахассислар тайёрлаш, ахборот тармоқларини йўлга қўйиш, жаҳоннинг етакчи биржалари билан алоқа ўрнатиш, хорижий қонунчилик тажрибаларини ўрганиш;

⇒ Шарқий Европа давлатлари билан шаклланган алоқаларни мустаҳкамлаш, улар томонидан технологик асбоб – ускуналар ва эҳтиёт қисмлар, дори – дармонлар, озиқ – овқатлар ва бошқа товарлар етказиб беришдан Ўзбекистон қанчалик манфаатдор бўлса, пахта толаси ва бошқа ресурсларимиз бу мамлакатлар иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўриниб турибдики, хақиқатдан ҳам XX аср охирида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Дунё ҳаритасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат – Ўзбекистон Республикаси» пайдо бўлди.<sup>1</sup>

### Такрорлаш учун саволлар.

1. Сиёсий карта нимани ифода этади?
2. Дунё сиёсий картасининг шаклланиш босқичларини таърифланг?
3. Қандай тамойиллар бўйича БМТ дунё мамлакатларини гуруҳлаштиради?
4. Дунё мамлакатларини сиёсий, иқтисодий ва географик ҳолатлари бўйича гуруҳлаштиринг?
5. XX аср охири XXI аср бошларидағи ҳалқаро муносабатларга таъриф беринг?
6. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунё сиёсий картасида қандай ўрин тутмоқда?

<sup>1</sup> И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 8-бет

### **III БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ**

#### **3.1. Иқтисодий тамойиллар, қонун ва қонуниятлар хақида тушунча. Ишлаб чиқариши кучларини жойлаштиришниң дастлабки тамойиллари**

Бозор иқтисодиётiga ўтиш ва бозор иқтисодиёti шароитида ишлаб чиқариш кучларини оқилюна ривожлантириш ва жойлаштириш муҳим илмий хулосаларга таянган ҳолда давлатниң амалга ошираётган иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил қиласди. Чунки, мавжуд шароитдаги ижтимоий – иқтисодий жарёнларни чуқур илмий таҳлил қилиш негизида, унинг объектив қонуниятларини ўрганиш ва аниқ хулосалар чиқариш мумкин. Ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил қилишни такомиллаштириш негизида самарали, барқарор ривожланиб борувчи ишлаб чиқариш тизимини юзага келтириш том маънода табиат ва жамият қонун ва қонуниятларининг англашни, уларни чуқур таҳлил қилиш асосида илмий ишланмалар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қўллашни тақозо қиласди.

Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришниң асосий тамойиллари:

- ишлаб чиқариш тизимларини хом – ашё манбаалари, ёкилғи ва энерго ресурслар, истеъмол минтақаларига яқин жойлаштириш;
- фоят юқори самарали бўлган табиий ресурсларни ўзлаштириш ва мажмуали фойдаланиш тизимини барпо қилиш;
- мамлакат ва минтақаларда экологик ҳолатни соғломлаштириш, атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиатдан фойдаланишнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- ҳалқаро коммуникация тизимларини ривожлантириш ва қулай геостратегик мавқеидан самарали фойдаланиш асосида ҳалқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокини чуқурлаштириб, кенгайтириб бориш яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш;
- йирик шаҳарларнинг ҳаддан ташқари ривожланишини тартибга солиш, кичик ва ўрта шаҳарларнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, минтақаларнинг

ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражасидаги табақаланиш жараёнини бошқариш, иқтисодиёт тармоқлари дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Қонун – табиат ва жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларнинг (ўзаро алоқадорлигини) барқарор тақрорланиб турувчи сабаб – оқибат бояганишларини ифодаласа, қонуният воқеа ва ҳодисаларнинг кетма – кетлигининг барқарорлигини ва қонунлар мажмуасининиг ўзаро уйғуналигини ифодалайди.

Ишлаб чиқариши оқилона жойлаштириш асосида юқори фойда берувчи самарали ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш түғрисидаги ғоялар ўзининг узоқ тарихига эга. Саноатлашган ишлаб чиқариш усулининг қарор топиши билан «штандорт» жойлаштириш түғрисидаги таълимотлар ҳам юзага келди. «Штандорт» сўзи немисча бўлиб, лугавий маъноси «жойлашиш» деган маънони билдиради. И.Тюнен., А.Вебер, Т.Паландер, А.Лёш ва бошқаларнинг саноатлашган ишлаб чиқариш тизимиға бағишлиланган асарлари юзага келиши билан «штандорт» сўзи янги мазмунни ифода этди ҳамда ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш түғрисидаги таълимотга айланди.

Дастлабки «штандорт» назарияси қишлоқ хўжалиги «штандорти» бўлиб, бу таълимот 1826 йилда чиқсан И.Тюненнинг «Алоҳида давлат, унинг қишлоқ хўжалиги ва миллий иқтисодиётга муносабати» номли китобида ёритилади. И.Тюнен қишлоқ хўжалигини уч омил бўйича тадқиқ қиласди бу омиллар:

1. Ишлаб чиқариш сарфлари (ишлаб чиқариш харажатлари);
2. Тупроқ унумдорлиги (тупроқнинг табиий унумдорлиги) ва ўсимликлар хусусияти;
3. Бозор нархларига нисбатан транспорт харажатлари;

И.Тюнен бозор марказига нисбатан қишлоқ хўжалигининг жойлаштирилиши қонуниятини шу бозорга нисбатан ихтисослашган минтақалардан (доиралардан) иборат бўлиши лозим деб ҳисоблади.

Ҳар бир қишлоқ хўжалиги экини бозорга нисбатан шундай жойлашиши керакки, бунда у мулк эгасига энг юқори фойда бериши лозим. Шунингдек, И.Тюнен биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг жойлашишини асослашда математик ҳисоб – китобларни қўллади.

1909 йил немис иқтисодчиси ва иқтисодий – географи А.Вебернинг «Саноат штандорти назарияси» номли китоби босмадан чиқди.

Бу китоб 1926 йил «Саноатни жойлаштириш назарияси» номи билан рус тилига таржима қилинади. А.Вебер фикрича саноатни жойлаштириш учта омил билан ёки йўналиш (ориентация) билан характерланади.

Бу омиллар:

1. Транспорт йўналиши – яъни мулқорлар ўз корхоналарини транспорт харажатлари энг оз бўлган аҳоли қўрғонларида қуришга интиладилар.
2. Ишчи йўналиши – яъни мулқорлар ўз корхоналарини энг арzon ишчи кучи мавжуд аҳоли қўрғонларида қуришга интиладилар.
3. Агломерация – яъни мулқорлар ўз корхоналарини бошқа саноат корхоналари тўпланган ҳудудларда қуришга ҳаракат қиласидилар ва бу билан транспорт йўллари, энергетика хўжалиги, коммунал хўжалиги (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфраструктураси тизими) барпо қилишга бўлган харажатларини қисқартиришга ҳаракат қиласидилар.

А.Вебер таълимоти О.Энглендер ва швед иқтисодий – географи Т.Паландер, В.Кристаллер томонидан XX – асрнинг 20 – 30 йилларида янада ривожлантирилди. В.Кристаллер томонидан «марказий жой» назарияси ишлаб чиқиласди ва у аҳоли қўрғонларининг жойлашишини асослайди. Унинг фикрича марказий жойнинг (қўрғон) шаклланиши аҳолининг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришда катта роль ўйнайди. Ҳар бир аҳоли қўрғони ўзининг марказида бурчақдан иборат бозор зонасига эта бўлиши лозим.

Штандорт назарияси ривожланишига немис иқтисодий географи А.Лёш катта ҳисса қўшди. Унинг асосий «Хўжаликнинг географик жойлашиши» номли китobi 1959 йилда рус тилида Москвада босиб чиқарилди. А.Лёш монопол фойда, демпинг, солиқ тизими, давлат чегараси, ҳалқаро савдо, техник прогресс ва бошқа тушунчаларни можиятини очиб беради. Унинг концепциясига кўра янги корхоналарни жойлаштиришда юқори фойда олишни кўзлаган тадбиркорлар билан бутун иқтисодиёт (мамлакат миллий иқтисодиёти – О.А) манфаатлари ўртасида курам кетади. Шунингдек, А.Лёш иқтисодий районларга алоҳида эътибор беради ва район ҳосил қилувчи асосий омил ишлаб чиқариш тизими эмас, балки товарларни бозорда сотиш асосий ўрин тутади деб ҳисоблайди. А.Лёш иқтисодий районларни учта типга ажратади. 1) Оддий районлар зонаси; 2) Районлар тўри ёки товарни сотиш зоналари йифиндиси; 3) Районлар тизими, бу шажарада энг юқори ва мураккаб тип бўлиб, А.Лёш фикрича

«иқтисодий ландшафт» – бозор тизими ёки бош шаҳарнинг иқтисодий таъсир доирасидир. Умуман, юқоридағи таълимотлар бозор муносабатлари ҳукмрон шароитда юқори фойда олишни кўзлаган самарали ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантиришнинг назарий жиҳатдан асослашга қаратилгандир.

Россияда «штандорт» назариясининг ашаддий тарафдорлари проф. А.Рыбников ва проф А.Чаяновлардир. Аммо, бундай ғоя ва қарашлар жуда катта қаршиликка дуч келди ва социалистик қурилиш йилларида тўла инкор этилди.

Кейинрок «штандорт» назариясининг бир қатор йўналишлари чунончи В.Бунгенинг «марказий жой» М.Скарлеттнинг «жойлашишнинг уч типи», француз иқтисодчиси Ф.Перрунинг «ривожланиш қутби» ва ривожланиш марказлари», шунингдек, «янги ғоялар» (диффузия нововведений – янгилик киритиш) юзага келди.

ХХ аср 50 – йилларининг ўрталаридан бошланган илмий – техника инқиlobи ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, ҳудудий ташкил қилишни такомиллаш – тиришнинг «классик» назарияларига бир қатор «тузатишлар» киритди. Бундай тузатишлар: а) саноатнинг ўта янги тармоқлари аввало илмий тадқиқот ва лойиҳалаш – тажриба ишлари билан чамбарчас боғлиқ илмталаб соҳаларнинг гуркираб ривожланиши; б) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг саноат асосларига кўчиши – агросаноат мажмусининг (агробизнес) ривожланиши; в) инфраструктура соҳаларининг миллий даромаддаги ҳиссасининг барқарор ортиб бориши; г) ишлаб чиқариш тизимини тобора транспорт – географик ўринга ва хом – ашёга боғлиқлигининг қискариб бориш жараёни; д) илмий – тадқиқот ишлари ва лойиҳалаш – тажриба марказлари ролининг ортиб бориши; ж) юқори малакали меҳнат ҳиссасининг тобора кенг роль ўйнаши; з) ижтимоий – экологик омиллар – ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва жойлашишида сезиларли ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Чунончи, 70 – йилларнинг ўрталаридан бошлаб ишлаб чиқариш тизимидағи ўзгаришлар кенг суръатда «марказдан қочма» йўналиши (бир мамлакат ва жаҳон хўжалиги доирасида) ва соҳиб бўйига тўпланиш негизида порт – саноат ишлаб чиқариш мажмуаларининг юзага келиши ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида катта ўрин тутиши билан боғлиқ.

Натижада «жойлаштириш» назариясида Д.Ж.Гелбрейтнинг «индустриал жамият», У.Изардинг

«жойлаштиришнинг бозор назарияси» каби янги йўналишлар ривожланмоқда.

### 3.2. Ҳудудий меҳнат тақсимоти – ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг илмий асосий сифатида

Ҳудудий меҳнат тақсимоти жамият тараққиётида меҳнат фаолиятининг сифат жиҳатидан табақаланиш жараёнини ифодалайди ва ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига кучли туртки беради. Меҳнат тақсимоти мөҳиятига кўра иккига бўлинади, яъни а) бутун жамият миқёсида ва б) ишлаб чиқаришни ташкил этишининг турли шаклларидаги ички меҳнат тақсимотидир. Меҳнат тақсимотининг бу икки тури ўзаро алоқадорликда бўлиб, бир – бири билан чамбарчас боғланган.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти – ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришнинг асосидир. Айни вақтда ҳудудий меҳнат тақсимоти иқтисодий районларининг шаклланиши билан боғлиқ ижтимоий – иқтисодий жараёндир. Шунинг учун ҳам ҳудудий меҳнат тақсимоти районларнинг табиий, ижтимоий – иқтисодий шароитлари билан чамбарчас боғлиқ, хўжалик иқтисослашувининг самарали йўналишларини ифодалайди. Бундай хўжалик ихтисослашуви ҳудуддаги энг қуладай ва самарали бўлган алоҳида маҳсулотларни етишишишга (дехқончилиқда – боғдорчилик, узумчилик, сабзавот – полизчилик каби маҳсулотлар ёки чорвачиликда – сут, гўшт, жун, тухум, парранда гўшти етишишиш, саноатда – металлургия, машинасозлик, кимё, енгил ва озиқ – овқат тармоқлари маҳсулотлари етказиб бериш ва курорт хўжалиги ва бошқалар) ҳатто ана шу маҳсулотларнинг бир тури ёки қишлоқ хўжалик экинларининг бир навини, маълум детални ёки унинг бир қисмини ишлаб чиқаришга ихтисослашув билан боғлиқдир.

Ана шундай хўжалик ихтисослашуви алоҳида шаклланадиган ижтимоий – иқтисодий жараёнлар – географик меҳнат тақсимоти ёки унинг синоними ҳудудий меҳнат тақсимоти деб юритилади. Ҳудудий меҳнат тақсимоти жуда мураккаб тушунча бўлиб, хўжалик жиҳатидан турлича ихтисослашув даражасидаги ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар тизимини ифодалайди. Бундай иқтисодий алоқалар район, мамлакат, жаҳон миқёсида минерал хом – ашё, хилма – хил товарлар алмашувидан иборат ўзаро фойдали бўлган жараёндир.

Н.Н.Баранский ҳудудий меҳнат тақсимоти тушунчасини «..... жуда муҳим тушунча, туғрироғи тармоқларни ҳам, иқтисодий районларни ҳам ўзаро боғлаб турувчи тушунчалар тизими»<sup>1</sup> дан иборат деб ҳисоблайди.

Ҳудудий меҳнат тақсимотининг моддий элементлари районлар ва мамлакатлар, шаҳарлар ва шаҳар агломерациялари, саноатлашган минтақа, марказ, тутун ва район, қишлоқ хўжалик минтақалари ва районлари, ишлаб чиқаришни ташкил этишининг хилма – хил шакллари, сиҳат – саломатлик ва дам олиш мажмуаларидан иборат.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти моҳиятига кўра – жамият миқёсида тармоқ ва тармоқлараро ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларидағи (ичидаги) меҳнат тақсимотига бўлинади.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти ишлаб чиқариш кучларининг «вақт» мобайнидаги тараққиёт босқичларини ифодалайди. Жамият тараққиётининг муайян босқичида (неолит даврида) дәхқончиликдан чорвачиликнинг ажralиб чиқиши, кейинрок ҳунармандчиликнинг ажralиб чиқиши билан меҳнат тақсимоти ижтимоийлашиб, сифат жиҳатидан ривожланиб борди. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши, савдо – сотиқнинг ўсиши билан ишлаб чиқаришнинг табақаланиши жараёни кучайди ва бугунги мураккаб ижтимоий – ҳудудий меҳнат тақсимотининг шаклланишига олиб келди.

Ишлаб чиқаришнинг тармоқ меҳнат тақсимоти иқтисодиётининг йирик тармоқларига, чунончи, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва инфраструктурадаги бўлинешни ифодалайди. Тармоқлараро меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришнинг таркибан мураккаблашиб бориш жараёнидир, чунончи, саноатда ундирувчи ва ишлов берувчи саноат тармоқлари, булар ҳам ўз навбатида ёкилги – энергетика, металлургия, машинасозлик, кимё, енгил ва озиқ – овқат саноатига, қишлоқ хўжалиги – дәхқончилик ва чорвачиликга, транспорт эса қуруқлик, сув ва ҳаво транспорт тармоқларига, инфраструктура эса фоят табақалашган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларига бўлиншидир.

Монополиялар, концернлар, ассоциациялар, корхоналар, жамоа хўжаликлари, фирмалар ва бошқалар ишлаб чиқаришнинг хилма – хил шаклларидағи меҳнат тақсимоти – маҳаллий ёки локал меҳнат тақсимотидир.

<sup>1</sup> Баранский Н.Н. Избранные труды. - М.: 1960. 226-бет.

Бир мамлакат доирасида ривожланадиган, мамлакатнинг табиий, иқтисодий – ижтимоий имкониятларидан келиб чиқсан иқтисодиёт соҳаларининг ихтисослашув жараёни мамлакат меҳнат тақсимоти дейилади. Бундай меҳнат тақсимотида мамлакатнинг турли қисмлари ишлаб чиқаришнинг бир ёки бир неча соҳаларига ихтисослашади. Чунончи, собиқ иттифоқ шароитида 15 та иттифоқдош Республикалар иқтисодиётининг ихтисослашувидан таркиб топган Бутуниттифоқ меҳнат тақсимоти шаклланган эди. Бутуниттифоқ меҳнат тақсимоти доирасида Марказий, Шимоли – Фарбий, Урал, Донецк – Днепр бўйи иқтисодий районлари ишлаб чиқариш кучлари ривожланган, саноатлашган районлар ҳисобланса, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Республикаларидан иборат Ўрта Осиё иқтисодий райони минерал хом – ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (пахта, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик) етказиб беришга ихтисослашганилиги билан ажralиб турган.

Ўзбекистон меҳнат тақсимотида Тошкент, Зарафшон ва Фарона иқтисодий районларининг ишлаб чиқариш кучлари бир мунча ривожланган, саноати тараққий этган, айни вақтда қишлоқ хўжалиги районлари – Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро – Қизилкум, Мирзачўл иқтисодий районлари эса табиий ресурслар жадал ўзлаштирилаётганлиги, қишлоқ хўжалигини истиқболда ривожлантириш имкониятлари фоят катта эканлиги билан ажralиб туради.

Минтақалараро ёки минтақавий меҳнат тақсимоти табиий – географик жиҳатдан яхлит ҳудудлардаги икки ва ундан ортиқ мамлакатлар гуруҳи ўртасида шаклланган ишлаб чиқариш ихтисослашувини ифодалайди. Жумладан, Фарбий Европа мамлакатлари доирасида «Умумий бозор» шаклланган минтақавий меҳнат тақсимотини ифодалайди. Кейинги йилларда бундай минтақавий меҳнат тақсимоти Лотин Америкаси, Жануби – Шарқий, Жанубий ва Жануби – Фарбий Осиё, Шимоли – Фарбий, Марказий, Шарқий Африка, Шимолий Америкада шаклланмоқда. Яқин истиқболда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистондан иборат Марказий Осиё минтақавий меҳнат тақсимотига асосланган иқтисодий бирлашманинг шаклланиши бу минтақадаги мураккаб табиий, ижтимоий – иқтисодий ва экологик муаммолар ечимларини ишлаб чиқиш ва ҳал қилиш негизида ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш имконини беради.

Халқаро мәхнат тақсимоти (географик) – жағон мамлакатлари ўртасидаги ривожланган иқтисодий муносабатлар тизимини ифодалайды. XIX аср охири XX аср бошларида дунё сиёсий картасида йирик марказлашган давлатларнинг юзага келиши, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспортнинг тарақкий этиши, халқаро савдо ва халқаро бозорнинг туркираб ривожланиши айrim мамлакатларнинг табиий шароит ва табиий ресурслари, ижтимоий – иқтисодий, техник ва мәхнат ресурслари салоҳиятидан келиб чиқиб хом – ашё, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ҳамда бу маҳсулотларнинг ўзаро алмасиш жараёнлари халқаро мәхнат тақсимотини юзага келтирди. Халқаро мәхнат тақсимоти дунё сиёсий картасидаги мамлакатларнинг миллий иқтисодиётларини бир – бири билан боғлади ва ўзаро интеграцион жараёнларнинг ривожланишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат сифатида қарор топиши жағон ҳамжамиятида кенг иштирок этиш имкониятларини очди ва халқаро мәхнат тақсимоти ҳамда интеграцион жараёнларда фаол қатнашиш имкониятларини яратди. Натижада, Ўзбекистон яқин истиқболда халқаро мәхнат тақсимотида хом – ашё, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (пахта, боғдорчиллик, сабзавотчилик) етказиб берувчи мамлакатдан тайёр маҳсулотлар (машинасозлик, кенг истеъмол маҳсулотлари) етказиб берувчи мамлакатга айланади ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

### 3.3. Ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва жойлашишига таъсир этувчи умумиқтисодий қонунлар

Ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг бутун тарихий – географик босқичларида амал қиласиган уларнинг сабабий алоқа ва ўзаро ички боғланишларини ифодалайдиган иқтисодий қонунлар мажмуаси умумий иқтисодий қонунлар дейилади. Иқтисодий қонунлар мажмуаси ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучларнинг характеристи ва ривожланиш даражаси билан боғлиқлиги, самарали ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, мәхнат унумдорлигининг ўсиб бориши, иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ошиб бориши, ишлаб чиқариш жараёнларининг умумлашуви ва иқтисодий интеграциясининг чуқурлашуви, давлат монополистик мулки ва иқтисодиётнинг ривожланиши ишлаб

чиқариш монополизми ва давлатнинг антимонополистик тадбирлари, давлатнинг иқтисодиётнинг бошқарувига аралашуви, минтақавий режалаштириш ва башорат қилиш ва минтақавий, иқтисодий районлаштириш кабилардан иборат.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари характери ва ривожланиш даражасига мос келиши, жамият тараққиётини тезлаштиради. Айни вақтда, ишлаб чиқариш муносабатлари (моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилиш жараёнларидағи ўзаро муносабатлар мажмуаси) ишлаб чиқариш кучларининг белгиловчи таъсири остида ривожланади.

Бугунги кунда, бозор иқтисодиётига ўтиш ва бозор муносабатларини шакллантириш, мураккаб ва умуминсоний жараён бўлиб объектив заруриятга айланди. Чунки, бозор иқтисодиёти жаҳон цивилизациясининг фоят улкан ютуғи сифатида – иқтисодий ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровоилигини узлуксиз таъминловчи иқтисодий тизим эканлигини исботлади.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларидан фоят унумли ва самарали фойдаланишни таъминлаш билан шунга мос юксак ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам юзага келтиради.

Чунки, иқтисодий тараққиёт йўли янги тизим заминида инсон манфаатини юзага чиқариш, унинг меҳнатини қадрлаш, аҳолининг ночор қатламини социал ҳимоялаш мақсадлари ётади. Бозор иқтисодиёти тажрибаси унинг амал қилиш механизми ижтимоий янгиланишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади, у халқнинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини тўла ишга туширади, боқимандалик ва текинхурлик кайфиятига чек қўяди. Иқтисодий ташаббус ва ишбилармонликни ривожлантиради. Ҳар бир кишининг миллий бойликни устириш масъулиятини ортиради, ҳар бир кишини бой қилиш орқали жамиятни ҳам бойитиб боради.<sup>1</sup>

Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ва стратегияси мамлакат президенти И.А.Каримов томонидан «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарларида чуқур ишлаб чиқилди. Бу концепция миллий мустақиллик назариясининг таркибий

<sup>1</sup> И.А.Каримов «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» – Т.: 1993, 26–бет.

қисми бўлиб иқтисодиётни устивор йўналтиришда ривожлантириб миллий мустақилликни янада мустаҳкамлашни таъминлацдир. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётининг бош йўли ва мақсади иқтисодиётни узлуксиз ривожлантириш асосида халқ фаровонлигини таъминлаш инсон ҳак – ҳуқуқларини тўла таъминловчи демократик жамият курилишдан иборатdir.

Ўзбекистонда кейинги йилларда рўй бераётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий – сиёсий ўзгаришларнинг назарий асослари И.А.Каримов асарларида атрофлича баён қилинган бўлиб, жамиятни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш, иқтисодий муносабатларнинг демократиялаш, кишилар онгида рўй бераётган ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинган.

Чунончи, «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида Ўзбекистон иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва мулкчиликнинг турли – туман шаклларини вужудга келтириш, кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш, унинг янги тишини шакллантириш каби ғоят муҳим масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, мулкни хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини юзага келтириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисод таркибий тизимини тубдан бозор иқтисодиётига мослаштириш, ижтимоий кафолатлаш кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаси назарий ва амалий жиҳатдан асосланган. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли изчиллик билан унга аста – секин, босқичма – босқич, халқнинг кенг қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиб бориш, барқарорликни таъминлаш йўли билан бориш лозимлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

И.А.Каримов Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини кўрсатиб, «Республиканинг бозор муносабатларига ўтишда ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, уни халқаро обрў – эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади»<sup>1</sup> – деб уқтиради. Эркин демократик тузум шароитида меҳнат кишилари, энг аввало ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қила бошладилар. Бу эса бозор шароитлари талаблари

<sup>1</sup> И.А.Каримов «Ўзбекистон: – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» – Т.: 1993, 8 бет.

асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни ривожлантиришга кенг йўл очади. Ўзбекистонда демократик тузумни барча афзалликлари ҳар тарафлама тўла исботланиши маъмурӣ – буйруқбозлиқдан мустақил тузум билан алмаштирилиши ижтимоий–иқтисодий ислоҳотларнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий – ижтимоий ислоҳотлар бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларига мос иқтисодий тизимларда таркибий ва ҳудудий ўзгаришларга олиб келади. Шунга мос ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланмоқда. Натижада, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш бошланди. Чунончи, 1999 йил ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – 4,4 фоизга ўди. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1998 йилга нисбатан – 106,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 105,9 фоиз, чакана товар айланиши – 110,5 фоизга кўпайди.

Самарали ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ишлаб чиқариш кучларини ривожланишида муҳим ўрин тутади. Чунки, ҳар қандай ишлаб чиқариш умуминсоний иқтисодий жараён бўлиб унинг мақсади жамиятнинг ўсиб бораётган иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир. Буни амалга оширища иқтисодий ресурслардан фойдаланилади, товар ва хизматлар яратиш жараённи юзага келади.

Инсон (жамият) эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиат неъматлари ва кучларини ўзига мослаштиришдан иборат иқтисодий жараён ишлаб чиқариш деб юритилади. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш инсонларнинг маълум мақсадга мувофиқ йўналтирилган фаолияти бўлиб, эҳтиёжларни тўлароқ қондиришга мўлжаллангандир. Бу жараён ишлаб чиқариш омиллари – меҳнат, капитал, ер ва тадбиркорлигининг ўзаро боғлиқ ҳаракат фаолияти натижасида юзага келади ва жамият ишлаб чиқариш кучлари тараққиётини тезлаштиради ҳамда жамият эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун шарт – шароит ҳозирлайди.

Бугунги ишлаб чиқариш иккита йирик бир – бири билан боғлиқ соҳалар: а) моддий ишлаб чиқариш – яъни саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа (коммуникация тизими), савдо ва умумий овқатланиш, моддий техника таъминоти (логистика);

б) номоддий ёки ижтимоий – маданий соҳалар – яъни маданият, таълим тизими, соғлиқни сақлаш, фан, бошқарув уй – жой ва коммунал хизмат, хизмат кўрсатиш (сервис) ва ахборотлар тизимиdir. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган

мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб ИТИ таъсирида моддий соҳалардаги чуқур сифат ўзгаришлари ижтимоий – иқтисодий соҳалар тараққиётига ёки иқтисодиётнинг ижтимоийлашувига кучли таъсир этмоқда. Натижада, моддий соҳаларга нисбатан «мураккаб – сервис» соҳаларининг ЯММ даги ҳиссаси узлуксиз ортиб бормоқда. Бу жараён деярли барча бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун хос бўлиб ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши ва тараққиётида ҳамда уларни мамлакатлар, минтақалар ва ҳалқаро кўламда ҳудудий жойлашишида ҳам ўзгаришларни юзага келтирмоқда.

Меҳнат унумдорлиги жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади ва ишлаб чиқариш жараёнида кишилар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлигини ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини ифодалайди. Ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарида меҳнат унумдорлиги ялпи ёки соф маҳсулотни ўртача ишловчилар сонига бўлиш орқали бир ишловчи ҳисобига яратилган маҳсулот сифатида аниқланади ва бу меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Жамият миқёсида эса меҳнат унумдорлиги олинган миллий даромаднинг моддий ишлаб чиқаришда ишловчилар сонига бўлиш орқали ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот бирлигига бўлган меҳнат сарфининг камайишидир. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш жараёни иқтисодиётнинг турли тармоқларидағи мажмуали омиллар билан боғлиқ бўлади. Чунончи, бу жараён саноат тармоқларидағи силжишлар, илмий – техник имконият даражасининг кенгайиши, янги технологияни доимий жорий этиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, янги фойдали ресурсларни ўзлаштириш ва корхоналарни ишга тушириш, бошқариш тизимини такомиллаштириб бориш билан боғлиқ. Агросаноат мажмуасида (агробизнес) ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, самарали технологик жараёnlарни қўллаш, дәхқончилик ва чорвачиликни индустрiali асосларга кўчириш, қурилиш – қурилиш индустрисини янада ривожлантиришдан иборатdir. Юқоридаги жараёнлар ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўсиш суръатини тезлаштиради ва айни вақтда мамлакатлар миллий хўжалик тизимининг ижтимоий – иқтисодий тараққиётига кучли туртки беради.

Жамият иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларининг ўсиб бориши жараёни – мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти даражасининг ривожланиб боришини тақозо

қылади. Иқтисодий тараққиёт даражаси ишлаб чиқариш ва истеъмолининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми билан белгиланади ҳамда иқтисодий эҳтиёжлар иқтисодиёт тараққиёт даражасига уйғунлашган бўлади. Маълумки, жамият иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлари доимий ўсиб бориши ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириб боришни тақозо қиласди. Жамиятнинг эҳтиёжлари айрим шахслар эҳтиёжлари йиғиндисидангина иборат эмас, балки, ижтимоий муносабатлар ҳосиласи сифатида, бутун жамият манфаатларини ифода этади. Жамият аъзоларининг ўсиб бораётган иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, пировард натижада, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан боғлиқ жараёндир.

<u>Ишлаб чиқариш</u>	<u>жараёнларининг</u>
<u>байналминаллашуви</u> ва <u>иктисодий интеграциянинг</u>	<u>чукурлашуви</u> , XIX асрнинг охирлари XX асрдан бошлаб саноатнинг иқтисодиётда бош соҳага айланиши билан боғлиқ барқарор ривожланаётган жараёндир. У дастлаб, ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ҳалқаро ихтисослашув тарзида, сўнгра муайян тармоқларнинг айрим буюм ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан ҳалқаро ихтисослашуви, муайян тур ва ҳажмдаги маҳсулотлар, деталлар, технологик жараёнлар ихтисослашувида ўз ифодасини топмоқда. XX аср 50 йилларидан бошлаб бундай ҳалқаро ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллашуви илмий – тадқиқот ва конструкторлик – лойиҳалаш ишларida ҳам кучайди, мамлакатлараро илмий – тадқиқот ишларини олиб борувчи гуруҳлар шаклланди. Ишлаб чиқаришдаги байналминаллашув (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт) ҳалқаро савдо, молия тизимларида ҳам ривожланиб ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар тизимини юзага келтирди. Натижада, мамлакатлар ўртасида хўжалик интеграциясининг ривожланиши учун шарт – шароитлар кенгайди ва бу жараён тобора чуқурлашиб минтақалар ва ҳалқаро миқёсда мамлакатлар иқтисодиётини бир – бири билан боғлиқ ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини тезлаштирмоқда.

Давлат монополистик мулки ва иктисодиётни ривожлантириш жараёни ишлаб чиқариш кучларининг барқарор тараққиётида муҳим ўрин тутади. Давлат монополистик мулки давлат бюджети ҳисобидан ҳамда айрим корхоналар, ҳатто тармоқларнинг миллийлаштирилиши (давлатлаштирилиши), корхоналар акцияларини бир қисмини сотиб олиниши орқали шакллантирилади. Давлат монополистик мулки иқтисодиётни барқарорлаштириш

омилидир. Давлат асосан синиш, банкрот арафасидаги корхоналарни, кам даромадли корхоналарни, инқирозга ёки турғуналыкка утраган тармоқларни сотиб олади ва йирик инвестиция сарфлайди. Айни вақтда, давлат илмий – техника тадқиқотлари билан боғлиқ ҳарбий саноат мажмуалари, ўта замонавий саноат тармоқлари, ҳатто инфраструктуранинг маълум соҳаларини доимий суръатда рағбатлантириб туради. Чунки, иқтисодиёт тармоқлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари (монополиялар, трестлар, концернлар, фирмалар, корхоналар, ширкатлар ва бошқалар) давлатнинг бевосита қўллаб қувватлаши ва иқтисодий ёрдамисиз ривожлана олмайди. Давлат йирик корхоналарни, ўта янги замонавий тармоқларни барпо қиласди ва уларнинг ривожланишига имкониятлар яратади. Шунингдек, давлатнинг иқтисодий фаолиятида субсидиялар, енгил шартларда кредит – қарзлар бериш, капитал сарфлашга, солиқларни камайтириш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви (АҚШ, Германия, Франция, Япония, Буюк Британия ва бошқалар) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига, иқтисодий барқарорликни таъминлашга ҳамда мамлакат иқтисодий – ижтимоий тараққиёт даражасининг юксалишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш монополизми ва давлатнинг антимонополистик тадбирлари. XIX аср охири XX аср бошларида эркин рақобат негизида капитал ва ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ҳамда марказлашуви сифат жиҳатидан янги жараёнларни юзага келтирди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг катта қисми – йирик корхоналарда тўпланди. Натижада, маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг катта қисми монополия қилиб олинди ва шу тариқа ишлаб чиқариш монополизми юзага келди. Монополиялар ишлаб чиқаришнинг катта қисмини тўплаб, мамлакат иқтисодиётининг бир ёки бир неча тармоқларини ўз таъсирига олиши, бозорда нарх – навони белгилashi ва монопол мавқеидан фойдаланиб монопол юқори фойдани ўзлаштириши билан характерланади. Ишлаб чиқариш монополиялари картел, синдикат, трест, концерн, фирма, ассоциация, ҳолдинг, корпорациялар шаклларидаидир. Давлат ана шундай юқори монопол олиш билан боғлиқ монополиялар фаолиятини чеклаш мақсадида антимонополистик тадбирлар мажмуасини амалга оширади. Бундай тадбирларга давлатнинг монополияларга нисбатан солиқ сиёсати, имтиёзли кредитлар бериши, давлат буюртмаларини қисқартириши ва бошқалар киради. Ушбу тадбирлар мамлакатни ижтимоий – иқтисодий

ривожланиши ва валюта – молия тизимини барқарорлаштириш имкониятларини юзага келтиради.

Давлатнинг иқтисодиётни бошқарувга аралашуви, иқтисодиётни режалаштириш ва башоратлаш. Мамлакатлар иқтисодиётни барқарор ривожланишида (цикличилкни олдини олиш) давлатнинг иқтисодиётни бошқарувга аралашуви муҳим ўрин тутади. Давлат иқтисодиётга бюджет – кредит, солиқ сиёсати, монополиялар ва тармоқларга имтиёзли кредитлар бериш, фоизнинг ҳисоб ставкасига таъсир этиш, амортизацияни жадаллаштириш сиёсатига амал қилиш, фойдадан олинадиган даромад солигини камайтириш, илмий – техника инқиlobи ютуқларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали таъсир этишга, уни тартибга солишга ҳаракат қиласди.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг юқори шаклларидан бири – давлат томонидан режалаштиришdir. Давлат инвестициялар, экспорт, импорт, малакали ишчи кучини тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, тармоқлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш тўғрисидаги узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқмоқда. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви асосан Кейнс модели<sup>1</sup> асосида кенг тарқалган бўлиб, бюджет – солиқ ва молия – кредит сиёсати орқали амалга оширилади. Иқтисодий тараққий этган мамлакатларда давлат фаол ташки иқтисодий сиёсат олиб бормоқда, инфраструктура соҳалари ва ҳарбий – саноат мажмуаларида унинг таъсирни катта бўлмоқда, хўжалик мажмуасининг тармоқ ва ҳудудий таркибини тартибга солиш, инфляцияни бартараф этиш, тўлов балансини барқарорлаштириш, ишсизликни ва инқиrozларнинг олдини олиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш сиёсатини амалга оширмоқда. Иқтисодиётни режалаштириш иккинчи жаҳон урушидан сўнг айрим тармоқ дастурларидан (Италияда кемасозликни, Буюк Британияда металлургияни, Францияда машинасозликни ва бошқалар) бошланган у бугун миллий иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат миллий дастурларни ўз ичига олади. Айни вақтда, маҳаллий ва тармоқ дастурлари умумий дастурларнинг бир қисмиди. Иқтисодиётни режалаштириш яқин ва олис истиқболга мўлжалланган иқтисодиётни ривожлантириш башоратларидан иборат.

Шунингдек, бихевиористик (gechartsour – инглизча хулқ) яъни хулқий назарияга кўра ишлаб чиқаришни

<sup>1</sup> М.Кейнс (1883–1946) – инглиз иқтисодчиси, давлатнинг иқтисодиётни бошқарувга аралашуви асосчиларидан бири.

жойлаштиришда ҳал қулувчи омил ишлаб чиқариши харажатлари ва транспорт эмас, балки монополиялар ва фирмалар бошқаришининг роли кескин ошганлиги туфайли хулқ сабаби ва бошқа субъектив сабабларининг аҳамияти кескин ортмоқда.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришда давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий, маъмурӣ ва ҳуқуқий тадбирлар мажмуаси минтақавий режалаштириш ва минтақавий башоратлаш шаклида бўлмоқда. Бундай минтақавий сиёсат иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда қуидагиларда ифодаланмоқда:

- 1) аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг ҳаддан ташқари тўпланишини, оддини олиш яъни «шаҳарларни енгиллаштириш»;
- 2) эски саноат районларини (АҚШда – Аппалачи, Буюк Британияда – Жанубий Уэльс, Ланкашир. Францияда – Лотарингия, Шимолий район, Германияда – Рур ва Саар ҳавзаларидан ташқари) ривожлантириш;
- 3) бўш ривожланган қолоқ аграр районлар иқтисодиётини (Италияда – Жануб, Францияда – Шимоли – Фарб, ва Жануби – Фарб районлари, Японияда – Хоккайдо) ривожлантириш;
- 4) янги районларни ўзлаштириш (Канада – Шимоли, АҚШда – Аляска, Австралияда – Марказий, Фарбий районлар, Буюк Британияда – Шимолий ва бошқа ҳудудлар)

Ривожланётган мамлакатлар гурӯҳида минтақавий режалаштириш ва минтақавий башоратлаш ресурсли районларни ўзлаштириш, иқтисодиётни тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш, ҳалқаро меҳнат тақсимотида ҳом – ашё ва плантация экинлари етказиб беришга ихтисослашувдан тайёр маҳсулотлар етказиб беришга ўтишдан иборат сиёсатни ўз ичига олади.

Пост – социалистик мамлакатлари, МДҲ мамлакатлари ва Осиёдаги социалистик мамлакатларда (ХХР, КХДР, ВСР) амалга ошираётган минтақавий режалаштириш ва минтақавий башоратлаш сиёсати, яъни табиий ресурсли ҳудудларни ўзлаштириш, минтақалар иқтисодиётини тенглаштиришдан иборат.

Иқтисодий районлаштириш – ишлаб чиқариши самарали ташкил қилишни такомиллаштириш ва ҳудудий режалаштириш асоси сифатида мамлакатларнинг ҳудудий – иқтисодий мажмуасини ифодалайди. Иқтисодий районлаштириш узоқ тарихга эга. Иқтисодий районлаштириш

асосида ҳудудий меҳнат тақсимоти етади. Ана шу меҳнат тақсимоти орқали мамлакатларнинг айрим қисмлари, яъни табиий – иқтисодий жиҳатдан яхлит ҳудудлари ишлаб чиқаришнинг бир ёки бир нечта иқтисодий самарали бўлган тармоқларига ихтисослашадилар. Натижада, район даражасидаги ва районлараро алоқалар амалга ошади. Мамлакат бу иқтисодий районлар тизими бўлиб, ўз навбатида иқтисодий минтақаларга, иқтисодий кичик районларга бўлинади. Иқтисодий районлар бир – биридан ишлаб чиқариш шароитлари билан фарқланади. Бундай шароитлар:

- а) иқтисодий ривожланиш даражаси;
- б) меҳнат ресурсларининг шаклланиш хусусиятлари;
- в) ишлаб чиқариш тизимининг ихтисослашуви ва концентрацияси;
- г) транспорт тўрининг шаклланиши;
- д) ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари ҳамда
- е) табиий – тарихий хусусиятлари билан белгиланади.

(Н.Т.Агафонов., А.Т.Чистабаев ва бошқалар)

Иқтисодий жиҳатдан қулай районларда йирик ишлаб чиқариш турлари – электро энергетика, металлургия, машинасозлик, кимё, енгил, озиқ – овқат саноати мажмуналарини, ихтисослашган қишлоқ хўжалигини жойлаштириш бутун мамлакат хўжалик мажмуаси учун юқори иқтисодий самара беради. Айни вақтда, иқтисодий районларда самарали ишлаб чиқариш тизимининг шаклланиши мавжуд табиий шароит ва табиий ресурслардан мажмуали фойдаланиш, саноат тармоқларининг ўзаро уйғунашган ҳолда ривожланишини таъминлаш ва саноат мажмуалари, агросаноат ишлаб чиқариши ва инфраструктура тармоқларини барқарор ривожланиши ҳамда ижтимоий – иқтисодий, экологик муаммолар ечимларини ҳал қилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, иқтисодий районларни сиёсий – маъмурӣ бўлинишлари доирасида ажратиш ишлаб чиқариш қучларининг ривожланишига ва самарали ишлаб чиқариш тизимини шаклланишига тўсқинлик қиласди. Чунки, яхлит табиий – иқтисодий ҳудудларда табиий ресурсларни турли сиёсий – маъмурӣ бирликлар доирасида бўлинниб қолиши бу ресурслардан оқилона фойдаланишига имкон бермайди. Мамлакатларни табиий, ижтимоий – иқтисодий, экологик ҳамда иқтисодий районлаштириш иқтисодиёт тармоқларининг ривожлантириш ва бошқариш имкониятларини кенгайтиради. Ҳар бир иқтисодий район учун минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

### 3.4. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда табиий, ижтимоий–иқтисодий, ижтимоий–демографик ва ижтимоий–экологик омиллар таъсири

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда қонуниятлар билан бир қаторда табиий, ижтимоий–иқтисодий, ижтимоий–демографик ва ижтимоий–экологик омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш кучларни жойлаштириш омиллари ишлаб чиқариш корхоналари, корхоналар гурӯҳи, миллий хўҷалик тармоқларининг оқилона жойлаштириш учун ҳисобга олинмоғи лозим. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги омилларни, уларнинг белгиловчи ролига кўра, 4 гурӯҳга бўлиш мумкин.

1. Табиий омиллар;
2. Ижтимоий–иқтисодий омиллар;
3. Ижтимоий – демографик омиллар;
4. Ижтимоий – экологик омиллар.

1. Ишлаб чиқариш кучларининг табиий омиллари – табиий шароит ва табиий ресурсларнинг иқтисодиётнинг тармоқ ҳамда районларнинг ривожланишига таъсиридан иборат. Бунда ер ресурслари, фойдали қазилмаларнинг жойлашиши, миқдори, сифати, фойдаланиш даражаси, иқлим ва сув ресурслари, ўрмон ресурслари муҳим ўрин тутади.

Айниқса, қишлоқ хўҷалиги ишлаб чиқариши тармоқларининг жойлашишида табиий шароит – ҳаво ҳарорати, вегетация даври, ёғинлар миқдори ва унинг даври, ер ости сувларининг кўтарилиш даражаси, шамоллар, ер усти тузилиши (рельеф), яйловлар ва уларнинг маҳсулдорлик даражаси, ер фонди ва унинг таркиби, қишлоқ хўҷалигига яроқли ерлар, тупроқ таркиби ва табиий унумдорлик даражаси каби омиллар мажмуасининг ўрни каттадир.

Саноатнинг муҳим тармоғи – қазиб берувчи саноат тармоқлари (тоғ – кон саноати) табиий ресурсларга, яъни минерал ҳом – ашё ресурсларининг тоғ – геологик шароитлари, руда ва рудали ҳом – ашёларнинг ер остида жойлашиши даражаси, сифати (руда таркибида – металл миқдори), рангли металлар мажмуаси, нефт ва табиий газ сифати, кўмир (қатламларининг жойлашиш ва қалинлик даражаси кабилар), балиқ – консерва, озиқ – овқат, ўрмон – целялюзда корхоналари ҳом – ашёга боғлиқ ҳолда жойлашади. Айниқса, қора металлургия (чўян, пўлат ва прокат), гидролиз, ўрмон – целялюзда, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналари (1 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга 2 тоннадан

6–7 тоннага қадар хом – ашё талаб қиласы) жойлашишида хом – ашёга боғлиқлик күчлидир.

2. Ишлаб чиқариш күчларининг жойлашишида ижтимоий – иқтисодий, яъни давлатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, давлат сиёсати, транспорт – географик, дengiz бўйи ҳолати, қўшинчилик ва чегара дошлик (иқтисодий ривожланган ҳудудлар билан) омилларининг ҳиссаси каттадир. Мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси илмий – техника инқиlobи билан боғлиқ замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш имкониятларини беради. Айниқса, иқтисодиётда муҳим ўрин тутувчи автомобилсозлик, самолётсозлик, атом саноати, электротехника, приборсозлик, контрол – ўлчов, космик – ракета ва бошқалар – автоматлаштириш, робототехника тармоқларининг ривожланишини таъминлайди. Давлатнинг саноатнинг янги ва энг янги тармоқларини ва инқизор ҳамда турғунликка учраган тармоқларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлардан иборат сиёсати мамлакат ва унинг минтақаларида ишлаб чиқариш күчларининг барқарор ривожланиш имкониятларини юзага келтиради.

Давлатнинг иқтисодиётний ривожлантиришга қаратилган тадбирлари, чунончи янги ресурсларни ҳудудларни интенсив ўзлаштириш, ижтимоий – иқтисодий – экологик зўриқкан ҳудудларни енгиллаштириш кабилар ишлаб чиқариш күчларининг ривожланиши ва жойлашишида сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Транспорт – географик ҳолатнинг қулиялиги, дengiz бўйи ҳудудлари, қўшничилик ва чегара дошлик ҳолатлари халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши билан ишлаб чиқаришни халқаро бозорга чиқиш қулай ҳудудларга, дengiz бўйларига (бу ҳол кейинги йилларда йирик порт – саноат ишлаб чиқариш мажмуаларини ривожланишига олиб келди), ривожланган мамлакатлар билан қўшничилик ва чегара дошлик эса ишлаб чиқариш күчларини чегара ҳудудларида ривожланишига («Умумий бозор» доирасида) олиб келмоқда.

3. Ишлаб чиқариш күчларининг жойлашишида ижтимоий – демографик омиллар – аҳоли сони, аҳоли сонининг кўпайиши, зичлиги, миллий таркиби, меҳнат ресурслари ва унинг сифат таркиби, аҳолининг иқтисодий (малака) таркиби, маълумот даражаси, миграцион ҳаракатларга тортилиши, аҳолининг ҳудудий жойлашиш тизими (овул, қишлоқ, кичик, ўрта, йирик ва ўта йирик шаҳарлар) катта ўрин тутади.

Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришда демографик жараёнларнинг бугунги ва истиқболдаги ҳолати ҳисобга олинади. Менгнат ресурслари мавжуд ҳудудларда сермеҳнат иқтисодиёт тармоқларини, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфраструктураси тизимларини, юқори малакали менгнат ресурслари мавжуд ҳудудларда замонавий ва ўта замонавий саноат тармоқларини ривожлантиришини тақозо қиласи. Аҳолининг ҳудудий жойлашишига мос ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш миграцион жараёнларнинг тартибга солиш ва бошқариш имконини беради. Бу ўринда саноат корхоналарини «филиаллаштириш» орқали ишлаб чиқариш кучларини ҳудудлар бўйича бир текис ривожлантиришдан ташқари экологик муаммоларни ҳам юмшатиш мумкин.

4. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ижтимоий – экологик омиллари XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлиб илмий – техника инқиёби туфайли юзага келган экологик инқизорлар ва саноатнинг энг янги соҳаларининг соғ табиий муҳитга бўлган талаби билан боғлиқдир. Аҳоли ўсиши ва ишлаб чиқариш суръатларининг ҳаддан ташқари тезлашуви, унинг тўпланув жараённинг кучайиши оқибатида атроф – муҳитга таъсири кучайди. Атмосферанинг ифлосланиши, тупроқ ва ер ресурсларининг яроқсиз ҳолга келиши, ўрмон ресурсларининг қисқариши, йирик шаҳарлардаги (мегалополислар) ижтимоий – экологик муаммоларнинг ҳаддан ташқари кучайишига олиб келди. Натижада, ишлаб чиқариш кучларини «енгиллаштириш», яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва инфраструктура соҳаларини мамлакат ҳудудлари бўйича бир текис жойлаштириш, атроф – муҳитга таъсири кучли корхоналар (кимё, нефть – кимё, металлургия ва бошқалар) қурилишини чеклаш сиёсатини амалга оширилиши иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг бошқа ҳудуд ва мамлакатларга «ифлос» ишлаб чиқариш соҳаларини кўчириш сиёсатини юзага келтирди.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришга тобора кенг суръатда кам чиқит ва чиқитсиз технологик жараёнларни қўллашдан иборат берк ишлаб чиқариш тизимини тўла жорий қилиш қўлланмоқда.

Умуман, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланниши ва жойлашишида, бу тармоқлар иқтисодий самарадорлигини оширишда мавжуд табиий ва ижтимоий – иқтисодий – ресурслардан самарали фойдаланишда барча омиллар

мажмуасини ҳисобга олиш самарали ҳудудий ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш имконини беради.

### **Тақрорлаш учун саволлар.**

1. Иқтисодий тамойиллар, қонун ва қонуниятларга тавсиф беринг?
2. Ҳудудий меҳнат тақсимотига тавсиф беринг?
3. Ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва жойланишига таъсир этувчи умумиқтисодий қонунларни тавсифланг?
4. Ишлаб чиқариш кучларини жойланишига таъсир этувчи табиий, ижтимоий – иқтисодий, ижтимоий – демографик омиллар ва ижтимоий – экологик омилларга тавсиф беринг?

## IV БОБ. ДУНЁ ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

### 4.1. Жамият тараққиётида табий омилларниң үрни

Жамият тараққиётида тупроқнинг табий унумдорлиги, ҳолати, иқлим хусусиятлари, ўрмон ва ўсимлик олами, ҳайвонот дунёси, дарё, денгиз ва океанлар, ёқилғи – энергетика, минерал – хом ашё, атмосфера ҳавосининг мусаффолиги каби кўплаб табий ресурслар муҳим ўрин тутади ва ишлаб чиқаришнинг табий омиллари бўлиб ҳисобланади.

Табий ресурсларнинг фойдаланиш учун қулайлиги ва унумдорлиги ишлаб чиқариш натижаларига кучли суръатда таъсир қиласди. Узоқ йиллар давомида иқтисодий тараққиёт даражасининг унчалик юқори бўлмаганилиги учун инсоният томонидан табий шароит ва ресурсларига етказилган зарарни табий ҳолатда тиклаш ва қоплаш имкониятлари мавжуд бўлган.

ХХ асрдан бошлаб иқтисодиёт тармоқлари, аввало саноат, қишлоқ хўжалик ва транспортнинг гуркираб ривожланиши табий муҳитга таъсирнинг сезиларли равишда кучайишига олиб келди. ХХ асрнинг 50 – йилларидан бошлаб илмий – техника инқилобининг жамиятнинг барча жабхаларига, биринчи навбатда иқтисодиётнинг ҳал қилювчи тармоқларига, таъсири ишлаб чиқариш суръатларининг жуда тез ўсишига ҳамда ҳудудларнинг интенсив ўзлаштирилишига ва янги – янги табий ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этилишига олиб келди.

Табий ресурслардан фойдаланиш даражаси ўзининг табий тикланиш имкониятлари чегарасидан чиқиб кетди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш ва майший эҳтиёжлар учун йилига 3,5 – 4 минг  $\text{km}^3$  сув, ёқилғи ёнишига 15 – 17 млрд.т. кислород сарф қилинмоқда. Ер бағридан 130 – 150 млрд.т. тоғ жинси қазиб олинмоқда, 800 – 850 млн.т. турли металл эритилмоқда. Иқтисодиёт соҳалари ва бошқа эҳтиёжлар учун 4 – 4,5 минг  $\text{km}^3$  тупроқ ишлатилмоқда. Табий ресурсларни ишлатиш даражаси унинг ўрганилган заҳираларига нисбатан жуда тез ўсмоқда.

Аҳоли жон бошига нисбатан саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишлатилаётган табий ресурсларнинг миқдори йилдан – йилга ортиб бормоқда. Чунончи 1913 йил аҳоли жон бошига 4,9 т., 1940 йил 7,4 т. 1960 йил 14,3 т. 1980 йил 17 т. 1990 йил 22 т. тўғри келган бўлса, 2000 йилда 35 – 40 т. тўғри келди.

ХХ аср 50 – йилларидан бошлаб ҳар 15 йилда саноат ва энергетика қувватлари 2 мартаға ортмоқда ва истиқболда янги – янги табиий ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қилишни тақозо қылмокда. 1950 – 1980 йилларда инсоният бутун тарихи давомида ишлатган табиий ресурсларга нисбатан күпроқ табиий ресурсларини ишлатди ва бу жараён тұхтосиз давом этмоқда. Нәтижада, күтгина табиий ресурсларнинг маълум заҳиралари қисқарди ва сифати ёмонлашиб бормоқда.

С.Б.Лавров ва Г.В.Сдаюк маълумотларига қараганда алюминий заҳиралари 200 йилдан ортиқроқ, темир рудаси 190 йилдан ортиқ, колумбит – 800 йилдан ортиқ даврга, титан – 300, хром – 300, ванадий – 300, марганец – 185, платина – 110, молибден – 108, мис – 54, қалайи – 42, кобальт – 44, никел – 33, титан – 60, вольфрам – 57, рух – 27, құрғошин – 29, висмут – 30, симоб – 30, кумуш – 20, асбест – 22 йилга етиши мумкин.

Айни вақтда, юқорида көлтирилган маълумотлар бутунги мавжуд илмий – техник имкониятларға асосланған бўлиб, океан ости табиий бойликлари, сувлардаги минерал ресурслар ( $1\text{km}^3$  сувда 35,7 млн.т. турли металлар бор), ер остининг чуқур қатламлари, ўзлаштирилиши жуда қийин бўлган қаттиқ иқлимли ҳудудлар ҳисобга олинмаган. Фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши эса табиий ресурслардан тўла ва самарали фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

**Табиий ресурсларни хўжалик нуқтаи – назаридан синфлаштириш, фойдаланиш ва баҳолаш.** Табиий ресурслар – кишилар моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида жамият томонидан фойдаланиладиган ёки фойдаланиш мумкин бўлган табиатнинг бир қисмидир. Табиий ресурслар – кишиларнинг яшаш воситаси, ишлаб чиқариш тизимининг асосидир. Табиий ресурслар – кишиларнинг зарурий яшаш шароити сифатида жамиятни озиқ – овқат, қийим – кечак, ёқилғи – энергетика, минерал ҳом – ашё билан таъминлайди. Табиий ресурслар ғоят ҳилма – хил бўлиб, минерал ҳом – ашё, ер – иқлим, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, рекреацион ва бальнеологик ҳамда космик ресурсларни ўз таркибига олади.

Табиий ресурслар фойдаланиш ҳолатига кўра турли мақсадларда қўйидагича синфлаштирилади. Ишлаб чиқариш кучлари тараққиётнинг турли босқичларида табиий ресурслар фойдаланилаётган ва салоҳиятли табиий ресурсларга бўлинади. Фойдаланилаётган табиий ресурслар ишлаб

чиқариш күчлари тараққиётининг маълум босқичларида жамият томонидан фойдаланилаётган табиий ресурслардир.

Жумладан, 1869 йил Д.И.Менделеев даврий системаси тузилган даврда 62 элемент маълум бўлиб, унинг 35 таси ишлаб чиқаришда фойдаланилган бўлса, 1906 йил 84 та элементдан 52 таси, 1927 йил 85 та элементдан 64 таси, 1937 йил 89 та элементдан 73 таси, 1985 йил 105 та элементдан 87 таси, 1990 йил 106 та элементдан 89 таси ишлаб чиқаришда фойдаланилди. Илмий – техника инқолобининг таъсирида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган элементлар сони тўхтосиз ортиб бормоқда.

Маълум ҳудуддаги фойдаланиш характеристикини ҳисобга олган ҳолда баҳолангандай табиий ресурслар мавжуд ҳудуднинг (мамлакатнинг) табиий ресурс салоҳиятини ташкил қиласди. Мамлакат (ҳудуд) табиий ресурс салоҳияти унинг миллий бойлигининг таркибий қисмидир.

Табиий ресурслар хўжалик тармоқларида фойдаланилишига кўра саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ – овқат, ёқилиғи – энергетика каби ресурсларга бўлинади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, табиий ресурсларнинг асосий турлари фойдаланиш характеристига кўра кўп мақсадлидир.

Жумладан, ер, сув, минерал ҳом – ашё, ўсимлик, дунё океани ресурслари ва бошқа ресурслар фойдаланиш характеристига кўра кўп мақсадлидир.

Ер ресурслари нафақат қишлоқ хўжалигига, балки саноат, қурилиш, транспорт, маиший хизмат ва турмушда ҳам кенг қўлланилади. Дунё океани ресурслари эса кўплаб компонентлар биргалиқда учраши билан ажralиб туради. Агроклиматий ва рекреацион ресурслар ҳам табиий шароит ва ресурслар ҳосиласидан иборат бўлиб инсон фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Табиий ресурслар генетик белгиларига кўра литосфера ресурслари (минерал ҳом – ашё ресурслари) ва биосфера (биологик) ресурсларига бўлинади. Иқтисодий – географик адабиётларда табиат компонентлари асосида ресурслар агроклиматий, сув, минерал ҳом – ашё, ер, ўсимлик ресурсларига ва ҳайвонот дунёсига бўлинади.

Табиий ресурслар жамият эҳтиёжлари учун фойдаланиш истиқболларига кўра тугайдиган ва тутамайдиган ресурсларга бўлинади. Тугайдиган табиий ресурслар ўз навбатида тикланмайдиган ресурсларга (кўпинча фойдали қазилмалар ва йўқолиб бораётган биологик турлар – ўсимлик ва ҳайвонот дунёси), қисман тикланадиган ресурсларга тупроқ қоплами, ўрмонларнинг табиий ҳолати ва

тикландиган ресурсларга (кенг маънода ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) бўлинади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тикланадиган табиий ресурслар қайта тикланиши учун маълум табиий шарт – шароитларни тақозо қиласи ва жуда узоқ вақтни ўз ичига олади. Чунончи ўрмонларнинг тикланиши учун 60 йил, тупроқнинг унумдорлиги чиринди қатлами (1 см) бўлиши учун 300 йилдан 600 йилгача вақт зарурдир.

Тугамайдиган табиий ресурсларга – сув, иқлим ва космик ресурслар киради. Сув ресурслари заҳираси ғоят катта. Аммо ишлаб чиқариш суръатлари ва аҳоли сонининг барқарор ўсиб бориши билан бутунги кунда **чучук сув** муаммоси юзага келди.

Иқлим ресурслари – атмосфера ҳавоси, шамол энергияси, ёғинлардан иборат. Космик ресурсларга қуёш радиацияси, дengiz сувларининг кўтарилиши ва пасайиши (қалқиши) энергияси киради ва амалда бу ресурслар битмас туганмасдир. Айни вақтда, илмий – техника инқилоби ва инсон фаолиятининг оқибатида космик ресурсларга ҳам салбий таъсир кучаймоқда.

Табиий шароит ва табиий ресурслардан иборат хўжалик ривожланиши табиий омилларининг ҳудудий уйғулашуви – табиий ресурс мажмуасини ташкил қиласи. Табиий ресурс мажмуаси мамлакат ва минтақада ривожланаётган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари шаклланишининг асосини ташкил этмоқда. Йирик табиий ресурслари мажмууда ресурслари майдон (ареаль) ажратилади. Ресурслари майдон – интенсив қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун қуляй табиий шароитларни, шунингдек, бир ёки бир нечта минерал ресурслардан иборат ҳудудларни ўз ичига олади.

Кейинги йилларда иқтисодий – географик адабиётларда табиатдан оқилона фойдаланишининг илмий асосларидан иборат И.В.Комарнинг ресурслари цикл концепцияси (таълимоти) кенг ёйилди. Бу цикл хилма – хил табиий ресурслар динамикаси, модда ва энергия катта айланиш тизимида, аҳоли хўжалик фаолиятининг тобора кучайиб бориши ва илмий – техника инқилобининг табиий ресурслардан фойдаланишиш (минерал ҳом – ашёларни қазиб олиш, қайта ишлаш, истеъмол қилиш ҳамда турли шаклларда табиатга қайтариш) жараёнига таъсирини ифодалайди. Олтида асосий ресурслари цикллар (энегоресурслар ва энергия;rudali ресурслар ва металлар; норуда табиий ҳом ашёлар; ўрмон ресурслари ва ўрмон материаллари

агроиқлиний ресурслар ва қишлоқ хўжалиги хом—ашёси, ўсимлик ва ҳайвонот ресурслари) фарқланади. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар учун хос бўлган ресурслари — экспорт цикли (РЭЦ), Я.Г.Машбиц фикрича ташки (экспорт) ва ички (қазиб олиш ва қайта ишлаш) омиллар таъсирида айрим мамлакатлар, районлар, ҳудудларнинг ижтимоий—иқтисодий ривожланиш жараёнларини ифодалайди.

#### **4.2. Минерал—хом ашё ресурслари иқтисодиётнинг бош тармоқларини ривожлантириши омили**

Минерал ресурслар ишлаб чиқариш жараёнида кенг маънода фойдали қазилмалар деб юритилади. Фойдали қазилмалар асосан **металл рудалар** ( қора ва рангли металлар, нодир ва камёб, сочма элементлар), **тоғ—кимё хом ашёси** — (минерал тузлар, олtingугурт ва бошқа.), **ёқилғи—энергетикага** — (нефть, газ, тошкўмир ва қўнғир кўмир, ёнувчи сланец ва торфлар) бўлинади. Ер пўстидаги мавжуд 92 кимёвий элемент 2000 га яқин минералларни ташкил қиласди. Бунинг 75 фоизи силикатлардан, 17 фоизи оксид ва гидрооксиддан, 1,7 фоизи корбонатлар, 1,7 фоизи фосфатлар, 0,5 фоизи хлорид ва фторидлардан, 0,3 – 0,4 фоизи сульфид ва сульфатлардан, 0,1 фоизга яқини яхлит элементлар ва бошқалардан иборатдир.

Фойдали қазилмаларни ўрганилиш даражаси турличадир. Ўзбекистонда фойдали қазилмаларнинг ўрганилиш даражаси 4 категория ва заҳираси асосида, яъни, A<sub>1</sub> B<sub>1</sub> C<sub>1</sub> ва C<sub>2</sub> аниқланади. A<sub>1</sub> категорияси қазилма тўла разведка қилинган ва аниқ чегаралари белгиланган заҳира, B<sub>1</sub> категория — разведка қилинган қазилма бўлиб чегаралари тахминан аниқланган, C<sub>1</sub> — категория умумий тарзда разведка қилинган бўлиб экстраполяция усули орқали ҳисобланган, C<sub>2</sub> категория қазилма заҳиралари тахминан айрим тажриба учун олинган нусҳаларга асосланган ҳолда ҳисобланган ҳолатни ифодалайди. Барча категориялар биргалиқда фойдали қазилмаларнинг баланс заҳирасини ташкил қиласди. Фойдали қазилмалар баланс заҳираси бутунги техник—технологик имкониятлар даражасида самарали фойдаланиш жараёнини ифодалайди. Шунингдек, фойдали қазилмаларнинг геологик (башпор) заҳирасини ифодаловчи категория ҳам мавжуд.

Хорижий мамлакатларда фойдали қазилмаларнинг разведка қилиб ўрганилган даражаси заҳиралари икки категорияга — аниқ ва эҳтимол тутилган категорияларга бўлинади. Шунингдек, эҳтимол тутилган заҳира категорияси

ҳам ( $C_2$  категорияси түгри келади) мавжуд. АҚШ ва бошқа иқтисодий тараққий эттан мамлакатларда биринчи категория сифатида ўлчанган ва иккинчи категория умумий маълумотлар асосида кўрсатилган бўлиб (умумий геологик маълумотлар асосида) тусмолланган заҳираларга бўлинади.

Геологоразведка ишларининг фоят катта кўламда бажарилиши илмий—техника инқилоби ютуқларидан кенг суратда фойдаланишга (космосдан туриб ўрганиш) қаратилмоқда. Ер шарида фойдали қазилмалар етарли даражада ўрганилган эмас. Айниқса, кам ўзлаштирилган ҳудудлар, Осиё, Африка, Лотин Америкаси ҳудудларининг геологик жиҳатдан ўрганиш давом этмоқда ва янги—янги фойдали қазилмалар ишлаб чиқаришга тортилмоқда (Ўзбекистондаги Кўқдумалоқ ва Мингбулоқ нефть заҳираларининг топилиши ва бошқ.). Айни вақтда, дунё мамлакатлари ўртасида фойдали қазилмаларнинг турлари ва заҳиралари ҳамда фойдаланиш даражалари фоят хилма—хилдир.

Фойдали қазилмаларнинг бутунги заҳиралари шуни кўрсатадики, дунё мамлакатлари ўртасида бешта мамлакат — АҚШ, Россия, Канада, Австралия ва ЖАР ресурслар билан тўла тъминланганлиги ва ҳудудлари геологик жиҳатдан анча тўлиқ ўрганилганлиги билан ажralиб туради. Бу мамлакатлар дунё бўйича қазиб чиқарилаётган минерал ҳом ашёлардан темир рудаси, марганец, мис, полиметалл, никел, фосфор ва калийнинг — 50 фоизини бермоқда.

Кейинги йилларда фойдали қазилмаларнинг саноат конденсацияси (фойдаланиши) қарийб 10 мартаға, рангли металлар эса 2—3 марта пасайди. Кўпгина мамлакатларда таркибида 30—35 фоиз бўлган темир рудаси заҳираларидан (умумий заҳираси 100 минг т.), рангли металлар таркибида 0,00005 фоиз фойдали компоненти бўлган (умумий заҳираси 0,1—0,5 т.) сочма минераллардан фойдаланилмоқда.

Ёқилғи — энергетика ресурслари жаҳон иқтисодиётида фоят мұхым ўрин тутади ва йирик заҳираларга эгадир. Кўмир заҳираларининг геологик миқдори 14,3 трлн.т. атрофида баҳоланади. Мавжуд кўмир заҳираларининг 86 фоизи Осиё ва Шимолий Америкада, қолган 14 фоизи бошқа континентлардадир. Кўмирнинг геологик заҳиралари шартли ёқилғи бирлиги ҳисобида 9—11 трлн.т. (Бир шартли ёқилғи бирлиги — 7000 ккал, ёки 29,4 минг қДж). Кўмирнинг йирик заҳиралари Россия — (5300 млрд. т ёки дунё кўмир заҳираларининг 30% түгри келади), АҚШ — (3600 ), XXR — (1500), Австралия — (697), Канада — (547), Германия —

(327), ЖАР – (206), Буюк Британия (189), Польша – (174), ва Ҳиндистон – (125 млрд. т.) ҳудудларида жойлашган бўлиб йилига 4–4,5 млрд. т. кўмир қазиб чиқарилмоқда ёки шу дараражада қазилса кўмир заҳиралари 3000–3700 йилга етиши мумкин.

Нефтнинг жаҳон бўйича геологик заҳиралари 840 млрд.т. шартли ёқилги бирлигини ташкил қиласди. Аниқланган заҳиралари 127 млрд.т. эҳтимол тутилган заҳиралари 360 млрд.т. шартли ёқилги бирлигидан иборат. Йирик заҳиралари Яқин ва Ўрта Шарқ (Саудия Арабистони, Қувайт, Эрон, Ироқ – 70%) Шимолий Америка (АҚШ – 8–10%), Марказий ва Жанубий Америка (Венесуэла – 5%), Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, XXР, Буюк Британия, (Шимолий денгиз), Ўзбекистон ҳудудларида дар. Йилига дунё мамлакатлари бўйича 4–4,5 млрд.т. нефть қазиб чиқарилмоқда.

Дунё бўйича табиий газ заҳиралари жуда катта. Табиий газнинг геологик заҳираси 540 трлн. м<sup>3</sup> (Детройт шаҳрида ҳалқаро энергетика конференциясида) бўлиб аниқланган заҳиралари 66 трлн. м<sup>3</sup> ва эҳтимол тутилган заҳиралари 230 трлн.м<sup>3</sup>. Шартли ёқилги бирлиги ҳисобида 79 млрд.т. аниқланган ва 276 млрд.т. эҳтимол тутилган заҳиралари мавжуд. Йирик табиий газ заҳиралари Яқин ва Ўрта Шарқда (Ироқ, Эрон, Саудия Арабистони), Африкада (Ливия, Жазоир, Нигерия), Америкада (АҚШ, Канада, Венесуэла, Мексика), Шимолий денгиз шельф минтақасида (Буюк Британия, Норвегия, Голландия) ҳамда Россия, Туркманистон, Ўзбекистон, Руминия ҳудудларида дар. Йилига 1,8–2,0 трлн.м<sup>3</sup> табиий газ қазиб чиқарилмоқда.

Шунингдек, ёнувчи сланец (таркибида 10–20 фоиз нефть бор) ва битумлашган құмлар 750 млрд.т.ни ташкил қиласди. Ёнувчи сланец Россия, Эстония, Канада, Бразилия, XXР, битумлашган құмлар Канада ва Венесуэлада бўлиб кенг миқёсида ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда.

**Металл рудалар.** Ер шарида энг кенг тарқалган ва ишлаб чиқаришда ғоят катта иқтисодий ўрин тутилган фойдали қазилма – темир рудасидир. Темир рудасининг геологик заҳираси ғоят катта бўлиб 1 трлн. тонна атрофида баҳоланади. Эҳтимол тутилган заҳираси 600 млрд.т. аниқланган, ишончли заҳираси 260 млрд.т. Темир рудасининг йирик заҳиралари Россия, АҚШ, Канада, Австралия, Бразилия, ЖАР, Германия, Швеция, Норвегия, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда жойлашган бўлиб, йилига 850–870 млн. тонна темир рудаси қазиб олинади.

Рангдор металларга хос хусусият шундан иборатки, деярли бир нечта металлар биргалиқда (полиметалл) учрайди ва руда таркибида жуда оз бўлади. Чунончи, мис руда таркибида 0,3 фоиздан (Польша) – 5,0 фоизгача (Замбия), рух 1,1 фоиздан (Канада) – 16 – 20 фоизгача (Бирма ва Гренландия), қўроғшин 1 фоиздан (Канада) – 23 фоизгача (Австралия) учрайди. Руда таркиби бойитилгандан (сараплангандан) сўнг руда таркибида мис концентратлари 25 – 30 фоиз, қўроғшин ва рух концентратлари 50 – 60 фоизгача етади.

Рангдор металлар орасида XX аср бошларидан бошлаб алюминий (айниқса самолётсозликнинг гуркираб ривожланиши туфайли) кенг қўлланилиши унинг хом ашёси ҳисобланган бокситга бўлган талабни кучайтириб юборди. Бокситнинг жаҳон бўйича заҳиралари 50 млрд.т. деб баҳоланади. Аниқланган ва эҳтимол тутилган заҳиралари 20 млрд.т. Йиллик боксит қазиб чиқариш 80 – 100 млн.т. Боксит заҳиралари Африкада (Гвинея, Гана, Камерун), Жанубий Америкада (Ямайка ороли, Суринам Гвиана), Австралияда Европада – Франция, Греция, Италия, Венгрия, шунингдек, Осиёда Хитой, Ҳиндистонда, Океанияда Малайзия ва Индонезия ҳудудларидаидар.

Мис рудаси заҳиралари 860 млн.т. деб баҳоланади. Шундан 450 млн.т. аниқланган ва эҳтимол тутилган заҳиралариdir. Мис рудаси АҚШ, Канада, Чили, Заир, Замбия, Панама, Перу, Австралия, Бирма, Германия, Швеция, Польша, Қозогистон ва бошқа мамлакатларда жойлашган.

Жаҳон бўйича қўроғшин заҳиралари 200 млн.т. атрофида баҳоланади ва АҚШ, Австралия ва Канадада, рух заҳиралари 30 млн.т., аниқланган ва эҳтимол тутилган заҳиралар эса 25,0 млн.т., АҚШ, Австралия ва Канада, Перу, Мексикада, қалайи 8,3 млн.т., аниқланган ҳамда эҳтимол тутилган заҳиралари 2,8 млн.т. Ҳиндистон ва Таиландда йирик заҳиралари мавжуд.

Шунингдек лигерловчи металлардан марганец рудаси – Россия, ЖАР, Бразилия, Габон, Ҳиндистон, Австралия, Зимбабве, никель – Канада ва Куба, Янги Каледония, Индонезия, Филиппин, кобальт – Заир, Янги Каледония, Австралия Индонезия, титан – АҚШ, Австралия, Канада, Норвегия, молибден ва тантал – АҚШ, вольфрам – Россия, Хитой, АҚШ да жойлашгандир.

Қимматбаҳо ва камёб металл ҳисобланган олтиннинг дунё бўйича заҳиралари 400 минг.т. баҳоланади. Айниқса, йирик олтин заҳиралари Жанубий Африка (ЖАР), Канада,

АҚШ, Россия, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда учрайди. Иилига тахминан 1000 тонна атрофида олтин қазиб олинади. Дунё банклари хазиналарида 30 минг.т., шахсий хонадонларда 25 минг. т. олтин мавжуд. Кумушнинг йирик заҳиралари АҚШ, Канада, ЖАР, Мексика, Перу, Чилида учрайди. Шунингдек, Африка, Осиё ва Жанубий Америкада истиқболли ҳавзалари мавжуд. Кейинги йилларда олмос (техник ва заргарлик мақсадларида) саноатнинг энг янги тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Олмос – Заир, Ботсвана, Ангола, Гана, Намибия, ЖАР, Россия мамлакатларидан қазиб олинади. АҚШ синтетик олмос ишлаб чиқариш бўйича (30 млн. карат) етакчи ўрин тутади. Россия дунёда (100 млн. карат) олмос қазиб олиш бўйича ЖАР дан сўнг иккинчи ўринда туради.

**Тоғ-кимё хом ашёси** – ғоят бойлиги билан ажralиб туради. Калийли тузларнинг заҳираси 80 млрд.т. деб баҳоланади ва аниқланган ҳамда эҳтимол тутилган заҳиралари 20 млрд.т. Энг йирик заҳиралари Канада, Германия, Иордания, Исройлда учрайди. Дунё бўйича фосфорит заҳиралари 90 млрд.т бўлиб, иилига 120 млн.т. қазиб олинади. Фосфор рудасининг йирик заҳиралари Марокаш, АҚШ, Россия, Қозогистондадир.

#### **4.3. Дунё океани минерал – хом ашё ресурслари ва улардан фойдаланиш**

Дунё океанини тадқиқ қилишда Ю.Н.Шокальский, Д.Ю.Визе, Н.Н.Зубов, П.П.Ширшов, К.К.Марков, П.Г.Сутягин, Тур Хейердал ва бошқаларнинг хизматлари катта.

Дунё океани – Ернинг сув қопламидан, яъни океан ва денгизлар тизимидан иборат. Планетамиз сатҳининг (510 млн.  $\text{km}^2$ ) 361 млн.  $\text{km}^2$  ёки 71% дунё океани акваторияси ташкил қиласиди.

Дунё сиёсий картасида 151 денгиз, қўлтиқ ва бўғозлар кўрсатилган бўлиб, буларнинг 50 таси Тинч океани, 54 таси Атлантика океани, 18 таси Ҳинд океани ва 24 таси Шимолий музли океанига тўғри келади. Дунё океани 4 та океандан – Тинч океани (180 млн.  $\text{km}^2$ ), Атлантика океани (93 млн. $\text{km}^2$ ), Ҳинд океани (75 млн.  $\text{km}^2$ ) ва Шимолий музли океандан (13,1 млн.  $\text{km}^2$ ) иборат.

Ривожланиб бораётган жаҳон саноатининг хом – ашё билан таъминланиши истиқболини дунё океани суви ва сув ости ресурслари билан боғламоқдалар. Дунё океанидан минерал хом – ашё олиш хусусиятларига кўра учга: **денигиз**

**бўйи** (бу сув таркибида кўплаб ғоят қимматли кимёвий элементлар мавжуд бўлиб суюқ руда деб ҳам юритилади); **Денгиз туби** ва **қирғоқ**, бўйи шельф минтақасига бўлинади.

Денгиз суви таркибида элементлар даврий системасидаги 80 дан ортиқ элементлар мавжуд (1 – жадвал). Денгиз сувидаги кўпгина металлар келажакда, илмий – техника истиқболининг навбатдаги босқичларидағи энергетика ва технология ютуқлари асосидагина ўзлаштирилиши мумкин. Денгиз сувидан саноат миқёсида бром (80 фоиз дунё бўйича), 35 – 40 фоиз ош тузи ва уран (Япония) олинмоқда.

### 1 – жадвал

#### Денгиз сувидаги айрим элементларнинг ўртача концентрацияси.

(Величко Е.А., Контер Е.А. маълумотлари)

Элементлар	Таркиби (л/мг)	Ҳажми (млн.т)
Вольфрам	0,0001	150
Висмут	0,00003	30
Олтин	0,0000014	5,5
Кобальт	0,0005	800
Литий	0,17	260000
Магний	1350	$2 \times 10^9$
Мис	0,003	4000
Молибден	0,01	16000
Никель	0,002	3000
Қалайи	0,003	4000
Қўргонин	0,00003	45
Кумуш	0,00003	45
Сурма	0,0005	800
Уран	0,003	4000

Дунё океанининг бир қатор участкаларида саноат аҳамиятига молик темир марганецли конкренциялар тарқалган бўлиб, тахминий заҳираси  $2,5 \times 10^{12}$  т. (400 млрд.т. ортиқ) деб баҳоланади. Бу конкренцияларда темир ва марганецдан ташқари никель, мис, кобальт мавжуд. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Канада мамлакатларида темирмарганецли конкренцияларни қазиб олиш бошланди. Энг истиқболли район Тинч океанининг Кларион – Клиппертон райони (Шимолий қисмида) бўлиб майдони 4 млн. км<sup>2</sup> ва  $9,6 \times 10^9$  т. темир марганец заҳираларига эгадир.

Шунингдек, қирғоқ бўйи минтақаларидан титанмагнетит рудалари (Япония йилига 3000 т. ортиқ т, Янги Зелландия – 1 млн.т.) қазиб олинмоқда. Камёб металлар группаси Ҳиндистон, Австралия, Бразилия, АҚШ, Янги Зелландия, Шри – Ланка, ХХР қирғоқбўйларида аниқланган. Индонезия, Таиланд, Малайзия 50 фоиз дунё бўйича қазиб

олинаётган қалайини қирғоқбўйи минтақаларидан олмоқда. Жанубиј – Фарбий Африка қирғоқ минтақаларидан сочма тарздаги олмос заҳиралари мавжудлиги аниқланди.

Денгиз шельф минтақаси нефть ва табиий газга бойлиги билан ажралиб туради. Денгиз нефтининг салоҳият заҳираси 150 – 180 млрд. т. бўлиб, разведка қилингани 30 – 40 млрд.т. Шунингдек, йирик табиий газ (Шимолий дengизнинг Норвегия қирғоқбўйларидан) заҳираларидан ҳам фойдаланиш бошланди. Форс кўрфази, Мексика қўлтифи, Шимолий дengиз шельф минтақалари истиқболли районлар бўлиб ҳисобланади.

Дунё океанининг энг муҳим минерал ресурси унинг катта миқдордаги суви (1 млрд 370 млн. м<sup>3</sup>) бўлиб, кейинги йилларда бу сувни саноат асосида чучуклаштириб иқтисодиётда кенг қўлланилмоқда. Бундай чучук сув қурилмалари Қозогистоннинг Шевченко шаҳрида ўрнатилган. Шунингдек, Дунё океани жуда бой энергия (сув қалқиши) ва биологик ресурсларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради.

Кўриниб турибдики, инсониятнинг минерал ҳом – ашё ресурслари билан таъминланиш даражаси катта бўлиб, илмий техника имкониятлари ривожланиб борган сари (янги – янги ҳудудларда нефть – газ ҳавзаларини аниқланиши, океан ости ресурслари ва бошқалар) янги – янги минерал ҳом ашё заҳиралари ҳам аниқланмоқда. Аммо, бу минерал ҳом ашё ресурсларидан фойдаланиш тобора катта маблағлар эвазига амалга ошади ҳамда барқарор суръатда қимматлашиб бориши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бутунги кунда мавжуд минерал ҳом – ашё ресурсларидан мажмуали фойдаланиш, ишлаб чиқарни тизимида чиқитсиз ва кам чиқит технологияларни жорий қилиш асосида минерал ҳом ашё ресурсларидан фойдаланиш муддатларини узайтириш билангина етарли суръатда минерал ҳом – ашё ресурслари билан таъминланиши мумкин.

Минерал ҳом – ашё ресурсларини муҳофаза қилиш тоят муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, минерал ҳом – ашё ресурслари қазиб олиш, қайта ишлаш ва ҳом – ашёни ташиш вақтида жуда катта исрофгарчиликка йўл қўйилади. Айни вақтда, минерал ҳом – ашё ресурсларини қазиб олиш жараёни табиий – географик мажмууга салбий таъсир этади. Табиий ландшафт бузилади. Шунинг учун кейинги йилларда бузилган ландшафтларни тиклаш – рекультивация масалаларига мамлакатлар жиддий эътиборни қаратмоқда.

**Ер ресурслари.** Ер ресурслари – жаҳон ер фондининг таркибий қисми бўлиб, хўжаликда фойдаланиш учун

яроқлидидир. Ер ресурслари қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришининг асосидид.

Ер нисбатан тор тушунча бўлсада, у тупрок, агроиқлимий хусусиятлар, рельеф (ер усти жинслари) билан характерланади. Ерни иқтисодий баҳолаш тизими мавжуд ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқий асосларга (ер эгалиги) ҳам эта. Ер ресурслари тадқиқ қилинганда асосан уч тушунчага: а) ер кадастри, б) тупроқни бонитировкалаш ва в) ерларнинг иқтисодий баҳолаш тизими ҳисобга олинади.

Ер кадастри – ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолати ҳамда иқтисодий баҳоси хақидаги аниқ ва зарурий маълумотлар йигиндисидир.

Тупроқ бонитировкаси – тупроқларнинг қиёсий сифатий баҳоси бўлиб, табиий унумдорлик кўрсаткичларидан (чиринди миқдори, фосфор, калий ва бошқа моддалар) иборат ва балларда ифодаланади.

Ерларни иқтисодий баҳолаш тизими – ерларнинг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги даромадлилигини аниқлашадир. Бунда асосий кўрсаткичлар – қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, ялпи маҳсулот, соғ даромаддир.

Ер юзасининг умумий сатҳи 510 млн. км<sup>2</sup>. бўлиб, қуруқлик ҳиссасига 149 млн.км<sup>2</sup> тўғри келади. Ер ресурсларининг умумий майдони 129 млн. км<sup>2</sup> ёки қуруқликнинг 86,5 фоизини (20 млн. км<sup>2</sup> ҳудуд Арктика ва Антарктиданинг муз қопламларидан иборат) ташкил қиласди. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 51 млн.км<sup>2</sup>, ўрмонлар билан қопланган ерлар 38 млн.км<sup>2</sup> дир. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибида ҳайдаладиган ерлар ва кўп йиллик ўсимликлар (даражатзорлар) 13,4 млн. км<sup>2</sup>, яйлов ва ўтлоқлар 37,4 млн. км<sup>2</sup>. Дунё бўйича аҳоли жон бошига 0,3 га ҳайдаладиган ер тўғри келади. Кейинги йилларда дунё мамлакатлари бўйича ер ресурсларининг етишмаслиги жараённи яққол сезилмоқда. Айниқса, бу жараён иқтисодий ривожланган ҳамда аҳоли зич жойлашган бир қатор мамлакатлар учун хосдир. Ер ресурсларининг тақчиллиги қадимги суғорма деёқончилик ривожланган ҳудудлар – Жанубий, Жануби – Шарқий Осиё, Жануби – Фарбий Осиё, индустрисиал тараққиёт юқори бўлган Фарбий Европа мамлакатларида мавжуд.

Саноатлашган ҳудудларда ер ресурсларига бўлган кучли таъсир – шаҳарлар ва шаҳар миңтақаларининг кенгайиши аҳоли зичлигининг ва саноат корхоналари, инфраструктура тифизлигининг барқарор ортиб бориши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш,

транспорт тармоқлари тўрининг қалинлашувида кўзга ташланади.

Айни вақтда, жаҳон бўйича умумий миқёсда мавжуд ер ресурслари сифатининг ёмонлашуви, табиий унумдорликнинг сезиларли пасайиши, эрозия жараёнлари (ирригация ва дефляция) ривожланишининг тезлашуви, шўрланиш ва иккиласми шўрланиш, тупроқ қатламининг заҳарли моддалар билан заҳарланиш даражасининг ортиши кузатилмоқда. Шунингдек, тупроқ қопламишининг ифлосланиши ерлардан нотўри фойдаланиш (суфориш, қурилиш, тоғ ишлари), саноат ва қишлоқ хўжалик чиқиндилигини ташлаш, металл ва унинг бирикмалари, ўғитлар, заҳарли химикатлар, радиоактив буюмлар ва бошқа кимёвий концентратлар, маиший чиқиндилиар ташланиши, оғир техниканинг ишлатилиши оқибатида ер қатламларининг сиқилиб жипсласиши (зичлашуви) билан боғлиқдир.

Юқоридаги омилларнинг барчаси атроф-муҳитнинг умумий ҳолатининг ёмонлашувига, қишлоқ хўжалиги майдонларининг қисқаришига олиб келмоқда. Қишлоқ хўжалигига яроқли майдонлар АҚШда 1960 йилдаги 540 млн. га. дан 1990 йилларга келиб 492 млн. га. га. Японияда мос равишда 7 млн. га. дан 5,6 млн. га. га. Францияда 39 млн. га. дан 35 млн. га. га. Германияда 14 млн. га. дан 12 млн. га. га. Италияда 22 млн. га. дан 20 млн. га. га қисқарди. Аҳоли жон бошига ҳам ер майдонлари қисқармоқда ва АҚШ да – 0,67 га, ГФР да – 0,12, Буюк Британияда – 0,11 ва Японияда – 0,03 га ҳайдалган ер тўғри келмоқда.

Ер тақчиллигини бартараф этиши мақсадида янги ҳудудларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, иирик ер фонди мавжуд бўлган Канада, Австралия, Бразилия ва бошқа бир қатор мамлакатларда янги ҳудудлар интенсив ўзлаштирилмоқда. Янги ҳудудларни ўзлаштириш тобора катта харажатларни, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфраструктурасини барпо этишини тақозо қилмоқда. Шунингдек, саноат ва фуқаро қурилиши, аҳоли қўргонларининг кенгайиши, транспорт ва бошқа соҳалар эҳтиёжлари қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳатто ўрмонларнинг ҳам сотиб юборилишига олиб келмоқда.

Умумий ер фондини қисқаришига салбий экологик омиллар билан боғлиқ **чўлланиш** жараёнининг кучайиши таъсир этмоқда. Чўлланиш бугунги кунда 900 млн. га ерни эгаллади ва яна 3 млрд. га ерга хавф солмоқда. Антропоген чўлланиш адир ва ярим адир ҳудудлар учун хосдир. Бугунги кунда чўлланиш жараёни соатига 7 км<sup>2</sup> ни йилига 6,9 млн.га.

ташкыл қилмоқда. Йилига чўл ва чала чўл ҳудудларида 20 млн. га. ер кучли деградацияга учрамоқда. Адир ва ярим адир ҳудудларга қуруқликнинг ( $57$  млн. км $^2$ ) 33 фоизи ва ер шари аҳолисининг  $15 - 17$  фоизи тўғри келади. Адир ва ярим адир ҳудудларининг чўлга айланиши мавжуд табиий ресурслардан (айниқса ўсимлик оламидан) хўжасизларча фойдаланиш ва тартибсиз ўзлаштириш билан боғлиқ.

Адир ўлкаларнинг чўлга айланиши оқибатида ҳар йили  $60 - 70$  минг км $^2$  қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар издан чиқмоқда. Айни вақтда, чўлга айланиш, хавфи бўлган районлар  $30$  млн. км $^2$  дан ортиқ бўлиб, қуруқликнинг  $19$  фоизини ташкил қилади. Шунингдек, чўллар майдонининг кенгайиши  $1$  млрд.га яқин аҳоли ҳаёт тарзига ҳам хавф солмоқда.

Юқоридаги жараёнлар Шимолий Америка, Осиё, Африка (Саҳрои Кабир), Лотин Америкаси, Австралия, Марказий Осиё (Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон), Россия учун хосдир.

Шунга қарамай бугунги кунда инсоният томонидан унчалик катта харажатлар қилмай ўзлаштириш имконияти бўлган ер ресурслари қуруқликнинг  $64$  фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, қуруқликнинг  $25$  фоизини ( $36$  млн. км $^2$ ) ташкил қилувчи ҳудудлар истиқболда ўзлаштириш имконияти бўлган заҳира ҳисобланса – да, бу ҳудудларни ўзлаштириш катта харажатлар ва куч – гайрат билан боғлиқдир. Гарчи яқин истиқболда бутун инсоният олдида ер ресурслари танқислиги юзага келмасада, айrim мамлакатларда бугунги кундаёқ ер тақчиллиги муаммога айланмоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд ер ресурсларини муҳофаза қилиш, сақлаш ва унумдорлигини ошириш умумбашарий муаммолардан биридир.

#### **4.4. Иқлимий ресурслар ва атмосферани муҳофаза қилиш. Сув ресурслари**

Иқлимий ресурслар ер шари қишлоқ хўжалиги салоҳиятининг таркибий қисми ҳамда рекреацион (дам олиш, сайру – саёҳат) ва больнекологик (сиҳат – саломатликни тиклаш) ресурсларнинг бош элементидир. Айни вақтда, иқлимий ресурслар аввало атмосфера, инсон ҳаёт фаолиятини, қолаверса ердаги ҳаётнинг муҳим шартидир.

Иқлимий ва космик ресурслар инсоният олдида XXI асрда ўзлаштириладиган ресурслардир. Бу ресурслар ичida қуёш энергиясидан фойдаланиш алоҳида ўрин тутади. Чунки,

куёш энергияси инсоният олдида турган ёқилғи энергетика мұаммосини ұал қилиш қалитидір.

Бугунғи күнде қуёш нурларидан фойдаланиш соҳасыда катта илмий тадқиқотлар АҚШ, Россия, Ўзбекистон (Күёш илмий – ишлаб чиқариш бирлашмаси) каби қатор мамлакатларда амалға оширилмоқда.

Ер сатхі ва атмосферанинг қуий қатламларыда қуёш энергиясининг йиллик оқими  $10^{14}$  кВт. бўлиб, мавжуд аниқланган энергоресурслардан 10 мартадан ортиқ ва бугунги истеъмол қилинаётган энергиядан минг марта кўпдир.

Шамол энергияси – инсоният томонидан қадимдан фойдаланиб келинган бўлиб, жуда арzon ва атроф – муҳитни деярли ифлослантирмайди. Агар қуёш энергияси адир минтақаларга тўгри келса, шамол энергияси деярли мўътадил минтақаларга тўгри келади.

Иқлимий ресурслар таркибида агроклиматик ресурслар (иссиқлик, нам ва ёргулук) алоҳида ўрин тутади.

Инсон хўжалик фаолиятининг маҳаллий иқлимага таъсири саноат ривожланган даврдан илгарироқ юзага келган. Суформа деҳқончиликнинг ривожланиши оқибатида Нил, Месопотамия, Ҳинд ва Ганг, Янцзи ва Хуанхе дарёлари минтақаларида тез – тез қурғоқчиликнинг такорланиши, қуруқ шамоллар, чанг тўзонлар, ўсимлик олами деградацияси (бузилиши) юз берган. Саноатнинг ривожланиши, ирригация тараққиёти айниқса, илмий – техника инқилоби таъсирида ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда атмосфера ва табиатдаги аномал ҳодисалар, яъни булулти кунларнинг кўпайиши, кислотали ва симобли ёғинлар ва нотабий жараёнлар АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия каби индустрисал минтақаларида юз бермоқда.

Айниқса, 50 – йилларнинг ўрталаридан бошлаб инсон хўжалик фаолиятининг салбий оқибатлари атмосферанинг умумий ҳолатига ва планета иқлимага салбий таъсир эта бошлади.

Ҳаётнинг юзага келиши ва ривожланиши ер шарини ўраб турган газсімон муҳит – **атмосферага** боғлиқ. Унинг оғирлиги  $5,5 \times 10^{15}$  т. бўлиб (80% стратосферага) кутб кенгликларида 8 кмдан, экваториал минтақада 18 км га қадар ва стратосферага 55 км юқорида 20% тўғри келади. Ер юзасидаги қуруқ ҳавонинг 78% азот ва 21% кислород, озрок аргон гази, карбонат ангидрид, гелий ва бошқа газлар бор.

Атмосферада инсон фаолияти туфайли карбонат ангидрид гази ( $\text{CO}_2$ ) концентрацияси ортмоқда. Илига технологик ифлосланиш оқибатида 22 – 25 млрд.т. дан ортиқ

$\text{CO}_2$  ажралиб чиқмоқда. Кейинги йилларда атмосферадаги  $\text{CO}_2$  миқдори 15 – 16 фоизга орттан бўлса, XXI аср бошларида 20 фоизга етиши таҳмин қилинмоқда. Бундай жараён «иссиқхона самараси» нинг юзага келиши оқибатида XXI аср бошларида ер юзасида ҳарорат  $0,5 - 1^{\circ}\text{C}$  кўтарилиши ва қутб музларининг эриб кетиши мумкинлиги тўғрисида илмий қарашлар мавжуд. Шунингдек, атмосфера табиий таркибининг бузилишига ҳавога чиқарилаётган хилма – хил заарали моддалар – сульфат оксиди, азот оксиди, углеводородлар, қаттиқ зарралар – қурум, кул, цемент ва кўмир чанглари ва бошқалар таъсир кўрсатмоқда. Реактив самолётларнинг ҳаракати туфайли трапосферанинг юқори ва стратосферанинг қуий қисмидаги юпқа аzon қатлами (радиациядан ҳимоя қилувчи) жиддий бузилмоқда ва туйнуклар ҳосил бўлмоқда. (Озон туйнуклари).

Атмосферанинг ифлосланишида автомобиль транспорти катта роль ўйнайди ва атмосферага чиқарилаётган заҳарли моддаларнинг 50 фоизи (углевод оксиди ва азот оксиди, қўргошин) тўғри келади. Шунингдек, электростанциялар (сульфат оксиди, азот оксиди ва чанг), саноат корхоналари (олтингугурт ва марганецли газлар, углеводородлар, хилма – хил қаттиқ жинслар ва бошқ.), қишлоқ хўжалиги (пестицидлар, турли ўғитларни ва дефилиантларни ишлатиш), шунингдек, радиактив моддалар кучли таъсир этмоқда.

Ер шари иқлимининг XXI аср бошларида ўзгариши тўғрисида бир – бирига қарама – қарши фикрлар мавжуд. Халқаро метеорологик ташкилот (ХМТ) маълумотларига кўра 1940 йилга нисбатан ўртача йиллик ҳарорат ерда  $0,5^{\circ}$  пасайди ва жараён оқибатида янада совукроқ бўлиши мумкин. Аммо, антропоген омиллар натижасида самарали исишиб жараёни юз бериши мумкин. Бу йўналиш Ю.А.Израэль, М.И.Будъко ва бошқаларнинг тадқиқотларида тасдиқланмоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича атмосферада  $\text{CO}_2$  икки ҳиссадан ортиши оқибатида йиллик ўртача ҳаво ҳарорати мўътадил минтақада  $2050 - 2060$  йилларга бориб,  $2 - 3^{\circ}$  кўтарилиши ва бу жараён юқори кенгликлардә сезиларли даражада бўлиши мумкин.

К.Я.Кондратьев фикрича ҳозирги иқлимининг ўзгариши учта сабаб:

- қуёшдаги доимий ўзгаришлар (вариация) ва ер шари устки қисми ҳолатининг ўзгариши,
- атмосферанинг газ ва аэрозол таркибининг табиий ва антропоген омиллар таъсирида ўзгариши,

— океан сатҳи ҳароратининг ва қор қопламининг, музли майдонларнинг ўзгариши билан боғлиқ.

Ю.А.Израэль фикрича иқлимнинг ўзгариши планета масштабидаги атмосфера, океан, қуруқлик юзаси криосфера — биосфера антропоген омиллари таъсири билан боғлиқдир. Умуман, атмосфера, иқлим ресурсларини муҳофаза қилиш ва унинг мусаффолигини сақлаш умумбашарий экологик муаммолар туфайли келиб чиқаётган бош вазифлардир.

**Сув ресурслари** — тутамайдиган табиий ресурс бўлиб, ер шарида жуда катта заҳирага эга. Шунга қарамай, XX асрнинг 80—йилларидан бошлаб илмий — техника инқилоби таъсирида иқтисодиётнинг барча соҳалари, айниқса саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, хизмат турларининг гуркираб ривожланиши, аҳоли сонининг ўсиши билан боғлиқ сув тақчиллиги деярли барча мамлакатларда сезиларли равишда кўзга ташланди. М.И.Лывович маълумотларига қараганда планетадаги сув заҳиралари  $1,4 \text{ млрд.м}^3$  бўлиб бунинг 97 фоизи дунё океани ва қуруқлиқдаги сувлардан иборат. Ер усти ва ер остидаги истеъмол учун яроқли сув заҳиралари  $35 \text{ млн. км}^3$  бунинг  $2/3$  қисми музликлардан иборат. Ер шаридаги барча дарёларнинг йиллик сув оқими  $2 \text{ млн. км}^3$  дан бир оз ортади.

Сув ресурсларининг бундай заҳиралари инсониятнинг бугунги эҳтиёжларини тўла қондирибгина қолмай, балки узоқ истиқболда ҳам етарли сув билан таъминлайди. Аммо, шунга қарамай кейинги йилларда сувдан фойдаланиш ва сув ресурсларининг яроқсиз ҳолга келтириш жараёнлари барқарор ортиб бормоқда. Чунончи, XX аср бошларида дунё бўйича  $400 \text{ км}^3$  сув ишлатилган бўлса, бу 1970 йил  $2,6 \text{ минг км}^3$  1980 йил  $3,3 \text{ минг км}^3$  ва 1990 йил  $4 \text{ минг км}^3$  га етди, ёки кейинги 30 йилда 2 мартаға ортди. Мутахассислар фикрича XXI аср бошларида сув истеъмол қилиш  $6 \text{ минг км}^3$  га етиши кутилоқда.

Иқтисодиётнинг икки асосий соҳаси қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари энг кўп сув истеъмол қилувчилардир. Чунончи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 1т. бугдой етиштириш учун вегетация даврида — 1500 т. сув, 1т. шоли етиштириш учун 7 минг т., 1 т. пахта етиштириш учун 10 минг т. сув талаб қилинади. Саноатда эса 1 т. пўлат ва қофоз ишлаб чиқариш учун 250 т, аммиак ишлаб чиқариш учун 1000 т, алюминий эритиш учун 1500т., синтетик тола ишлаб чиқариш учун 5000 т, никел ишлаб чиқариш учун 4000 т, шакар ишлаб чиқариш учун 100 т, резина ишлаб чиқариш

учун эса 3500 т. чучук сув ишлатилади. Хўжалик мақсадларида ишлатилаётган сувнинг 50 фоизи йўқотилмоқда. Йўқотилаётган сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалигига, тўғри келади, саноатда бу ҳолат 20 фоиз, бошқа тармоқларда 4 фоиз, сув омборлари ҳиссасига эса 6 фоизи тўғри келади.

Агар, 1990 йилда дунё бўйича сув истеъмол қилиш йиллик дарё оқимларининг 7,5–8 фоизини ташкил қиласа, XXI аср бошларида 12–13 фоизга етиши кутилмоқда. Аммо, бу ўртacha кўрсаткич бўлиб, ер шарининг турли ҳудудларида унинг миқдорлари кескин фарқланади. Қадимдан ўзлаштирилган, айниқса индустрисал ривожланган ҳудудлар чучук сув истеъмол қилувчи минтақалар ҳисобланади ва жаҳон чучук сувларининг 40 фоизидан ортиги шу ҳудудларга тўғри келади.

Қуруқликтининг адир ва ярим адир ҳудудлари эса ёғинларнинг озлиги, ер усти сувларининг чегараланганилиги билан ажralиб туради. Жаҳоннинг кўпчилик суформа деҳқончилик ривожланган ҳудудларида деярли дарё сувларининг барчаси сугоришга сарфланади. Масалан, Марказий Осиёдаги Амударё ва Сирдарё сувларининг Орол денгизига етиб бормаслиги оқибатида 70–йилларнинг ўрталарида Орол муаммоси юзага келди.

Шунингдек, сувларнинг ифлосланиши яъни сой, дарё, кўл ва денгизларга саноат, қишлоқ хўжалиги ва майший чиқиндилар ташлапнинг ортиб бориши билан ҳам боғлиқ. 90–йилларнинг бошларида дунё бўйича ташлама сувларнинг ҳажми 1 минг  $\text{km}^3$  дан ортди ва сувни меъёрлаштириш учун 10 марта кўп сув керак бўлади ёки бу сув 10 минг  $\text{km}^3$  оқар сувни ифлослайди. XXI аср бошларида эса оқар сувларни меъёрлаштириш учун 20–25 минг  $\text{km}^3$  чучук сув керак бўлади. Бугунги кунда – Рейн, Дунай, Сена, Тибр, Миссисипи, Огайо, Волга, Днепр, Дон, Днестр, Нил ва Ганг каби дарёлар кучли ифлосланганнадир.

Шунингдек, Ўрта денгиз, Шимолий, Ирланд, Болтиқ, Қора, Азов денгизлари ва ички денгизлар – Япон, Ява, Кариб ҳавзаси, Бискай, Форс, Мексика ва Гвинея қўлтиқлари юқори даражада ифлосланган. Кейинги йилларда океанларга йилига 100 млн. т. хилма – хил чиқиндилар тушмоқда. Дунё океани нефть билан foят кўп ифлосланмоқда. 1 т. нефть 12  $\text{km}^2$  сув сатҳини юпка плёнка тарзида қоплади. Халқаро Денгиз Ташкилоти мъалумотларига кўра 37 минг кема ва танкерлардан (юк сифими 10 минг т.) йилига Дунё океанига 750 – 1500 минг т. нефт ташланмоқда. Денгиз нефтини қазиб олиш жараёнида йилига 6 млн. т. нефт океанга чиқиб, уни

ифлосламоқда. Космик тасвиirlар шуни кўрсатмоқдаки, Дунё океанининг 1/3 қисми юпқа ёғли плёнка билан қопланган бўлиб жиддий муаммоларни юзага келтириши мумкин. Сув ресурслари – дengiz ва океанлар инсониятнинг улкан бойлиги бўлиб, унинг тақдири мамлакатларнинг мувваффақиятли халқаро ҳамкорлиги билан боғлиқdir.

#### **4.5. Рекреацион ва бўльнеологик ресурслар.**

Рекреацион ва бўльнеологик ресурслар можияти жиҳатидан кўп компонентлидир. Илмий–техника инқилоби шароитида ер шари аҳолиси сонининг ортиб бориши, ишлаб чиқариш суръатларининг ривожланиши билан бу ресурсларнинг иқтисодиётдаги ўрни тобора кучайиб бормоқда. Чунки, шаҳарларнинг кенгайиши, шаҳарча турмуш тарзининг ортиши, ҳатто қишлоқларда ҳам шаҳарча турмуш тарзининг кенгайиши ва индустрлаштириш, умумий психологияк ва физиологик зўриқишига (стресс), шовқин–суроннинг ортиши, атмосфера мусаффолигининг ёмонлашуви, транспорт чарвоқлиги ва бошқа ноқулайликларнинг кучайиб боришига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам, кенг миқёсда дам олиш, сайдарса – саёҳат қилишга бўлган эҳтиёж кучаймоқда.

Шаҳарлар учун шаҳар ташвишларидан бир нафас ҳалос бўлиш, ҳаётий заруриятга айланмоқда. Бу жараён шаҳарларнинг кенгайиши, шаҳар аҳолиси сонининг тўхтовсиз ортиб бориши, шаҳарча ҳаёт тарзининг кучайиши билан янада кескинлашмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳолиси 500 мингдан ортиқ энг йирик шаҳарларда 42 фоиз, 250–500 минг аҳолиси бўлган йирик шаҳарларда 25 фоиз, 100–250 минг аҳолиси бўлган шаҳарларда 24 фоиз, 50–100 минг аҳолиси бўлган шаҳарларда 17 фоиз, 50 мингдан оз аҳолиси бўлган шаҳарларда 15 фоиз аҳоли ҳафтгода дам олишга ўзида эҳтиёж сезади.

Бир қатор мамлакатларда катта – катта ҳудудлар рекреацион манбаа сифатида шаклланмоқда. Айниқса, Франция, Италияning Ўрта дengиз соҳил бўйи минтақаси, Югославия ва Болгариянинг Адриатика ва Қора дengиз соҳиллари, тоғли минтақалар ва Польшанинг 18 фоиз, АҚШнинг 8 фоиз федерал ҳокимиятга қарашли ерлари рекреацион мақсадларида фойдаланилмоқда. Шунингдек, Япония, Жануби –Шарқий Осиё, Лотин Америкаси, Африка, Марказий Осиё (Ўзбекистон), Европа, Шимолий Кавказ, Кавказорти давлатлари, Карпат тоғ тизмаси, Алъп тоғлари ҳудудларда ўзига хос хордиқ чиқариш масканларидан иборат минтақалар шаклланмоқда.

Рекреация тизими мажмуали бўлиб, табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф – мұхит муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, бир томондан рекреацион тизим катта ер фондини (гарчи қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ер ресурслари, айrim тоғли ҳудудлар, эстетик аҳамиятга молик табиий манзаралар ва бошқалар) тақозо қиласа, иккинчи томондан рекреация минтақасининг ўзига (табиий ландшафтга) бўлган ҳаддан ташқари кучли тайзиқ табиатга ва унинг ресурсларига салбий таъсир этади.

Айни вақтда, рекреацион минтақаларда сиҳат – саломатликни тиклаш ва соғломлаштириш табиий манбаалар билан уйғунашган бўлади. Қуёшли кунларнинг кўп бўлиши, атмосфера мусаффолиги ва кислороднинг юқорилиги, шифобахш сув ва балчиқлар сиҳат – саломатликни тиклаш ва соғломлаштириш ресурслари сифатида қаралади. Рекреацион ва бульнеологик ресурслардан самарали фойдаланиш эса фақат айrim ҳудудлар иқтисодий тараққиётинигина эмас, балки бутун – бутун мамлакатлар ижтимоий – иқтисодий тараққиётида ҳам катта ўрин тутмоқда.

Илмий – техника инқилоби шароитида рекреацион ва бульнеологик ресурсларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда ва бу жараён истиқболли йўналишга эгадир.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Табиат ва жамият алоқалари ва қайта алоқаларига тавсиф беринг.
2. Минерал ҳом – ашё ресурслари турлари ва уларнинг иқтисодиёт тармоқларини ривожланишидаги ролини тавсифлаб беринг.
3. Бутунги кунда Дунё океани минерал ҳом – ашё ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ва муаммолари қандай?
4. Дунё бўйича ер ресурсларидан фойдаланиш ва чўлланиш ҳолати ва муаммолари қандай?
5. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва чучук сув муаммоларини тушунтириб беринг.
6. Иқлимий ресурслар ва атмосферани мұхофаза қилиш масалалари нималардан иборат?
7. Больнеологик ва рекреацион ресурсларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва истиқболда фойдаланиш масалаларини тушунтириб беринг.

## **В БОБ. ДУНЁ АҲОЛИСИ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИНИНГ ИНСОНИЙ РЕСУРСЛАРИ**

Аҳоли – ижтимоий ишлаб чиқаришда марказий бўғин эгаллади ва табиат – аҳоли – хўжалик тизимида ўзининг меҳнати билан фаол ва боғловчи, таъсир этувчи, ўзгартурувчи роль ўйнайди. XX аср охири XXI аср бошларида аҳоли ва у билан боғлиқ ҳалқаро муаммолар мажмуаси юзага келади.

Бу аввало:

⇒ Аҳоли – жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучи эканлиги билан характерланади. Чунки, меҳнат ресурсларининг сони ва меҳнат фаолияти аҳолининг ижтимоий таркиби, маълумоти ва иқтисодий таркиби, меҳнат анъаналари ва кўнимкалари, янги касб ва ҳудудларни, айниқса илмий – техника билан боғлиқ соҳаларни тез ўзлаштириш дараҷаси иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига, мамлакатлар ва минтақаларда хўжаликнинг жойлашишига кучли суръатда таъсир қиласи. Айниқса, меҳнат ресурсларининг сифат таркиби яхшиланишига бўлган эҳтиёж XX асрнинг 80 – йилларидан сўнг кучайди ва бу жараён давом этмоқда.

⇒ Аҳоли – ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг катта қисмини истеъмолчисидир. Турли хизматлар ва номоддий қийматдаги маҳсулотларга доимий эҳтиёж мавжуд. Аҳоли сони, миллатлар ва ҳалқларнинг менталитети иқтисодиётнинг тармоқлари, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг (истеъмол товарлари) ривожланишига ҳамда жойлашишига, товарларининг ўйналишига, транспорт, савдо – сотик, молия ва кредит, лам олиги ва туризм, бошқа товар ва хизматларнинг ривожланишига таъсир этади.

⇒ Инсоният доимий равишда ўзгариб бормоқда. Аҳоли сонининг тўхтовсиз ўсиши давом этмоқда, ҳар минутда 175 кишига, ҳар соатда 10,4 минг ва ҳар суткада 250 минг, йилига ўртача 90 млн. кишига кўпаймоқда. Бу жараён ер шарининг турли минтақаларида мамлакатларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши, аҳолининг ижтимоий, иқтисодий, этник, маиший, диний ва бошқа омиллари билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, бозор муносабатлари шароитида «бала нархи» нинг доимий ортиб бориши иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги демографик ҳолатга сезиларли таъсир этмоқда. Шунингдек, табиий кўпайишдаги фарқлар ва миграция жараёнлари аҳолининг ҳудудий қайта тақсимланишига олиб келмоқда. Аҳоли эҳтиёжлари билан

боғлиқ аҳоли географиясида ўзгаришлар юз бермоқда. (янги ҳудудларни ўзлаштириш, янги аҳоли қўргонларининг барпо қилиниши ва бошқалар).

⇒ Аҳоли – ишлаб чиқариш муносабатларининг яратувчиси ва элтувчиси бўлиб, инсон фаолиятининг «вақт чизиги» давомида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш ва жойлашиши тамойилларини қонун ва қонуниятларини белгилаб беради. Айни вақтда, бу жараён аҳоли жойлашиш характеристига ҳам таъсир қиласди.

⇒ Аҳоли ўзининг ривожланиш жараёнида табиат қонулари ва қонуниятларини англаб, у билан алоқадорликка киришади ва бу алоқадорликда фаол кучга айланади. Аҳоли табиий шароитга мослашиб, унинг ресурсларини интенсив ўзлаштиришга киришади. ИТИ шароитида табиий ресурслардан фойдаланишнинг ўсиши, ишлаб чиқариш ва аҳолининг концентрацияси, урбанизация – атмосфера, сув ва тупроққа салбий таъсир этиб, ер шаридағи табиий жараёни бузади ва охири – оқибатда аҳоли ҳёти учун ноқулай вазият – экологик муаммони юзага келтирди. Бу муаммо инсоният учун XXI аср бошларида энг кескин муаммодир.

### **5.1. Ер шари аҳолисининг сони ва ўсиш суръатлари. Дунё аҳолисининг миллий (этник) таркиби. Дунё аҳолисининг диний таркиби**

**Аҳоли сони** ҳақидаги маълумотларни аҳолини умумий рўйхатдан ўтказиш орқали олинади. Аҳолининг умумий рўйхатдан ўтказиш 5 ёки 10 йилда бир марта ва мунтазам равишда амалга оширилади.

Аҳоли сони ҳар доим ўзгариб туради. Шунинг учун таҳлил чорида аҳоли сони аниқлананаётган вақтни (одатда бу аҳолини рўйхатдан ўтказилган вақт йилнинг боши, ўртаси ёки охири бўлади) ва аҳоли яшаётган ҳудуднинг маъмурӣ чегараларини аниқ ҳисобга олиш зарур. Бироқ, бир нечта мамлакатларда кўп вақтдан бўён аҳолини умумий рўйхатдан ўтказиш амалга оширилмаган. Хусусан, 90 – йилларнинг бошида 40 та (209 та дан) мамлакатда 10 йилдан кўп вақт ичида аҳоли умуман рўйхатдан ўтказилмаганлиги аниқланган. Шунинг учун Ер шари аҳолисининг умумий сонига аниқ эмас, балки хақиқатга яқин миқдор деб қараш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, 1950 йилнинг ўрталарида Ер шари аҳолисининг сони БМТ маълумотларига кўра 2516 млн. кишини, 1987 йилнинг ўрталарида эса 4994 млн. кишини

ташкыл этган. 36 йилда Ер шари аҳолиси 2478 млн. кишига күпайған. 1987 йил 11 июлда БМТ ернинг 5 млрд. яшовчисининг туғилған кунини нишонлаган. 1995 йилда эса Ер шари аҳолисининг сони 5,716 млн. кишини 12 октябрь 1999 йил 6,0 млрд кишини ташкыл қилди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг аҳолиси нисбатан тез ўсмоқда. 1975 – 1995 йилларни олиб қараса, бу оралиқда иқтисодий ривожланаётган мамлакатларнинг аҳолиси 1,4 мартаға күпайған. Шу йилларда дунёning асосий миңтақаларида аҳоли сонининг ўсиши қуидагича бўлган: Африка аҳолиси 1,8 мартаға кўпайған, Лотин Америкаси аҳолиси 1,5, Жанубий ва Жануби – Шарқий Осиёда 1,5, Австралия ва Океанияда 1,3 мартаға, Шимолий Америкада – 18,4%, Фарбий Европада – 7% га ошган. 1995 йилда Ер шари аҳолисининг деярли 60% и Осиёда, 12% га яқини Африкада, 8% Лотин Америкасида, 3,2% Фарбий Европада, 2,6% Россияда, 5% Шимолий Америкада, 0,9% Австралия ва Океанияда яшаган.

Демограф статистларнинг маълумотларига қараганда бутун инсоният тарихида 80 млрд киши туғилған шундан мил. қадар 40000 йил давомида 4 млрд.киши ва милдан 1750 йилга қадар – 61 млрд киши ва 1750 йилдан – 1990 йилга қадар 15 млрд.дан кўпроқ киши туғилған.

БМТ башоратига қараганда Ер шари аҳолисининг сони 2000 йилда 6030 млн., 2005 йилда 6550 млн., 2020 йилда 6985 млн., 2015 йилда 7469 млн.киши ва 2025 йилда 8312 млн.кишини ташкил қиласди.

Меҳнат ресурслари ва аҳоли ҳаракати билан шуғулланувчи демография фани аҳоли жойлашуви, таркиби, динамикасида содир бўлаётган қонуниятларни ижтимоий, иқтисодий, биологик ва географик омиллар асосида ўрганади. Турли илмий тадқиқотлар олиб боради. Уларга асосланиб, аҳоли борасидаги демографик сиёсат ишлаб чиқилиди. Аҳоли таркибидаги, жойлашуvidаги ўзгаришлар мамлакат, миңтақалар ва умуман жаҳон иқтисодиёти миқёсида олдиндан башоратланади.

Демографик статистикада туғилиш коэффициенти (туғилганлар сони ҳар минг кишига нисбатан промиллада ўлчанади), ўлим коэффициенти( ўлганлар сони ҳар минг кишига нисбатан промиллада ўлчанади), никоҳ коэффициенти, аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентларидан (туғилиш ва ўсиш коэффициентлари орасидаги фарқ) фойдаланилади.

Коэффициентлар күпроқ жорий йил учун ҳисоблаш чиқарилади. Ўлимнинг (түғилиш) коэффициентини ҳисоблаш учун бир йилда ўлганлар (түғилганлар) сонини шу йилдаги аҳолининг ўртаси сонига бўлиб, 1000 га кўпайтирилади.

Берилган йилдаги аҳолининг ўртаси сони сифатида шу йилнинг 30 июнь ҳолатига тўғри келган аҳоли сонининг ҳисоблаш қабул қилинган. Агар, тадқиқотчи бу сана учун аҳоли сони ҳақидаги маълумотга эга бўлмаса, у ҳолда аҳолининг ўртаси сони арифметик йўл билан ҳисоблаш топилади. Худди шу йўл билан никоҳ коэффициенти ҳам ҳисобланади. Лекин, айни вақтда ҳисоблаш оила қуриш мумкин бўлганлар, ҳамда янги оила қурувчилар сонидан келиб чиқади ва унинг миқдори оила қуриш мумкин бўлганлар миқдоридан икки марта кўп.

Фарб мамлакатларида күпроқ иккинчи усуудан фойдаланилади. У ҳолда никоҳ (оила) коэффициенти түғилиш коэффициентига таққосланувчи миқдор сифатида шакланади.

Түғилиш ва ўлим натижасида «такрор бардо бўлиш» деб ном олган аҳолининг узлуксиз янгиланиш жараёни юзага келади. Бу жараён қуидаги 2 хил тушунча билан боғлиқ бўлиб, улар аҳолининг табиий ўсиши ва авлодлар алмашинуви тушунчалариdir.

У ёки бу аҳоли ҳаракатини қузатишнинг энг оддий йўли унинг йиллик ўсишини аниқлашдан иборат. Йиллик ўсиш коэффициенти аҳоли бир йилда (2 та кетма – кет 1 январь оралиғида) қанчага ўсганлигини ифодалайди.

$$\text{Йиллик ўсиш коэффициенти: } P = \frac{P_r}{P_m} \cdot 100 \quad (1)$$

бу ерда  $P_r$  – йил давомида ўсган аҳоли сони.

$P_m$  – йил давомидаги аҳолининг ўртаси сони.

Бутун ер шари миқёсида табиий ўсиш аҳоли сонининг эволюциясини беради. Тарихнинг маълум бир даврлардагина ва айрим мамлакатларда демографик эволюция миграция орқали юз берган (масалан: АҚШда XIX аср ва XX аср бошлиарида).

Уруш даврларини, эпидемия, очарчиликларни ҳисобга олмаганда түғилишнинг ҳар вақт ўлимдан юқорилигини кўриш мумкин. Аҳолининг ўсиши ҳар минг кишига бир неча кишидан тўғри келади. Шу билан бирга, айтиш керакки, энг юқори чегара ҳар мингтага 10 тадан ёки 1% тўғри келади.

Агар, фақатгина ўртача ўсиш кузатилиб, юқоридаги коэффициентлар узоқ вақт ўзгаришсиз қолганда эди, иккинчи 100 йилликнинг охирида аҳоли сони 2 мартаға күпайған бўларди. Лекин жамиятда юз берган фожиалар узоқ йиллар давомида туғилиш билан ўлим ўртасидаги муносабатни (мувозанатни) барқарорлаштириб (сақлаб) туради.

Ҳар бир авлод ўз алмашинувини қай даражада таъминлаганини кўриш учун уни туғилган вақтдан бошлаб ўз наслларини (авлодларини) дунёга келтиргунгача бўлган босқич кузатилади. Агар танланган авлоддан айтайлик минг киши туғилиши вақтидан бошлаб дунёга 1000 та (тирик) чақалоқни келтирган бўлса, авлод тўла алмашинган ҳисобланади. Агар 1000 тадан кўпроқ чақалоқ туғилган бўлса, у ҳолда бу авлод алмашинуви билан бирга ўсишини ҳам билдиради.

Оилавий жуфтликлар турли ёшдаги эркак ва аёллардан ташкил топиши натижасида, умумий туғилган чақалоқлар сонидан муайян авлоднинг наслини ажратиб бўлмайди. Шунинг учун одатда авлоднинг аёллар қисмини ўрганилади. Чунки, биринчидан аёлларнинг фарзанд кўриш даври, чегаралари аниқроқ бўлади. Иккинчиси ва асосийси оналикини аниқлаш одатда қийинчалик туғдирмайди. Натижада, аёллар қатламини такрор барпо бўлиши, яъни аниқ сондаги аёллар насли ўрганилади. Бунда улардан туғилган қиз (чақалоқ) болалар эътиборга олинади.

Францияда ўтказилган тадқиқот натижасида танланган 100та қизалоқлардан кейинчалик 94 та қиз фарзанд туғилганлиги кузатилган. Бу натижани биз 1та қиз (танлаб олинган авлоддан) учун ҳисоблаб чиқсан, «соф коэффициент» деб юритиладиган кўрсаткичга эга бўламиз. Бизнинг мисолимизда у 0,94% бўлиб,  $R_0$  билан белгиланади. Агар такрор барпо бўлишнинг ҳақиқий коэффициенти 1тадан кичик бўлса авлоднинг тўла алмашинуви таъминланмаган бўлади, бунинг учун  $R_0 = 1$  миқдор билан белгиланади ва ҳосил бўлишнинг соф коэффициенти 1дан юқори бўлса авлоднинг тўла алмашинуви таъминланади.

Дунё аҳолиси ҳаракати таҳдили шуни кўрсатиб турибдики, кўплаб Фарбий Европа мамлакатларида шунингдек Шимолий Америка мамлакатларида XIX – XX асрларда аҳолининг ўлим даражаси пасайган. Дунёнинг бошқа мамлакатларида ўлим даражасининг сезиларли пасайиши ва мустамлакачилик тузимнинг тутатилиши билан иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган. Аҳоли турмуш даражасининг кўтарилиши, медицина хизматининг

яхшиланиши, касалликларнинг олдини олиш учун профилактик чора – тадбирларининг ўтказилиши бевосита ўлим даражасининг пасайишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, демографик жараёнда аҳоли такрор барпо бўлишининг 2 типини ажратиб кўрсатиш мумкин. «Классик» ёки европача тип, бунда ўлим ва туғилишнинг юқори даражасидан паст даражасига ўтиш узоқ вақтга тўғри келади, шу билан бирга туғилиш коэффициентининг ўлим коэффициентидан юқорилиги кўп ҳолларда 10% дан пастга тўғри келади ва бу ҳолат аҳоли табиий ўсишининг секинлашувига олиб келади.

«Замонавий» тип, бунда умумий ўлим коэффициентининг пасайиши нисбатан қисқа вақт ичida кузатилади, туғилиш коэффициенти сезиларли даражада ортади ёки 10% атрофида барқарорлашади.

Туғилиш ва ўлим даражаларининг бундай боғлиқлиги (ёки нисбати) аҳолининг тез ўсишини билдиради, аҳоли сонининг 2 марта га кўпайиши яқин 20 йилга тўғри келади. Кўплаб мамлакатларда туғилиш даражасини тартибга солиш чора – тадбирлари унинг пасайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Айрим мамлакатлар мазкур жараёнларининг ўзига хос кўплаб хусусиятлари билан ажралиб туради ва бу улар таснифини қийинлаштиради. Умуман олганда эса ривожланаётган мамлакатларни аҳоли такрор барпо бўлишининг «замонавий» типи гуруҳига киритиш мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг ёш таркиби ва умумий ўлим коэффициентларининг жуда юқорилиги хосдир.

Айни вақтда, баъзи ўлим кўрсаткичларининг даражалари иқтисодий ривожланган гарб мамлакатларига нисбатан юқори. Шу билан бирга, баъзи мамлакатларда ўлим даражаси туғилишдан юқорилиги аҳоли такрор барпо бўлишининг алоҳида типи ҳисобланади. Унинг натижасида аҳоли табиий ҳаракатининг коэффициенти манфий ишораси билан кўрсатилади (депопуляция – яъни аҳолининг табиий қисқариши юз беради). Бу жараённи ҳозирги Россияда кўриш мумкин. Агар, 1983 – 1987 йилларда Россияда бир йилда туғилган аҳоли сони 2,5 млн. киши бўлса, 1988 – 1992 йилларда бу кўрсаткич 1,4 млн.га қисқарди. Натижада, Россия Федерациясида 1992 йилда ўлганлар сонининг туғилганлар сонидан юқорилиги 220 мингни, 1993 йилда 737,7 мингни, 1994 йилда эса 920,2 минг кишини ташкил қилди. Агар 1992 йил ўрталарида аҳоли сони Россияда 148,3 млн. ни ташкил қилган бўлса 1990 йил ўрталарида 148,3 млн.ни ташкил қилган

бўлса 1996 йилда эса бу кўрсаткич 147,5 млн. кишига тушиб қолди.

Дунё аҳолисининг миллий (этник) таркиби. Диний фарқлар. Ер шари аҳолиси 6 млрд киши ( 15.XI.1999 йил) бўлиб 2 мингдан ортиқ ҳалқлар мавжуд. Бу ҳалқлар бир неча юз миллиондан юз ҳатто 10 кишини ташкил қиласди. Кичик этник жамоаларни ҳам ҳисоблаганда дунё ҳалқлари 3–4 мингдан иборат деб баҳоланади. Ҳалқ сўзи маъносида исталган этник бирлик ёки этнос – алоҳида қабила, қабилалар гуруҳи, ҳалқ ва миллатлар тушунилади. Дунё аҳолисининг 80 фоизи 15та йирик ҳалқлар, 100 млндан ортиқ бўлган – хитойлар, ҳиндистонликлар, америкаликлар (АҚШ), руслар, бенгаллар, японлар ва бразилияликлар ва 50 млн.дан 100,0 млн.га қадар бўлган биҳарлар, италияликлар, яваликлар, немислар, мексикаликлар, телегуалар, корейслар ва инглизлар ташкил қиласди.

Дунё аҳолисининг миллий таркиби ғоят мураккаб. Ҳалқларнинг миллат бўлиб шакланиши – умумий тил, ўз – ўзини англаш, ҳудудий, иқтисодий, маданий бирлик билан боғлиқдир. Кўпгина миллатлар, давлат сиёсий чегаралари доирасида шаклланган бўлса айрим мамлакатларда миллат сиёсий чегарага мос келмайди. Масалан: Ҳиндистонда бир неча миллат, Швейцарияда умумий иқтисодий ва маданий бирлик асосидаги (немис швейцарияликлар, италиян швейцарияликлар, француз – швейцарияликлар ва реторманлар) швейцария миллати юзага келган. Умумий араб тили, маданияти ва диний қарашлари асосида Жануби – Фарбий Осиё ва Шимолий Африкадаги 20 та мамлакатда араб миллати юзага келган. Айни вақтда, бу мамлакатларнинг айримларида сиёсий, ижтимоий, маданий умумийлик ва давлатчиликнинг ривожланиши – жазоирликлар, мисрликлар, марокошликлар, тунисликлар ва ливияликлар ва бошقا миллатларнинг шаклланишига олиб келди. Африка, Осиё мамлакатларида эса ҳалқларнинг консолидацияси, ассимиляцияси ва этник интеграцияси каби жараёнлар давом этмоқда. Шунингдек, миллатларнинг яқинлашуви, сўнгра қўшилиб кетишувидан иборат собиқ СССР ва Югославиядаги ҳалқлар ассимиляцияси тўғрисидаги қарашлар ва ўринишлардан иборат ғайри илмий йўналишлар асосиз бўлиб амалий жиҳатдан ўз тасдигини топмади ва XX аср 90 – йилларининг охирида бу мустабид тузумга асосланган давлатларнинг парчаланиб кетиши билан бундай қарашлар ҳам ниҳоясига етади.

Дунё халқларининг тил тушунчаси доимо миллат тушунчасига мос келмайди. Чунончи, инглиз тили нафақат Буюк Британияда яшовчи инглизларнинг она тили бўлиб қолмай, балки АҚШ даги америкаликлар, англоканадаликлар, Австралия, Янги Зелландия, Ямайка, ЖАР аҳолисининг бир қисми гаплашадиган 425 млн.дан ортиқрок аҳолининг тили ҳамдир. Шунингдек испан тили 340 млн. Марказий ва Жанубий Америкадаги Лотин Америкаси мамлакатлари гаплашадиган тил бўлса, португал тилида (175 млн.) португалияликлар (9,0 млн.) ва бразилияликлар (130,0 млн.) гаплашадилар.

Халқаро муносабатларда ва дипломатик амалиётда иккинчи жаҳон урушига қадар француз тили қўлланилган бўлса иккинчи жаҳон урушидан сўнг инглиз тили халқаро муносабатлар, ташқи савдо, кемачилик, халқаро фуқаро авиацияси ва халқаро анжуманларда етакчи мавқени эгаллаган.

Дунё мамлакатларининг ярми миллий жиҳатдан бир миллатли мамлакатлардир. Бунга Европа мамлакатлари (Россиядан ташқари), Лотин Америкаси, Австралия, Янги Зелландия киради. Осиё мамлакатлари (Араб давлатлари, Япония, Бангладеш, Истроидан ташқари) кўп миллатли бўлиб 1000 дан ортиқ халқлар Осиёдаги аҳолининг 3/5 қисмини ташкил қилади.

Айниқса, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Марказий Осиё мамлакатларидан эса Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳам кўп миллатлардир. Африка этник картаси ўюят хилма—хил бўлиб деярли барча мамлакатлар кўп миллатли (кўплаб этник қабила ва элатлар). Мавжуд барча кўп миллатли давлатларда (Россия, Ҳиндистон, Хитой, АҚШ, Югославия, Туркия, Канада, Бельгия, Испания ва бошقا) миллатлараро муаммолар мавжуддир.

Дунё аҳолисининг диний таркиби. Дунё динлари ўзининг тарқалиши ва жамият ҳаётида туттган ўрнига кўра дунё ва маҳаллий динларга бўлинади. Дунё динлари орасида энг кенг тарқалган дин христианликдир. Христианлик дини уч мазҳабга (католик, протестенат ва православ) бўлинади. У Европа, Африка ва Австралияда ёйилган бўлиб 1 млрд. ортиқ киши сифинади. Иккинчи ўрин 800 млн.дан ортиқ киши сифинадиган ислом дини (мусулмон) 30 дан ортиқ Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африкадаги давлатларнинг расмий динидир. Ислом дини шунингдек, Болқон ярим ороли, Испания, Африка, Россия, Кавказ орти давлатлари, Марказий

Осиё, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган. Учинчи дунё дини буддизм бўлиб 250 млн.дан ортиқ аҳоли сифинади ва Марказий Осиё (Мўғулистан), Россия (Сибирь) ва Шарқий Осиё ҳамда Жанубий Осиё мамлакатларида тарқалган.

Шунингдек, маҳаллий динларга Ҳиндистонда – индуизм, Хитойда конфуцийлик, Японияда – синтоизм киради.

Дунё ва маҳаллий динлар замонавийлашган ҳолда аҳоли анъаналарида, урф – одатларида, шахсий ва турмуш тарзида, оила муносбатлари ҳатто давлатлар ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Диний қарама – қаршиликлар мамлакатларда сиёсий кескинликни кучайишига сабаб бўлиб (Буюк Британияда – Шимолий Ирландия – Ольстер) католик ва протестантлар ўртасида, Яқин Шарқда (Фаластин ва Исроил ўртасидаги муаммолар) ҳамда жаҳон сиёсий картасидаги бошқа «қайноқ ҳудудлар» ўзининг ечимини кутмоқда.

Динлар мамлакатлар ва аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнаб аҳолининг табиий кўпайишига, оила мустаҳкамлигига, мамлакатлардаги ижтимоий – сиёсий ҳаётнинг барқарор ва беқарор бўлишига (Тожикистон) ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойлашишига кучли суръатда таъсир этади.

## **5.2. Дунё аҳолисининг жойлашиши ва миграция. Жаҳон иқтисодиётидаги урбанизация жараёни**

Ер шарида мамлакатлар ва минтақалар бўйича аҳоли жуда нотекис жойлашган. Аҳолининг жойлашиши (кичик қишлоқдан (овул) то мураккаб шаҳар ва қишлоқлар тизимиғача) ижтимоий – иқтисодий ривожланиш, хўжалик тараққиёти ва жойлашиш хусусиятлари, ҳамда ҳудуднинг ўзлаштирилганлик даражаси, табиий шароит ва ресурслар билан чамбарчас боғлиқdir. Дунё аҳолисининг 70% ер шари ҳудудининг 25% ида жойлашган бўлса, ер шари аҳолисининг 80% Шарқий ярим шарда истиқомат қилмоқда. Океан ва дengiz бўйининг 50 км.ли қирғоқ бўйи минтақасида 30% дунё аҳолиси, 200 км.ли минтақада эса 50% аҳоли яшайди.

Ер шарида Шарқий ярим шарда аҳоли ўта зич жойлашган иккита ҳудуд: а) Шарқда – Хитойнинг Шарқий қисми, Корея ва Япония; б) Жанубда – Ҳиндистон, Бангладеш ва Покистоннинг бир қисми ажralиб туради. Бу ҳудудлардаги қулаги шароит энг сермеҳнат донли экинлардан – шоли этиштириш имконини беради. Ҳар 1  $\text{km}^2$  га 200 киши ва ундан

ортиқ тұғри келади, айрим ҳудудларда эса ақоли зичлиги 1000—1500 кишига етади. Айниңса, қадимдан ақоли зич жойлашған, дарё водийлари ва дельталари алоқида ажраби туради. Жумладан, Бангладеш мамлакатыда (120,0 млн.дан ортиқ ақоли) ақоли зичлиги ұлттың 1 км<sup>2</sup> га 650 кишидан ортади.

Учинчі ақоли зич жойлашған ҳудуд Европадир. Үрта асрлардан бошлаб ҳунармандчилік, саноат, савдо—сотиқ ва шаҳарларнинг гуркираб ривожланиши оқибатидә ақоли зичлиги ғоят юқоридір. Айниңса, Нидерландия, ГФР, Бельгия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда, шунингдек саноат — шаҳар агломерацияларыда (Рур, Мидленд, Шимолий Франция (Париж, ҳавзасы), Юқори Силезия) ұлттың 1 км<sup>2</sup> ҳудудға 1000—2000—3000 кишидан ортади.

Түртінчі ақоли зич жойлашған ҳудуд фарбий ярим шарда АҚШ дадыр. XIX ва XX асрларда ақоли сонининг тез үсиши ва миграция ҳисобига (Европадан) Атлантика соқиши бүйінде (Бос—Вош ва Чи—Питис мегалополислари) ақоли зичлиги юқоридір.

Ер шарининг бошқа ҳудудларыда (Россия, Украина, Канада (150 км.ли қирғоқ бүйін минтақасыда), Хитой, Бразилия, Австралия, Жазоир, Миср, Үрта ва Яқын Шарқ мамлакатлари, Африканың плантация хұжалиғы ривожланған фарбий қирғоқ бүйін, Барбадос (ұлттың 1 км<sup>2</sup> га 750 кишидан ортиқ), Маврикий (ұлттың 1 км<sup>2</sup> га — 750 киши), Гренада, Пуэрто — Рико ва бошқа мамлакатларда ұлттың 1 км<sup>2</sup> га 350—400 кишидан тұғри келади.

Ер шары ақолисининг 4/5 қисми деңгиз сатхидан 500 м баландлықда (бунинг 50% деңгиз сатхидан 200 м. баландда), 50% ер шары ақолиси деңгиз қирғоқ бүйінде 200 км.лик минтақада яшайды.

Деңгиз сатхидан 100 м. баландлықда ва деңгиз қирғоқ бүйінде 1000 км. узоқлықда ер шары ақолисининг ұлттың 12 тадан 1 таси яшайды. Австралия ва Океанияда 1000 м деңгиз сатхидан баландда 1% ақоли, Африкада 25% ва Жанубий Америкада эса 20% ақоли истиқомат қылады.

Ақоли миграциясы. Миграция — лотинча күчаман, жойимни үзгартыраман деган маңынан билдиради ва ақолининг жойлашиши қайта тақсимланиши, таркиби ва сонига таъсир күрсатади. Миграция жараёнлари характеристига күра ички, ташки (мамлакатлараро) ва ишчи миграцияларига ИТИ шароитида эса «ақыл оқими» йүнәлишига бўлинади. Миграция жараёнларининг бош сабаблари — иқтисодий,

сиёсий, этник, демографик, маданий, диний ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ички миграция аҳолининг жойлашишига сезиларли таъсир қиласди. Бу жараён мамлакат доирасида бўлиб янги ресурсли ҳудудларниң ўзлаштирилиши ва амалга оширилаётган минтақавий сиёсат билан боғлиқ. Шунингдек, ишлаш учун яъни қишлоқлардан – шаҳарга йўналган маятниксимон миграция ҳам характеридир. Бу жараён иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар АҚШ, Канада, Япония, бозор иқтисодиётига ўтаётган Россия, Қозоғистон ҳамда Осиёда – Веътнам, Ҳиндистон, Покистон, Лотин Америкасида – Бразилия, Африкада – Жазоир ва Ливия каби бир қатор мамлакатлар учун хос бўлган хусусиятдир.

Ташқи миграция илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Тарихда катта ўрин тутган «халқларнинг буюк кўчиши» ер шари бўйлаб халқларниң жойлашиш ва қайта жойлашишига кучли таъсир қилган бўлса, Буюк географик кашфиётлар, ўрта асрларда айниқса XVII асрдан бошлаб Европада саноатнинг ривожланиши билан мамлакатлараро ва континентлараро аҳамият касб этди. XIX асрдаги миграцион «портлаш» бутун Европани қамраб оди ва иккинчи жаҳон урушига қадар 60 млн.киши АҚШ, Канада, Бразилия, Аргентина, Австралия, Янги Зелландия, Жанубий Африка мамлакатларига кетган бўлса, иккинчи миграция ўчоги Осиё мамлакатлари (Хитой, Ҳиндистон, Жануби – Шарқий Осиё мамлакатлари) бўлди. XX асрнинг 90 – йиллари бошларида Фарбий Европадаги иқтисодий ривожланган мамлакатларда 20 – 25 млн.хорижий ишчилар бўлиб, нолегал иммигрантлар ва уларнинг оиласлари билан 40 – 45 млн. кишига етди. Ҳар йили давлат чегараларини 3 млн.дан ортиқ киши кесиб ўтмоқда. XX аср бошларидағи сиёсий воқеалар ҳам (Россия) миграцияига сезиларли таъсир кўрсатади. Иккинчи жаҳон уруши ва XX асрнинг 50 – йилларидан бошлаб мустамлакачилик тузумининг емирилиши, мустақил ва ривожланаётган давлатларнинг юзага келиши оқибатида ташқи миграция бир мунча кучайди.

XX аср 50 – йилларидан бошлаб ташқи миграция кенг ёйилади. Бу янги жараён бўлиб Фарбий Европадаги иқтисодий ривожланган мамлакатларга Жанубий Европа мамлакатларидан (Греция, Италия, Испания ва Португалия), Шимолий Африка мамлакатлари ва Туркия, Ҳиндистон, Покистондан паст иш ҳақи тўланадиган оғир заарарли ишларда ишлаш учун келдилар. Натижада, Фарбий Европадаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар эмиграция районидан

ишли кучларини жалб қиласынан районга (салбий демографик ҳолат туфайли) айланди. Иккінчи йирик ишли кучини жалб қиласынан район Яқын Шарқда йирик нефть қазиб чиқарувчи – Саудия Арабистони, Қувайт, Баҳрайн, Қатар, БАА, Ливия мамлакатлари бұлса, бошқа араб давлатлари Миср, Яман, Сурия, Судан ҳамда Осиё мамлакатлари – Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон каби мамлакатлар ишли кучи етказиб бермоқда. Айни вақтда, АҚШ XXI аср бошларида ҳам Лотин Америкаси ва Осиё мамлакатлардан ишли кучини қабул қиласынан марказлардан бири бўлиб қолмоқда.

ХХ асрнинг 80–йиллари ўрталари ва 90–йилларининг бошларида Шарқий Европа ва СССР даги чуқур демократик ўзгаришлар оқибатида мамлакатлардо миграция Россия, Украина, Белорус, Кавказ орти давлатлари ва Марказий Осиё давлатлари ҳудудларида кучайди.

ИТИ миграцион жараёнларга ҳам кучли суръатларда таъсир этмоқда. Натижада, иқтисодий ривожланган мамлакатлarda юқори малакали инженерлар, врачлар, олимлар ва мутахассисларни жалб қилишдан иборат («ақл оқими») сиёsat юзага келади. Бунинг оқибатида ўзи кам бўлган юқори малакали иммигрант интелектуаллар оқими Ҳиндистон, Лотин Америкаси ва Жануби–Шарқий Осиё мамлакатлари, қисман Россиядан – АҚШ, Канада ва бошқа Фарбий Европадаги иқтисодий ривожланган мамлакатларга йўналмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги урбанизация жараёнлари. Урбанизация бу тарихий шаклланган ижтимоий ва ҳудудий меҳнат тақсимоти асосида юз берадиган кўп қирралик ижтимоий – иқтисодий, демографик ҳамда географик жараёндир. Урбанизация демостатистик тушунча сифатида эса шаҳарларнинг кўпайиши, мамлакат, минтақалар ва умуман дунёда шаҳар аҳолиси ҳиссанинг ортишидир.

Урбанизация жараёнининг ривожланиши шаҳар аҳолисининг шаклланиши хусусиятлари билан борлиқдир. Шунингдек, шаҳар аҳолисининг ўсиши озми кўпми шаҳар четидаги ҳудудлар ва шаҳарлашган жойларнинг шаклланиши ҳисобига ҳам юз беради. Бу ҳудудлардаги аҳолининг яшаш шароити тобора катта шаҳарлардаги аҳоли яшаш шароитларига яқинлашиб бормоқда.

Қишлоқ аҳолиси билан қишлоқ хўжалигига алоқадор аҳоли сонига нисбатан шаҳар аҳолиси ва қишлоқ хўжалигига алоқадор бўлмаган аҳоли сонининг ўсиш юқорилиги замонавий урбанизациянинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Дунёнинг З та йирик қитъасида Австралия ва

Океанияда, Шимолий Америкада, шунингдек Европада шаҳар аҳолиси юқори бўлиб, уларга тез урбанизациялашаётган Лотин Америкаси мамлакатлари етиб олмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар янада юқорироқ шаҳар аҳолиси фоизларга эгадирлар. Европада – Буюк Британия (91%), Швеция (87%), Германия (85%), Дания(84%), Франция (78%), Нидерландия (76%), Испания (74%), Белгия (72% ), Шимолий Америкада – АҚШ (77%), Канада (76%), Осиёда – Истроил (89%), Япония (78%), Австралия ва Океанияда – Австралия (89%), Янги Зелландия (85%), Африкада – ЖАР (50%) шулар жумласидандир. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, мамлакатларда шаҳар аҳолисининг улиши 70% ошганда, унинг ўсиши секинлашади ва аста – секин (80% яқинлашган сари) тўхтай бошлиайди.

Аҳолининг катта ва жуда катта шаҳарларида тўпланиши урбанизация учун хос хусусиятдир. Айнан катта шаҳарларнинг кўпайиши (аҳолиси 100 минг кишидан юқори бўлган), уларда аҳоли жойлашувини янги шакллари ҳамда шаҳарча ҳаёт тарзининг кенг тарқалиши урбанизация жараёнини янада очиқроқ ифодалайди. Бутун дунёда катта шаҳарларнинг улуши 100 йилдан кўпроқ вақт ичida (1860 йилдан) 1,7% дан 20% га ошиди. 1700 йилда дунёда аҳолиси 100 мингдан ортиқ шаҳар бўлган, 1800 йилда 65 та, 1900 йилда 360 та, XX аср охирида 2000 дан ортиқ ана шундай шаҳарлар қайд этилган. Улкан «миллионер» шаҳарларнинг ривожланиши янада катта эътиборга лойиқдир. Агар, 1800 йилда 1 млн.дан ортиқ яшовчига эга шаҳар фақат битта бўлган бўлса XX аср охирига келиб бундай шаҳарларнинг 200 таси қайд этилган. XXI аср дастлабки чорагида эса миллионер шаҳарларнинг сони 400 тага етиши кутилмоқда.

Урбанизациянинг демографик жараёнларга таъсири шаҳарларнинг катталиги ва ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ҳаётда тутган ўрни, вазифасидаги – фарқлардан келиб чиқсан ҳолда намоён бўлади. Урбанизация жараёнининг ривожланишида шаҳар аҳолисининг туғилиш даражаси қишлоқдагига нисбатан камаяди ва истиқболда туғилишнинг камайиши қишлоқ жойларида ҳам юз беради. Айрим ривожланаётган мамлакатлarda (масалан, Мисрда) туғилиш даражасининг шаҳарларда юқорилигини бир қатор ижтимоий – иқтисодий, демографик ва диний омиллар таъсири, хусусан шаҳарларда жинслар нисбатининг кўпроқ мувозанатлашганилиги билан изоҳланади.

Деярли барча мамлакатларда қишлоқдан яқинда кўчиб ўтган шаҳар аҳолисининг туғилиш даражаси шаҳарларда

олдиндан яшаб келаётган аҳоли туғилиши даражасига нисбатан юқори (агар қишлоқ яшовчиларининг шаҳарларга мосланиши катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлмаса). Урбанизация ривожланишининг биринчи босқичида ўлим даражасининг юқорилиги сақланади, чунки қишлоқ аҳолиси шаҳар ҳаёт тарзига яхши мослашмаган бўлиб вақт ўтиши билан шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўлим даражалари орасидаги фарқ қисқариб сўнгра йўқолиб кетади. Урбанизация ривожланиши нуқтаи назаридан миграциянинг шаҳарлар кўпайишидаги роли аста—секин камаяди ва аҳолининг ҳудудий ҳаракати, айниқса маятниксимон миграциянинг ўсиш интенсивлиги ортади.

Фаол аҳоли миграцияси ривожланаётган ишлаб чиқариш корхоналарини қайта ташкилнаниши, янги корхоналар ва уй—жойларни шаҳар марказида эмас, шаҳар чети ҳамда халқасида қурилишига олиб келади. Шунга қарамай шаҳар марказлари янада муҳим ҳудудлар яъни энг қиммат ҳудудларга айланмоқда. Чунки, аҳоли зичлигининг юқорилиги, биноларнинг эскириши реконструкция, кўчалар ободонлигини тартибга солиш, бошқариш, тартиби니 сақлаш ва қонунчиллик катта харажатлар билан боғлиқдир.

Шаҳар марказидан узоқлашиши билан даромадлар миқдори ўртасида тўғридан—тўғри боғланиш юзага келади. Одатда, шаҳарнинг «ишчи» қисмидан энг узоқда малакали, маҳоратли ишчилар, техник персонал ва «оқ ёқалилар» яшайдилар. Улар меҳнатлари эвазига нисбатан анча юқори хақ оладилар. Бундай одамларнинг кўпчилиги шаҳарларнинг ишбилармон—тадбиркор қисми бўлиб, банк, молия муассасаларида, адвокатура ва маслаҳат идораларида, реклама агентликларида ишлайдилар. Бошқа томондан, «кўк ёқалилар» ва паст малакали ишчиларни талаб қилувчи ишлаб чиқаришнинг кўплаб кўринишлари, улгуржи ва чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш тармоқлари шаҳар четига кўчиб ўтган. Бунинг натижасида шаҳар ва шаҳар четида иш ўринлари билан иш кучи ўртасида сезиларли географик номутаносиблик юзага келади. Бу номутаносиблик аҳоли ҳаракатини таъминлаш учун зарур самарали транспорт тизимини тақозо қиласи.

Дунёнинг йирик шаҳарларида темир йўл, метро, автобус, осма йўллар каби жамоат транспорт тизимини янгилаш ва ривожлантиришга қизиқиш тобора ортмоқда. Шаҳарлар четидаги аҳоли ўсишига оид башоратларни ва 20 йилдан сўнг шаҳар автомобиль ҳаракати кўламиининг 2 марта ортиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, кўплаб шаҳарлар

лоиҳалари автотранспортларга нисбатан ҳар томонлама самарали воситаларни топишни жуда муҳим ва зарур деб ҳисобланмоқда. Йўллар қурилишига маблағлар сарфланишининг ортиши ҳаракат кўлами ning кенгайишига олиб келади, транспорт тиқинларини камайтиради, шаҳар магистралларида ўртача ҳаракат тезлиги кўтарилибгина қолмасдан, балки пасаяди ҳам. Бундан ташқари жамоа транспорт тизимининг яхшиланиши ва кенгайтирилиши қуидаги йўналишларда ижтимоий самаралар бериши мумкин: – янгиланган ва қулай шаҳар марказини ташкил этиш; – кам таъминланган шаҳар маркази аҳолиси учун шаҳар четидаги иш жойларига борувчи йўлларни яхшилаш; – автомобиль транспортини кўпайиши билан боғлиқ атроф–муҳитни ифлосланиши муаммосидан сақланиш, уни бартараф этиш.

Катта шаҳарларнинг яна бир бошқа муҳим йирик муаммоси атроф–муҳитнинг ифлосланиши муаммосидир. Аҳоли зичлигининг юқорилиги, ишлаб чиқариш концентрацияси ва автомобиллардан фойдаланиш даражаларининг ўсиб бориши каби сабаблар ифлосланиши муаммосини ҳаддан ташқари кучайтириб юборади. Сув ва ҳавонинг жиддий ифлосланиши, уларда қаттиқ чиқиндиларнинг тўпланиши билан боғлиқ муаммолар БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг турли маҳсус ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Шуниси маълумки, катта шаҳарлар атрофидағи дарё ва кўллар шаҳар ҳамда саноат корхоналари чиқиндилари ташланадиган «ахлат чуқурларига» айланади. Шаҳар аҳолисининг катта қисми сифати шубҳали сувдан фойдаланадилар. Шунингдек, ҳавонинг зарарланиши енгил рак, эмфизема, пневмания ва бошқа касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Маҳсус ахлатхоналар тўлиб–тошиб аҳоли уй–жойлари яқинига ахлат ёқувчи печларни жойлаштиришга тўсқинлик қиласи. Шунинг учун чиқиндилардан ҳоли бўлиш кўплаб шаҳарлар учун ўта муҳим муаммога айланиб бормоқда.

Атроф–муҳит ифлосланишининг келгусидаги кутилаётган оқибатлари янада хавфидир. Айрим олимларнинг фикрича бу тарздаги саноат концентрацияси, ҳаво ва иссиқлик ифлосланишига олиб келадики, бунинг оқибатида Ер шари иқлимида тузатиб бўлмас «парник эфекти» юз бериши ва foят фожиали ҳалокатлар юзага келиши мумкин. Атроф–муҳитнинг ифлосланиш муаммоси негизида хом–ашё ресурсларининг баланси ётади.

Бу энг оддий ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган, ишлаб чиқаришнинг сарф қилингандай ресурслар массаси оқибатида саноат чиқиндилигининг массасига яқин тенгланишини ифодалайди.

Инсоният баҳтига, экология тизими ёки табиат ўз-ўзини такрор барпо қилиш хусусиятига эга бўлиб маълум даражагача чиқиндилирни қайта ишлаб йўқ қилиб юбориши мумкин. Лекин мавжуд саноат чиқиндилигининг ўсиб бораётган ҳажми табиатнинг бу хусусияти имкониятидан анча юқори бўлиб бормоқда, атроф – муҳит ифлосланишининг сабаблари ғоят кўп ва хилма – хилдир.

Улардан бири аҳолининг табиий ўсиши ҳисобланади. 5 ёки 10 млн. кишини ўзига сингдириш мумкин бўлган ҳудуднинг экология сифими 20 ёки 30 млн. аҳолига дош бера олмаслиги мумкин. Шу тарзда урбанизация жараёnlарининг ривожланиши билан боғлиқ атроф – муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси глобаллашади ва янада мураккаблашади.

Дунёда урбанизация жараёnlарининг ўсиш суръатларининг ортиб бориши муқаррар жараён бўлиб унинг сифат жиҳатлари қандай тегишли чора – тадбирлар кўрилиши билан боғлиқдир.

Шу билан бирга урбанизация жараёnlарининг иқтисодий ва экологик жиҳатларини ҳисобга олиш бутун дунёда юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Урбанизация жараёни дунёning мамлакатлари, минтақаларида турличадир. Ҳозирги замон урбанизация типи на фақат шаҳар аҳолисининг тез кўпайиши бўлибина қолмай, балки интенсив ривожланаётган субурбанизация жараёни ҳам бўлиб, шаҳар аҳолиси жойлашишининг янги шакллари – шаҳар агломерациялари, мегалополислари ҳамдир. Иқтисодий ривожланаётган мамлакатлар тўлақонли равишда стихияли урбанизация оқибатларини ҳис қилмоқда ва унинг оқибатида шаҳарлар ўсишини бошқариш қийинлашмоқда, (ўта йирик шаҳарлар). Йирик шаҳарлар бўйрони (кризис) ижтимоий, синфиий, ирқий қарама – қаршиликларининг қонуний оқибатлариdir. Йирик ва ўта йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларида ҳаво ва сувнинг, тупроқ қопламишининг ҳаддан ташқари ифлосланиши аҳоли яшаш шароитининг ёмонлашувига, уй – жой фонди, муҳандислик – қурилмалари, ҳудудлардан фойдаланишининг ёмонлашуви ва кўчмас мулкларининг қимматлашувига олиб келмоқда.

Шундай шароитда АҚШ да 60–йилларда (Фарбий Европада 70–йилларда) ақолининг нафақат йирик шаҳарлардан шаҳар атрофи миңтақаларига кўчиши, балки илгари урбанизациялашган миңтақаларга нисбатан чекка ҳудудларда шаҳарларнинг ўсиши, кенгайиши бошланди. 70–йилларда АҚШ да биринчи марта шаҳар агломерацияларида ақолининг ўсиш суръатлари мамлакат ўргача кўрсаткичларидан паст бўлди. Франция, Швеция, Италия, Канада каби мамлакатларда ақолининг шаҳар агломерацияларидан кичик ва ўрта шаҳарларга силжиши, миграция йўналишларининг ўзгариши юз беради. Буюк Британия, Нидерландия, Швейцария, Бельгия, Австралия каби мамлакатларда йирик шаҳарлар марказидан шаҳар атрофи миңтақаларига мигрантлар оқими бошланди. Кўпгина йирик шаҳар агломерацияларда аҳоли сони кўпаймаяпти (шаҳар – марказлари аҳолисининг қисқариши ҳисобига), балки аксинча камайиш жараёни мавжуд.

Шаҳарлар – мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва маданий, илмий фаолият марказлариdir. Айни вақтда, шаҳарларнинг кўпайиши ва ривожланиши билан боғлиқ муаммолар мажмуаси ҳам юзага келди. Шаҳарликларнинг олдида қандай қилиб шаҳарнинг ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида фаол қатнашиш ва бир вақтнинг ўзида соф ҳаво, гўзал манзаралар, тинч осойишталикдан баҳраманд бўлиш муаммолари кўндаланг бўлди. АҚШ даги урбанизация жараёни тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, шаҳар агломерацияларида қандайдир меъёрий чегарадан сўнг дизинтеграция жараёни амал қиласи ва шаҳар маркази ҳисобига шаҳар атрофлари аҳолиси ўсади. Жумладан, кўплаб америкаликлар (айниқса, ўзига тўқлар, бой – бадавлат кишилар) шаҳар атрофларига ўрнашмоқдалар. Бу жараён XXI аср бошларида ҳам давом этади. Бунга бир қатор омиллар ҳукумат томонидан ипотека кредитлари берилиши (кўплаб аҳолига шаҳар атрофида уй – жой қуриш имкониятларини беради) ва автомобилларнинг қулай ҳаракат воситасига айланганлиги ҳам туртки бўлмоқда.

Шаҳар атрофларининг кенгайиши, аҳоли ўсиши, ишлаб чиқариш тизимининг ҳам силжишига таъсир кўрсатди. Бунинг сабаблари мураккаб ва кўп қирралидир. Биринчи навбатда хилма – хил хизмат кўрсатиш соҳалари, айниқса, савдо – сотиқ ва хизматларнинг кўплаб турларининг кўчиши ва «сервис» нинг истеъмолчиларга яқинлашишидир. Айни вақтда, шаҳар марказларининг ишлаб чиқариш фирмалари ҳам тарқ этди. Бунга шаҳар марказларидағи ер нархининг

юқорилаб бориши, транспорт юкларнинг тушириш ва юклаш қийинчиликлари, кўчалардаги транспорт тиқинлиги ҳам маълум даражада таъсир кўрсатмоқда, айни вақтда, кўпгина ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари шаҳар марказларида қолди ва муваффақият билан ишламоқда. Юқори даражада ихтинослашган молия ва савдо хизматлари, марказий бошқарув тизими, ахброт – реклама агентликлари, банклар, адвокатлар идоралари, маслаҳат фирмалари ҳукумат ва маҳаллий идоралари шаҳар марказларининг энг фаол ҳаракатчан, ишбилиармон қисмини ташкил этмоқда.

Шимолий Америка ва Европадаги шаҳар атрофига «қочиши» муаммоси Россия ва бошқа бир қатор МДҲ давлатлари, жумладан Ўзбекистон олдида ҳам турган муҳим муаммо бўлиб ҳисобланади. Чунки, шаҳар марказлари кўплаб шаҳар атрофи районлари билан ўралиб қолмоқда – ки, буларнинг ҳар бири мустақил сиёсий – маъмурий бўлинишни кучайтириб юбормоқда. Шаҳарларнинг «марказдан қочма» жараёни эса истиқболда бойлик ва даромадларнинг тақсимланишида ҳам номувофиқликларни келтириб чиқаради. Чунки, бир қатор даромадли ишлаб чиқариш тизимларининг ҳам шаҳар атрофига бўлган интилишлари кучайиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатларда «демографик портлаш» урбанистик «портлаш» билан хамоҳангdir. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда аҳоли урбанизацияланиш кўрсаткиларининг пастлигига қарамай урбанизациянинг ўсиш суръатлари юқорилиги билан ажralиб туради. Бу жараён Осиё ва Африкадаги мамлакатлар пойтахтларининг ҳаддан ташқари ўсиши, қишлоқ ҳудудларидан қашшоқ ва камбағал қишлоқ аҳолисининг очлик ва қашшоқликнинг бартараф этиш мақсадида шаҳарларга иш қидириб келиши билан боғлиқdir. Қишлоқ аҳолисининг иш қидириб шаҳарларга келиши шаҳарлардаги ишчи кучига бўлган эҳтиёждан юқоридир.

Натижада, урбанизация жараёнининг индустрIALIZАЦИЯ жараёнларидан тезроқ ўсиши, районларнинг кенгайишига олиб келмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигига – Мехико, Буэнос – Айрес, Сан – Пауло, Рио – де – Жанейро, Калкутта, Бомбей шаҳарларида йирик шаҳар агломерациялари шаклланмоқда. Ривожланаётган урбанизация жараёни ғоят хилма – хил бўлиб, бир томондан бу мамлакатлар ижтимоий ҳаётини жонлантирса, шаҳарларнинг шаклланиши, тадбиркорлар қатламишининг юзага келиши, саводхонлик ва маданий даражанинг ривожланиши, ҳалқлар

консолидациясининг кучайиши ва миллатларнинг шаклланиши ва бошқа), иккинчи томондан, ижтимоий – иқтисодий муаммоларни (шаҳарга демографик «босим»ни кучайиши) кучайтирмоқда.

### **5.3. Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби. Меҳнат ресурслари. Бандлик ва ишсизлик суръатлари**

Тадқиқотлар шунни кўрсатадики, дастлаб ўғил ва қиз болалар сони тенг бўлсада (амалда 100 қиз болага, 104 – 107 ўғил бола туғилади) 15 ёш атрофида уларнинг сони тенглашади, чунки қиз болалар ўғил болаларга нисбатан яшовчанроқ бўлади. Аммо, мамлакатлардаги ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ва диний қарашлар туфайли аҳолининг жинсий таркиби турличадир. Дунё сиёсий картасидаги мамлакатларнинг қарийб 50%ида аёллар сони эркакларга нисбатан юқори. Бу жараён, аёллар ўртача умр кўриш даражасининг юқорилиги, уруш ва унинг оқибатлари, эркакларнинг хавфли ва оғир ишларда (ер ости ва бошқалар) ишлаши билан характерланади.

Эркакларнинг аёлларга нисбатан кўплиги ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига хос бўлиб, оғир ижтимоий – иқтисодий турмуш тарзи, саводсизлик ва камбағаллик (эрта никоҳланиш, кўп болалик, касаллик ва бошқалар) билан боғлиқ. Айниқса, Хитой ва Ҳиндистонда эркаклар сони юқори бўлиб дунё бўйича 1000 аёлга 1009 та эркак тўғри келишида уларнинг ҳиссаси каттадир.

Аҳолининг ёш таркиби ва меҳнат ресурслари мамлакатлардаги туғилиш, ўлим, табиий ўсиш кўрсаткичлари билан боғлиқdir. Аҳоли кўпайишининг 1 – типи хос бўлган кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги аҳолининг ёш таркиби «миллатларнинг қариш жараёни» нинг кучайиб бораётганилигидан далолат беради. Бу мамлакатларда аҳолининг ёш таркибида болалар салмоғи ўртача 25% (ГФР эса 15%), қариялар салмоғи 15%ни ташкил қиласди. Ривожланаётган мамлакатлардаги табиий ўсишнинг юқорилиги оқибатида болалар салмоғи 45 – 50% ҳатто ундан ҳам юқорироқ бўлиб, қариялар салмоғи эса бор йўғи 6%ни ташкил қиласди.

Аҳолининг ишлаб чиқаришда қатнашиш учун яроқли қисмини аниқлашда ёш бош кўрсаткич ҳисобланади. Меҳнатга яроқли аҳолининг моддий ва номоддий ишлаб чиқаришга жалб қилинган қисми иқтисодий фаол аҳоли деб юритилади. Кўпгина меҳнат ресурсларини аниқлашда 16 – 59

ёш эркаклар ва 16–54 ёш аёллар ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнатга яроқли ёшдан катта ёки кичик аҳоли ҳисобга киритилади.

Дунё бўйича иқтисодий фаол аҳоли тахминан барча аҳолининг 45% ни ёки 3 млрд кишини ташкил қиласди. Айни вақтда, Европа мамлакатлари, Шимолий Америка, Россия каби мамлакатларда бу кўрсаткич бир мунча юқори 48–50% дан иборат бўлиб, аёллар салмоғи бандлигининг катталиги характерлидир. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида эса иқтисодий фаол аҳоли дунё ўргача кўраткичлардан паст бўлиб (35–40%) иқтисодий қолоқлик, болалар салмоғининг юқорилиги, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга кам жалб қилингандиги оқибатидир.

Маълумот даражаси аҳолининг муҳим «сифат» кўрсаткичларини ифодалайди. Бу тушунча ўз таркибига турмуш тарзи ва овқатланиш, сиҳат – саломатлик, янги ғоя ва қарашларни қабул қилиш ва мослашув жараёнларини олади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда деярли саводсизлик тутатилган бўлсада, ривожланаётган мамлакатларда (гарчи кейинги йилларда саводсизликни бартараф қилишда маълум ютуқлар қўлга киритилгандигига қарамай), маълумот даражаси паст. Айниқса, бу ҳолат қишлоқ аҳолиси ўртасида юқоридир. БМТ маълумотларига қараганда 900 млн. киши на ўқишни, на ёзишни билмайди, ёки ер шари аҳолисининг ҳар 4 тадан бири саводсиз. XXI аср бошларида ҳам 1 млрд. киши саводсизлигича қолмоқда. Шунинг учун саводсизликни тутатиш инсоният олдида турган муҳим муаммолардан биридир.

Жамият иқтисодий нуқтаи назаридан олиб қараганда бандлик – бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий ва миллий даромадни яратишдаги фаолиятидир. Барча қобилиятли ва ишлашни хохловчиларга ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш имкониятининг берилиши идеал даражадаги тўлиқ бандликка олиб келишини таъминлайди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлик умумий ва маҳсус таълим муассасаларида ўқиш, ҳарбий хизматда бўлиш, уй хўжалигида банд бўлиш, қарияларга ва беморларга фамхўрлик қилиш каби фойдали бандликтининг барча кўринишларини истисно қилмайди.

Иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойдали фаолиятнинг барча кўринишларинининг ҳисоби глобал бандлик тушунчасида ўз ифодасини топган. Бу доирага объектив ва субъектив сабабларга кўра ўзининг қонуни ва фойдали фаолият доирасини тона олмаганлар кирмайди.

Жамиятнинг ривожланиши нуқтаи назаридан ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, у жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини, аҳолининг турмуш даражасининг сифатини белгилайди. Ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандликни самарали бандлик сифатида кўриб чиқиш мумкин. Самарали бандлик билан фойдали бандликни бошқа кўринишлари ўргасидаги боғлиқлик рационал (мақсадга мувофиқ) бандликни аниқлаш имконини беради.

Бу тушунчалар меҳнат бозоридаги бандлик сиёсати учун қандай аҳамиятга эга?

Биринчидан, ижтимоий меҳнатда иштирок этиш ва этмаслик иқтисодий омиллардангина эмас, балки инсоннинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда жамиятнинг меҳнат салоҳиятини аниқлаш ва миллий даромадни яратищдаги иштирокини аниқлаш имконини беради.

Иккинчидан, бутун мамлакат, минтақалар миқёсида уларнинг иқтисодий ва демографик ривожланишининг ҳисобга олган ҳолда меҳнат салоҳияти ва ундан фойдаланиш кўламини янада аниқрок башоратлашга ёрдам беради.

Учинчидан, ижтимоий сиёсатни мукаммалроқ ишлаб чиқиш, ижтимоий дастурлар яратиш, уларни молиялаштириш манбааларини ва сотиш шароитларини белгилаш учун керак бўлади.

Халқаро статистикада «иқтисодий фаол аҳоли» ва «иқтисодий нофаол аҳоли» тушунчалари кенг қўлланилади.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти тавсияларига кўра ўз эҳтиёжлари утун товар яратувчидан тортиб то товар ва хизматлар ишлаб чиқаришида иштирок этувчиларнинг барчаси иқтисодий фаол аҳоли таркибига киритилади. Улар қўйидаги тоифа шахсларни ўз ичига олади: ёлланма меҳнат кўринишидаги – ишчи ва хизматчилар; мустақил ишловчилар; хақ олмайдиган оила (уй хўжалиги) аъзолари; мавсумий ва тасодифий ишчилар; маълум бир сабабларга кўра вақтингчалик ишламаётганлар (касаллик, таътил ва бошқа сабабларига кўра); тўлиқсиз иш кунида ўқиши билан бир вақтда ишлаётганлар; ўқувчилар ҳамда ишлаб чиқаришда стипендия ёки иш ҳақи олган ҳолда мутахассисликка тайёргарликдан ўтаётганлар.

Турли мамлакатларда иқтисодий фаол аҳолини аниқлаш усуллари бир – биридан фарқ қиласди. Масалан, фаол меҳнатга ўтиш ёши АҚШ да 15 ёш деб белгиланган, Швецияда эса 16 ёш Бундан ташқари тоифалар бўйича ҳам фарқлар мавжуд. Мисол учун, Буюк Британияда

үқиётганлар, тұлиқсиз иш вақтида ишлаётганлар ҳамда иш қидираётганлар иқтисодий фаол ақоли таркибиға киритилмайды. Бозор иқтисодиеті мамлакатларида иқтисодий фаол ақоли ўтаётган давр учун «ишчи кучи» сифатида белгиланади.

Иқтисодий фаол ақолининг меҳнат мақоми (статуси) маълум бир давр (12 ой ёки бир йил) ичида ишлаган ҳафта ёки кунлари сонига қараб белгиланади ва шу бўйича иқтисодий фаол ақоли бандлар, қисман бандларга ва ишсизларга ажратилади.

Халқаро статистикада иқтисодий нофаол ақоли таркибиға, ёшидан қатъий назар, юқорида айтиб ўтилган иқтисодий фаол ақоли таркибиға кирмайдиган барча ақоли қатлами киритилади.

Иқтисодий нофаол ақоли таркибини ҳам бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин. Кундузги бўлим талабалари, уй бекалари, пенсионерлар, ташкилотлардан моддий ёрдам оловчилар энг катта гуруҳни ташкил қиласди.

Халқаро Меҳнат Тақсимоти ва ОЭСР (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) каби халқаро ташкилотларнинг аниқлашига кўра, ишсизлар булар ишга эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва охирги 4 ҳафта ичида иш қидираётганлар ёки ишга жойлашиб бўлган, лекин ҳали иш бошламаган одамлардир.

Мисол учун АҚШ да қуийдаги фуқаролар ишсиз ҳисобланадилар:

1. Таҳлилий ҳафта давомида банд бўлмаганлар.
2. Ўтган 4 ҳафта давомида ишга жойлашишга ҳаракат қилганлар. (тўғридан – тўғри ёлловчига ёки давлат бандлик хизмати кўрсатиш ташкилотига, дўстларига мурожаат қилган ҳолда).
3. Вақтинчалик ишдан бўшатилганлар ёки янги ишга қабул қилинган ва 30 кун ичида иш бошлиши керак бўлган фуқаролар.

Японияда таҳлил қилинаётган ҳафтада бирор соат ҳам ишламаганлар, Буюк Британияда эса таҳлил қилинаётган ҳафтада ишга эга бўлмаган, шу ҳафтада иш қидираётган ёки касаллиги туфайли иш қидира олмаётган ёки ишга жойлашиш бўйича музокаралар натижасини кутаётган шахслар киради.

Ишсиз «мақоми»ни аниқлаш турли мамлакатларда деярли бир хил бўлиб халқаро ташкилотларнинг таҳлилларига тўғри келарди. Ишсизлар сонини ҳисоблаш 2 хил услубий ёндашувга эга. Биринчи ёндашув, таҳлилий ҳафта давомида ишсиз «мақоми» га эга бўлганлар сонини аниқлашдан иборат.

(АҚШ, Япония). Буюк Британияда қуйидаги усул мұхим ва құмматли ҳисобланады, яъни ишсизлар сонини ҳисобға олиш давлат бандлық хизмати ташкилотларига ишсизлик нафақасини олиш учун берилған аризалар сонига қараб аниқланады. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам шу усульдан фойдаланилади. Тадқиқотлар шуны күрсатдикі, ҳар иккала турли услугда олиб борилған ҳисоб – китоблар натижаси орасыдаги фарқ үнчалик катта эмас: ҳалқаро услугга асосан Буюк Британияда 2,37 млн. ишсиз ҳисобға олинған бўлса, Буюк Британияда қабул қилингандай услуг асосида ҳисоблаганда ишсизлар 2,41 млн. кишини ташкил этди ва орадаги фарқ 4 минг кишидан иборат, холос.

Буюк Британияда ишсизлик нафақасини олиш учун ариза берганлар орасида 630 минг киши Ҳалқаро классификация бўйича ишсиз мақомига тўғри келмаган, сабаби улар иш қидирмаган, шундай экан иш бошликлари ҳам мумкин бўлмаган. Шулардан, 310 минг киши ишлашни хоҳламаслиги, 120 минг киши ишлашни хоҳлашини, бироқ турли сабабларга кўра ишга жойлаша олмаслигини айтган. Нафақа сўраб ариза берганлардан 210 минг киши иш қидирмаган, улардан 60 мингтаси иш топа олмаслигига аниқ ишонгган. Бундан ташқари, ишсизлик нафақаси учун ариза берганлардан 160 минг киши таҳлилий ҳафтада ишга (иш жойига) эга бўлганлиги аниқланган. Улар тўлиқсиз иш ҳафтасига кам хақ тўланадиган ишга эга бўлганлар. Шу билан бирга Ҳалқаро Меҳнат Тақсимоти ва ОЭСР аниқланган 750 минг ишсиз бандлық хизмати (ташкилоти)да рўйхатдан ўтмаган, ишсиз нафақаси учун ариза бермаган. Шулардан 520 минг таси аёллар бўлиб, уларнинг 70 фоизини турмушга чиқсан ва тўлиқсиз иш вақти учун иш қидираётган аёллар ташкил этган.

Шундай қилиб, ишсизларни ҳисоблашнинг инглиз усули анча оддий, лекин ишсизларни сифат таркиби аниқ эмас ва ўзининг ишсиз ҳисоблайдиган ҳамда моддий ёрдам олмоқчи бўлган шахсларни назорат қилиш борасида қўшимча чора тадбирларни талаб қиласи.

Шунингдек, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг меҳнат ва статистика ташкилотлари бўш иш ўринлари бўлмаган ва бўлиши кутилмайдиган турғун районларда яшовчи шахсларни ишсиз сифатида кўриб чиқмайди. Ҳатто улар иш қидиришган бўлса ҳам, оқибатда хафсаласи пир бўлган. Шунинг учун ҳам улар инглизчасига «ноумид ишчилар» (discouraged workers), деб аталади. Бу шахслар ҳатто иқтисодий фаол аҳоли таркибига ҳам киритилмайди.

Мамлакатларда ақолининг бу тоифасига муносабатлар турлича, баъзан биринчи марта иш қидираётганларга ёки узоқ вақт танаффусдан сўнг ишга қайтганларга бўлгани каби **биринчи гуруҳга** энг аввало ёшлар, **иikkинчисига** эса бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ ҳолда иш қидирган аёллар киради.

Асосий ишсизлар оммаси – булар иш стажига эга бўлган ва ишдан бўшатилган шахслардир. Бу тоифага асосан ишлаб чиқариш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, корхоналарнинг тутатилиши, ишлаб чиқаришни такомиллашуви ҳамда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ўтилиши кабилар оқибатида иш ўрнини йўқотган ишчилар киради. Улар орасида турли даражада малакага ва мутахассисликка эга бўлган, қайта тайёргарликдан ўтишга ҳамда ўз малакасини оширишга, мутахассислиги бўйича бошқа корхоналарда ишлашга тайёр одамлар мавжуд бўлиб, айнан улар янги иш ўринларида ишлаш учун талаб қилинадиган минимал тайёрлов ва қайта тайёргарликдан ўтган малакали, маҳоратли кадрларнинг тикланиш манбай яъни ишсизликнинг динамик асосини ташкил қиласди.

Меҳнат қилиш ёшида бўлиб ишламайдиган одамлар мажбуран банд бўлмаганлар ҳамда ишсизлар тоифасига ажратиш **ақолининг** ишга жойлашмаган қатламига ижтимоий – иқтисодий ёрдам кўрсатиш чора – тадбирларини ишлаб чиқишини назарда тутувчи бандлик сиёсатининг асосини ташкил қиласди.

**Тўлиқсиз бандлик** сиёсатини белгилаш ва юритища алоҳида эътиборни талаб қилувчи кишилар туркуми тоифаси бўлиб, унинг икки хил очиқ ва яширин, бошқача айтганда миқдорли ва сифатли кўринишлари мавжуддир.

Тўлиқсиз бандликнинг миқдорий шакли иш вақтининг давомийлигида, меъёрий иш вақтига нисбатан қисқаришида ўз ифодасини топади. Иш хақининг пастлиги, меҳнатни ташкил этишининг қуий даражалари, ишчиларнинг малакаси – маҳоратидан тўлиқ фойдаланмаслик каби ишчи кучидан фойдаланишнинг ўзига хос сифат жиҳатлари тўлиқсиз бандликнинг сифат мезонини белгилайди.

Турли мамлакатларнинг иқтисодиёти тобора жаҳон цивилизациясининг (маданияти) ривожланишига боғлиқ бўлиб бормоқда. Бугунги кунда ҳеч бир мамлакат ўзи алоҳида ютуқларга эриша олмайди. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг қизғин «байналміналлашуви» меҳнат бозорининг «байналміналлашуви» билан боғланиб кетмоқда. **Халқаро**

миграция замонавий жаҳон хўжалиги тизимининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Хорижий ишчи кучидан фойдаланиш аллакачон нормал такрор ишлаб чиқариш жараёнининг зарурый шартига айланди. Хорижий ишчилардан фаол фойдаланадиган мамлакатларда бутун бир иқтисодиёт тармоқлари ишчи кучи импортига боғлиқ бўлиб қолган. Жумладан Дюссельдорфда (ГФР) ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чет эл ишчиларининг қайтиб кетиши натижасида қурилиш ишларининг кўлами камайиши, болалар боғчалари, мактаблар ёпилиши мумкин.

Францияда эса муҳожирлар қурилишда бандларнинг 1/4 қисмини, автомобилсозлиқда 1/3 қисмини, Белгияда кончиларнинг ярмини, Швецарияда қурувчи ишчиларнинг 40%ни ташкил қиласди. Айни вақтда, ишчи кучини экспорт қилувчи ривожланаётган мамлакатлар учун бу фаолиятдан воз кечиш муҳим валюта манбаидан маҳрум бўлишни ҳам билдиради. Мисол учун, Мисрда 80 – йилларнинг охирида Сувайш каналидан фойдаланиш 970 млн. дол., туризм 60 млн.дол. фойда келтирган бўлса, муҳожирлар маблағларининг ўтказишидан келган фойда 3,1 млрд. долларни ташкил этган. Яманда эса эмигрантлар ўтказадиган маблағлар мамлакат экспорт тушумларига нисбатан 30 марта юқоридир.

Ишчи кучи миграцияси мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб жамиятнинг иқтисодий ҳаёти ва жаҳон миқёси ривожланишида жиддий ўрганишни тақозо қиласди.

Хорижий мамлакатлар меҳнат бозорининг характерловчи хусусиятлари қўйидагиларда яқол кўринади. Ўмуман, 60 – 70 млн.киши яшаш ва маблағ топиш мақсадида четга чиқиб кетган. 80 – 90 – йиллар маълумотларига кўра, йилига 19,7 – 21,7 млн.киши иш қидириб ўз мамлакатларидан хорижий мамлакатларга кетади. Чет эл ишчиларининг сони Фарбий Европада 7,0 – 8,0 млн. АҚШда 5 – 5,6 млн. Лотин Америкасида 3,5 – 4 млн., Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада 2,8 млн., Жанубий Африкада 1,3 млн. кишини ташкил этади.

Иммиграциянинг биринчи маркази Фарбий Европа мамлакатларида шаклланган бўлиб, у ерда чет эл ишчи кучидан доимий равишда фойдаланишга ўтилган. Фақатгина ЕИ да 13 млн. иммигрантлар ўз оила аъзолари билан бирга ҳисобга олинган, шундан 8 млн.га яқини (ёки 61%и) ЕИ аъзоси бўлмаган мамлакатлардан келган. ФРГ да чет эллик ишчилар умумий бандларнинг 8%ини, Францияда 7%ини, Швецарияда ва Люксембургда 30%ини ташкил қиласди.

Мұхажирларнинг тұлдидириүвчи ишчи кучи сифатидаги роли шундан иборатки, давлатлараро құчишда асосан 25 ёшгача бўлган, жисмоний соғлом, меҳнатта лаёқатли ёшлар кенг иштирок этмоқда.

Охирги вақтларгача чет эл ишчиларини кўпроқ қўл меҳнатини талаб қиласиган (қурилиш, хизмат кўрсатиш) соҳаларда, маҳаллий аҳоли учун унчалик мувофиқ бўлмаган, ишлаш ўта ҳавфли ва заарли, ифлос бўлган тармоқларда банд қилинганд. Бу ерда чет элликларнинг улуши жуда юқори бўлиб, 70% гача миқдорни ташкил этади, бу эса бундай ташкилотлар келгинди ишчи кучлардан фойдаланиш учун «мўлжалланганлигини» билдиради.

Меҳнат ресурслари иммигрантлар ҳисобига шаклланган АҚШ анъанавий тарзда иммиграциянинг иккинчи маркази бўлиб ҳисобланади. Ҳозир у ерга келган ишчи кучи доимий 5% га яқин миқдорини ташкил қиласиди ва қирғоқ бўйларида бир мунча кўпроқдир (ассимляция бўлиб улгурмаганлар).

Урушдан кейинги миграция АҚШ да 2 босқичдан иборат: биринчи босқич: 40 – 50 йилларнинг охиридаги кучли Европа иммиграциясини ўз ичига олади, 60 – йилларнинг ўрталаригача Европадан АҚШ га 7 млн.киши кириб келади; иккинчи босқич: 1965 йилдан Осиё ва Лотин Америкасидан чиқиб кетувчилар учун қулагай шароитлар яратган қонуннинг қабул қилинишидан бошланган.

1993 йилдан Европа мамлакатлари, айниқса Ирландия, Буюк Британия, Италия, Польша, шунингдек, Аргентинанинг иммиграциядаги устунлиги сезила бошланиши билан учинчи босқич бошланди. Бу жараён шу билан изоҳданадики, АҚШ кейинги ўн йилликда қора танли аҳоли ўртасида туғилиш даражасининг юқорилиги оқибатида оқ танли аҳоли озчиликни ташкил этувчи мамлакатга айланиши мумкин. Хадсон институти башоратларига қараганда 1985 йилдан 2000 йилгача оқ танли аҳолининг бандлиқдаги улуши 83% дан 57% га камайса, қора танлиларники эса аксинча 10% дан 20% гача ўсади. Иммигрантлар улуши эса 7% дан 22% гача кўтарилиши мумкин.

Шунингдек, иқтисодий ривожланган Фарбий Европа ва Шимолий Америка ишчи кучини ўзига жалб қиласиган биринчи марказлар бўлган бўлса, 70 – йиллардан бошлаб жаҳон меҳнат бозори нефть қазиб чиқарувчи Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам шаклана бошлади.

80 – йилларнинг бошларида Яқин Шарқда хорижий ишчиларнинг сони 3 млн. кишидан ортди ва асосан БАА,

Қатар, Саудия Арабистони ва Баҳрайн, Уммон давлатларида 75% жойлашди. Асосий ишчи кучи экспорт қилувчи мамлакат Мисрдир.

Тўртингчи марказ Лотин Америкасида асосан Аргентина ва Венесуэлада шаклланди. З млн. дан ортиқ иммигрантлар учун миграциянинг мавсумий (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш билан боғлик) шакли характерлидир.

Шунингдек мамлакатлараро ишчи кучи миграцияси Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатларига хос жараёндир.

Ишчи кучи экспорти экспорт қилинаётган товар – меҳнат ресурслари учун ўзига хос тўлов ролини бажарувчи муҳожирларнинг валюта маблағларини ўtkазиш билан назорат қилинади. Бунда ишчи кучи экспортидан олинаётган валюта тушуми экспорт қилувчи мамлакатда товар сотишга хос бўлгани каби ишлаб чиқариш харажатларига сабаб бўлмайди.

Асосан ишчи кучи экспортига ихтисослашган давлатларда бу улуш юқори даражада сақланиб қолмоқда. Собиқ Югославия ва Покистонда ҳатто кўпайиш жараёни кузатимоқда.

Ишчи кучи экспортидан бевосита валюта тушумининг 4 та манбай мавжуд:

- Воситачи фирмаларнинг фойдасидан олинадиган солиқлар;
- Иммигрантлар оиласи ва яқинларини қўллаб – қувватлаш учун ўtkазиладиган маблағлар;
- Муҳожирларнинг шахсий инвестициялари (ишлаб чиқариш воситалари ва узоқ муддат фойдаланадиган буюмларни ватанига олиб келиш, ер сотиб олиш, кўчмас мулк, қимматбаҳо қофозлар сотиб олиш);
- Ишчи кучини импорт қилувчи давлатлардан меҳнат ресурсларини такрор барпо қилиш ва ижтимоий соҳага йуналтирувчи маблағлари;

Ҳисоб – китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ишчи кучини экспорт қилишининг валюта самарадорлиги товар экспорт қилиш самарадорлигидан беш марта юқоридир. Ривожланаётган давлатларнинг ишчи кучи экспорт тушуми, бошқа тушумларга нисбатан юқори суръатда ўсиш ва йилига 10 фоизга тенг бўлди. Бундай ўсиш жараёни бундан кейин ҳам давом этиши кутилмоқда. Бундан ташқари, товар сотища коньюктура тез ўзгариб туради, ишчи эса шартнома бўйича

шартнома мұддати учун маълум суммани валютада мунтазам олиб туради. Айрим товарларнинг нархи гоҳ кескин пасайиб, гоҳ күтарилиб туради, ишчи кучининг нархи мунтазам равишда ўсиб боради.

80 – йиллар давомида қуийдаги давлатлар мәжнат ўтказмаларидан йирик даромадға эга бўлдилар (млрд. АҚШ дол.): Португалия (3,8), Туркия (3,3), Югославия(3,2), Миср(3,2), Покистон(2), Ҳиндистон(2,5), Италия (1,1), Испания (3,2), Иордания(0,5), Яман(0,4), сўнги йилларда Польша (1,4), Истроил (1,2). Йилига миллиардлаб доллар даромад олаётган бу давлатларнинг кўпчилиги, ўзларида мәжнат хизмати бўйича экспорт ихтинослиги ташкил қилиб, уни мустаҳкам валюта даромади манбаига айлантиришди. Бундан ташқари, бу манба миллий валюта ҳолатининг кескин яхшиланишига ҳам олиб келди. Туркия ва собиқ Югославия тўлов балансларини доимо мәжнат ўтказмаларига мўлжаллаганликлари учун ўз миллий валюталарини конвертирлашга эришдилар.

Ишчи кучи экспорти билан нафақат ривожланаётган мамлакатлар балки Италия, Португалия, Греция каби давлатлар ҳам шуғулланадилар. Гап саноат ва техника ривожланишининг умумий даражасида эмас, балки миллий иш хақларининг фарқида ҳамдир. Бундан ташқари, эмигрантлар иш хақининг бир қисмини ватанларига ўтказишида банкларга чет эл валютасини топширадилар, уларнинг оиласлари эса бу ўтказма маблағларини ўз валюталарида оладилар. Бу валюталарнинг эса ҳарид қобилиятлари хориж валютасига нисбатан паст бўлади.

Эмигрантлар шахсий жамғармаларининг маълум қисминигина ўтказадилар, асосий маблағларни валюта ва қимматбаҳо қоғозлар кўринишида ўз ватанларига олиб қайтадилар. Сўнги йилларда ватанига қайтаётган эмигрантлар кўпроқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган жиҳозлар, машиналар олиб келишмоқда ва ўз ватанларида ишлаб чиқаришини ташкил қилишмоқда. Кўпчилик мамлакатларда эмигрантларнинг ишлаб чиқариш воситаларини келтиришлари давлат қонунлари билан рафбатлантирилмоқда, божхона солиқлари камайтирилмоқда, бошқа тўсиқлар олиб ташланмоқда.

Бутун дунёда техника ва жиҳозларнинг нархлари тез ўсаётганини ҳисобга олиб эмигрантлар чет давлатда ишлайдиган ва ўз ватанига қайтишига тайёрланаётганда техника ва технология сотиб олиш учун кооперативлар ташкил қилишмоқда. Қизиқарлиси шуки, бундай кооперативлар жиҳозлар олиш учун маблағи етмаса,

банкларнинг  
фойдаланадилар.

молиявий

кўллаб – қувватлашдан

Шундай қилиб, эмиграция ва реэмиграцияни бошқариш мумкин, яъни эмигрантларнинг қайтишини ва уларнинг миллий иқтисодиётта янги сифатдаги ишчи кучи бўлиб қўшилишини таъминлаш орқали ишчи кучини экспорт қилувчи давлатларда доимо ватанига қайтиб келганларни ишга жойлаштириш муаммоси кўндаланг туради. Чет давлатда ишлаб қайтган киши ўз меҳнатига, иш хақи даражасига, касб имкониятларига, қобилиятига бошқача назар билан қарайди. Бунинг сабаби шуки, чет элда ишлаб ўз меҳнатининг қадрини билган, меҳнати туфайли маълум жамғармага эга бўлган киши, қайтища касб маҳоратини баҳолай оладиган кишига айланади. Кўп ҳолларда ҳар томонлама «бой» бўлган меҳнат ресурслари қайтади. Бундай кишиларга муносиб меҳнат шароити яратиш галдаги вазифа бўлиб қолади.

Бир қатор мамлакатларда миграция кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёnlарини бузилиш ҳолларини олдини олади ва бу меҳнат ресурсларининг сифат ва сон жиҳатидан ўсишига таълуқлидир.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Ер шари аҳолисининг сони ва ўсиш суръатларига тавсиф беринг.
2. Дунё аҳолисининг миллий (этник) ва диний таркибини аниқланг, тавсифлаб беринг.
3. Дунё аҳолисининг жойланишидаги фарқларни тушунтириинг. Миграция ва унинг сабабларига тавсиф беринг.
4. Урбанизация жараёни моҳиятини тушунтириб беринг. Ер шарининг энг йирик шаҳарларини айтинг.
5. Аҳолининг жинсий ёш таркибига тавсиф беринг. Меҳнат ресурслари, баҳдлик ва ишсизлик моҳиятини тавсифланг.

# VI БОБ. ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТЕЗЛАШТИРУВЧИ РОЛИ

## 6.1. Илмий – техника инқилобининг XX аср охири XXI аср бошларида дунё хўжалигига таъсири ва атроф–муҳит муаммоси

Инсониятнинг бутун маданий тараққиёти илмий – техника прогресси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, фанда ва техникада юз берган эволюцион жараённи ифодалайди.

Илмий – техника инқилоби ишлаб чиқариш кучларида чуқур сифат ўзгаришлари бўлиб, тарихан бундай ўзгаришлар қўйидагиларда ифодаланган

а) Европанинг бир қатор мамлакатларидағи XVIII – XIX асрларда мануфактура босқичидан фабрика – завод босқичига ўтиш жараёни ёки «биринчи саноат инқилоби»;

б) XX аср ўрталаридан бошланган фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши ёки «иккинчи саноат инқилоби»;

в) XX аср охирги ўн йиллигидан бошланган фанда, техникада ва жамиятдаги туб сифат ўзгаришларини ифодаловчи учинчи саноат инқилоби яъни «постиндустрия инқилоби» (энг янги техника ва технология, энергия ва хом – ашё, саноат техникаси, табиатни муҳофаза қилиш).

Илмий – техника инқилоби ғоят мураккаб, кенг қамровли тизим бўлиб, фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши ва жамиятнинг моддий – техника асосларидағи туб миқдор ва сифат ўзгаришларини ифодалайди.

ИТИ кенг қамровли ва универсал бўлиб, тўртга бош хусусиятга эга:

1. Кенг қамровлик ва универсаллик. ИТИ иқтисодий ва ижтимоий ҳётнинг барча тармоқ ва соҳаларини, меҳнат характери, турмуш ва инсон психологиясини жуда тез ўзгартирмоқда. Агар яқин вақтларга қадар унинг рамзи ЭҲМ, ракета, атом электростанциялари, робототехника бўлса, бугунги кунда экологик муаммолар ечимларини ишлаб чиқиши, ишлаб чиқаришда берк технологик тизимни яратиш, ахборотлар технологияси ва инсоннинг ўзини сақлаб қолишдан иборат бўлиб қолмоқда. ИТИ нафақат ер шарини, балки космик кенглик ва дунё океанини ҳам қамраб олди.

2. Илмий – техник ўзгаришларининг ҳаддан ташқари тезлашуви. Илмий тадқиқот ва конструкторлик бюороларидағи

ихтиро ва кашфиётларнинг ишлаб чиқаришга тадбиқининг тезлашуви натижасида маҳсулотларнинг доимий янгиланиб бориши ва турларининг тўхтосиз кўпайиши юз бермоқда.

3. **Юқори малакавий меҳнатта бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортиши**. Меҳнатнинг тобора интеллектуал характер касб этиши натижасида меҳнат ресурсларининг ихтисосий ва малакавий тузилишида иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришларига мос жараёнлар юз бермоқда.

4. **Деярли барча иқтисодий ривожланган мамлакатларда**, бозор иқтисодиётига ўтаётган, ҳатто ривожланаётган мамлакатларда ҳам XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб илмий тадқиқот, конструкторлик – тажриба ишларига бўлган эҳтиёжнинг кучайиши, «илмталаб» соҳаларнинг кенгайиши фан шаҳарлари ва марказларини юзага келтирди.

Булардан ташқари илмий техника инқилоби ютуқларини ҳарбий саноат мажмуасига тадбиқ этиш натижасида XXI аср бошларида ҳарбий техник салоҳиятининг кучайиши дунё сиёсий картасидаги кўпгина мамлакатларнинг бош йўналиши бўлиб қолмоқда.

Илмий техника инқилобининг тўрт таркибий қисмлари мавжуд:

1. Фан. 2. Техника ва технология. 3. Ишлаб чиқариш. 4. Бошқариш.

1. **Фан ва илмталаб соҳаларнинг ўсили**. ИТР шароитида фан мураккаб билимлар мажмуасига айланди. Дунё бўйича илмий ходимлар – 5,5 млн. кишидан иборат бўлиб бунинг 9/10 қисми бизнинг замондошларимиздир. Ишлаб чиқариш суръатларининг ривожланиб бориши билан илмталаб соҳалар (ИТИ нинг учинчи тўлқини микроэлектроника соҳаларининг ривожланиши ва бошқалар) яъни фан ва ишлаб чиқариш алоқалари чукурлашмоқда. Аммо, иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасида илмталаб соҳаларнинг ривожланганлик даражасидаги фарқ каттадир.

Дунё бўйича илмий маҳсулотларни ишлаб чиқаришининг 80 фоизидан ортиғи 10 та мамлакат ҳиссасига (бу мамлакатларда илмга бўлган харажатлар ЯИМ нинг 2–3% ини ташкил қиласди) тўғри келса, ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига дунё бўйича илмга бўлган харажатнинг 4–5 фоизи тўғри келади, холос.

2. **Техника ва технология** – ривожланишнинг икки йўли. Янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга

қўллашдан асосий мақсад – ишлаб чиқариш самарадорлигини ва унумдорлигини оширишдан иборатгина бўлмай, балки ресурсларни тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан ҳам иборат бўлиб бормоқда. Натижада, иқтисодий ривожланган мамлакатларда XX аср 70–йилларидан бошлаб, кенг суръатда иккиласччи маҳсулотлардан (металлом, макулатура ва бошқалар) фойдаланиш технологиялари кенг қўлланилмоқда.

ИТИ шароитида техника тараққиёти ва технологик жараёнларнинг ривожланиши икки йўл, яъни, эволюцион ва инқилобий йўналишларда бормоқда.

**a) Эволюцион йўл** ишлаб чиқариш қувватларининг (унумдорлигининг), машина ва жиҳозлар қувватининг ортиши, транспорт воситалари юк кўтариш қобилиятнинг ўсиши билан боғлиқ.

**b) Инқилобий йўл** – техника ва технологиялардаги мутлақо, яъни сифат ўзгаришларидан иборат (микроэлектроника, лазер техникиси ва бошқалар).

**3. Ишлаб чиқаришнинг олти бош йўналиши.** ИТИ шароитида ишлаб чиқариш олти йўналиш бўйича ривожланмоқда.

**Биринчи йўналиш** – электронлаштириш бўлиб инсон ҳаётини электрон ҳисоблаш машиналари билан тўлдиришдир. Бу йўналиш туфайли ишлаб чиқариш технологиясида жуда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Электронлаштириш инсоннинг турмуш тарзига, маориф ва соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларига жуда тез кириб бормоқда У саноатнинг энг илмталаб соҳасидир. АҚШ, Япония ва ГФР дунёдаги энг йирик ЭҲМ паркига эгадир.

**Иккинчи йўналиш** – комплекс автоматлаштириш бўлиб 50–йилларнинг ўрталаридан ЭҲМ нинг I – авлоди юзага келиши билан бошланган. Комплекс автоматлаштиришдаги сифат жиҳатидан янги босқич 70–йилларидан микро ЭҲМ, микропроцессорларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига тадбиқи билан боғлиқ. Хилма – хил электрон – механик манипуляторлар ва робототехника янги босқичда биқиқ ишлаб чиқариш, завод автоматларни юзага келтирди. Дунёда энг йирик саноат роботлари Япония, АҚШ, ГФР, Италия ва Францияда яратилмоқда.

**Учинчи йўналиш** – энергетика хўжалигини тубдан ўзгартириш билан боғлиқ бўлиб ёқилфи – энергетика мажмуаси таркибини такомиллаштириш, ёқилғи тежаш

технологиясига асосланган тизимларни шаклантиришдан иборат. Атом энергетикасидан фойдаланиш муаммоси ва АЭС ларни ривожлантириш кун таркибидаги кескин масала. 1990 йил бошларида дунё бўйича 250 та АЭС бўлиб бунинг асосий қисми АҚШ, Франция, ГФР ва Россия ҳамда Украинада жойлашган.

**Тўртинчи йўналиш** – янги материаллар ишлаб чиқариш билан боғлиқдир. Чунки, бугунги ишлаб чиқариш тизими материалларга мутлақо сифат жиҳатидан янги – янги талабларни қўймоқда. Ишлаб чиқариш ва илмталаб соҳаларда тобора кўпроқ композицион материаллар, ярим ўтказгичлар, керамик материаллар, оптик толалар, «ХХ аср metall»лари (бериллий, литий, титан, (аэрокосмик саноатининг биринчи метали) ва бошқа материаллар) ишлатилмоқда ва бу жараён кучайиб бормоқда.

**Бешинчи йўналиш** – биотехнологиянинг тез ривожланиши бўлиб, ХХ аср 70 – йилларида юзага келди ва ғоят тез суръатлар билан тараққий этмоқда. Биотехнология ва биоиндустрия нозик илмталаб соҳалар таркибига кириб, АҚШ, Япония, ГФР, Япония ва Францияда ривожланган.

**Олтинчи йўналиш** – космослаштиришdir. Космонавтиканинг гуркираб ривожланиши энг янги ва ғоят илмталаб – аэрокосмик саноатни юзага келтириди. Аэрокосмик саноат ўз навбатида бу тармоқ билан боғлиқ янги (нокосмик) тармоқларнинг (янги машина ва жиҳозлар, асбоблар, эритмалар ва бошқ.), космик технология ва космик ершуносликнинг ҳамда фундаментал фанлараро тадқиқотларнинг ривожланишига кучли туртки берди. Шу билан биргаликда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, электрлаштириш ва кимёлаштириш сифат жиҳатидан янги босқичга кирди.

**4. Бошқариш** иқтисодий – ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида сифат жиҳатидан янги босқичга «ахборотлар индустрія»сига кадам қўйди. Бошқариш билан боғлиқ ахборот техникаси ва технологиялари юзага келди. Айни вақтда бошқариш ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишига ҳам таъсир этмоқда. Чунончи, ХХ аср 80 – йилларидан бошлаб кўплаб илмталаб соҳалар ахборотлар тизими ривожланган шаҳар ва шаҳар агломерацияларда жойлашмоқда.

Кўриниб турибдики, ИТИнинг иқтисодиёт, қолаверса жамиятнинг, инсоннинг бутун фаолият даражасига таъсири жуда катта ва хилма – хилдир. Мамлакатнинг ИТИ жараёнидаги фаол иштироки, унга ўзининг ҳиссасини қўшиши, унинг натижаларидан тўла фойдаланиш даражаси

ижтимоий ишлаб чиқаришда самарадорлигини муттасил ошириш имкониятларини вужудга келтиради. Бундай имкониятлар ўз навбатида мақсадли мажмуга «Илмий – техника салоҳият» (ИТС) тушунчаси билан ифодаланади.

Жаҳон иқтисодиёти нуқтаи – назаридан ИТС тушунчасини кенг маънода тушиниш лозим. Давлатнинг ИТС – унинг илмий – техник имкониятларини, яъни давлатнинг жаҳон хўжалиги субъекти сифатида ривожланиш даражаси, ресурслар сифати ва миқдори, илмий форя ва ишланмалардан амалиётда фойдаланиш (ишлаб чиқаришга тадбиқи) характеристини ифодалайди. Янги ғояларнинг амалиётда қўлланиши ИТСнинг – материаллашувидан далолат беради.

ИТС бир томондан илмий – техник имкониятлардан реал фойдаланиш ҳолатини, иккинчи томондан бу илмий – техникавий тараққиёт жараёнини ифодалайди. Ҳар қандай илмий – тадқиқот ижтимоий фойдали қийматга эга, унинг натижаси илмий ёки техник ахборот ҳисобланади. Бунда ахборот техник, технологик ва бошқа янгиликни ўзида мужассамлаштириб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги зарур бўлган омиллардан бирига айланади. Аммо шуниси аниқки, илмий – техник ижодиётни ва унинг ишлаб чиқариш ахбороти зарурияти деб баҳолаш хато ҳисобланади.

Илмий – тадқиқотлар, айниқса табиий ва техник фанлар бўйича, ўзининг табиати ва диалектикаси нуқтаи назаридан моддий ишлаб чиқаришнинг асосий бевосита қисмига айланади, амалий тадқиқотлар ва тажриба – конструкторлик ишлари амалда бу жараённинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

**Баҳолаш мезонлари** – Фан – инсон интеллектуал фаолияти натижалари, унинг тажрибаси, билими, ғоялари мажмуасини тартибга солиш ва баҳолашнинг мураккаб тизимиdir.

Бироқ, замонавий ИТСни ижтимоий, иқтисодий категория, катта ва мураккаб тизим сифатида ифодалаш, унинг ўзгаришларини бир қатор объектив қонунлардан (фанлар тизими ва унинг ривожланиш тезлиги ва бошқалар), илмий – техник фаолият ва ишлаб чиқаришнинг диалектик уйғунлигидан фойдаланган ҳолда у ёки бу даражада миқдорий таҳлил қилиш ва таққослаш мумкин.

ИТСларни сифатини белгиловчи, унинг келгусида ривожланиш ҳолати ва жараёнини аниқловчи асосий кўрсаткичлар мамлакатнинг илмий – техник кадрлари сони, илмий тадқиқот фаолияти кўламалари ҳамда моддий техник

таъминотидир. Аммо, бундай миқдорий таҳлил етарли эмас. Шунинг учун муҳим «сифат» кўрсаткичлари:

- илмий бошқарув тизимини ташкиллаш;
  - илмий – техник маълумотлар таъминоти (ахборотлар технологиясининг ривожланганлик даражаси).
- илмий – тадқиқот ишларининг асосий йўналишларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

## **6.2. Илмий–техника инқилоби ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар: ҳозирги жараёнлари**

ИТИ моддий ишлаб чиқариш таркибида муҳим ўзгаришларга олиб келди ва дунё бўйича 1 млрд. кишини банд этмоқда. Ижтимоий меҳнат тақсимотида юзага келган хўжаликнинг тармоқ таркиби ИТИ шароитида чукур диверсификацияга учради. Янги тармоқлар, кичик тармоқлар таркиби ва ишлаб чиқариш турлари шаклланди ҳамда чукур ва қатъий характер касб этди. ИТИ таъсирида миллий иқтисодиёт тармоқ таркибидаги ўзгаришлар умумлашган ҳолда учга яъни: макро, мезо ҳамда микротаркибий ўзгаришларга бўлинади.

*Макротармоқдаги таркибий ўзгаришлар* миллий иқтисодиётдаги йирик ўзгаришларни ифодалайди ва учта йўналишга эгадир.

**Биринчи йўналиш** – моддий ишлаб чиқаришда саноат ҳиссасининг доимий ортиб бориши билан белгиланади. Саноат тармоқ таркибида эса ишлов берувчи саноат ҳиссаси доимий ортиб бормоқда – яъни бутунги кунда бу тармоқга саноат маҳсулоти қўйматининг 9/10 қисми тўғри келади. Саноат таркибида «зарбдор учлик» (ИТИ билан боғлиқ машинасозлик, кимё, энергетика) алоҳида ўрин тутмоқда (60 млн. ортиқ киши банд бўлиб, иқтисодий ривожланган мамлакатлар ялли саноат маҳсулотининг 45–55% тўғри келади). БМТнинг классификациясига кўра ҳозирги замон саноати 300 тадан ортиқ тармоқ ва кичик тармоқга бўлинади. Саноат тармоқлари таркибида мураккаб жараёнлар юз бермоқда. Саноатнинг бир қатор тармоқлари (паровозсозлик ва бошқалар), ишлаб чиқариш тизимидан чиқиб кетса, айни вақтда саноатнинг мутлақо янги–янги соҳалари юзага келмоқда.

**Иккинчи йўналиш** – иқтисодиётда ноишлаб чиқариш соҳалари ва хизматлар ҳиссасининг тобора ортиши бўлиб, иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу жараён яқъол

күзга ташланмоқда. АҚШ, Европа мамлакатлари, Япония ва бошқа бир қатор мамлакатлар ялпи ижтимоий маҳсулотида бу ҳисса барқарор ортиб бормоқда. Иқтисодиётда ноишлаб чиқариш соҳаларининг ҳиссаси XX аср охири ва XXI асрда янада ортиши куттимоқда.

Учинчи йўналиш – миллий иқтисодиёт тизимида қишлоқ хўжалиги ҳиссасининг доимий қисқаришидир. Кейинги йилларда агросаноат интеграциясининг кучайиши, агробизнеснинг ривожланиши, интенсив тараққиёт, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини индустрисал асосларга кўчиши ва ўзига хос саноат ишлаб чиқариши тизимиға айланиши юз бермоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳиссасининг қисқариш жараёни иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун хос. Ривожланётган мамлакатларни индустрлаштирилишига қарамасдан иқтисодий фаол аҳолининг 50 – 70% қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқ овлаш билан банд.

Қишлоқ хўжалиги таркибида эса чорвачилик ҳиссаси ортиб бормоқда. Чорвачилик иқтисодий ривожланган мамлакатлarda индустрисал асосларга кўчганилиги билан ажralиб туради. Бир қатор иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлarda қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 3/4 қисмини бермоқда. Зироатчилик таркибида техника экинлари, ем – хашак, сабзавот ва мева етиштириш кўпайиб бермоқда.

Транспорт тизимида темир йўл транспорти ҳиссасининг қисқариши, автомобиль, дengиз ва ҳаво транспорти ҳиссасининг ортиши кузатилмоқда ва қурилиш, алоқа ва молия – банк тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда.

Айни вақтда, ИТИ оқибатида турли бирлашма ва тузилмалар яъни тармоқларо мажмуалар – машинасозлик, ёқилғи – энергетика, агросаноат (агробизнес), қурилиш ва бошқалар ривожланмоқда.

*Иқтисодиётнинг мезотаркибиагу асосий ўзгаришлар* саноатнинг икки йирик тармоғи қазиб берувчи ва ишлов берувчи тармоқлари ўртасидаги ўзгаришлардир. Бу жараён қазиб берувчи саноат ҳиссасининг доимий қисқариши ва ишлов берувчи саноат ҳиссасининг ортишидир. Қазиб берувчи саноат маҳсулоти қиймати тўғри келади) ишлаб чиқариш тизимида тобора кенгроқ энергия ва материалларни кам ишлатувчи технологик жараёнлар қўлланилаётганлигини билдиради. Саноат таркибидаги

ўзгаришлар аввало «зарбдор учлик» билан боғлиқ бўлиб бу соҳаларда ИТИнинг таъсири жуда юқоридир. Чунончи, машинасозлик (60,0 млндан ортиқ киши банд) – меҳнат воситалари ва технологияси, кимё саноати – меҳнат предметлари ва электроэнергетика – ёқилғи асосларига инқилобий таъсир этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида зироатчилик ва чорвачилик тармоқлари, транспортда – автомобиль, қувур ва ҳаво транспорти, ташки иқтисодий алоқаларда тайёр маҳсулотлар ва инвестиция ҳиссасининг ортиши кўзга ташланмоқда.

*Иқтисодигётнинг микротаркибидағи ўзгаришлар* – фоят мураккаб ва табақалашган машинасозлик ва кимё саноати учун хосдир. ИТИ таъсирида машинасозлик таркибида электрон жиҳозлар, аниқ электротехника, автоматлаштириш жиҳозлари ва асбоблари, авиакосмик ва атом техникаси, металларнинг қайта ишлашнинг бир қатор жиҳозлари, кимё – технологик ускуналар ҳамда майший электроника ва электротехника жиҳозлари ишлаб чиқариш кенгайиб бормоқда. ( йилига ўртacha 100 млндан ортиқ радиоприёмниклар, 60 млн.га яқин телевизорлар, 30 – 35 млн.дона музлаттичлар, 65 – 70 млн. дона кир ювиш машиналари, кўплаб ошхона комбайнлари ва бошқ. маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда).

Кимё саноати таркибидаги ўзгаришлар пластмасса маҳсулотлари, кимёвий толалар, бўёқлар, дори – дармонлар, юувучи воситалар, косметика воситалари ишлаб чиқаришнинг кенгайиши билан боғлиқ. Бу соҳаларда ҳам кейинги 10 йиллиқда чуқур ўзгаришлар (пластмасса) юз бермоқда. Сунъий толалар ўрнини полизэфир толалари эгаллаётган бўлса, табиий материаллардан фойдаланиш ҳам яна сезиларли равишда ортиб бормоқда.

Энергетика хўжалигида ҳам ИТИ туфайли муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Агар дунё ёқилғи – энергетика балансида 70 – йилларнинг ўрталарига қадар нефтнинг ҳиссаси юқори (3/5) бўлса, 80 – йиллардан бошлаб анъанавий ёқилғи – кўмирдан ҳамда атом энергетикасидан ва бошқа ёқилғи турлари ва манбаалардан фойдаланишга бўлган уриниш кучаймоқда ҳамда нефть ва табиий газнинг ҳиссаси қисқариб бормоқда.

Металлургия саноатида кислород – конвертор ва электропеч усулида пўлат эритиш ва металдан фойдаланиш кенгаймоқда, «ХХ аср metallари» ни эритиш кўпаймоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоқ таркибидаги ўзгаришлар зироатчиликда қимматбаҳо донли экинлар, техника экинлари, сабзавот — мева, чорвачиликда эса индустрисал асосларга кўра паррандачилик ва бўрдоқичилик ҳиссаси ортишида ифодаланмоқда.

Ташки иқтисодий алоқалар борасида эса экспортда тайёр маҳсулотлар, импортда эса технологик жиҳозлар, озиқ — овқат маҳсулотлари ҳиссаси юқори бўлмоқда.

Кейинги йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатларда ИТИнинг асосий ривожланиш йўналишларини ижтимоий — иқтисодий тармоқдар билан боғлиқ ҳолда башорат қилинмоқда. Чунончи, яқин вақтларда технология асосий йўналиш сифатида қаралган бўлса, ҳозирда унинг ривожланиши ижтимоий, сиёсий, маданий характердаги омиллар билан боғлиқ ҳолда қаралмоқда. ХХI асрнинг биринчи 10 йиллигига илмий тармоқларда чуқур таркибий ўзгаришларнинг янги «тўлқин» лари юзага келади. Илмий — тадқиқот ва тажриба — конструкторлик ишларида алоҳида, кенгайтирилган, чегараланмаган бозор — **билимлар бозори**, янги ахборот таркибига таянувчи тармоқлар роли кучайди.

ХХ асрнинг 80—йиллари охири ва 90—йилларнинг асосий хусусияти ижтимоий — иқтисодий жараёнларни байналмималлашувининг, илмий — техник ютуқларни айирбошлишнинг ва алоқаларни ривожлантиришнинг тезлашишида ифодаланади. Халқаро ахборот тармоқларнинг ривожланиши, дунёвий янгиликларни бир — бирига узвий боғланиши, транснационал корпорацияларни вужудга келиши, Шарқий Европадаги ва СССР даги сиёсий ўзгаришлар — буарнинг ҳаммаси аввалги халқаро илмий — техника тараққиёти ва ҳамкорлик концепцияларини, истиқбол ва йўналишларни жиддий қайта кўриб чиқишига олиб келди.

Илмий — техник ҳамкорликни тартибга солиш, ҳозирданоқ миллый эҳтиёжлар доирасидан чиқиб, икки томонлама ва кўп томонлама ўзаро мақбул сиёсатни ишлаб чиқиш заруриятига айланди. Келгусида бу жараён кучайди, унинг натижасида «миллый хавфсизлик» тушунчасига ўзгаришлар киритилади. Ҳар қандай ижтимоий — иқтисодий тизим хавфсизлиги ва унинг яшовчанлиги, иқтисодий ва технологик ривожланиш даражасида эришилган натижаларга, рақобатбардошлигига, ҳаётий сифати ва ташки хавфдан ҳимояланишига боғлиқ. Миллый хавфсизлик концепциясининг асосий кўринишлари таълим ва фаннинг ривожланиш даражасига, унинг очиқлиги ва жаҳон

интеллектуал имкониятларига қўшилганлик даражасига ҳам боғлиқ.

Интеллектуал салоҳият. Узоқ келажакка мўлжалланган кўпчилик башоратларда баҳоланишича ИТИ нинг ривожланишида «инсон ресурслари» асосий ўрин тутади ва иқтисодий муваффақиятларни эгаллаш учун курашда рақобатли ўринни эгаллади. Тадбиркорлик фаолиятининг интеллектуал салоҳиятдаги ўрни ҳамма йўналишларда ўсиб бормоқда.

Интеллектуал салоҳият – бу фақатгина расмий билим эмас, у ўз ичига изланишлар натижаларини, патент, лицензия, шунингдек, ходимларнинг амалий характердаги кўнникмаларини аниқ, технологик билимларнинг қўлланишини, бошқарув қарорларини, ташкилотчилик тажрибаларини ҳам ўз ичига олади.

Илмий – техник муаммоларни ечишда шахсий билим ва қобилиятни ўсиши содир бўлади, бу эса иқтисодиётда акс этиб, истеъмолчи ва бозорни забт этишда муваффақият келтиради.

Интеллектуал салоҳиятни – қувватлаб туриш учун ресурслар ажратиш ва ташкилий тадбирлар талаб этилади. Ҳамма мамлакатлар учун умумий жараён ҳисобланган таълим харажатларининг ўсиши миллий иқтисодиёт имкониятларига боғлиқ ҳолда юз беради, инсонларнинг юқори маҳоратлари – иқтисодий қиймат сифатида тан олинади. XXI аср бошларида, башоратларга кўра, янги ишчи ўринлари ҳар 3 – ҳолда олий маълумотни талаб этади.

Истиқболда ИТИнинг жамиятга таъсири икки йўналишда:

1. Анъанавий, инсоннинг хилма – хил эҳтиёжларини ва жамиятнинг янги техника, товар ва хизматларга бўлган ўсиб борувчи талабларини қондирувчи;
2. Ҳаётни таъминловчи, илмий – техника инқолобининг салбий оқибатлари, техника ҳалокатларининг олдини олиш ёки компенсациялаш, бўлиши мумкин.

Айни вақтда ИТИ нинг иккинчи йўналиши аста – секин 1 – ўринга чиқади. Бу эса ИТИ нинг аввалги жўшқинли белгиларини йўқотишга олиб келиши ҳам мумкин. ИТИ ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик, кўриниб турибдики, ҳали мураккаб ва қийин бўлсада, технологик қолоқликлар изларини бартараф этиш ишлаб чиқариш унумдорлигини ва бошқа хўжалик самарадорлигини таъминлайди. Инсон фаолиятининг турли тармоқларига, айниқса, номоддий ишлаб чиқаришга янгиликларни сингдириш жараёни, жуда

мураккабдир. Бироқ, иқтисодий ўсишга интилиш, турмуш сифатининг яхшиланишида ўз аксини топади. Бундай ҳолатда ИТИ ни янги турмуш тарзини шакллантиришдаги роли кучая боради.

Илмий – техник имкониятлар мазмунни асосан умумисоний муаммоларни ечишда, цивилизациянинг келгусида ривожланишини таъминланиши имкониятларида характерланади. Ҳозирданоқ илмий изланишлар ва янги технологияларни ишлаб чиқариш, техно ва экосистемаларни бошқаришда устивор йўналишлар кўзга ташланмоқда. Технология ва ижтимоий тараққиёт, фан – техника ва демократик ўзгаришлар, техник маданият ва таълим муаммолари, информатика, илмий заковат, ижтимоий – иқтисодий имкониятлар ва улардан фойдаланиши оқибатлари, фан ва техниканинг фавкулодда ривожланишини тезлаштириши каби муаммолар мажмуаси ИТИ истиқбол йўналишларини башоратлашда муҳим аҳамият касб этади.

### **6.3. Илмий – техника инқилобининг ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишига таъсири ва иқтисодий ўсиш**

ИТИ ишлаб чиқариш кучларининг (айниқса саноат тармоқларида) жойлашишига кучли таъсир этмоқда. Натижада ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий ташкил қилиш ва ҳудудий таркиб тамойиллари ва ўлчовлари ҳам ўзгармоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда классик «штандорт» назариярининг янги ижтимоий – иқтисодий шароитта мослашуви юз бермоқда ва унинг янги йўналишлари – «ривожланиш қутби» «регионал иқтисодиёт» ва бошқ. таълимотлар юзага келди ва ривожланиб бормоқда.

ИТИ ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги кўпгина классик омиллардаги ўзгаришларга ва янги омилларни ҳаётга тадбиқ этишга олиб келди. Бу омиллар қўйидагилардан иборат:

**1. Ҳудудий концентрация (умумлашув) омили ёки агломерация омили.** Бу жараён кичик ҳудудларда ишлаб чиқариш тизимларининг тўпланишини ифодалайди ва ижтимоий меҳнат самарадорлигини ошишига таъсир қиласи. Айни вақтда, бу аҳоли жойлашишида ҳам силжишларга олиб келди.

50 – йилларнинг охирига қадар ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тўпланишида ички тармоқлар умумлашуви характерли бўлса, кейинрок ихтисослашув етакчи ўринга чиқди ҳамда районларро ва халқаро меҳнат тақсимоти

имкониятларидан тұлароқ фойдаланишга олиб келди. Шунингдек, ноишлаб чиқариш соқалари турлы хизматлар, ахборотлар ва илмий–техника ва тажриба – конструкторлик ишлери ҳам ишлаб чиқаришнинг ҳудудий түпланишига кучли таъсир күрсатди. Ҳудудий түплакишининг асосий шакллари саноат құргони, маркази, район ҳамда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмұалари ва саноат ишлаб чиқариш мажмұаларидир.

Ишлаб чиқаришнинг ҳудудий түпланишида эски саноат районлари роли (пойтахтлар, ыйирик шаҳарлар, құмیر ҳавзалари ва бошқ.) катта бўлиб, жаҳон саноат ишлаб чиқаришнинг 3/4 қисмини беради. Аммо, XX асрнинг 70–йиллари ўрталаридан бошлаб ишлаб чиқариш ва аҳолининг ҳаддан ташқари ҳудудий түпланиши атроф – муҳиттега кучли салбий таъсир эта бошлади. XX асрнинг 80–йилларидан бошлаб ишлаб чиқариш ва аҳолининг ҳудудий тақсимланишида марказдан кочма ва эски саноат районларини «енгилматиш» дан иборат сиёсат амалга оширилмоқда. Кичик ва ўрта корхоналар, кичик завод ва фабрикалар ва кичик ГЭС барпо қилиш ёки ишлаб чиқаришни «миниатюралаштириш» кучайиб бормоқда. Бу йўналишларнинг тўғрилигини қатор мамлакатлар тажрибаси ҳам исботлаб турибди.

**2. Иқтисодий–географик омил.** Иқтисодий – географик (ИГХ) ҳолат тушунчаси фанга Н.Н.Баранский томонидан киритилган. Н.Н.Баранский ИГХнинг мамлакат, район ва шаҳарларга нисбатан 4 та: **марказий; ички (чекка); қўшничилик; ва ғенгиз бўйи ҳолатини асослаб** беради. Денгиз бўйи ҳолат мамлакатлар ижтимоий – иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этса, чекка ҳолат салбий таъсир этиши мумкин. Қўшничилик ҳолати эса мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар билан боялиқ. Айни вақтда мамлакатлар ўзларининг ИГХ яхшилашлари ҳам мумкин. Чунончи, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, амалга ошираётган ишлари бунга мисол бўла олади.

**3. Табиий ресурслар омили** – индустрлаштиришининг дастлабки босқичларида саноатнинг жойлашишига (тошкўмир ва темир рудаси ҳавзалари) кучли таъсир кўрсатган. ИТИ шароитида бу омил таъсири бир мунча сусайсада, қазиб берувчи саноат жойлашишида бош омил бўлиб қолмоқда. Эски қазиб берувчи районларда табиий ресурсларнинг озайиши ва сифатининг ёмонлаштуви, уларнинг ўзгартирилиши қийин, мураккаб экстремал шароитлардаги

худудларга силжиши кузатилмоқда. Жумладан, Шимолий районлар 20 млн.км<sup>2</sup> бўлиб, бунинг 11 млн.км<sup>2</sup> Россияга карашлидир. ИТИ ютуқлари бу ҳудудларни ўзлаштириш имкониятларини юзага келтириди. Шунингдек, континентал шельф минтақаси (31млн.км<sup>2</sup>) ўзлаштирилмоқда ва дунё бўйича қазиб олинаётган нефтнинг 25%, табиий газнинг 20% тўғри келмоқда. Шунингдек, Шимолий дениз, Кариб ҳавzasи, Канаданинг шимоли, Австралиянинг ички районлари, Россиянинг Фарбий ва Шарқий Сибир, Узоқ Шарқ ҳудудларини интенсив ўзлаштирилишида ИТИ шарт – шароит ҳозирламоқда.

**4. Транспорт омили** – ИТИ даврига қадар ишлаб чиқаришнинг жойлашишида ва истеъмолда деярли етакчи омил саналса, маҳсулот таннархига кучли таъсир қилиб белгиловчи мавқени эгаллаган бўлса, транспорт йўлларининг ва транспорт воситаларининг такомиллашуви транспорт харажатларини сезиларли қисқаришига олиб келади. ИТИ туфайли юзага келган «транспорт инқилоби» ишлаб чиқаришни «ресурсли ҳудудлар» га боғлиқлигини камайтиради. Минглаб километрга чўзилган нефт ва газ қувурлари, дениз транспорти (махсус юк кўтаришга мўлжаллассланган танкер ва супертанкерлар) ишлаб чиқариш ва аҳолининг дениз бўйларига силжишига таъсир кўрсатмоқда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан нефть ва табиий газни Фарбий Европа мамлакатларига экспорт қилиниши, Россиядан Европа мамлакатларига тортилган нефть (Дружба) ва табиий газ (Братство, Шимолий ёғду) қувурлари, Мексика қўлтиғидан АҚШ шимолига қадар чўзилган қувурлар, ва бошқа ИТИ таъсиридаги транспорт воситалари районлараро, мамлакатлараро ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва кенгайишига кучли таъсир этмоқда.

**5. Меҳнат ресурслари омили** – ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг «классик» омилларидан бўлиб, ИТИ таъсирида муҳим силжишлар юзага келмоқда. ИТИнинг меҳнат ресурсларига таъсири иккиёклама – яъни саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари бошқа мамлакатлардан қўшимча ишчи кучини импорт қиласа, иккинчи томондан арzon ишчи кучи ҳудудларида (йирик транснационал корпорацияларининг бошқа мамлакатлардаги филиаллари ва корхоналари) янги саноат корхоналарининг барпо этилиши билан боғлиқ. Фарбий Европадаги (йирик иктиносидий салоҳиятга ва яхши инфратузилмалар мавжуд) саноат районлари ва шаҳар агломерацияларида бошқа Европа мамлакатларидан, Шарқий ва Жануби – Шарқий Осиё

мамлакатларидағи арzon ишчи күчларидан АҚШ, Фарбий Европа ва Японияда кенг фойдаланилмоқда.

ИТИ шароитида аёллар мәхнатидан саноатнинг энг янги тармоқлари электроника ва радиоэлектроникада оммавий ишлаб чиқариш тизимида фойдаланиш кучайды. Айниқса, юқори малакали мәҳнат ресурсларига бўлган талаб, ишчи кучининг сифат таркибига бўлган талабни тобора кучаймоқда ва «ақл оқими» нинг ўзига хос йўналишларини юзага келтирмоқда.

**6. Инфратузилмалар омили** – ИТИ кучли бўлган инфратузилмалар мажмуасининг ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши ва минтақавий жойлашишига таъсири катта бўлмоқда. Ишлаб чиқариш инфратузилмалари, аввало транспортнинг аҳамияти ишлаб чиқариш кучларини дengиз бўйига силжиши, янги ҳудудларни ўзлаштириш билан боғлиқ «ривожланиш қутблари» ва «ривожланиш йўлкалари» нинг шаклланишида кўзга ташланмоқда.

Ноишлаб чиқариш инфратузилмалари – ижтимоий–маший тузилмалар, хизмат кўрсатиш, ахборотлар тизими, айниқса маркетинг тизимининг (фирма ва корпорацияларнинг барча фаолиятининг қамраб оловчи истеъмол эҳтиёжлари ва унинг ўзгаришларини тадқиқ қилувчи) ривожланганлик даражаси катта ўрин тутмоқда.

**7. Илмталаб омил** – ишлаб чиқариш кучларининг янги ва энг янги тармоқларини жойлашишида асосий ўрин тутмоқда. Бу жараён аввало илмталаб ва ахборотлар тизими билан боғлиқ ишлаб чиқаришни илмий–маданий мұхит мавжуд йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларида тўпланишига олиб келмоқда. Натижада, фан шаҳарлари юзага келмоқда. Жумладан, Россияда – Москва, Санкт–Петербург ва Новосибирск, Францияда – Париж, Японияда – Токио, Данияда – Копенгаген, Болгарияда – София, Ўзбекистонда – Тошкент бош илмий–тадқиқот марказлариdir. Шунингдек, илмий–тадқиқот парклари, илмий–тадқиқот марказлари шаклланмоқда. Айни вақтда, айрим мамлакатлар учун фаннинг ҳудудий ташкил қилишда умумлашув жараёни характерли бўлса, айрим мамлакатлarda ҳудудлар бўйича бўлиб юборилганлиги кўзга ташланади.

**8. Экологик омил** – ИТИ шароитида тобора роли ортиб бормоқда. Индустрлашган ва урбанизациялашган ҳудудлардаги сув, тупроқ ва атмосферанинг ифлосланиши, атроф–мұхит муаммосининг foят кескинлашганлиги, саноат ва аҳолининг янада тўпланишини, чеклаш заруриятига олиб келди. Натижада, қатор мамлакатларда «ифлос ишлаб

чиқаришни кўчириш» сиёсати амалга оширилмоқда.

Бу босқичнинг асосий хусусиятлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин.

⇒ Иктисолиётта узлуксиз инновация сарфлаш жараёни технологик, ташкилий ва ижтимоий соҳаларда чуқур ўзгаришларга олиб келмоқда. Ривожланиш ва инсон ресурсларидан фойдаланишининг янги модели, юқори малакали меҳнатга асосланган, интеграциялашган ишлаб чиқариш тизими шаклланмоқда.

⇒ Номатериал жамғармалар улкан аҳамиятга эга бўлиб, шу жумладан инсонга капитал маблағ сарфланиши материал жамғармага нисбатан устивор йўналиш касб этмоқда.

⇒ Ахборот – муҳит ишлаб чиқариш кучига айланмоқда. Уни ишлаб чиқиш, қайта ишлаш, тарқатиш, ахборот инфраструктурасини ташкил этиш ва ахборот тармоғининг рақобатбардошлиги – иктисолий ўсишининг зарурий шарти бўлиб қолмоқда. Ахборот алмашиб интенсификацияси инсонлар хулқи ва онгига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

⇒ Тармоқ мажмуаси хизматининг ҳозирги шароитида ишлаб чиқариш функцияларини бажариши аҳоли бандлигини таъминлашнинг бош соҳасига айланмоқда. Унинг асосида ахборот ва интеллектуал фаолиятда янги сектор шаклланмоқда.

⇒ Ривожланишининг янги босқичи жараёнида рақобатнинг туғилиши ва иктисолий барқарорлик шароитида жамиятнинг юксак мослашувчанлиги кузатилмоқда. Жамоатчилик институтлари, касб – маҳорат ва ижтимоий – синфий структуралардаги ҳаракатчанлик ўсмоқда.

⇒ Хусусий тадбиркорлик тизимида, ижтимоий йўналиш кучаймоқда. Капитал устидан жамоатчилик назорати кучаймоқда, корпорацияларнинг ижтимоий харажатлари ўсмоқда. Жамиятнинг ривожланишида ижтимоий йўналиш ортмоқда.

⇒ Ижтимоий – синфий структура мураккаб ва «ранг – баранг» бўлиб бормоқда. турли ижтимоий қатлам ва синфларнинг яқинлашуви, ўзаро киришиши кучаймоқда. Турли ижтимоий қатламлар аралаш белгиларга эга, бандлар сони ўсмоқда, унда ижтимоий белгилар аралашиб кетмоқда

(ёлланма ишчи – мулқорлар, юқори малакали мутахассис – тадбиркорлар ва бошқ.)

⇒ Кудратли ахборот тизимининг ёйилиши, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви, «совуқ урушнинг» тугаши ва бозор иқтисодиётининг кенг тарқалиши натижасида жаҳон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик кучаймоқда.

#### **6.4. Илмий техника инқилобининг XX аср охири ва XXI аср бошларида дунё хўжалигига таъсири ва атроф-муҳит муаммоси**

XVIII – XIX асрлардаги саноат инқилобига қадар дунё хўжалиги тизимида аграр ишлаб чиқариш ҳукмронлик қилган. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа у билан боғлиқ тармоқларда асосий моддий бойлик яратилган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида иқтисодий жиҳатдан ривожланган Европа мамлакатларида ва АҚШ иқтисодиётida етакчи ўринни саноат эгаллади, дунё хўжалиги тизимида индустрисал таркиб шакланди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан дунё хўжалигига ИТИ нинг таъсири кучайди ва бунинг оқибатида мутлақо янги таркиб, «постиндустриал» ёки «ахборотлар таркиби» жадал ривожлана бошлади. «Постиндустриал» таркибнинг характерли хусусияти аввало ишлаб чиқариш тармоқларига нисбатан ноишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишидир. Моддий ишлаб чиқариш секторида саноат ва унда банд бўлганлар ҳиссасининг қисқариш жараёни бошланди. Айни вақтда хизмат кўрсатиш соҳалари ва хизмат турлари, илм – фан, маориф ва маданият тез ривожланмоқда. 1955 йилда АҚШ да дунё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб ноишлаб чиқариш соҳасида бандлар сони ишлаб чиқариш соҳаларидаги бандлар сонидан ўтиб кетди ва бутунги кунда ҳам ноишлаб чиқариш соҳасидаги бандлар сони юқори бўлмоқда (мамлакатда банд аҳолининг 2/3 қисми тўғри келади.)

Дунё бўйича интеллектуал соҳа ўз таркибига мактабгача тарбия тизимлари, бошлангич ва ўрта мактаб, лицей ва касб – ҳунар коллежлари (техникум даражасида), олий таълим, илмий – тадқиқот ва тажриба – конструкторлик бюролари, билимларнинг оммавийлашуви, босмахоналар фаолияти, газета – журнал, радиотелевидение, шунингдек, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, дам олиш – туризм, турли кўнгил очиш тизимлари, коммунал ҳўжалик

тизимини олади ва ишлаб чиқариш кучларининг янада ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжнинг барқарор ўсиб бориши натижасида – автомобиллар, алоқа воситалари, телевизорлар, видеомагнитафонлар, ЭҲМ, совуттичлар, мебеллар ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

Аҳолининг тобора кўпроқ банклар, меҳмонхоналар, туристик фирмалар, сугурта компаниялари, авиакомпаниялар ва бошика хизмат турларига бўлган эҳтиёжи маркетингнинг, минтақавий ва халқаро маркетингини янада ривожланишига олиб келмоқда.

ИТИ нинг дунё хўжалик тизимиға барқарор таъсири айни вақтда жамият ва табиат ўртасидаги тўғри ва қайта алоқаларни янада мураккаблаштириди.

Индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигининг интенсивлашуви, урбанизация, транспорт тизимининг тўхтовсиз ривожланиши ва инсоннинг табиий ҳодисаларига аралашишнинг кучайиши оқибатида табиатдаги салбий жараёнлар ҳам кучайди. Бу жараёнлар халқаро тусга эга бўлиб, мамлакатларнинг барчаси учун хосдир. Бутунгї кунда иқтисодий ривожланган мамлакатлар, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатларда жиддий экологик муаммолар юзага келди. Бу табиий ресурслардан фойдаланишнинг ўсиши, табиатга турили саноат ва маиший чикитларнинг кўплаб ташланиши, шаҳар ва шаҳар агломерацияларида гина эмас, балки қишлоқ жойларида ҳам аҳоли ва ишлаб чиқариш «зичлиги» нинг ортиши билан характерланади.

ИТИ табиатга ўз салбий таъсирини фақат кучайтирибгина қолмай, балки унинг ноқулай оқибатларини бартараф этиш ва атроф – муҳитни яхшилаш учун шарт – шароитлар ҳам ҳозирламоқда. Бундай тадбирлар мажмуасига ишлаб чиқариш кучларини – экологик омиллар асосида жойлаштириш, деконцентрация, саноат ишлаб чиқариш шаҳар агломерацияларини енгиллатиш (деагломерация), дам олиш, ҳимоя – санитария минтақаларини барпо қилиши ва бошқ. киради.

ХХ аср охири XXI аср бошларида гина эмас, балки унинг ноқулай оқибатларини бартараф этиш ва атроф – муҳитни яхшилаш учун шарт – шароитлар ҳам ҳозирламоқда. Бундай тадбирлар мажмуасига ишлаб чиқариш кучларини – экологик омиллар асосида жойлаштириш, деконцентрация, саноат ишлаб чиқариш шаҳар агломерацияларини енгиллатиш (деагломерация), дам олиш, ҳимоя – санитария минтақаларини барпо қилиши ва бошқ. киради.

## **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Илмий—техника прогресси ва илмий—техника инқилоби тушунчаларининг можияти нимадан иборат?
2. Илмий—техника инқилобининг таркибий қисмларини тушунтириб беринг.
3. Илмий—техника салоҳияти тушунчаси ва уни баҳолаш мезонларини тушунтириб беринг.
4. Илмий—техника инқилоби ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни аниқланг.
5. Илмий—техника инқилобининг ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги таъсирини кўрсатинг.
6. Илмий—техника инқилобини дунё хўжалигига таъсирини айтиб беринг.
7. Илмий—техника инқилоби ва экологик муаммоларни тавсифланг.

**7.1. Халқаро меҳнат тақсимоти – дунё хўжалигининг моддий асоси. Дунё хўжалиги моҳияти ва босқичлари**

Дунё мамлакатлари миллий хўжаликларини ягона жаҳон хўжалигига бирлаштириш асосида халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) ётади.

- ХМТ – айрим мамлакатларнинг ўзлари учун қулай ва манфаатли, самарали бўлган табиий шароит ва ресурслар, аҳолининг меҳнат малакалари ва кўнукмалари асосида айрим маҳсулотлар ёки уларнинг турларини ишлаб чиқаришга ихтинослашуви ва бошқа мамлакатлар билан айрибошлашидир.
- ХМТ – мамлакатларининг иқтисодий – ижтимоий ривожланиш даражаси, ижтимоий – сиёсий тузимининг характеристидан қатъий назар товарлар, хизматлар ва билимларнинг халқаро айрибошланиши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, илмий – техник, савдо – сотиқ соҳаларда ва бошқа ҳамкорликнинг объектив асосидир.
- ХМТ мамлакатлар ичидаги ва улар ўртасидағи муносабатлар ривожланишининг қонуний натижаси ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг мантиқий давомидир.
- ХМТини ҳаракатлантирувчи куч ва уни рағбатлантирувчи омил мамлакатларнинг унда иштирок этишдан кўзланган мақсади, манфаатлари ва вазифалари иқтисодий фойда олишга қаратилганигидир. Бу фаолият халқаро миқёсида қиймат қонунига амал қилишда кўринади. Қиймат қонуни товар ишлаб чиқариш шароитида ХМТ афзалликларидан фойдаланишга ундаиди.

Ҳар қандай ижтимоий – иқтисодий шароитда қиймат ишлаб чиқариш харажатлари, меҳнатта хақ тўлаш ва қўшилган қийматдан иборат бўлади. Барча бозорга тушаётган товарлар байналминал қийматнинг ёки халқаро нархларнинг шаклланишида иштирок этади. Товарлар халқаро бозорлар қонуниятларига мос мутаносиблиқда, жумладан қиймат қонуни асосида алмаштирилади. Бунда эришиладиган иқтисодий самара вақтнинг тежалишида ва меҳнат унумдорлигининг ўсишида намоён бўлади.

ХМТ да ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётнинг тутган ўрни қўйидагиларга боғлиқ:

1. иқтисодий – географик ҳолати (геостратегик мавқеи);
2. агроқлимий шарт – шароитлар;

3. табиий ресурслари – фойдали қазилмалар билан таъминланганлик даражаси;
4. ҳалқнинг, миллатнинг меҳнат анъаналари, маълум ишлаб чиқариш турлари ва хизматларга, кўникмаларга эгалиги;
5. мамлакатнинг иқтисодий – тарихий ривожланиш хусусиятлари;
6. ижтимоий – иқтисодий тараққиёт даражаси;
7. меҳнат ресурсларининг сифат таркиби, касбий ва маданий интелектуал даражаси, янги касб ва ҳунарларнинг ўзлаштириш имкониятлари каби бир қатор иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар.

ХМТнинг мамлакатлар учун манфаатли томонлари:

- ҳалқаро айрбошлишнинг қулай шароитларида экспорт қилинаётган товарлар ва хизматларнинг байналминал ва миллий қийматлари ўртасидаги ижобий фарқقا эришиш;
- арzon импорт товарлар ва хизматлар эвазига миллий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлардан воз кечиш.

Дунё хўжалигининг ривожланиши инсоният тараққиёти билан чамбарчас борлиқдир. Буюк географик кашфиётлар, Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасида савдо – сотиқнинг ривожланиши ҳалқаро савдонинг минтақавий марказлари, сўнгра ҳалқаро савдо ва ҳалқаро бозорнинг шаклланишига, транспортнинг айниқса, дengiz транспортининг ривожланиши, XVIII аср охири ва XIX асрда Европада ва АҚШ да йирик машиналашган ишлаб чиқариш тизими («саноат инқилоби») дунё хўжалигининг шаклланишига олиб келди. XIXаср охири XX аср бошларида йирик саноат индустриси, транспорт ва ҳалқаро бозор негизида – дунё хўжалиги юзага келди.

Дунё хўжалиги – миллий хўжаликларнинг умумлашмаси бўлиб, барқарор суръатда ривожланиб бораётган, бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига буйсунган ҳолда ҳалқаро алоқаларнинг ўсиб бориши билан биргалиқда ўзига хос қарама – қаршиликларга ҳам эга бўлган яхлит хўжалик тизимиdir.

Дунё хўжалигининг иқтисодий – географик модели босқичма – босқич мураккаблашиб бормоқда. Агар XIX аср охирида «Евромарказ» асосий ўрин тутса, XX аср бошларида иккинчи ҳалқаро марказ АҚШ, XX аср 50 – йилларида янги ҳалқаро марказлар СССР ва Япония, сўнгра Хитой, Ҳиндистон, нефтни экспорт қилувчи Жануби – Фарбий Осиё мамлакатлари, Канада, Австралия, Бразилия, XX асрнинг 80 – йилларида эса янги индустрисиал мамлакатлар ёки «Осиё

йўлбарслари» – Корея Республикаси, Тайван, Гонконг ва Сингапур юзага келди ва кўп марказлилик шаклланди ҳамда барқарор ривожланиб бормоқда.

Яқингача дунё хўжалиги ички тизимда тўртта «қутб» – капиталистик Фарб ва Социалистик Шарқ «бой» Шимол ва «камбагал» Жануб мавжуд эди. Ҳозир ҳам Шимол ва Жануб ўргасидаги ижтимоий–иқтисодий ривожланиш фарқлари, ёки «марказ» ва «чекка ўлка» лар ўргасидаги фарқлар асосий қарама – қаршиликларни ифодалайди. чунки, 90–йилларда дунё хўжалигининг «чекка» ҳудудларига ҳалқаро ялпи ички маҳсулотларнинг 15%, 30% саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ёки аҳоли жон бошига ўртacha 1 минг долл. ялпи ички маҳсулот тўғри келса, иқтисодий ривожланган мамлакатлarda аҳоли жон бошига ўртacha 15 минг долл. дан ортиқ ялпи ички маҳсулот тўғри келган.

Дунё хўжалигининг ривожланиши. Замонавий дунё хўжалиги биринчи саноат инқиlobи давридан бошлаб шаклана бошлади. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши маълум мамлакатларнинг ва ҳудудларнинг у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга «иҳтинослашув», «географик меҳнат таҳсимоти»ни ҳамда маҳсулотларни ҳалқаро айирбошлиш заруриятини юзага келтириди.

Алоҳида давларда техник янгиликлардан фойдаланиш вақтининг турлича бўлганлиги, ички ва дунё бозорида нархларнинг тебраниб туриши ҳамда ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари саналмиш ер, меҳнат ва капитал ўргасидаги мутаносибликнинг ўзгариб туриши, дунё иқтисодиётida – миллий хўжаликлар ва тармоқ таркиблари ривожланишининг даврий характерга эга бўлишини келтириб чиқаради.

Ривожланиш давлари XIX асрнинг бошларида яъни биринчи саноат инқиlobидан кейинроқ назарий ва амалий жиҳатдан асослана бошланди. Капитализмнинг даврий буҳронлари назарияси биринчилардан бўлиб К.Маркс томонидан ишлаб чиқилди, унинг фикрича ушбу буҳронларнинг асосий сабаби ишлаб чиқаришнинг асосий фонdlари (жиҳозлар)нинг алмаштириш муҳлати билан боғлиқдир. Кейинчалик ортиқча ишлаб чиқариш билан боғлиқ буҳронларнинг тадқиқ этишга багишланган илмий асарлар кўплаб эълон қилинди.

Бироқ дунё хўжалигининг узоқ муддатли ривожланиши шкаласидаги ўрнини аниқлашда 1892–1928 йилларда рус иқтисодчиси Н.Д. Кондратьев томонидан биринчи марта катта босқичлар назарияси – «узун тўлқин»лар таклиф этилди. Кейинчалик бу назария янада

ривожлантирилди ва қисман дунё хўжалиги тадқиқотларида кенг қўлланилмоқда.

Н.Д.Кондратьев назарияси ва бошқа қатор тадқиқотлар асосида дунё хўжалиги ривожланишида З та катта босқични – индустриялашгача бўлган ривожланиш, индустриялаш босқичи, индустриялашдан кейинги ривожланиш босқичини, учта – биринчи, иккинчи ва учинчи саноат инқилобларини ҳамда «узун тўлқинлар» даврларини, яъни Н.Д.Кондратьев белгилаган беш даврни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хунармандчилик ва мануфактура ишлаб чиқариши ҳукмронлик қилган индустриялашгача бўлган босқични бошлангич давр деб аталади.

Тўртта «узун тўлқин»га teng келувчи биринчи ва иккинчи саноат инқилоблари даврида қўйидагилар етакчи мавқега эга бўлдилар. **Биринчи даврда** – тикувчилик ва ҳунармандчилик; **иккинчи даврда** – кўмир ишлаб чиқариш, қора металларни эритиш, тикувчилик; **учинчи даврда** – металургия, кимё ва оғир машинасозлик; **тўртинчи даврда** – автомобилсозлик, электроника, органик кимё, машинасозликнинг турли тармоқлари.

Ушбу тўрт давр индустриялаш босқичига тўғри келади. **Бешинчи давр** эса ривожланган давлатларда индустриялашдан кейинги ривожланиш босқичига тўғри келади ва учинчи саноат инқилобини англатади. Ушбу даврда электроника, лазер техникаси, мураккаб кимё, биотехнология ва ген инженерияси каби тармоқлар етакчи мавқега эга бўлишиди.

Ҳар бир босқич, саноат инқилоби ва Н.Д.Кондратьев даврларининг бошланиш ва тугалланиш вақти кескин белгилаб қўйилмайди. Ушбу масалада илмий–техник прогресснинг тезлашувидан келиб чиқувчи ноанъавий ёндашув муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ёндашувга асосан Фарбий Европанинг ривожланган давлатларида бу даврларни қўйидагича белгилаш мумкин. **Биринчи давр** – 1770–1830 йиллар; **иккинчи давр** – 1830–1880 йиллар; **учинчи давр** – 1880–1930 йиллар; **тўртинчи давр** – 1930–1970 йиллар; **бешинчи давр** – 1970 йилдан ҳозирги давргача.

Ҳар бир давр учун ўзининг ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромади (ўзгармас нархлар билан), «технологик нарвон» поғоналари ҳамда ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакллари хосдир. (2–жадвал). Масалан, бошлангич давр учун (аҳоли жон бошига 50–80 АҚШ долл. (1960 йил курси бўйича) тўғри келган.

Н.Д.Кондратьев фикрича «узун тұлқинлар» әндоген харakterге эга, яъни у бозор иқтисодиёти хўжалигига хос бўлиб, ушбу хўжаликнинг ўз – ўзини тартибга солиши учун шароит яратади. Ривожланишдаги кўтарилиш ва пасайиш даврлари табиий ҳолдир, уларни олдиндан башорат қилиш мумкин ҳамда уларга мослашиш ва ушбу босқичларни ташки таъсир, яъни давлат томонидан бошқариш йўли билан тартибга солиши мумкин. Мазкур механизмнинг бир кўриниши сифатида 30 – йилларда Ж.М.Кейнс томонидан таклиф этилган ва 1929 – 1933 йиллардаги капитализм буҳронидан сўнг қўлланилган ссуда фоизи ставкалари ёрдамида тартибга солиш услубини кўрсатиш мумкин.

Н.Д.Кондратьев фикрича, тахминан 40 – 50 йил давом этадиган «узун тұлқинлар» нинг моддий сабаблари «капиталнинг асосий неъматлари» нинг ўзгариб туриши билан боғлиқdir. Ушбу ўзгаришларда узоқ, муддатли иқтисодий мутаносибликни бузувчи ҳамда нисбатан осойишта эволюцион ва экстенсив ривожланиш босқичларни, революцион ва интенсив ривожланиш босқичлари билан алмаштирувчи илмий – техника тараққиёти (прогресси) алоҳида роль ўйнайди.

Революцион босқичларнинг бошланиши дунё хўжалигининг энергетик, техник ва ишлаб чиқариш асоси ҳамда ҳудудий тармоқ таркиби ва ташкилий тузилмасини кескин ўзgartиришга шароит яратувчи янгиликлар мажмуасини жорий этиш билан боғлиқdir. Н.Д.Кондратьев назарияси, бошқа тадқиқотчиларнинг гипотезаларидан фарқ қилиб, янги «туртки» бошланишини билдирувчи ички ва ташки омиллар мутаносиблиги мавжудлигига зътиборини каратади.

Янги тұлқин экстенсив босқичда кенг тарқалган технологияларнинг маънавий эскириши сабабли унинг ривожланиш чўққисига эришилган вақтидан бошланади. Капиталнинг тұпланиши унинг нисбатан қадрсизланишига олиб келади. Ссуда фоизлари ва фойда меъёрлари шу даражада пасаядики, бу ҳол янги техника ва технологияга таваккалига инвестиция солишнинг самарлилигини таъминлади.

Катта ҳажмдаги янги қурилишлар кўлами янги корхоналарнинг ишга тушиши, янги тармоқларнинг юзага келиши, бозорларда янги маҳсулотларни пайдо бўлиши ва бошқалар кўтарилиш босқичи бошланганлигидан далолат беради. Кўтарилиш жараёни ўзининг юқори босқичига етгандан сўнг капитал ва янгиликларнинг тадбиқ қилиш

захиралари тутайди ва экстенсив ривожланиш босқичи бошланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Н.Д. Кондратьев фикрича инсоният ҳаётида даромад, қўл меҳнати ва мануфактура мұхим ажамиятга эга. (2 – жадвал).

Биринчи давр учун – аҳоли жон бошига 80 – 200 АҚШ долл. даромад, механизация, эркин рақобат ва хусусий фирмалар;

Иккинчи давр учун – аҳоли жон бошига 200 – 700 АҚШ долл. даромад, ишлаб чиқаришни механизациялаширишнинг давом этиши ва монополизм;

Учинчи давр учун – аҳоли жон бошига 700 – 2000 АҚШ долл. даромад, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаширишнинг бошланиши;

Тўртинчи давр учун – аҳоли жон бошига 2000 – 4000 АҚШ долл. даромад ишлаб чиқаришда юқоридаги жараёнларнинг давом этиши ва давлат монополистик бирлашмаларининг ривожланиши;

Бешинчи давр учун – аҳоли жон бошига 4000 – 20000 АҚШ долл. даромад, муттасил автоматлашириш, трансмиллий компаниялар ва кичик фирмаларнинг бирикуви хосдир.

Аста – секин кескин рақобат курашлари остида, юксалиш ва буҳронлар шароитида миллий ва халқаро маҳсулотлар ва фондлар биржалари тизими шаклланди, бусиз йирик кўламдаги халқаро савдони иқтисодий фаолиятнинг асосий шакли сифатида акционерлик жамиятларини ташкил этиш ва капитални жалб этиш асло мумкин эмас. Миллий хўжаликларнинг турли суръатларда ривожланиши ва умумий ривожланишдаги ҳар хил суръатлар мавжудлиги қонунияти Н.Д. Кондратьев даврларининг турли мамлакат ва ҳудудларда «капитализмнинг нотекис ривожланиши» га мос тарзда кечиша яққол намоён бўлди ва дунё хўжалиги тизимида бу турлича назарий ва эмпирик тадқиқотлар объектига айланди.

Умуман олганда, алоҳида мамлакат ёки ҳудудлар ривожланишнинг муайян босқичи ёки даврини бошдан кечираётгандигини аниқлаш учун аҳолининг тармоқлар бўйича бандлиги статистикаси таҳлил этилади. Энг яққол кўрсаткич – бу миллий хўжаликнинг бирламчи, иккиламчи, учламчи, туртламчи секторларида иш билан машғул бўлган аҳоли сонининг мўтансосиблиги. Масалан, бирламчи сектор қишлоқ хўжалиги ва қазиб олиш саноатида иқтисодий ривожланган мамлакатларда 2 – 8% аҳоли банд, холос.

## Дунё хўжалигининг ривожланиш босқичлари.

Босқич ривожланишип инг белгилари	Индустря – лаштага бўлган бос – қич	Индустрялаш босқичи				Индустрялашдаи кейинги ривож – ланиш босқичи	
		Биринчи саноат инклиоби		Иккинчи саноат инклиоби			
Бошлангич давр	1 – давр	2 – давр	3 – давр	4 – давр	5 – давр		
Аҳоли жон бошига даромад (АҚШ долл. 1960й курси бўйича)	50 – 80	80 – 200	200 – 700	700 – 2000	2000 – 4000	4000 – 20000	

«Технологик нарвон» погоналари	Кўл меҳнати	Механизациялаштириш	Комплекс механизма – циялаштириш, авто – матлаштиришининг бошланиши	Автоматлаш – тириш тизимлари
Ташкилий шакллар ривожланиши	Мануфактура	Эркин рабкорат: хусусий фирма, хисседорлик жамияти	Монополизм: завод, давлат монополистик компаниялари, конвејер	Трансмиллий компаниялар ва кичик фирмалар

Бирламчи сектордаги иш билан машғул аҳоли сонининг қисқаришивунинг барҳам топишини билдирамайди, зеро иқтисодий ривожланган мамлакатларда ушбу сектор ишлаб чиқариш кўлами ва жаҳон бозорларига маҳсулот етказиб бериш ҳажми жиҳатидан етакчи мавқеини эгаллайди. Аграр секторда ишловчилар сонининг қисқариши энг аввало самарали технологияларнинг кўлланилиши, ўсимликларни ҳимоялаш воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, иш билан баанд аҳолининг асосий қисми агробизнеснинг бошқа соҳалари саналмиш илмий – тадқиқот, маслаҳат хизмати, сақлаш ва қайта ишлаш, маркетинг ва х.к.да хизмат қилишади.

Ривожланган давлатлардаги илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлари ҳажми дунё хўжалигининг динамикасини белгилайди. Ташкилий жиҳатдан эса ҳалқаро меҳнат тақсимоти кўпроқ **трансмиллий корпорациялар** (ТМК) мажмуаси билан боғлиқдир. 1980 йилларда маҳсулот айрбошлашнинг 2/3 қисми айнан ТМКларга тўғри келди шу билан бирга ушбу айрбошлашнинг 1/3 қисми ТМКларнинг турли мамлакатларида жойлашган филиаллари ўргасидаги алоқалари ҳиссасига тўғри келди. Замонавий дунё хўжалиги тизимининг шаклланиши кўп босқичли жараён бўлиб кўп укладли хўжаликларнинг сақланиб қолиши ва дунё мамлакатлари ривожланишининг турли босқичларида булишлари асосида амалга ошиди.

Дунё хўжалигининг муҳим қирраларидан бири норасмий сектор бўлиб ушбу сектор дунёning кўплаб давлатларида кенг ёйилгандир. Ушбу сектор фаолиятнинг турли хиллари, шу жумладан маҳсулот ишлаб чиқариш, савдо

ва бошқа хизматлар кўрсатиш билан мавжуд юридик ва солиқ тартиботлари чегарасидан чиққан ҳолда шуғулланади.

Норасмий секторнинг асосий қисмини қонун томонидан тақиқланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат турларини кўрсатиш, жумладан наркобизнес, парнобизнес, қурол – яроф, валюта ва қимматбаҳо металларни ноқонуний равища сотиш ташкил этади. Фаолиятнинг ушбу турлари «қора бозор» нинг пайдо бўлишига шароит яратади. Умуман норасмий сектор ҳиссасига айрим маълумотларга қараганда халқаро ялпи маҳсулотнинг 20% га қадар қисми тўғри келади.

Шу тариқа, дунё хўжалигининг ҳозирги замон глобал географик тизими учун турли босқичлилик ҳолати хосдир, яъни дунёнинг кўплаб мамлакатлари бир вақтнинг ўзида ривожланишининг турли босқичларини пост индустрисиал, индустрисиал ва индустрлаштиришгача ва Кондратьевнинг «беш» узун тўлқинлари даврларини бошдан кечирмоқдалар. Айнан, ушбу ҳолат дунё хўжалигини макон жиҳатидан ўзини ташкил этиш қобилиятига эга эканлигини билдиради. Иқтисодий жиҳатдан ривожланиган мамлакатларнинг постиндустрисиал босқичига ўтишлари олдинги даврлардаги тармоқларнинг силжиши – яъни қазиб олиш ва қайта ишлаш саноатининг кўплаб тармоқларини индустирилаш босқичи бошланган мамлакатлар ва ҳудудларга кўчib ўтиш жараёнлари билан боғлиқдир.

**Миллий хўжаликларнинг жаҳон хўжалигига қўшилиш жараёни босқичлари.** Дунё хўжалиги жуда мураккаб тизим бўлиб, унинг таркиби кўплаб элементлардан (тизимлар) иборат. Бу тизимнинг асосини халқаро ва айрим миллий давлатлар доирасида моддий ишлаб чиқариш ва маънавиятнинг истеъмоли, тақсимланиши ва айрбошлиши ташкил этади. Бу босқичларнинг ҳар бири ҳам халқаро (глобал) ҳам мамлакатлар доирасида ўзининг роли ва ўрни билан дунё хўжалик тизимининг фаолиятига турлича таъсир қиласди.

Миллий хўжалик мажмуалари дунё хўжалиги тизимининг зарурий бўлаклари ҳисобланади. Бироқ, ушбу ҳолатни тадқиқ этища халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этувчи ҳар бир ташкилот ёки муассаса ҳамда ҳар қандай тармоқ ёки фаолият турини ўзида мужассам этадиган ресурсларнинг мажмуасини назарда тутмоқ лозим. Ҳар бир хўжалик бирлиги фирма, саноат корхонаси, транспорт фирмаси, банк ва бошқалар ўз мамлакатларидағи маълум тармоққа хизмат кўрсатишлари, ҳудудий ёки халқаро

аҳамиятта эга бўлишлари ҳамда ҳалқаро савдо жараёнида иштирок этишлари лозим. Албатта, дунё бозорининг асосий қисми йирик бирлашмаларга тегишилдири, бироқ ушбу қонуният эндилиқда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг ниҳоят катта ҳажмга эга бўлишини талаб этмайди. Бу нарса тармоқ тури ва тақдим этилаётган маҳсулот ва хизматлар характеристи билан ҳам боғлиқдир.

Шунинг учун ҳозирги вақтда хўжалик фаолиятининг глобаллашуви шароитида дунё хўжалиги ўз таркибига иқтисодий фаолиятнинг барча турларини қамраб олади ва уларга бевосита ва билвосита таъсир ўтказади. Ҳозирги вақтда ҳалқаро айирбошлишда фаол иштирок этувчи ва ўз фаолиятини ички бозор билан чеклаб қўйувчи фирмалар, компаниялар ва корхоналар орасида аниқ чегара ўтказиш қийиндир.

Натижада, макон иерархиясининг юқори поғоналарини дунё хўжалигининг ҳудудий ва тармоқ тузилмаларидан иборат интеграцион бирлашмалар, миллий хўжалик мажмуалари, тармоқ ва тармоқлараро миллий корпорациялар эгаллашади. Ушбу тизимчалар таркибига шартли равища бирламчи, иккиласмачи, учламчи, туртламчи ва алоҳида тармоқлар ва фаолият турларини киргизиш мумкин. **Бирламчи тармоқ** – анъанавий тарзда, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқ хўжалиги; **иккиласмачи тармоқ** – қайта ишлаш саноати тармоқлари; **учламчи тармоқ** – транспорт ва хизмат кўрсатиш тармоқлари; **туртламчи тармоқ** – информацион фаолиятнинг янги турлари. Бошқарувда маълумотлар йиғиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш, банк – молия соҳалари, маркетинг ва консалтинг хизматлари кабилар киради.

Фаолиятнинг ушбу турига эндилиқда илмий – тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик тадқиқотлари юксак технологиянинг тадбиқ этиш ва илмталаб ишлаб чиқариш ва фаолиятининг бошқа турлари ҳам киритилмоқда.

Дунё хўжалигининг фаолият кўрсатишида асосий рол ўйновчи учта географик, иқтисодий ва информацион маконлар доирасида фаолият кўрсатувчи тизимлар мухим аҳамиятта эга.

**Географик макон** – бу замонавий алоқа ва транспорт турлари бўлиб бусиз бирорта иқтисодий марказ фаолият кўрсата олмайди. Ҳозирги пайтда дунёда алоқанинг барча турлари – ҳалқаро, миллий ва маҳаллий темир йўл,

автомобиль, дарё, денгиз, ҳаво транспорти, қувур транспорти ва ЭУЛ<sup>1</sup> йўлга қўйилган. Алоқа йўлдошлари ва замонавий қабул системалари ёрдамида ер юзининг ҳоҳлаган нуқтаси билан алоқа ўрнатиш имконияти яратилди. Юк ташувчи ва йўловчи ташиш транспортлари турли хил юклар ва йўловчиларни исталган жойга етказиб бориш имкониятига эгадир. Транспорт ва алоқа тизимчаси (подсистемаси) нинг ташкилий шакллари авиакомпаниялар, сув транспорти фирмалари, темир йўл компаниялари, алоқа тизимлари бўлиб, уларнинг фаолияти халқаро шартномалар мажмуаси асосида тартибга солиб борилади.

**Иқтисодий макон** – тизим ташкил этувчи вазифасини дунё молия мусассасалари амалга оширади. Улар ўртасида қўйидагилар етакчи мавқега эгадирлар. Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди, халқаро савдо ташкилотига айлантирилган таърифлар ва савдо бўйича Бош шартнома – ҳозирги ХСТ<sup>2</sup> ҳамда АҚШ (федерал резерв тизими) Буюк Британия, Франция, ГФР ва Япония марказий банкларицир. Айнан ушбу ташкилотлар «олтин стандартлар» дан воз кечилганидан сўнг молиявий ҳисоб – китобнинг асоси саналмиш АҚШ доллари, фунт – стерлинг, франк, Германия маркаси ва иена каби валталарнинг роли ва мавқенини таъмин этади. 2002 йил январ ойидан бошлаб ушбу вазифаларни Европа Иттифоқининг ягона валютаси саналмиш «евро» муваффақиятли бажариши мумкин. Дунё молиявий тизимининг мунтазам фаолият қўрсатища «халқаро сейф» Швецария банклари концорциуми ва Англияning «Ллойд» компанияси каби йирик сугурта компанияларининг ҳам хизмати беқиёсdir.

Қатор тадқиқотчиларнинг фикрларича, дунё хўжалигини шакллантиришда **информацион макон**, яъни ҳулқ – автор стереотиплари, ғоялар ва инсон маънавий ҳаётининг бошига қирралари каби қадриятлар тизими ҳам етакчи мавқега эга бўлмоқда. Ушбу муаммолар фалсафа, жамиятшунослик, руҳиятшунослик, маданиятшунослик каби фанлар томонидан етарлича ўрганилган бўлсада, бироқ уларнинг дунё тараққиёти ҳамда дунё хўжалиги ҳудудий – тармоқ тузилмасини фаолият қўрсатишдаги ролини ҳар томонлама аниқлаш алоҳида эътибор беришни тақозо қиласи.

Дунё хўжалигининг информацион маконида интеграцион ролни энг аввало истеъмол жамияти

<sup>1</sup> ЭУЛ – электр узатиш линиялари.

<sup>2</sup> ХСТ – Халқаро Савдо Ташкилоти

стереотиплари ўйнайди. Индустрналлашган жамиятнинг шакланиши давридаёк оммавий ишлаб чиқариш ва «давлатнинг умумий фаровонлиги» (Гелбрейт) стереотипларининг фаол ривожланиши кўзатилди ва бу «истеъмол обрў – эътибори»дан бошлаб ишлаб чиқаришни гуркираб ривожланиши, бозорларнинг маҳсулотлар, айниқса узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар билан тўлиб тошиши кузатилди.

Кейинчалик иқтисодий ривожланган давлатларнинг ўртамиёна қатламини эҳтиёж даражасига ва таркибига эриши кўплаб мамлакатлар аҳолисининг асосий маҳсадларига айланди. Бу ҳолат биринчи марта 1940 йиллар охирларида америка иқтисодчи олими Ж.Дъюзенберри томонидан асосланган «намойиш самараси» билан боғлиқдир. Даставвал матбуот воситалари орқали голливуд фильмларининг намойиш этилиши, кейинчалик эса телевизион сериаллар ва бошқа турдаги реклама маҳсулотларининг пайдо бўлиши ушбу устивор эҳтиёжнинг шакланиши ва ривожланишига катта имконият яратади.

«Талаб – таклиф» занжиридаги қайта алоқаларнинг қонуниятлари информацион маконнинг ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва истеъмол маҳсулотлари халқаро бозорларини ривожлантиришдаги ролини янада ортиради ва тармоқлароро алоқаларнинг мавжудлиги сабабли дунё хўжалигининг барча тармоқларини ривожланишига кучли туртки бўлди. Ҳозирги пайтда энг аввало катта харажатли реклама компаниялари ҳисобига бу жараён дунё хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун шароит яратди ва агар, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос «допинг»га айланди. Ҳозирги замонда хўжалик юритишнинг бирор бир тури бусиз фаолият кўрсата олмайди.

Шу тариқа, иқтисодий манфаатлар нуқтаи назаридан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган тизимчалар, элементлар ва оқимлар дунё хўжалигининг ҳудудий – тармоқли тузилмага эга эканлигидан далолат беради. Ушбу тизимнинг ўта мураккаблиги ва юқори даражадаги ноаниклиги дунё хўжалигининг хусусан, унинг энг нозик саналган молия – валюта тармоғини тартибга солиб турувчи турли – туман механизмларга эҳтиёж сезилади. Шу билан бирга дунё хўжалигининг ривожланиши унинг шакланишининг тарихий шарт – шароитлари ва ички қарам – қаршиликлари билан боғлиқдир.

→ Дунё хўжалигининг XX асрда ривожланиш жараёнларини уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич – XX асрнинг 20–30 йиллари оралиғида бўлиб дунё хўжалигининг ривожланишида инқизорзли жараёнлар билан ажралиб туради. Россиядаги 1917 йил воқеалари ва Farb мамлакатларининг иқтисодий қамали халқаро алоқаларнинг аввалги ҳолатларини тиклай олмайди. Чуқур ижтимоий – иқтисодий инқизор дунё хўжалиги тизимидағи барча мамлакатларни ҳамраб олди ва иқтисодий алоқаларнинг беқарорлигини кучайтириди. Биринчи жаҳон уруши ва «Буюк депрессия» (турғунлик) даври барча бош мамлакатлар иқтисодиётiga кучли таъсир кўрсатди.

Иккинчи босқич – XX асрнинг 40–80 йилларини ўз ичига олади ва халқаро иқтисодиётда тадбиркорлик капиталининг интенсив ўсиши билан ҳарактерланади. Бу босқичда иқтисодий ривожланган мамлакатлар дунё хўжалигининг ташкилий – иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларга катта таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш алоқаларида трансмиллий корпорациялар – маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг реализацияси, ҳисоб – китоби, кредитлаш тизимидан иборат байналминал (халқаро) ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантирадилар. Бу босқичда дунё хўжалигида муҳим жараёнлар:

а) АҚШ нинг иқтисодий қудрати юксади ва иккинчи жаҳон Farbий Европа мамлакатларига (Маршал режаси, 1951 йил) катта иқтисодий ёрдам кўрсатди;

б) Мустамлакачилик тузими емирилгандан сўнг бундай иқтисодий ёрдам суверен давлатларига қаратилди ва 90–йилларда дунё хўжалик тизимида ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи юзага келди.

50–80 йилларда АҚШ иқтисодий ривожланиш даражасига бошқа саноати ривожланган мамлакатлар (Farbий Европа ва Япония) иқтисодий ривожланиш даражасининг яқинлашув жараёни бошланди.

Аммо, ҳар бир алоҳида мамлакат Америка иқтисодиётидаги ривожланиш даражасига етарли даражада яқинланаша олмади. Бу билан бирга АҚШ нинг иқтисодий устунлиги кўп томонлама тизимда янада кучайди.

70–80 йиллардаги жаҳон иқтисодиётидаги тараққиёт иқтисодий автаркия тенденциясини давом эттирмади. Аксинча, ташки иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг барқарор жараёнлари юзага келди. Шундай қилиб, 60–80 йилларнинг биринчи ярмида саноати ривожланган мамлакатларнинг экспорт квотаси камаймади, аксинча, 11% дан 21% гача ўси, ривожланаётган мамлакатларда эса 18–20% га ўси.

Дунё хўжалигининг ривожланишидаги янги учинчи босқич бошланиши XX асрнинг охирги 10 йиллигига тўғри келди. Бу даврда географик кенгликларни ўзлаштириш даражаси ўсди, иқтисодий ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқлик кучайди. Ҳозирги замон дунё хўжалиги бир хил бўлмай, фоят турличадир. Унга ижтимоий таркиби, сиёсий тузилиши, ривожланиш даражаси турлича бўлган, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, шунингдек, ҳалқаро иқтисодий муносабатларда иштироки, кўлами, характеристери ва услублари хилма – хил мамлакатлар киради.

Жаҳон хўжалигида етакчи ўринни 7 саноати ривожланган мамлакатлар АҚШ, Япония, Канада, ГФР, Франция, Буюк Британия ва Италия эгаллайди. Саноати ривожланган мамлакатлар ўртасида улар ҳиссасига саноат ишлаб чиқаришнинг 80% и ва жаҳон саноати ишлаб чиқаришнинг 60% тўғри келади. Шунга мос равишда электроэнергия ишлаб чиқаришнинг 60 – 70%, ялпи товар ва хизматлар экспортининг эса 50 – 60% тўғри келади.

## 7.2. Дунё хўжалиги ва ҳалқаро меҳнат тақсимотидаги янги жараёнлар

80 – 90 йилларда дунёда юз берган жуда катта иқтисодий – сиёсий – ижтимоий жараёнлар дунё хўжалигига, унинг сифат жиҳатларига кучли таъсир кўрсатди. Икки тузимнинг қарама – қаршилигининг барҳам топиши Европада, қолаверса, бутун дунёда кучларнинг янги нисбатларига олиб келди. Натижада, дунёдаги бир – бирига боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мамлакатларнинг ривожланиш даражаси билангина эмас балки, ХМТ ва дунё хўжалигидаги иштироки билан характеристланади. Даврнинг асосий хусусияти бу интеграциянинг умумлашуви – капитал ишлаб чиқариш ва меҳнатни қамраб олганлиги. Иқтисодий интеграция – турли миллий хўжаликларнинг байналмималлашуви бўлиб икки ва ундан ортиқ миллий хўжаликларнинг ягона хўжалик механизмини яратиш мақсадидаги яқинлашуви ва уйғуналашувидир.

Иқтисодий интеграция бир – бирига яқинлашаётан мамлакатлар хўжаликларнинг бир – бири билан боғлиқлиги асосида юзага келади ва сиёсий, иқтисодий – ижтимоий ва бошқа йўналишдаги муаммоларни ҳал қилиш воситаси, мавжуд табиий шарт – шароит ва ресурслардан оқилона фойдаланиш воситасидир. Интеграция мақсади –

интеграцияланаётган мамлакатларнинг жаҳон бозорларидағи савдо – сотиқда рақобатбардошлигини таъминлаш ва фойда олиш, замонавий илмий – техника ва технология ютуқларидан оқилюна фойдаланишини таъминлашдан иборатдир.

Иқтисодий интеграциянинг муҳим шарти мамлакатларнинг иқтисодий – ижтимоий ривожланиши даражаларининг нисбатан тенглиги ва бир – бири билан чегара дошлигидир (күшнилиги). Иқтисодий интеграциянинг асосий хусусиятларидан бири – бу жараён дастлаб Европада (Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ), Собиқ Ўзаро Иқтисодий йердам Кенгаши (СЭВ) бошланди ва кейинчалик бошқа минтақа ва мамлакатларни ҳам қамраб олди.

Интеграция жараёни, ривожланиш даражасига борлиқ ҳолда, бешта погонага ажратилади: 1) эркин савдо минтақаси; 2) божхона иттифоқи; 3) умумий бозор; 4) валютавий – иқтисодий иттифоқ; 5) сиёсий иттифоқ.

Бу борада Европа иқтисодий ҳамкорлиги (ЕИХ) – Европа Иттифоқи намуна бўлиб хизмат қиласди. Унинг интеграция соҳасидаги тажрибасини бошқа минтақаларда ҳам қўллаш мумкин.

Ҳозирги вақтда дунёдаги кўплаб интеграция ассоциациялари ЕИХ тажрибасига амал қилган ҳолда интеграциянинг беш погонасига асосланиб иш олиб бормоқдалар. Эндиликда фақат погонали интеграция моделига асосланган эркин савдо минтақалари (Лотин Америкаси эркин савдо ассоциацияси) ёки божхона иттифоқлари (Фарбий Африка божхона иттифоқи ва Марказий Африка иқтисодий – божхона иттифоқи) билан бир қаторда иқтисодий иттифоқлар ҳам ташкил этила бошланди (ЭКОВАС – 1975 й).

Фарбий Европада Европа Иттифоқи (ЕИ) 80 – йилларнинг ўрталаридан бошлаб ягона бозор ташкил этишни мақсад қилиб қўйди ва Маастирх шартномасини тузиб, валютавий – иқтисодий иттифоққа ўтишнинг тартибини белгилаб олди. 1989 йилда Шимолий Африка, 1994 йилда Канада ва АҚШ ўртасида эркин савдо минтақаси ташкил этилди, унги Мексика кўшилиши натижасида эркин савдо ассоциацияси шаклланди. Осиё – Тинч океан минтақасида 1989 йилда Осиё – Тинч океан иқтисодий коорпорацияси (ОТИК) тузилди. Ҳозирда бу ассоциацияга Тинч океани ҳавзасининг 20 дан ортиқ мамлакати аъзо бўлиб, 2020 йилга бориб, унинг доирасида эркин савдо минтақасини ташкил этиш тўғрисида келишиб олинган. Ундан аввалрок, 1992 йилда Жануби – Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо бўлган олти мамлакат 2008 йилгача эркин савдо

ассоциациясини ташкил қилиш тұғрисида шартнома тузган әди.

Интеграция борасида Ўзбекистон ҳам мұраккаб йүлни босиб үтди. Чоризм даврида Ўзбекистон иқтисоди умумрессия ягона иқтисодининг таркииб қисми бўлган бўлса, Шўролар даврида Ўзбекистон иқтисоди мустамлака иқтисодиёт сифатида Россия давлатига хизмат қилар әди. Шўролар даврида вазият янада мұраккаблашди. Ўзбекистон иқтисоди янада маҳкамроқ равища Марказга бўйсингидирилиб, юртимиздан моддий бойликларни олиб кетилиши аввалгидан ҳам тезлашди, «ривожланган социализм» йилларида «Бутун иттифоқ ягона иқтисодий мажмуаси» ташкил қилинди. Буларнинг ҳаммаси мажбурий, зўравонларча интеграциянинг ёрқин мисоллари дидир. Ҳолбуки, у ихтиёрий ўзаро, манфаатдорлик асосида ва табиий равища амалга оширилиши керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ўтмишдаги мажбурий интеграция ришталари узили ва барбод бўлди. Энди мустақил давлатлар, ўзаро ҳамкорлик ва тенглик асосида, ихтиёрий интеграциянинг янги шакллари ва йўлларни қидира бошладилар. Ўтмишдагидан фарқ шундан иборатки, янги мустақил давлатлар билан ҳамдўстлик доирасидагина эмас, балки бошқа «узоқ хориж»даги давлатлар билан ҳам иқтисодий алоқалар ўрнатиб, аста-секин бу алоқаларни кенгайтириб, мустаҳкамлай бошладилар. Аммо, иқтисодий интеграция, биринчи навбатда, МДҲ доирасида кун тартибиға қўйилмоқда. Чунки, бу ерда гап ўтмишда ўрнатилган иқтисодий алоқаларни янги асосда тузиш тұғрисида боради. МДҲ ичida Ўзбекистон биринчи галда Марказий Осиё давлатлари – Қозогистон, Қирғизистон ва Туркманистан – билан иқтисодий интеграция тұғрисида сўз олиб борди. Чунки, ҳудуддаги давлатлар ўзаро иқтисодий, руҳий, тарихий, географик ва бошқа жиҳатлар билан боғланган. Катта истиқболга эга интеграцион жараён – 1994 йили Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон ўртасида тузиленган шартнома асосида ташкил этилган Марказий Осиё умумий бозорининг ривожланишидир. Ушбу шартномада минтақавий интеграцион алоқаларни кучайтириш бўйича қатор тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Улар қаторига ёқилги – энергетика мажмунини, транспорт ва ахборот тизимларини, минтақа сув хўжалик тизимини ривожлантиришнинг ягона дастурларини ишлаб чиқиш; умумминтақа эркин савдо ҳудуди ва божхона иттифоқини ташкил этиш; банклараро ҳисоб – китобларнинг самарали минтақавий тизимини яратиши;

бюджет сиёсати, пул – кредит, валюта муносабатларида мутаносибликка эришиш; мінтақа доирасыда давлатлар иқтисодий қонунчилігінің яқынлаштириш ва жүқұй мөъерій актлар мувофиқтілігінде эришиш; күшма корхоналар, молия – саноат гурұжлары тузиш учун зарур шарт – шароит яратиши; ишлаб чиқарыш коопeraçãoсынинг түрли хил давлатлараро шакларини амалға оширишни (коопeração, ассоциация, бирлашмалар ташкил этиш) киритиш мүмкін ва бу тадбирлар босқичма – босқич амалға оширилади.

Иқтисодий ҳаётда интеграция бир неча йұналиштарға етіледі.

Биринчи йұналиш ишлаб чиқарыш күчларининг байналміналлашуві ишлаб чиқарыш воситалари ва технологик билимларни айирбошлаш, халқаро іхтисослашув ва коопeraçãoн алоқалар негизінде яхлит ишлаб чиқарыш ва истеъмол тизими бўлиб, бу ишлаб чиқарыш ресурслари халқаро моддий – материал, ахборотнинг халқаро умумлашуві, ташкилий – иқтисодий инфратузилмалардан иборат ҳамкорлик жараёнини ифодалайди.

Иккинчи йұналиш – ХМТ орқали байналміналлашув жараёни;

Учинчи йұналиш – анъянавий халқаро савдонинг ҳажми ва сифат жиҳатининг ўзгариши негизінде иқтисодий ҳаёттінинг байналміналлашувидир. Халқаро савдонинг вазифаси «товар – пул» оддий формуласидан, миллий ишлаб чиқарыш жараёнларига хизмат қылувчи чегаралардан чиқиб кетди ва натижада халқаро савдо таркиби ҳам ўзгарды.

Тұрттынчи йұналиш – молия ва ишлаб чиқарыш ресурсларининг халқаро алмашув тури мамлакатлар иқтисодий ҳаёттінинг яқынлашуві ва үйғунашувига олиб келмоқда. Бу жараён халқаро кредит ва хориж инвестициялари шаклида амалға оширилмоқда.

Бешинчи йұналиш – халқаро ҳамкорлиқда хизматлар күрсатиши соxaларни моддий ишлаб чиқарыш соxaларига нисбатан тез ривожланиб бормоқда.

Олттынчи йұналиш – илмий техник билимларнинг халқаро алмашувининг тез ривожланишидір. Бу жараён халқаро интелектуал мәжнат тақсимотининг шаклланишига, илмий – тадқиқот ва тажриба – конструкторлық марказларининг халқаро іхтисослашуві ва коопeraçãoсига олиб келмоқда.

Еттінчинчи йұналиш – халқаро күламда ишчи кучи интеграцияси ўсмоқда ва бу жараёнда ҳамдүстлик мамлакатлари ҳам иштирок этмоқда ҳамда у иқтисодий

ҳаётни байналминаллашувининг таркибий қисми бўйиб қолмоқда.

Саккизинчи ўналиш – халқаро миёсда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг байналминаллашуви табиий муҳитга жиддий таъсир этмоқда ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни кун тартибига қўймоқда (атроф – муҳитни муҳофаза қилиш, Дунё океанининг ва космосни, ривожланаётган мамлакатлардаги очлик ва саводсизликни бартараф этиш ва бошқалар).

### **7.3. Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперация**

ХТМ ва халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперация (ХИЧИК) бир–бирига боғлиқ ва ажралмас жараён бўлиб, мураккаб ва зиддиятли характерга эгадир. ХМТ халқаро кооперацияга нисбатан кенгроқ иқтисодий тушунча бўлиб, халқаро кооперация ХМТ ининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Ўз вақтида ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви кооперациянинг шаклланишига олиб келади. Щунинг учун ҳам халқаро ихтисослашув ва халқаро кооперация ХМТ нинг оддий шакли бўлибгина қолмай, балки унинг моҳиятини ифодаловчи жараёнлардир.

Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви (ИЧХИ) мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг ўзига хос шакли бўлиб, миллий ишлаб чиқаришнинг табақаланиши асосида бир хил ишлаб чиқариш концентрацияси ва меҳнатнинг умумлашуви, ҳамда алоҳида мустақил технологик жараёнларнинг мустақил ажralиб чиқиши, ички эҳтиёжлардан юқори турған маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқ ва кичик тармоқларнинг бўлиниши орқали ўзаро табақалашган миллий хўжалик мажмуаларини тўлдиришдир. Юқоридаги жараёнлар халқаро товар айирбошлиш, хизматлар ва илмий–техник билим ва ишланмалар (ноу–хау) айирбошлишни янада интенсивлашувига олиб келмоқда.

ИЧХИ нинг асосий турлари предметлар (тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш), деталлар (маҳсулотлар қисми ёки компонентлар) ва технологик ёки босқичма–босқич (алоҳида операция ёки алоҳида технологик жараёнлар) ихтисослашувидир. ИЧХИ турли тарихий босқичларда барқарор ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Бунга ижтимоий ишлаб чиқаришдаги чуқур ўзгаришлар, истеъмолнинг халқаро таркибининг ўзгариб бориши ва ИТИ таъсири катта бўлмоқда.

30 – ийларда дунё хўжалигида ҳалқаро тармоқлараро ишлаб чиқариш ихтисослашувида бир тармоқ мажмусаси (ишлов берувчи саноат) бошқа тармоқ (қазиб берувчи тармоқ ёки қишлоқ хўжалиги) маҳсулотларига асосланган эди. 50 – 60 йилларда ИЧХИда биринчи тармоқлар (автомобилсозлик, самолётсозлик, пластмассалар ишлаб чиқариш, подшипниклар, радиоаппаратурулар ва бошқалар) асосий ўринни згалласа, 70 – 80 йилларда ИЧХИ да ички тармоқлараро ва истеъмол йўналишидаги маҳсулотлар кучайди.

Ишлаб чиқаришнинг ҳалқаро ихтисослашуви ва кооперациясининг (ИЧХИК) миллий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши ва ҳалқаро товар айланмасининг барқарор ўсиш омили сифатидаги аҳамияти катта. 70 – 80 йилларда машинасозлик маҳсулотлари ҳалқаро савдосининг 40% гачаси (60 – ийларда 4%) бутловчи маҳсулотлар ҳисобидан таъминланди, 60 – 90 йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатларда машинасозлик саноатининг детал ва узеллари ва бошқа бутловчи маҳсулотлари ҳалқаро савдоси 2 марта ўсади. Айниқса, машинасозлик саноатида барча турларга ихтисослашув кучайди.

Бу жараён, **бириинчидан**, конструктив хусусиятлар билан белгиланган яъни машиналар, жиҳозлар, механизмлар, кўплаб компонентлардан (агрегат, қисм, деталь) иборат бўлиб, ишлаб чиқариш ихтисослашувини тақозо қиласди.

**Иккинчидан**, – машинасозлик мажмусаси ўзига хос миқдор ва сифат хусусиятларига эга. Бу минглаб номдаги (60 – ийларда 500 – 600 минг машина ва жиҳозлар, 90 – йилларда 1 млн. дан ортиқ машина ва жиҳозлар), турли ҳажмдаги(якка, майда ва йирик серияли, поток оммавий ишлаб чиқариш) маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз таркибига олди. Конструктив жиҳатдан мураккаб бўлғанлиги учун ўнлаб ва юзлаб мамлакатларда минглаб корхоналар кооперациясини тақазо қиласди.

**Учинчидан**, – машинасозлик саноатида ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар технологик хусусиятларга эгадир. Миллий бозор бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга торлик қиласди.

Айни вақтда, «ҳалқаро ихтисослашган тармоқ» ва «ҳалқаро ихтисослашган маҳсулот» тушунчаларини фарқлаш лозим. Ҳалқаро ихтисослашган тармоқ мамлакатларнинг ҳалқаро ихтисослашувидаги характерини ифодалайди, унинг белгиси экспорт ҳиссасининг бошқа тармоқлардаги нисбатан юқорилиги ва ички тармоқлар ихтисослашви ҳамда

Кооперациянинг ривожланганлигидир. Халқаро ихтисослашган маҳсулот ИЧХИК ва ишлаб чиқариш дастурларининг тақсимланиши тўғрисидаги икки ва кўп томонлама шартномалар асосидаги товарлардир (маҳсулотлардир).

Халқаро ихтисослашган тармоқ даражаси кўрсаткичларига нисбатан экспорт ихтисослашувига ихтисослашган тармоқ коэффициенти ва тармоқ ишлаб чиқаришнинг экспорт квотаси киради. Тармоқнинг экспорт ихтисослашуви қўйидаги формула билан аниқланади.

$$T_k = \frac{\mathcal{E}_m}{\mathcal{E}_x} \quad (2)$$

Бу ерда,  $\mathcal{E}_t$  – мамлакат экспортида товарнинг ҳиссаси (тармоқ товарларнинг умумлашмаси);

$\mathcal{E}_x$  – жаҳон экспортида товарнинг ҳиссаси.

Тармоқ экспорт ихтисослашуви коэффициенти орқали таҳминан мамлакатнинг халқаро тармоқлар ихтисослашуви даражасини (ҳолатини) аниқлаш мумкин. Миллий экспорт таркибида аниқ товар ва товар гурӯҳи ҳиссаси юқори бўлади, ёки аксинча жараён бўлиши мумкин. Экспорт квота эса миллий саноатнинг қанчалик ташқи бозорга йўналтирилганлигини ёки ташқи бозордан ажralиб қолганлигини кўрсатади. Ишлаб чиқаришда экспорт квота ҳиссасининг ўсиши мамлакатнинг саноатида халқаро алоқаларнинг интенсивлашуви хорижий истеъмолчига қаратилгани ва халқаро ихтисослашган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини яхшиланганлигидан далолат беради.

Халқаро ихтисослашган тармоқ экспорт маҳсулотларида ишлов берувчи тармоқ маҳсулотлари ҳиссасининг юқори бўлиши ижобий баҳоланади. Экспорт маҳсулотларида қазиб берувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳиссасининг юқори бўлиши эса мамлакатнинг XMT даги роли пассив эканлигини ифодалайди.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперациясининг (ХИЧК) объектив асоси ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши даражаси ва айни вақтда унинг тармоқларга, ишлаб чиқариш корхоналарга бўлинishiди. Тарихан қисқа муддатда ишлаб чиқаришнинг биринчи бўгини – корхона жиёддий ўзгардики, бу ижтимоий (халқаро) меҳнат тақсимотида ўз ифодасини топди. Корхона таркибида технологик жараёнлар босқичлари бутловчи қисмларни ишлаб чиқ аришнинг алоҳидалашуви ва

уни қисман бошқа корхоналарга бериш билан саноат меҳнат тақсимотида сифат ўзгаришлари юз беради. Бу эса кооперацион алоқаларнинг ривожланишига кучли турткি берди.

Умумий, хусусий ва якка меҳнат тақсимоти алоқадорлигининг характеристи ҳам ўзгарди. Айниқса, якка меҳнат тақсимоти мамлакат ичидаги мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий меҳнат тақсимотида сифат ўзгаришларини юзага келтириди ва ривожланишнинг ўзига хос «эпицентри» вазифасини бажармоқда.

Бу жараён тасъирида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг нафақат янги тармоқлари, балки деталлар бўйича ва технологик ихтисослашган кичик тармоқ ва тармоқлар юзага келмоқдаки, натижада кооперация ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча секторлари ишлаб чиқариш фаолиятининг таркибий ажралмас қисми бўлиб қолмоқда.

ИТИ таъсирида ишлаб чиқариш кооперациясининг моддий асослари яратилди. ИТИ ҳалқаро ишлаб чиқаришга фанни (ноу-хау) қўшиш билан унинг характеристини ҳам ўзгартириди. Натижада, ХИЧК нинг бош вазифаси – меҳнатнинг кооперацияси – моддий ишлаб чиқаришнинг ва меҳнат унумдорлигининг ўсищдан ташқари ғоят муҳим, янги бир-неча мамлакатлар ишлаб – чиқарувчиларини бирлаштириш орқали ечиладиган вазифаларни ҳам қўйди.

ХИЧК сининг асосий белгилари:

- ⇒ Шартномалар асосида биргалиқда фаолият олиб бориши учун томонларнинг олдиндан келишуви;
- ⇒ Ўзаро келишилган соҳалардаги шерик – корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ⇒ Турли мамлакатлардан ишлаб чиқариш кооперациясига тортиладиган саноат корхоналарининг (фирмалар) мавжудлиги;
- ⇒ Кооперациянинг бош обьектлари, тайёр маҳсулотлар, компонентлар ва технологиялар бўйича шартномалар асосида мустаҳкам келишувлар;
- ⇒ Ўзаро келишилган дастурлардаги вазифаларни кооперация мақсадларидан келиб чиқиб шерик – партнерлар ўртасида тақсимланиши;
- ⇒ Кооперация доирасида ишлаб чиқариш дастурларини бажаришда товарлар етказиб боришнинг бир томонлама ёки келишилган алоқаларнинг амалга оширилиши.

Кўриниб турибдики, биргалиқдаги фаолият кооперация аъзоларидан маҳсулотларни ишлаб чиқариш, етказиб бориш, унинг сифати, ҳажми ва келишилган муддатларига қатъий амал қилишни тақозо қилади. ХИЧК кейинги йилларда «халқаро саноат ҳамкорлиги» номини олмоқда. Чунки, бу жараён таркибига хилма – хил ишлаб чиқариш, тадбиқий фанлар, техника, савдо, техник хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар ҳам кирмоқда ҳамда мажмуали характер касб этмоқда. Кооперацион алоқалар халқаро кўламда, тармоқлар ва фирмалар даражасида ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин (3 – жадвал).

### 3-жадвал

#### Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияларини синфлаштириш

Синфлаштириш тамоийллари	Кооперация характерлари:
А) Турлар бўйича	Иқтисодий кооперация, саноат ҳамкорлиги, ишлаб чиқариш кооперацияси, илмий – техника кооперацияси, қурилиш ва лойиҳалаштириш бўйича кооперация, маҳсулотларини сотиш соҳаларни бўйича кооперация, хўжалик фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича кооперация.
Б) Босқичлар бўйича	Ишлаб чиқаришга қадар ишлаб чиқариш, тижорат.
В) Фойдаланиладиган усуллар бўйича	Биргалиқда дастурларни амалга ошириш, шартномални ихтисослашув, қўшма корхоналар (ҚҚ).
Г) Таркибий алоқалар бўйича.	Ички ва фирмалараро, ички ва тармоқлараро, горизонтал, вертикал ва аралаш.
Л) Ҳудудлар бўйича.	Икки ва ундан ортиқ мамлакатлар, минтақа, мамлакатлараро ва халқаро.
Е) Субъектлар (томонлар) бўйича	Икки ва кўп томонлама
Ж) Объектлар сони	Бир ва кўп предметли.

Кооперацион алоқаларнинг асосий усуллари қўйидагилар:

1. Биргалиқда дастурларини амалга ошириш;
2. Шартномавий ихтисослашув;
3. Қўшма корхоналар (ишлаб чиқариш) барпо қилиш.

**Биринчи усул** – биргалиқда дастурларни амалга ошириш ХИЧК да икки шаклда пудрат кооперацияси ва қўшма корхоналар кўринишида бўлади. Пудрат кооперацияси саноатдаги энг қадимги тур бўлиб, унинг моҳияти шартноманинг биринчи томони (буортмачи) иккинчи томонга (бажарувчи) бажариладиган иш учун (вақти, ҳажми, сифати

ва бошқа) олдиндан аниқ талаб қўяди. Пудрат ишлаб чиқариш кооперацияси иккита кўринишга яъни «классик» пудрат бўйича маҳсулотлар тайёрлаш ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат.

Ишлаб чиқариш кооперациясидаги иккинчи усул шартномали ихтисослашув – томонларнинг ўзаро келишуви асосида бир хил маҳсулотларни биргалиқда ишлаб чиқариш, биргалиқда тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бориш кабилардан иборат.

Кўшма корхоналарни барпо қилиш кооперациявий алоқаларда муҳим ўрин тутади ва бугунги кунда энг кенг тарқалган усулdir. Бундай кооперацион интеграцияда бир неча мамлакатларнинг капитали ўзаро келишилган мақсадларини амалга оширишда иштирок этади.

#### **7.4. Ҳозирги шароитда ҳалқаро рақобат ва унинг ҳусусиятлари**

Ҳозирги шароитда ҳалқаро рақобат ҳалқаро савдонинг, бозор жараёнларининг ажралмас қисми сифатида кўз илғамас кўламда ўсиши ва кескинлиги билан ажралиб туради. Рақобатнинг кўлами – ташки савдо фаолият иштирокчилари сонининг ўсиши, ХМТида товарлар алмашинувининг ва турли соҳаларда ҳалқаро ихтисослашув ва кооперациянинг кучайишини ифодалайди. Дунё **хўжалигининг** байналминаллашуви рақобатнинг асосларини кенгайтирмоқда. Бозор рақобати – курапида йирик гигант монополиялар билан бир қаторда ўртача, кичик ва жуда кичик фирмалар ҳам иштирок этмоқда. Айнанавий, иқтисодий ривожланган экспорт мамлакатлари қаторига янги индустрисал мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар гурухлари қўшилмоқда. Ҳукуматлар ташки савдо фаолиятини шакллантиришда миллий экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб қувватламоқдалар.

Ҳалқаро рақобатнинг кенг ёйилиши ундаги жараёнларни тезлаштирмоқда, шакл ва усулларни ўзгартирмоқда, янги рақобатбардош товарлар ва янги ҳудудуларни кашф қилиши кенгаймоқда. Айниқса, ИТР рақобатга алоҳида жўшқинлик бахш этмоқда. Қаерда рақобат бўлса ўша ерда ишлаб чиқариш харажатларининг қисқариши, сифатнинг ошиши ва фойданинг юқорилиги кўзга ташланмоқда. ИТИ нафақат рақобатнинг асоси бўлибгина қолмай, балки унинг катализатори, ҳаракатлантирувчи кучи ҳам бўлмоқда. ИТИ нинг фаол таъсири дунё **хўжалигининг**

барча босқичларида, алоҳида фирмалар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳлари муносабатларида ҳам кўринмоқда.

ИТИ ютуқдаридан кенг фойдаланиш товарлар номенклатурасининг доимий янгиланиб туришига кенг имконият очмоқда, бозор эҳтиёжларига тез мослашувга, маҳсулотларнинг сифатига бўлган талабларни қондиromoқда. Шунинг учун ҳам янгилик рақобатбардошликтининг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Натижада, янги товарлар – мутлақо янги эҳтиёжларни қондириш орқали (биринчи товарлар) янги бозорларнинг юзага келтирмоқда, ёки юқори даражада сифат эҳтиёжларини қондириш орқали илгари маълум товарларини такомиллаштироқда, ёки янада кенгроқ истеъмолчиларга йўналтирилганлиги билан илгари сотиб олиш имкони бўлмаган истеъмолчиларга (нархи пасайтирилган товарлар) ҳам мўлжалланмоқда.

Дунёнинг саноат маҳсулотлари экспорти таҳдили шуни кўрсатмоқдаки, ИТИ таъсирида тез янгиланаётган товарлар – интеграл схемалар, ЭҲМ, коммуникация воситалари, электрон жиҳозлар, видеоаппаратуралар, овоз ёзиш (ишлаб чиқариш) воситалари, тўқимачилик жиҳозлари, целялюз – қофоз маҳсулотлари, темир йўл тортиш воситалари, майший ва саноат электроник жиҳозлари, авиадвигателлар, кимё саноати жиҳозлари ортиб бормоқда ва XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигидаги бўлган эҳтиёж кўпайиши башорат қилинмоқда.

Мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра янги товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган компанияларда уни тадбиқ этгандан сўнг 10 йилда фойда, анъанавий товарлар ишлаб чиқараётган рақобатчилардан қарийб 2 марта юқори бўлган. Яъни товарларнинг бозор муваффақияти, анъанавий товарларга нисбатан нархининг юқорилиги, ҳаридорлиги (сифат, янгилик, ишончлилик) ИТИ воситасидаги рақобат курашининг янги босқичини бошлаб берди. Натижада, хилма – хил техника ва технологик такомиллаштиришлар, патентлар устидан назоратни кучайтиришга уринишлар товарларнинг истеъмол хоссаларини муттасил яхшилаш имконини бермоқда ва рақобатнинг асосий усулларидан бирига айланди.

Айни вақтда, фирма ва компаниялар ҳаридорларни жалб қилиш мақсадида ўз товарларига мажмуали хизмат кўрсатиши турларини, яъни кафолатни ва кафолатдан кейинги хизматларини ҳам амалга ошироқдалар. Чунончи, улар масалан, дастгоҳлар (ёки бошқа товарлар) чиқарибгина қолмай уни сотадилар, ўрнатадилар, истеъмолчи корхона (ёки

мамлакат) ходимларини улардан фойдаланишга ўргатадилар, кафолат ва кафолатдан кейинги хизматларини бажарадилар ва бошқа хизматларини амалга ошириш билан буюртмачи манфаатларига ўзларининг товарларини мосладилар.

Рақобат курашининг усулларини нархий ва нонархий усулларга бўлиш мумкин. Ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчилар томонидан ўзи сотаётган товар ва хизматларнинг нархларини истеъмолчилар ўзгартириши кўзда тутилган бўлади. Сотувчиларнинг бозорда нархларни пасайтиришдан мақсади кўпроқ ҳаридорларни жалб қилиш, товарлар ишлаб чиқаришни кўплайтиришда рақобатчилар учун ноқулай шароит яратишидир. Аммо, бу жарённи узоқ давом эттириб бўлмайди. Чунки бундай ишлаб чиқарувчи даромади тезда камаяди. Бу эса нархий рақобатни чеклашга олиб келади. Нархий рақобат сотувчилар томонидан ўзлари сотаётган товарларга монопол юқори нарх белгилаш бўлиб, бунинг мақсади нафақат монопол фойда олиш, балки истеъмолчиларни ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароитга солиб қўйишидир. Рақобатнинг нонархий усуллари товарлар нархларнинг эмас, балки товарларнинг истеъмол хоссаларини ўзгартирishiшга асосланган. Нонархий рақобатларда товарлар сифатида табақалаштириш муҳим ўрин тутади.

Маълумки, рақобатбардош товарни фақат рақобатбардош фирма ёки компания чиқара олади ва бундай фирма ёки компанияларга маълум шарт – шароитлар мамлакат томонидан яратилган бўлиши мумкин. Бу жараён тадқиқ қилинмоқда ва дикъат билан ўрганилмоқда. Жумладан, Женева шаҳрида жойлашган «Бошқариш муаммолари Европа форуми» халқаро ташкилоти мунтазам Фарбий Европа мамлакатлари товар ва маҳсулотларининг рақобатбардошлигини тадқиқ қилиб ва баҳолаб бормоқда. Рақобатбардошлик тушунчаси фирма ва компанияларни, ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиб бериш, нархий ва нонархий хоссалари билан истеъмолчиларнинг жалб қилишидир.

Мамлакатларнинг рақобатбардошлигини 100 дан ортиқ экспорт – иқтисодчилар 340 та кўрсаткичлар бўйича аниқлайдилар. Бу кўрсаткичлар 10 гурӯҳга бирлаштирилади.

1. Иқтисодий сиёsat ва иқтисодий ўсиш суръатлари;
2. Саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги;
3. Фан ва техниканинг ривожланганлик дарражаси, илмий – техник ютуқларнинг суръатлари;
4. XMTida iштироки;
5. Ички бозорнинг кўлами ва ўсувланилиги;

6. Молия тизимининг мослашувчанлиги;
7. Давлатнинг иқтисодиётни тартиблиш воситалари;
8. Меҳнат ресурсларнинг сифати ва интеллектуал таркиби;
9. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси;
10. Мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ва ички сиёсий аҳволи.

Дунё хўжалиги тизимида АҚШ, Германия ва Швейцария анъанавий юқори рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарувчи мамлакатлардир. Айни вақтда, эксперталар бу мамлакатларнинг рақобатбардошлигини умумиқтисодий асослар билангина эмас, балки ишлаб чиқариш тизимининг таркибий тузилмаси ҳам муҳим омил эканлиги билан изоҳлайдилар. Чунки, жаҳон бозори эволюцияси эҳтиёжларига, иқтисодиётнинг мославшувчанлиги ички имкониятларга мос аниқ миллий ихтисослашув, қаттиқ ва маъносиз рақобатдан қочиш – янги товарларни ишлаб чиқариш ва янги бозорларни забт этиш имконини беради.

Шунингдек, асосий экспортчи мамлакатларнинг бозор муваффақияти сири – халқаро бозор эҳтиёжларини олдиндан чуқур тушуниш ва уни ўзлари учун керакли йўналишда фаол шакллантиришдан ҳам иборатдир.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Халқаро межнат тақсимоти – дунё хўжалигининг моддий асоси эканлигини тушунтириб беринг. Дунё хўжалигининг можияти ва босқичларини тавсифланг.
2. Дунё хўжалиги ва халқаро межнат тақсимотидаги янги жараёнларни тушунтириб беринг.
3. Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперация можиятини тавсифлаб беринг.
4. Ҳозирги шароитда халқаро рақобат ва унинг хусусиятларига тавсиф беринг.

## **VIII БОБ. Дунё хўжалиги тизимида саноатнинг роли ва тармоқ таркиби хусусиятлари**

### **8.1. Иқтисодиётнинг умумий тармоқ таркиби тушунчаси**

Иқтисодиётнинг таркиби – жуда мураккаб, кўп қиррали тушунча бўлиб, хилма – хил хўжалик тизимидағи элементларнинг ўзаро муносабатларини ифодалайди. Одатда, у ижтимоий, тармоқ, ишлаб чиқариш, минтақавий (ҳудудий) ва ташки савдо таркибларига бўлинади.

Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби жуда кенг маънода хўжалик бирликларининг сифат жиҳатидан бир хил гуруҳларнинг умумлашмаси бўлиб, кенгайган ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти жараёнида ишлаб чиқаришнинг алоҳида шароитларини характерлайди.

Тарихий – иқтисодий ривожланиш босқичларида тармоқ ўзгаришлари – «**биринчи тармоқлар**» (қишлоқ хўжалиги ва қазиб берувчи саноат), сўнгра «**иккинчи тармоқлар**» – (саноат ва қурилиш), ва «**учинчи тармоқ**» (хизмат кўрсатиш соҳалари – сервис) ажralиб чиқишидан иборат бўлса, XXI аср бошларида мутлақо янги тармоқ таркиби, яъни «**тўртинчи тармоқ**» (ахборотлар индустрияси) шаклланмоқда ва гуркираб ривожланиб бормоқда.

Халқаро амалиётда иқтисодиёт элементларининг таркибий ҳисобланган иқтисодий фаолиятнинг барча турларини ифодаловчи халқаро тармоқлар классификацияси стандарти (андоза) ва халқаро бандлик классификацияси стандартлари мавжуд. Миллий ҳисоблар тизимида (МҲТ) иккита классификация типларини – тармоқлар ва секторлар бўйича ишлатиш кўзда тутилган. Тармоқлар бўйича гуруҳлаштириш иқтисодиётнинг тармоқ таркибини характерлайди ва ЯИМ яратища ҳар бир тармоқ улушкини ёки ҳиссасини аниқлаш имконини беради. Иқтисодиётни секторлар бўйича гуруҳлаштириш иқтисодий жараёнларда хўжалик бирликлари бажарган вазифаларни аниқлаш орқали даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, инвестицияларни йўналтириш ва молиялаштиришни таҳлил қилиш имконини беради. Жумладан, уй хўжалиги сектори ижтимоий жараёнларнинг йўналиши, аҳоли турмуш даражаси (даромадларнинг тақсимланиши) истеъмол, жамғарма ва бошқ. тўғрисидаги маълумотлар жамланишига имкон беради ҳамда «уй хўжалиги» нинг ЯИМ даги роли ва ўрнини аниқлашга ёрдам беради. МҲТ да тармоқлараро баланс

алоҳида ўрин тутади ва бу иқтисодиётнинг таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш, табиий—моддий ва асосий қиймат пропорцияларини, халқаро кўрсаткичларни таққослаш, иқтисодий ҳисоб—китобларни башоратлаш имконини беради. Иқтисодий таҳлил кўламига боғлиқ ҳолда тармоқлараро баланс ўзига ўнлаб ёки минглаб тармоқлар маълумотларини жамлаши мумкин.

Иқтисодиётнинг корхона, ишлаб чиқариш турлари ва тармоқларга бўлиниши маҳсулотларнинг ва хизматларнинг асосий ҳом—ашё ва материаллар турларининг, технологик жараёнларнинг характеристига боғлиқ. Хўжалик тизимини тармоқларга гуруҳлашда маълум қийинчиликлар ҳам юзага келади. Бу бир хил маҳсулотларни турли хил ҳом—ашё ва турли технологик жараёнлар орқали тайёрланиши ва бошқ. билан боғлиқ. Шунингдек, бир тармоқдаги жараёнлар ва усусларни иккинчи тармоқда қўллаш ҳолатлари мавжуд. Бир хил ҳом—ашёдан турли мақсадлар учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам кенгаймоқда.

Ҳар бир ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг аниқ номенклатураси мавжуд. Табақалаштирилган классификация асосини маҳсулот турлари ва ишлаб чиқариш ташкил қиласди. Маҳсулот турлари ва ишлаб чиқариш турларини тармоқларга бирлаштириш иқтисодиётнинг йирик тармоқлари ва тармоқларини юзага келтиради — ки, бу ривожланниб бораётган халқаро меҳнат гақсимотини тавсифлаш мақсадида классификация қилишни ҳам енгилаштиради.

## 8.2. XX аср охири ва XXI аср бошларида саноатнинг тармоқ таркиби ва ривожланиши

Саноат — моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи бўлиб, унда ЯИМ ва МД<sup>1</sup> нинг катта қисми яратилади. Масалан, ҳозирги шароитда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ЯИМ да саноатнинг ҳиссаси 40% атрофида. Саноатнинг етакчи роли жамиятнинг эҳтиёжларини юқори сифатли маҳсулотларга тўлароқ қондириш, техник қуролланишини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни интенсификациялаш зарурияти билан белгиланади.

Ҳозирги замон саноати бир—бирига технологик жиҳатдан яқин бўлган корхона, фирма ишлаб чиқариш

<sup>1</sup> Миллий даромад

бирлашмаларини ўз таркибига олувчи (айрим ҳолларда ҳудудий жиҳатдан бир-биридан узоқда жойлашган) ишлаб чиқариш тармоқларидан иборат. Саноатнинг тармоқ таркиби ўзаро ишлаб чиқариш алоқалари ва сифат хусусиятларини ифодаловчи тармоқлар таркибидир. Статистик ҳисобот ва таҳлилда саноатнинг тармоқ таркиби – маҳсулот ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидаги ҳиссаси, бандлар сони ва саноат ишлаб чиқариш асосий фондларининг қиймати билан аниқланади.

Саноатнинг тармоқ таркибини аниқлашда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми кўрсаткичи асосий ўрин тутади. Аҳоли бандлиги бўйича саноатнинг тармоқ таркибини аниқлаганда, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида сермеҳнат ишлаб чиқариш тизимида бандлар сони юқори ёки аксинча комплекс механизация ва автоматлаштирилган тармоқларда эса бандлар сони пастлиги аниқ хуросалар чиқариш имконини бермайди. Асосий фондлар кўрсаткичи бўйича саноат тармоқ таркиби ҳисблангандা саноат тармоқ таркиби кўрсаткичи ишлаб чиқариш техник даражасини ҳам ифодалайди.

Саноатнинг тармоқ таркиби – мамлакатнинг индустриал ривожланиш даражаси ва иқтисодий мустақиллигини, саноатнинг техник қуролланганлик даражаси ва тармоқнинг иқтисодиётдаги бош ролини ифодалайди. Саноатнинг такомиллашган тармоқ таркиби саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини характерлайди. Саноат таркибидаги ижобий ўзгаришлар саноат ишлаб чиқаришида илғор тармоқлар ҳиссаси ортаётганлиги тармоқ ички таркибининг такомиллашаётганлигини ва тармоқда ишлаб чиқаришининг ривожланиб бораётганилигини кўрсатади.

Саноат тармоқларининг ўзаро алоқадорлиги ва пропорциялари ишлаб чиқариш усули ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ. Саноат тармоқ таркибининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар:

1. Илмий – техника тараққиёти ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқи;
2. Ихтимоий меҳнат тақсимоти даражаси, ишлаб чиқаришининг ихтисослашуви ва кооперацион алоқаларнинг ривожланганлиги;
3. Аҳолининг маҳсулотларга бўлган эҳтиёжининг ўсиши;
4. Саноатнинг ривожланиши учун мавжуд иқтисодий, ихтимоий – сиёсий шарт – шароитлар;
5. Мамлакатнинг табиий ресурс салоҳияти.

Саноат тармоқлари классификацияси асосида қуийдаги асосий иқтисодий белгилар ётади: а) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг иқтисодий вазифаси; б) маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиш характеристи; в) ишлаб чиқарилаётган мақсадди маҳсулотларнинг бир хиллиги; г) қайта ишланадиган хом—ашёнинг умумийлиги; д) қўлланилаётган технологияларнинг ўхшашлиги; е) меҳнат предметларига таъсирининг характеристи ва бошқалар.

Саноат ишлаб чиқариши маҳсулотининг иқтисодий вазифаси саноатнинг тармоқ таркибига мос келмайди, чунки тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг натурал шакли кўпинча унинг иқтисодий вазифасини белгилаб бермайди. Шунинг учун ҳам саноат тармоқларини миллий ҳисоб тизимида классификациялашда, уларни йирик тармоқларга бирлаштиришда қуийдаги белгилар асос қилиб олинади: а) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўхшашлиги (машинасозлик, ёқилғи, озиқ—овқат, қурилиш материаллари саноати), хом—ашёнинг умумийлиги (метални қайта ишлаш ва ёрочни қайта ишлаш, қўлланилаётган технологияянинг ўхшашлиги (кимё саноати). Тармоқлар катта қисмининг белгиси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг мақсадди вазифасидир.

Меҳнат предметларига таъсирининг характеристига қараб саноат иккита: қазиб берувчи ва ишлов берувчи саноат гуруҳларига бўлинади. Қазиб берувчи саноат таркибига хом—ашё, ёқилғи (ер остидан қазиб олинадиган) ўрмон ва сув ҳавзалари киради. Ишлов берувчи саноат тармоқларига хом—аёшлини қайта ишловчи саноат тармоқлари киради. Хом—ашёни ишлатиш ҳолатига кўра ишлов берувчи саноат маҳсулотларини қайта ишловчи (қора ва рангли металлар ишлаб чиқариш ва бошқ.) ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи (гўшт—сут, қанд, ип—газлама ва бошқ.) саноат тармоқларига бўлинади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги ривожланиши хўжалик таркибидағи йирик ўзгаришлар билан характерланади—ки, бу янги тармоқлараро ва ишлаб чиқариш кооперацияларини юзага келтирмоқда. Бунга яна хом—ашё ва энергоресурслар инқирози оқибатида хом—ашё ва энергоресурсларнинг қимматлашуви ва шунга мос жиҳозлар ва қурилишнинг қимматлашуви ҳам сабаб бўлмоқда. Инвестицион жараёнлар ишлаб чиқариш харажатларини ортиб боришига мос мураккаблашиб бормоқда. Бу жараёнларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш жараёнларининг

құмматлашиб боришига таъсир құлмоқда. Бу ҳодисалар эса бозор иқтисодиеті мамлакаттарини технологик инқиlobнинг янги босқичига киришини объектив заруриятига айлантиrmоқда.

Ижтимоий әхтиёжларининг янги шакллари ривожланиши, янги андозадаги техника турларидан фойдаланишга ўтиш, мұтлақо янги технологик жараёнлардан фойдаланиш иқтисодиёт пропорцияларыда ҳам мұхим ўзгаришларға олиб келмоқда – ки, бу икки йұналишда:

- а) иқтисодиётнинг бош аңғанавий тармоқларини реконструкциялаш ва модернизациялаш;
- б) иқтисодиётнинг янги илм талаб секторида ишлаб чиқарилаёттан маҳсулотларни мутлақо янги маҳсулотлар билан алмашуви асосида бормоқда.

Иқтисодий ривожланған мамлакатларда бүгунғи күнда малакали ишчи кучи ва ишлаб чиқарыш техникасининг етарлиліги, товарларға ва хизматларға тұлов қобилятига зәт талабнинг чекланғанлығы харakterлідір. Шунинг учун ҳам металлар ишлаб чиқарыш, бутловчи қисм, деталь ва жиҳозлар ишлаб чиқарышни күпайтириш зарурияты йўқ бўлиб, аксинча дастгоҳлар парки ва бошқалар кўпгина мамлакатларда қисқармоқда.

Таркибий ўзгаришларнинг асосий мақсади – ишлаб чиқарилаёттан маҳсулотлар ва ишлаб чиқарышнинг сифат кўрсаткичларини юксалтириш, ишлаб чиқарышда ресурсларни тежашни кучайтириш, хўжалик тизими жараёнларини интенсификациялаш, янги илмталаб соҳаларнинг ривожланишини тезлаштиришдир. Таркибий ўзгаришлар ишлаб чиқарыш соҳаларида ва тармоқ бўлимларида ҳам юз бермоқда. Айни вақтда, таркибий ўзгаришлар макродаражада – асосан аңғанавий хўжалик тармоқлари, кичик тармоқлар ва ишлаб чиқарыш турларида ҳам қайта ўзгаришларға олиб келмоқда.

Моддий ишлаб чиқарышда саноат таркибида биринчи навбатда машинасозлиқда (илмий – техника ютуқлари кенг қўлланилаёттан) хом – ашё, энергия, меҳнат сарфларининг қисқарыш тенденцияси оқибатида энг янги илмталаб соҳалар ўсмоқда.

Қазиб берувчи саноатнинг ҳиссасини қисқарыш жараёни (разведка, бургулаш ва нефт – газ қазиб чиқарыш ва бошқа ҳаражатларнинг ортишига қарамай) сақланиб қолмоқда. Энг янги самарали технологик жараёнлар, микропроцессорлар ва микросхемалар жорий этилиши

натижасида ишлаб чиқариш жараёнлариңдаги ишчи күчлари бүшамоқда.

Илмий—техник прогресснинг бош йұналиши комплекс автоматлаштириш ва «инсонсиз» технологияларнинг ишлаб чиқаришга тадбиқи бўлиб, алоҳида машиналар ва жиҳозлар ишлаб чиқариш эмас балки, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, омбор хўжалиги ва бошқа тармоқлар учун бутун бошли машиналар тизимини яратиш ва тадбиқ этишдир.

Умуман, XX аср охирги ўн йиллигіда индустриал ривожланган мамлакатлардаги тармоқ ўзгаришларининг умумий қонунияті хом—ашё ва қишлоқ хўжалиги ҳиссасининг қисқариши, саноатни тубдан модернизациялаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тез ўзгаришлари бўлиб, бу жараён кичик тармоқлар ва илмталаб ишлаб чиқариш тизимида ғоят тез суръатлар билан бормоқда.

### 8.3. ТОҒ-КОН САНОАТИ

Тоғ-кон саноати — саноат ишлаб чиқаришининг биринчи сектори бўлиб, хом—ашё ва энергоресурслар қазиб чиқаради ва саноатнинг иккинчи секторини барқарор ишлашини таъминлайди. Тоғ-кон саноатига на фақат металлар қазиб чиқариш, балки инерт материаллар ҳам киради.

Инерт материаллар қазиб чиқариш таниархи юқори бўлмасада, ҳажми миллионлаб тоннага етади ва ривожланган мамлакатларда жумладан, АҚШда қурилиш тошлари қазиб чиқаришининг умумий қиймати олтин қазиб чиқариш билан тенгдир.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда тоғ-кон саноатининг барча тармоқлари ривожланган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда унинг бир нечта кичик тармоқлари ривожланган холос. 90—йилларда арzon ишчи кучи йұналишига асосланган ҳолда Хитой тоғ-кон саноати ривожланганлик даражаси жиҳатидан биринчи ўринга чиқди. Дунё тоғ-кон саноатида Австралия, Канада ва ЖАР етакчилек қиласи ва бу «катта учлик»ка Хитой ва Бразилия қўшилади. Тоғ-кон саноати қазиб олиш кўлами ва тоғ техникаси ривожланганлик даражасига кўра сезиларли фарқланади. Энг йирик ва техник жиҳатдан яхши қуролланган корхоналар темир рудаси, боксит ва мис рудаси қазиб олишга ихтисослашган бўлса, ғоят кўплаб майда, кичик корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, булар асосан ривожланаётган

мамлакатларда жойлашгандир. Шунингдек, майда корхоналар (олмос қазиб олишдан ташқари) құмматбақо металлар – симоб, камёб металлар қазиб олиш тизимида мавжуд. Кейинги йилларда деярли барча кичик корхоналар йирик корхоналар құлига ўтмоқда. «Янги мустамлака» мамлакатлари Австралия, Канада да ЖАР да төг–кон саноати бирданиға йирик құламға зға бўлғанлиги билан ажралып туради.

Энг йирик төг–кон саноати корхоналари темир рудаси, боксит, рангли металлар калий ва ош тузи, инерт материаллар ва оҳак тош қазиб чиқаришда шаклланган. Бунга АҚШ даги мис рудаси қазиб чиқариш (0,1% ва ундан ҳам паст руда таркибида миснинг миқдори) ва ЖАР даги олтин каръерларини мисол қилиш мумкин. ЖАР дунёда олтин ва платина қазиб чиқариш бўйича биринчи ўринда туради ва унинг ҳиссасига 50% олтин ва платина тўғри келади.

Темир рудаси қазиб чиқарадиган йирик корхоналар таркибида темир юқори (60% ва ундан юқори) бўлган ҳавзаларда жойлашган. Таркибида темир кам бўлган темир рудаси қазиб чиқариладиган ҳавзалардаги корхоналар металлургия корхоналарига яқин жойлашганиллигига қарамай (Лотарингия ҳавзаси) ё ўз фаолиятини тўхтатмоқда, ё четдан келтириладиган бой темир рудаси асосида ишламоқда. Жаҳон бозорига Австралия ва Бразилия темир рудаси ҳавзалари 75 млн.т.дан – 90млн.т.гача таркибида 60–62% темир бўлган руданинг экспорт қилмоқда. АҚШ даги Юқори кўллар районига жойлашган машхур Миссейби ҳавзаси (АҚШ қора металлургияси асоси) бутунги кунда 30 млн.т.руда бермоқда, холос, 30 млн.т.темир рудаси Бразилия, Венесуэла ва Канададан келтирилмоқда. Франциядаги Лотарингия ҳавзаси (Франция ва ГФР металлургия корхоналари асоси) бутунги кунда 10 млн.т. темир рудаси бермоқда қолган темир рудаси бой рудага зға Африка мамлакатларидан келтирилмоқда. Европа мамлакатларидағи эски темир рудаси ҳавзаларидан Швецарияда (12–15 млн.т.) рақобатбардош темир рудаси қазиб чиқарилмоқда, қолганлари норентабел корхоналар сифатида беркитилмоқда. Россияда КМА ва Українда – Кривой Рог темир рудаси ҳавзаларида темир рудаси қазиб чиқариш ўсиб бормоқда.

Худди шундай манзарани боксит қазиб олишда ҳам кўриш мумкин. Анъанавий боксит қазиб чиқарувчи ва алюминий эритувчи мамлакатларда (Франция) унинг заҳиралари озайди ва таркиби ёмонлашди. Бутунги кунда Австралия жаҳон эҳтиёжининг 50% бокситини етказиб бермоқда ва унинг нархи ҳам қаноатлидир.

Йирик боксит экспорт құлувчи мамлакатлар Гвинея (20млн.т.), Ямайка (45 млн.т.), Бразилия (10 млн.т.) бўлиб, бу мамлакатлар Австралия билан биргалиқда ҳалқаро бозор конъюктурасини белгилаб беради. Австралия ва Бразилия ўзининг алюминий саноатига эга бўлса, Ямайка – АҚШ алюминий саноатини, Гвинея – Фарбий Европа, Австралия Яқин Шарқ мамлакатлари ва Япония реэкспортини ҳамда Россия ва Фарбий Европа заводларини юқори сифатли боксит билан таъминламоқда.

Мис қазиб чиқариш камбағал ва бой руда ҳавзаларида жойлашган. Деярли барча йирик мис қазиб чиқарувчи мамлакатларда уни эритиш корхоналари ҳам жойлашган. Дунёда иккита йирик мис эритувчи мамлакатлар Чили (2млн.т) ва АҚШ (1,65 млн.т.), сўнгра Канада (700–800 минг.т.) ва Заир, Замбия ва Перу ҳам мис рудаси қазиб чиқарувчи мамлакатлар бўлиб ҳисобланади. Япония ўз мис рудаси ҳавзаларидан фойдалантган ҳолда Чили ва Перудан мис концентратларини импорт ҳам қиласди.

Никель қазиб чиқариш бўйича ўзига хос хусусият мавжуд. Фарбда бир қатор кичик ва самарасиз бўлган никель ишлаб чиқарувчи корхоналар бекилди. Россия (Норильск, Печенга никель комбинатлари дунёдаги энг йирик комбинатлар) ва Канада ҳалқаро никель бозорида муҳим роль ўйнайди. Янги Каледония йирик никель экспорт құлувчи мамлакат ҳисобланади ва Фарбий Европа, Япония мамлакатларини таъминлайди. Лигерловчи металлар – марганец, хром, вольфрам, магний қазиб чиқариш кўлами кўпаймоқда.

Қимматбаҳо металлар қазиб чиқариш учун унчалик катта бўлмаган ҳажмлар характерли бўлиб ҳам йирик ҳавзаларда саноатлашган ҳолда, ҳам майда, ярим кустар шаклда қазиб олинади. Қимматбаҳо металларнинг йирик комбинатлари ЖАР, Россия, Ўзбекистон, Африқанинг бир қатор мамлакатларида мавжуд. Айни вақтда, Бразилия, Ҳиндистон, Африка, Марказий Осиёда, ҳатто ривожланган мамлакатлarda ҳам ярим кустар ҳолатида қимматбаҳо металлар (олтин) қазиб олинмоқда.

Тоғ-кон саноати тизимида тоғ-кимё саноати корхоналари муҳим ўрин тутади. Бу комбинатлар тузли қатламлар мавжуд ҳавзаларда ташкил этилган. Комбинатлар тузларни компонентлардан ажратиб, тайёр маҳсулот олади. Бундай комбинатлар Германия, Канада, Россия (Соликамск) мамлакатларида мавжуд. Канада калийли тузларни қазиб

чиқариш бўйича – 2млн.т. (дунёдаги 1/3 қисм) дунёда биринчи ўринда, Россия ва Белорус – 5,5млн.т. (Соликамск ва Солигорск), ГФР – 3 млн.т., АҚШ – 1,5 млн.т. ва Ироил – 1,3 млн.т. етакчи мавқега эгадир. Ироил ва Иордания Ўлик денгиз ресурсларини ўзлаштирмоқда.

Шунингдек, төғ-кон саноатининг муҳим тармоғи денгиз суви ва денгиз тубидан хом-ашё олишdir. Бу биринчи навбатда нефтга бой шельф миңтақаларига тааълукли бўлиб дунёда қазиб олинаётган нефтнинг 25% ини ташкил этмоқда. Денгиз суви ва денгиз тубидан тузлар, темир ва марганец концентратлари, қалайи, олмос ва бошқа фойдали элементлар олиш йилдан-йилга кенгайиб ва ривожланиб бормоқда.

Умуман, дунё хўжалигининг төғ-кон саноати маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг 2/3 қисми МДҲ (Россия) АҚШ, Хитой, Канада, Австралия ва ЖАР мамлакатлари таъминламоқда. 70 – йилларнинг ўрталаридан Европа мамлакатлари ўзларининг маҳсус минерал хом-ашё ресурслари билан таъминлаш концепциясини ишлаб чиқдилар ва бунга мувофиқ ўз эҳтиёжларини ўзларининг ресурслари ҳисобига қондиришга ҳаракат қилимоқдалар. Натижада, Канада, Австралия ва ЖАРнинг роли ортди. Жумладан, Канада уран, никель, рух ва қўргошин, темир рудаси ва молибден, олтин ва кумуш, титан, калийли тузлар, асбест ва олтингутурт, Австралия темир рудаси, титан, боксит, уран, қўргошин ва рух, олтин, олмос, ЖАР платина, олтин, марганец, хром, ванадий, олмос, уран, асбест қазиб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ўринни эгалламоқда.

Ривожлананаётган мамлакатлар Осиёда – Ҳиндистон, Малайзия, Индонезия, Саудия Арабистони, Африкада Заир, Замбия, Марокко, Нигерия, Зимбабве, Ботсвана, Лотин Америкасида – Бразилия, Чили, Мексика ва Венесуэла каби мамлакатларнинг ҳам роли дунё төғ-кон саноатида ортиб бормоқда.

Инсониятни минерал ресурслар, хом-ашё билан таъминлаш муаммоси ишлаб чиқарувчи кучларни ривожланганлик даражаси билан боғлиқ ҳолда арzon энергияни ҳам тақозо қиласди. Шунинг учун ҳам инсониятни минерал ресурслар билан таъминлаш энергетика муаммоси (арzon ва қулай, хавфсиз энергия манбалари) билан чамбарчас боғлиқ.

#### 8.4. Ёқилғи – энергетика мажмусининг таркиби ва ривожланиш жараёнлари

Ёқилғи – энергетика мажмуси таркибига биринчи энергоресурслар, яъни қазиб олинадиган ёқилғи ресурслари – нефть, табиий газ ва тошкўмир, гидро ва ядро энергоресурслари ва шу асосда электр энергияси ҳосил қилувчи электростанциялар (ИЭС, ИЭМ, ГЭС, АЭС ва бошқ.) ҳамда фоят мураккаб электро энергия истеъмолчилари киради. Энергоресурс сифатида ўтидан (дараҳт) асосан ривожланаётган мамлакатлар фойдаланади ва таҳминан энерго балансда 10% атрофида баҳоланади. Халқаро кўламда биринчи энергоресурслардан фойдаланиш ортиб бормоқда. Агар, 1900 йил 1 млрд.т.ш.ё.б.дан фойдаланилган бўлса, бу 1990 йилда 10 млрд.т ва XXI аср бошларида 14 млрд.т.ш.ё.б.га етди.

Энергияни истеъмол қилиш бўйича халқаро кўламда иқтисодий ривожланган мамлакатлар етакчи мавқега эга ва халқаро энерго балансни белгилаб беради. Жумладан, 90–йиллар бошларида энерго баланс 8 млрд.т. нефт эквивалентини ташкил қилди (ўтин – дараҳт ёқилғидан ташқари). Бунда биринчи ўринни нефт (3,8 млрд.т.), иккинчи ўринни кўмир (2,1 млрд.т.) ва учинчи ўринни табиий газ (1,8 млрд.т.) эгаллади. Бундан ташқари, энергобалансда атом энергияси 0,3 млрд.т. ва гидроэнергия 0,2 млрд.т. атрофида бўлди.

Ёқилғи – энергетика мажмусида нефть саноати катта аҳамиятга эга бўлиб, XX асрда инсониятнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишига катта туртки беришидан ташқари сиёсий – ҳарбий муносабатларда ҳам алоҳида ўрин тутади. Дунё бўйича нефт – газли ҳавзалар  $45 \text{ млн.км}^2$  бўлиб, асосан мезазой ётқизиқларида учрайди. Бугунги кунда 80 та мамлакатдан нефть қазиб чиқарилмоқда. Дунё бўйича мавжуд нефть заҳираларининг (250 – 400 млрд.т. салоҳиятли ва 100 млрд.т. ишончли) 4/5 қисми ва 50% қазиб олиш ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Йилига 4 млрд.т. атрофида нефть қазиб олинмоқда. Қазиб олинаётган нефтининг 25% денгиз нефти ҳиссасига (30 мамлакат) тўғри келмоқда.

Дунё нефть саноатида нефть қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмол ўртасида кескин ҳудудий фарқлар мавжуд. Йирик нефть заҳиралари Яқин ва Ўрта Шарқ айниқса, Форс кўрфази (Саудия Арабистони, Қувайт, БАА,

Эрон, Ироқ), Африка (Жазоир, Нигерия), Шимолий Америка (АҚШ, Мексика күлтиғи ва Канада), Лотин Америкаси (Венесуэла ва Мексика), Фарбий Европа (Шимолий дегиз шельф мінтақаси Буюк Британия ва Норвегия), Жануби – Шарқий Осиё (Индонезиядан – Вьетнамга қадар), МДХ доирадасыда (Россия, Озарбайжон ва Қозогистон – Каспий дегизи шельф мінтақаси, Қорачаганака ва Тентиз, Туркманистан – Ўзбой, Ўзбекистон (Мингбулоқ ва Кўқдумалоқ), Хитой (Тарим) каби мамлакатларда жойлашган. Йирик нефть импорт құлувчи мамлакатлар АҚШ, Фарбий Европа ва Япония каби мамлакатлардир. Нефтни қайта ишлаш саноати уни қазиб олиш географиясыдан фарқ қиласы (4 – жадвал).

#### **4-жадвал**

#### **Дунё нефтни қайта ишлаш саноати. 1996 йил**

№	Мінтақалар.	Нефтни қайта ишлаш заводлари сони.	Күввати (хом нефть) млн.т.	Нефтни қайта ишловчи завод ларнинг ўртача күввати, млн.т.
1.	Шимолий Америка.	198	936	4,7
2.	Осиё – Тинч океани мінтақаси.	113	708	6,3
3.	Шарқий Европа ва МДХ.	95	637	6,7
4.	Лотин Америкаси.	74	295	4,0
5.	Яқын ва Ўрта Шарқ.	42	266	6,3
6.	Африка.	45	141	3,4
	Дүнё бўйича	705	3723	5,3.

Нефтни қайта ишлаш саноати географик жойлашуви кенглигининг биринчи сабаби унинг юқори қимматбаҳо компонентларга эгалиги ва кимё саноатининг ҳам муҳим хом – ашёси эканлиги бўлса, иккинчи сабаби юқори даражада транспортда ташишнинг қулагилигидир. Нефть йирик диаметрли трубалар орқали ва бир неча юз минг дедвайт қувватта эга маҳсус супертанкеларда истеъмол районларига ташилмоқда.

**Дунё газ саноати** XX асрда тез суръатлар билан ривожланди ва аср ёқилғиси бўлиб қолди. Россия, АҚШ, Нидерландия, Канада, Буюк Британия, Жазоир, Норвегия йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлардир. Деярли барча Европа мамлакатлари, Япония, табиий газни импорт құлувчи мамлакатлар ҳисобланади. Табиий газ сув ости ва ер ости

трубалари орқали минглаб километрга олиб кетилади. Кейинги йилларда суюлтирилган ҳолда ( $165^{\circ}$  С) махсус танкер – метанавозларда Жазоир, Канада, Индонезия, Бруней ва Ливия, Нигерия, Австралия ва Малайзия экспорт қилмоқда. XXI асрда Туркманистон ва Яқин Шарқ мамлакатлари табиий газ экспорт қилиши кутилмоқда. Ўзбекистон табиий газни Марказий Осиё мамлакатларига чиқармоқда. Дунё бўйича йилига 1,5 трлн. м<sup>3</sup> дан ортиқ табиий газ қазиб чиқарилмоқда. Табиий газ на фақат ёқилғи, балки кимё саноати учун ҳам муҳим хом – ашёдир. 80 – йиллардан бошлаб ривожланётган мамлакатларда ҳам газ саноати тез ривожланаб бормоқда.

Кўумир саноати энг қадимги саноат тармоғи бўлсада, нефть саноатининг тез ривожланиши билан чукӯр турғуналиқни 80 – йилларга қадар бошидан кечирди. 70 – йилларнинг ўрталаридан нефть инқизози туфайли бу тармоқда жонланиш бошланди. Дунёдаги 60 та мамлакатда кўумир қазиб чиқарилсада, биринчи «ўнликка» кирган, мамлакатлар (Россия, АҚШ, Хитой, Германия, Польша, Чехия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Австралия ва ЖАР) ҳалқаро ихтисослашувга эгадир. Кўумирнинг умумий заҳираси 11 – 12 трлн.т. бўлиб, йилига 4 млрд.т. (1 млрд.т. кўнғир кўумир) қазиб чиқарилади. Ҳалқаро бозорга қазиб чиқарилган кўумирнинг 1/10 қисми чиқарилади. Кўумир экспорт қилувчи мамлакатлар АҚШ, Австралия, ЖАР бўлиб, ҳам коксланувчи кўумир металлургияда ҳам энергетика мақсадларида сотилади. Қазиб чиқарилаётган кўумирнинг 9/10 қисми иқтисодий ривожланган мамлакатларда истеъмол қилинади.

Истиқболли энергоресурслардан уран ( $U_8O_3$ ) алоҳида ўрин тутади. Унинг заҳиралари иқтисодий ривожланган ва ривожланётган мамлакатларда 4 – 4,5 млн.т атрофида баҳоланади. Бундан ишончли заҳираларнинг 1 – категорияси – 1650 минг.т. ва иккинчи категорияси – 540 минг.т., таҳминий заҳираларининг биринчи категорияси 1510 минг.т. ва иккинчи категорияси 590 минг.т. атрофида баҳоланади. Уран хом – ашёси нархлари унинг категорияларига боғлиқдир. (1 кг уран концентрати – 60 АҚШ \$, 66 АҚШ \$ дан 100 АҚШ \$ гача). Йирик уран заҳираларига АҚШ, Канада, ЖАР, Австралия, Франция, Нигерия, Габон каби мамлакатлар бойдир. Айни вақтда, Канада, Австралия ва ривожланётган мамлакатлар уран концентратларини АҚШ, Фарбий Европа ва Японияга экспорт қиласидилар. Шунингдек, уран концентратлари заҳиралари XX асрда фойдаланиш учун етарли ҳамда заводларда бойитилган уран чиқиндилари ҳам

катта, бугунги технология 0,1% га қадар фойдаланиш имконини берса, истиқболда (лазер технологиясини құллаш орқали) тұла фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, реактор күпайтиргичларни құллаш атом өңілгиси сифатыда plutонийдан фойдаланиш имконини яратади. Амалда термоядро энергиясидан фойдаланиш эса унинг манбаларини – дейтрий, тритийни дengiz сувидан ажратиб олиш орқали еришилади ва унинг зақыралари жуда каттадир.

Еңілғи энергетика балансида гидроэнергоресурслар ҳам муҳим үрин тутади. Гидроэнергетика Скандинавия мамлакатлари, Европанинг Алъп районларида, Канада, Лотин Америкаси, (Бразилия), Яқын ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Россияда етакчи мавзега эга.

Энергоресурслар ичиде ноанъанавий манбалар – геотермал сувлар, гелиоэнергетика, битумлашган құмлар, ёнувчи сланец, шамол энергиясидир. Денгиз сувларининг күтарилиши ва пасайишидан фойдаланишнинг саноат тажриба намуналари яратылды ва мұваффақиятли ишлатылаёттан бўлсада ҳали бошланғич босқичидадир.

ИТИ шароитида электр энергияси ҳосил қилиш йилдан – йилга ортиб бормоқда. Агар, 1990 йилда дунё бўйича 8 трлн. квт/с электр энергияси ҳосил қилинган бўлса, XX аср охирида 12 трлн.квт/с электр энергияси ҳосил қилинди. Аммо электр энергияси ишлаб чиқариш ва аҳоли жон бошига ҳосил қилиш дунё мамлакатлари ўртасида турличадир. Дунё бўйича ҳосил қилинаётган электр энергиясининг 65% иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳиссасига (шундан АҚШ га – 29%, Японияга – 7%, ГФР – 4,5%, Канада ва Буюк Британияга – 4% дан, Францияга – 3% ва Италияга – 2%) тўғри келса, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар ҳиссасига – 22,5% ва ривожланётган мамлакатлар ҳиссасига – 12% (шундан Ҳиндистон ва Бразилияга – 1% дан) тўғри келади.

Энергетика тизимида ҳосил қилинаётган электр энергиясининг 63%и иссиқлик электростанциялари (ИЭС) ҳиссасига тўғри келади. ИЭС асосан кўмир ҳавзалари ва истеъмол минтақаларида жойлашган бўлиб, АҚШ, Россия, кўпчилик Евropa мамлакатлари (Франция, Норвегиядан ва бошқ. бир қатор мамлакатлардан ташқари), Осиё (Ҳиндистон, Япония) ва Австралия, Африкада – ЖАРда энергетика саноати жойлашишини ифодалайди. Иккинчи үринде гидроэнергетика туради. Дунё бўйича ҳосил қилинаётган электроэнергиясининг 20% гидроэнергетикага тўғри келса –

да, унинг ҳиссаси сезиларли даражада қисқарип бормоқда. ГЭСлар каскади ҳудудларни мажмуали ўзлаштиришда муҳим район ҳосил қилювчи омилдир. Кейинги йилларда ривожланаётган мамлакатларда дарёларнинг энергоресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида улкан «аср лойиҳалари» (Бразилияда – Амазонка), Заирда (Конго) ишланмоқда. Аммо бу аср лойиҳалари жуда катта капитал маблағлар билан боғлиқдир.

Истиқболли ҳисобланган ва ИТИ билан боғлиқ атом энергияси дунёда ҳосил қилинаётган электр энергиясининг 10–11%ини бермоқда ва унинг ҳиссаси аста – секин ортмоқда. XX аср охирида дунё бўйича 140 та атом реактори ишланмоқда. 20 дан ортиқ мамлакатда АЭС мавжуд. Асосан АЭСлар Шимолий Америка (АҚШ ва Канада), Европа мамлакатлари (айниқса Франция) Япония, Ҳиндистон, Аргентина ва Бразилияда тўпланган.

Айни вақтда, Чернобил АЭС фожиаси туфайли яқин 10 йилда атом машинасозлиги билан шугулланувчи фирмалар буюртмалар оқимининг ўсишини кутмаяпти. Айниқса, Шимолий Америка, Фарбий Европа, Шарқий Европа ва Россияда янги АЭСларга эҳтиёж амалда йўқ. Фақатгина Корея Республикаси, Хитой ва Тайван янги АЭС қурилишидан манфаатдордирлар.

Шунга қарамай дунёning қатор мамлакатларида АЭСларнинг роли катта. Жумладан, 1995 йилда АЭС ларнинг электрозергияси ҳосил қилишдаги ҳиссаси (%) ҳисобида) Литвада – 76,4, Францияда – 75,3, Белгияда – 55,8, Швецияда – 51,1, Словакияда – 49,1, Болгарияда – 45,6, Венгрияда – 43,7, Словения, Швецария, Корея Республикаси ва Испанияда – 34,0, Японияда – 30,7, ГФР да – 29,3, Буюк Британияда – 25,8, АҚШ да 22,0, Россияда – 11,4% ташкил қилди. Бу ИЭС даги ҳосил қилинаётган электр энергиясидан 2,5 марта ва мазутга ишловчи ИЭС да ҳосил қилинаётган электр энергиясидан 2,5 марта оздир. Тадқиқотларга кўра XXI аср бошларида АЭС ҳиссаси умумий электр энергияси ҳосил қилишда 15% ва 2020–2030 йилларда 30% ташкил қилиши мумкин.

Атом энергетикасидан фарқли ўларок, экологик тоза ва хавфсиз бўлган ноъананавий энергоресурслардан фойдаланиш технологияси такомиллашди ва бу тармоқ кенг миёсда тижоратлашув ҳамда энергетика бозорига кириш босқичида турибди. Чунончи, геотермал сувлардан фойдаланиш асосида электростанциялар (Гео ТЭС) АҚШ да (Калифорниядаги – Катта Гейзерлар водийсида), Филиппин,

Мексика, Италия, Япония, Янги Зелландия, Россия, Испанияда, прилив электростанциялари – ПЭС (дегиз сувларининг кўтарилиши ва пасайиши) Франция, Россияда ишламоқда ва Канада, АҚШ, Буюк Британияда лойиҳалаштирилди. Гелиоэнергетикадан фойдаланиш (Россия, АҚШ, Япония, Франция, Австралия ва Ўзбекистонда) соҳасида муҳим тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Кўёш энергиясидан уйларни иситиш, теплицаларда фойдаланиш Шимолий Африка, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида амалга оширилмоқда. Дастлабки қўёш электростанцияларининг саноат тажриба нусхалари қурилмоқда. Битумлашган күмлардан, ёнувчи сланец, биомасса, шамол энергиясидан (Канада, Венесуэла, АҚШ, Россия, Бразилия, Хитой ва бошқа мамлакатларда) фойдаланиш соҳаларида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо, бу «ноаъанавий» энергоресурслардан кенг фойдаланиш ва энергетика «бозорига» чиқиш, ИТИ ва тажриба – конструкторлик ишлари ютуқларини амлиётга тадбиқ қилиш, мутлақо янги технологик имкониятлардан фойдаланиш билан боғлиқdir.

Мутахассисларнинг таъкидлашича дунёда йиллик электрэнергияси ҳосил қилишнинг ўсиш суръатлари 2,7% ни ташкил қилади. Аммо, бу жараён турли мамлакатларда турличадир. Чунончи, иқтисодий ривожланган мамлакатларда дунёning ўртача кўрсаткичидан паст, яъни йилига 2% ни ташкил қилади. Айни вақтда, иқтисодий ривожланган мамлакатларда табиий газ асосида ишловчи қувватларда электрэнергия ҳосил қилишнинг ўсиши йилига 4,9% ни ва кўмир асосида ишловчи ИЭС йилига 1,3% ни ташкил қилди. Бунинг асосий сабаби газга ишловчи ИЭС лар нисбатан озроқ капитални талаб қиласа, кўмирга ишловчи ИЭС лари капитални кўп талаб қилишидан ташқари атроф – муҳит муаммоси билан боғлиқdir.

Ривожланётган мамлакатларнинг электроэнергиясига бўлган яқин истиқболдаги эҳтиёжини кўмир асосида ишлайдиган иссиқлик электр станциялари қуриш ҳисобига қондириш мўлжалланмоқда. Бу ҳолат атом ва гидроэнергетика станцияларини қурилишидаги катта харажатларни инвестициялаш имкониятининг йўқлиги билан боғлиқdir.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёқилғи таркибида 2015 йил ва ундан кейин ҳам нефть биринчи ўринни, табиий газ эса 2 – ўринни ва учинчи ўринни кўмир эгаллайди, ёки 92% кўпроқ биринчи энергоресурслар органик моддалардан изборат бўлади.

Электр энергиясининг ҳалқаро савдоси асосан Европа мамлакатлари доирасида, Шимолий Америка, Марказий Осиёдадир. Россия, Украина, Венгрия, Франция, Швейцария, Канада экспорт мамлакатлари, Италия, Нидерландия ва АҚШ импорт мамлакатлариди.

### **8.5. Металлургия саноати мажмуси**

Металлургия саноати мажмуси иккита йирик тармоқ – қора ва ранги metallurgиядан иборат. Қора металлургия саноати энг қадимги саноат тармоқларидан бўлиб, дастлаб тошкўмир ва темир рудаси ҳавзаларида жойлашган. Домна ишлаб чиқаришда чўян ва мартен печларида пўлат эритилиб прокат олинган ва истеъмолчига жўнатилган. Қора металлургия корхоналарининг жойлашишида қуидаги йўналишлар: а) тош кўмир ҳавзаларида (Буюк Британия, Германия, Франция, Бенилюкс мамлакатлари ва бошқа Европа давлатлари, Россия, АҚШ, Хитой ва Украина); б) темир рудаси ҳавзалари ( 50 дан ортиқ мамлакатларда); в) юқ йўналишлари (коксланувчи кўмир ва темир рудаси асосида) негизида порт – саноат ишлаб чиқариш мажмуаларида (Япония, Фарбий Европа, қисман АҚШ да), ва г) истеъмол районларида (йирик комбинатлардан кичик (ихчам) заводларига қадар) характерлидир.

Қора металлургия саноатида қуидаги жараёнлар юз бермоқда. а) XX аср 70 – йилларидан бошлаб аста – секин иқтисодий ривожланган мамлакатларда чўян ва пўлат эритиш ҳиссасининг қисқариши; б) ривожланётган мамлакатларда қора металлургиянинг ривожланиб бориши ( бу жараён айни вақтда «ифлос» ишлаб чиқаришни кучириш ва иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги экологик сиёсат билан ҳам боғлиқ); в) иқтисодий ривожланган мамлакатларда 80 – йиллардан бошлаб қора металлургияда «иккиламчи хом – ашё» яъни темир – терсақдан фойдаланишининг ортиб бориши (масалан АҚШ да эритилаётган пўлатнинг 50% темир – терсақни қайта эритишдан олинмоқда). Айни вақтда, янги индустрисал мамлакатларда ҳам пўлат эритиш қиммат бўлган чўян асосида эмас балки темир – терсақдан кўпроқ фойдаланиш ҳисобига амалга оширилмоқда.

1993 йилда пўлат эритиш бўйича дунёда Япония биринчи ўринга чиқди. (5 – жадвал.) Япония қора металлургия саноати, Австралия темир рудаси ва тошкўмири, Бразилия ва Ҳиндистон (темир рудаси) ва Хитой (кўмири) асосида ишлайди ҳамда импорт темир рудаси ва кўмирга боғлиқ

бўлган Корея Республикаси ва Тайван қора металлургияси билан ҳамкорлик қиласи. Япония қора металлургиясининг йирик корхоналари Тинч океани индустриси миңтақасида (Токио шаҳридан – Нагая ва Китакюсюга қадар), кичик корхоналар шимолда Хоккайдо оролига қадар (Муроран) жойлашгандир.

90-йиллардан бошлаб Хитойда қора металлургия саноати гуркираб ривожланиб бормоқда (металлга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда) ва пўлат эритиш бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқди. Агар, 1990 йил 65 млн.т. пўлат эриттан бўлса, 10 млн.т. пўлат импорт қилди ва 1993 йил 87 млн.т. пўлат эритгани ҳолда импорт 2 марта ўсади (Россия). Яқин истиқболда Хитойда пўлат эритиш 100 млн.т.дан ортиши кутилмоқда. Хитойда йилига 5 млн.т. ортиқ пўлат эритиш қувватига эга бўлган (1400 та металлургия заводдари бўлиб, шундан 14 таси йирик ) 5 та йирик металлургия корхоналари (Аньшань, Баошан, Шунганд, Ухань, Батоу), 1 млн.т. пўлат эритиш қувватига эга бўлган 17 та завод мавжуд. Хитой фақат 2020 йилга бориб қора металлургия маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг қондириши мумкин.

АҚШ дунёда пўлат эритиш бўйича учинчи ўринда туради ва кейинги йилларда импорт металл рақобати туфайли мамлакатда қора металл эритиш қисқарди. АҚШ қора металлургия саноати Пенсильвания ҳавзаси, Чикаго ва Детройт, Атлантика соҳили бўйи ва ғарбда жойлашгандир.

Ғарбий Европа мамлакатлари дунё қора металлургия саноатида муҳим ўринни эгаллади ва ички бозорни таъминлаб, экспортга пўлат ва прокатнинг маҳсус навларини чиқарди. Эски қора металлургия районлари (Рур, Париж, Лотарингия, Саар, Марказий Англия) билан бир қаторда Америка ва Жанубий Африка рудасига асосланган янги йирик металлургия корхоналари юзага келди. Европада пўлат эритиш бўйича Германия, Италия, Франция, Буюк Британия, Испания, Швеция, Нидерландия, Польша (Силезия), Чехия, Бельгия, Люксембург мамлакатлари етакчи мавқега эга.

Россия қора металлургия саноати жуда мураккаб вазиятни бошидан кечирмоқда. Йирик металлургия корхоналари (Магнитогорск, Нижнетагил, Кузнецк) хом – ашё танқислиги ва маҳсулотлари рақобатбардош эмаслигидан норентабел корхоналар бўлиб қолмоқда. Россиянинг Европа қисмидаги (Череповец, Липецк, Старый Оскол) корхоналари АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларига ўз маҳсулотларини экспорт қилиш туфайли ривожланиб бормоқда Украина қора

металлургия корхоналарида ҳам чўян ва пўлат эритиш кенгаймоқда.

Шунингдек, кейинги йилларда Туркия (36,0 млн.т.) ва Корея Республикаси (33,8 млн.т) пўлат эритишни кўпайтирмоқда (5 – жадвал). Ривожланаётган мамлакатлардан Мексика, Аргентина, Миср, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор мамлакатларда қора металлургия саноати тез ривожланмоқда.

### 5-жадвал

#### Дунё мамлакатларида чўян ва пўлат эритиш

№	Мамлакатлар	Чўян млн.т 1992	Пўлат млн.т. 1994	Чўян ва пўлат 1992	
				экспорт млрд. дол	импорт млрд. дол
1.	Япония	81,1	96,3	1,0	2,1
2.	Хитой	69,5	91,5	0,4	–
3.	АҚШ	44,9	88,9	0,4	1,76
4.	Россия	48,9	48,6	4,5	–
5.	ГФР	31,0	40,8	2,6	2,5
6.	Туркия	32,9	36,0	–	–
7.	Корея Республикаси	18,7	33,8	1,2	1,7
8.	Италия	12,0	26,1	–	–
9.	Бразилия	23,5	25,7	2,4	–
10.	Украина	20,0	23,9	–	–

**Рангли металлургия** – иккита бош маҳсулот – яъни биринчи металл, иккинчи металл ишлаб чиқариш билан характерланади. Биринчи металл рудадан олинади, иккинчи металл темир – терсақдан (лом) зертилади. Кейинги йилларда металлом заҳираларининг ортиб бориши билан ундан металл зертиш ҳам кўпайиб бормоқда. Чунончи, 90 – йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатларда зертилаётган мис ва алюминийнинг 25 – 30% ва қўроғшиннинг 40 – 45% металломдан олинмоқда.

Рангли металлар зертиш ҳажмида сезиларли фарқ мавжуд. Оммавий металлар, жумладан алюминий дунё бўйича биринчи металл – 12 – 15 млн.т. ва иккинчи металл 6 – 7 млн.т. бўлиб «коньюктурага» боғлиқ ҳолда 19 – 22 млн.т. «оқ» металл зертилади. Иккинчи ўринда мис зертиш (иилига 10 млн.т.) туради. Рух, қўроғшин миллион тонна зертилади. Ўртacha ҳажмдаги металлар, никель, қалайи, магний зертиш 100 минг.т.дан 500 000 т.га боради. Камёб металлар 10 минг.т.дан (вольфрам ва молибден) ва бир неча ўн тоннага қадар (германий) қазиб чиқарилади. Олтин камёб металл

бўлсада, унинг ишлаб чиқариш ҳажми турли йилларда турлича бўлиб, ўртacha йилига 25 – 30 минг.т. атрофида қазиб олинади.

Ҳозирги замонда бош рангли металл – алюминийдир. Алюминий ишлаб чиқариш технологияси жуда мураккаб бўлиб уч босқичдан – биринчи босқич – алюминий хом – ашёси боксит қазиб чиқариш, иккинчи босқич – алюминий окиси, ёқилғи ва оҳак тош манбалари йўналишида ва учинчи босқич – алюминий электролиз окиси арzon электроэнергияси йўналишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам йирик ГЭС ва ИЭС минтақаларида асосий алюминий эритиш заводлари тўпланган. Боксит 50% Австралия ҳиссасига (45млн.т.), 30% Гвинея (17 млн.т.) ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, боксит Ямайка (11 млн.т.) ва Бразилия (10 млн.т.), Хитой (4,5млн.т.), Ҳиндистон, Россия, Суринам, Греция, Венесуэла мамлакатларида қазиб чиқарилмоқда. Анъянавий боксит экспорт қиливчи Францияда (алюминий эритиши пионери) унинг заҳиралари тутади. Farбий Европадаги истеъмол қилинадиган алюминий оксидининг 50% иккита гигант – заводлар Ирландия (Шимолий Европа алюминий заводлари учун боксит қайта ишланади) ва Сардинияда (Жанубий ва Марказий Европа мамлакатлари заводлари учун) ишлаб чиқарилади.

Дунё бўйича алюминий металли ишлаб чиқарувчи заводларининг 50% – ГЭС минтақаларида жойлашган. Канада, Бразилия, Норвегия ва Австралияда ҳамда АҚШ ва Россияда арzon электр энергияси асосида алюминий эритиш ривожланиб бормоқда.

**Мис саноати.** – рангли металлургияда аҳамияти жиҳатдан иккинчи ўринда туради ва мис саноати жойлашишида хом – ашё бош омилдир. Дунё бўйича мис концентратлари ишлаб чиқариш бўйича Чили, АҚШ ва Канада, Замбия ва Заир (500 км.га чўзилган минтақа), Перу ва Мексика, Россия ва Қозогистон етакчи ўрин тутади. Мис қазиб чиқариш ва мис эритиши корхоналарининг жойлашиши ўртасида фарқ мавжуд. Мис концентратларини ташиб қуладай бўлиб уни истеъмол минтақаларига олиб кетилади. Шунингдек, қора мис шаклида ҳам олиб кетилади. 25% эритилаётган мис иккинчи металдан олинмоқда. Буюк Британия, Франция, ГФР ва Бельгия мис эритиши саноати иккинчи металлга асосланган.

Қора ва оқ мис эритиши бўйича АҚШ, Чили, Япония оддинги ўринда туради. Чилида қазилган руданинг бир қисми концентрат ва қора мис ҳолида АҚШ га олиб кетилади.

Японияда эритилаётган миснинг 30 фоизи ички ресурслар ҳисобига қолланади, 2/3 қисми концентрат ҳолида Япония заводларига АҚШ Янги Гвинея ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатларидан келтирилади. Африка – Европа мамлакатларининг, Лотин Америкаси – АҚШ, Тинч океани (Папуа ва Филиппин) Япония, Россия ва Қозогистон, Европа мамлакатлари ва Хитой алюминий заводларини хом – ашё билан таъминлайди.

Рух, қўргошин ва қалай бозорлари ўз мавқеини йўқотиши оқибатида янги қўргошин – рух корхоналари кам қурилмоқда. Айни вақтда, «янги» металлар – магний ва титанга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Магний ҳамма металлардан ошиб тушмоқда. Бугунги кунда магнийни учта мамлакат – денгиз сувларидан АҚШ ва Норвегия, калий чиқиндиларидан Россия олмоқда, титан ҳам шундай ишлаб чиқарилмоқда.

Дунё бўйича 70 турга яқин рангли металлар эритилмоқда. Аммо 4 та мамлакат – АҚШ, Россия, Япония ва ГФР тўла рангли металлар эритиш салоҳиятига эга. Бошқа барча мамлакатлар рангли металларнинг айрим турларини ишлаб чиқарадилар, холос.

## **8.6. Машинасозлик саноати мажмуаси**

Машинасозлик – саноатнинг бош соҳаси, «зарбдор учлик»нинг марказий тармоғидир. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар саноат маҳсулоти қийматининг 35–38% ва меҳнатда бандларнинг 34–36% машинасозлик мажмуаси ҳиссасига тўғри келади. Ривожланаётган мамлакатларда эса бу ҳисса 15–20% ни ташкил қиласди.

Машинасозлик саноатининг умумий қиймати бўйича биринчи ўринда АҚШ, иккинчи ўринда – Япония ва учинчи ўринда ГФР (Фарбий Европа машинасозлик саноати лидери) туради. Сўнгра, Хитой, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада, Бразилия ва Испания дунё бўйича ўнликка кирувчи йирик машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлардир. Қолган барча мамлакатларга 10% дан камроқ машинасозлик маҳсулотлари қиймати тўғри келади. (СССР – машинасозлик маҳсулотлари қийматини ҳисоблаш методикаси бўйича дунёда 2 – ўринда турган. Машинасозлик саноати корхоналарининг бир қисми – Украина, Белорус, Болтиқ бўйи мамлакатлари ҳудудида бўлишига қарамай Россия асосий ишлаб чиқариш базасини ва юқори илмий – техник

салоҳиятини сақлаб қолди). АҚШ, Япония, ГФР машинасозлик маҳсулотлари тўла номенклатурасини ишлаб чиқарувчи мамлакатлардир. Буюк Британия, Франция, Италия ва Канада нисбатан озроқ машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарса, Хитой – содда машинасозлик маҳсулотлари (велосипед) экспорт қилувчи мамлакат ва йилдан – йилга машинасозлик маҳсулотлари кенгайиб ва мураккаблашиб бормоқда. Россия – халқаро бозорда ҳали ўз ўрнини топа олмаган бўлсада, жуда катта имкониятларга (ҳарбий – саноат мажмуаси ва ядро космик саноат) эгадир.

Машинасозлик саноати маҳсулотларини экспорт қилувчи биринчи гуруҳ мамлакатлари (АҚШ, Фарбий Европа ва Япония) юксак технология ва сифатга асосланган бўлса (айни вақтда хилма – хил технология ва жиҳозларни импорт ҳам қиласди), иккинчи гуруҳ экспорт мамлакатлари (Жанубий Корея, Гонконг, Сингапур) арzon меҳнатга асосланган юқори рақобатбардош маҳсулотлар (айниқса электро ва радиотехника маҳсулотлари) ишлаб чиқаришга ихтинослашмоқда.

Бу гуруҳлардан ташқари машинасозлик ички бозор кўйламларига асосланган ҳолда Хитой, Бразилия ва Ҳиндистонда ривожланмоқда. Лотин Америкаси, Осиё ва Африканинг кўпгина мамлакатлари машинасозлик маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларини импорт ҳисобига қондирадилар.

Россия ва бошқа МДҲ мамлакатлари, Шарқий Европа давлатлари ўзларининг хўжалик тузилмаларини тузиш, мавжуд машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуасини халқаро бозор талабларига мослаш ҳамда замонавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлидан бормоқдалар. Машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуасида халқаро трансмиллий корпорациялар билан алоқалар тез ривожланиб бормоқда.

Машинасозлик саноати тармоқ таркибида умумий машинасозлик, электротехника (электроника), транспорт машинасозлиги етакчи мавқега эга. 90 – йиллар бошларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида умумий машинасозлик ҳиссаси қисқарди. Бунинг сабаби қишлоқ хўжалиги машиналари, тўқимачилик жиҳозларига бўлган эҳтиёжнинг озайиши бўлса, йўл – қурилиш машиналари ва янги ишлаб чиқариш – робототехника, идора жиҳозлари ва бошқ. йўналишлар тез ривожланди.

Умумий машинасозлик турли классификацияларга кўра 300 дан 360 га қадар асосий ишлаб чиқариш

йўналишларидан иборат. Жумладан, станоксозлик, ишлаб чиқариш жиҳозлари (металлургия, төғ-кон, энергетика блоклари ва бошқ.), қишлоқ хўжалик машиналари, йўл-қурилиш жиҳозлари, двигателлар, насослар, полиграфия жиҳозлари ва бошқ. Умумий машинасозлик тармоқлари системали тарзда унинг сермеҳнат турлари ривожланаётган мамлакатларга силжимоқда. Бунга кемасозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва йўл-қурилиш машиналари ишлаб чиқариш тармоқлари киради.

Станоксозлик деярли озчилик мамлакатларда жойлашган. Ҳалқаро бозорга Япония ва Германия, сўнгра АҚШ, Италия ва Швейцария станоклар чиқарадиган асосий мамлакатлардир. Хитой станоклар ишлаб чиқариш бўйича 5—ўринда турсада, фақат 10% маҳсулотини четга чиқаради. (6—жадвал).

#### 6-жадвал

#### Дунё мамлакатларида станоклар ишлаб чиқариш

ва уни экспорт қилиш.

1993 йил. (млн. АҚШ долл.)

№	Мамлакатлар	ишлаб чиқариш	экспорт	ҳалқаро саводдаги ўрни % ҳисобида.
1.	Япония	7150	3600	20
2.	Германия	5150	3330	18
3.	АҚШ	3300	1100	6
4.	Италия	2400	1400	8
5.	Хитой	1750	200	1
6.	Швейцария	1350	1200	7
7.	Тайван	1000	690	3,5
8.	Буюк Британия	950	450	2,5
9.	Корея Республикаси	630	110	0,5
10.	Франция	620	200	1

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ривожланаётган мамлакатларда тез ривожланиб бормоқда. Бу мамлакатлар ҳиссасига дунё бўйича қишлоқ хўжалиги машиналарининг 40%, тракторлар ишлаб чиқаришнинг 30% тўғри келади. Айни вақтда, иқтисодий ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги машинасозлиги билан ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ўртасида фарқ кучли. Ривожланаётган мамлакатлар фермерлар учун комплекс жиҳозлар ҳамда дәхқончилик учун қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Юксак

технологияга асосланған қишлоқ хұжалиги техникаси ишлаб чиқариш іқтисодий ривожланған мамлакатлардадыр.

Оғир машинасозлик асосан (барча номенклатурадаги) АҚШ, Япония, ГФР да өзегараланған ҳолда Буюк Британия, сүнгра Хитой, Финляндияда (қоғоз саноати жиҳозлари), Австралияда (металлургия саноати жиҳозлари), Швейцария, Бельгия, Нидерландия, Франция ва Италия (ички бозор учун) мамлакатларыда ривожланған. Умумий машинасозлик маңсулотларини жаһон бозорига ГФР, АҚШ ва Япония чиқаради. Ривожланаёттан мамлакатлардан Бразилия ва Ҳиндистонда оғир машинасозлик тез ривожланмоқда.

**Электротехника ва электроника.** Электроника – электротехника тармоғыдан ажралиб чиқиб, мустақил соңа бўлишига қарамай электротехника ва электроника жиҳозларини битта корхона ва фирмаларда ишлаб чиқарилмоқда. Кўпгина мамлакатлар статистикасида ягона тармоқ сифатида қаралсада электротехника электроникага нисбатан «камбағал»роқдир. Электротехникада саноат ишлаб чиқариш цикли ва технологияси жиҳатидан жиiddий фарқ қуловчи икки тур – катта серияларда миллионлаб тиражда майший электрожиҳозлар ишлаб чиқариш ва халқаро бозор учун жуда оз, алоҳида, заводларда генераторлар ва саноат электрожиҳозлари яратиш мавжуд. АҚШ (Питсбургда «Вестингаузэлектрик», Нью – Йоркда – «Эддисон» ва бошқ.), Гарбий Европадаги (Манчестрда – «Метро Виккерс», Баденда «Барун – Бровери», Нюренбергда – «Сименс», Нидерландияда – «Филипс» ва бошқ.) фирмалар етакчи ўрин тутади. Электротехника саноати корхоналари илмий – тадқиқот марказлари яқинида жойлашган бўлиб, ўзига хос «илмий парк»лардан (АҚШда Стенфорд университети яқинида (Калифорния), Гарбий Европа ва Японияда) иборат.

Электрон саноати иккита кичик тармоқлардан – ҳарбий – саноат электроникаси ва майший электроникадан иборат. Биринчи тармоқда АҚШ, Россия, сүнгра Япония ва Европа мамлакатларининг роли катта. Майший электроника Япония, Шарқий ва Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатларыда ривожланған. АҚШда ҳарбий – саноат ва майший электроника жиҳозлари ишлаб чиқариш нисбати 10:1 ни ташкил қилгани ҳолда Японияда майший электроника ҳиссаси тармоқ маңсулот ишлаб чиқаришида 80% ни ташкил қиласи. АҚШ Япониядан 15 – 20 млрд. дол. атрофида майший электроника жиҳозларини импорт қиласи. Янги индустрىал мамлакатлар ўртасида майший электроника жиҳозлари ишлаб чиқаришда

Сингапур, Корея Республикаси, Тайван ва Малайзия алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда дунё бўйича ЭХМ ишлаб чиқариш 1 млн.дан ортид. Йилига 60 мингдан ортиқ саноат роботлари ишлаб чиқарилмоқда. (Япония, АҚШ).

Транспорт машинасозлиги – машинасозликнинг энг асосий тармоқларидан бири. Транспорт машинасозлиги таркибида автомобилсозлик, самолётсозлик, кемасозлик ва кейинги йилларда авиакосмик саноат муҳим ўрин тутади. Автомобилсозлик асосан тўртта миintaқада – Япония, АҚШ ва Канада, ЕХ ва Россияда ривожланган бўлиб аста – секин бу тармоқ Бразилия, Аргентина, Корея Республикаси, Хитой ва Ўзбекистонда ривожланмоқда. Автомобилсозлиқда учта макромиintaқани – Европа (16 млн. дона), Япония – Корея Республикаси билан (13,1 млн.дона), АҚШ ва Канада (11,4 млн.дона) ажратиш мумкин. Бундан ташқари Жанубий Америка (Бразилия ва Аргентина 2,5 млн. дона), Россия ва Шарқий Европа (2,2 млн.дона) мамлакатлари ҳамда Хитой (1,0 млн.дона), Малайзия (300 минг дона) автомобиллар ишлаб чиқаради ва бошқа кўпгина мамлакатларда автомобиль йигув заводлари мавжуд. (7 – жадвал).

Машинасозлик саноати кучли суръатда монополлашганлиги билан ажralиб туради. АҚШда З та компания ҳиссасига («Дженерал моторс», «Форд Мотор» ва «Крайслер») бутун мамлакатда ишлаб чиқарилётган автомобилларнинг 85% тўғри келади. Буюк Британияда эса «Виккерс», ГФР да – «Мерседес – Бенц», «БМВ», «Фолъксваген», Японияда «Мицибуси», «Тойота», Италияда «Фиат» Корея Республикасида «ДЭУ корпорейшен» каби компания ва фирмалар на фақат шу мамлакатлардаги машинасозлик саноати корхоналарини назорат қилибгина қолмай, балки бошқа мамлакатларда ҳам машинасозлик корхоналарига эгадир. Жумладан, АҚШдаги «Форд Мотор» компанияси ГФР, Буюк Британия ва Италиядаги бир қатор автомобиль корхоналарини ҳам назорат қилади ва Швециядаги «Вольво» компанияси билан бирлашди. Фарбий Европа мамлакатларида чиқарилаётган  $\frac{1}{3}$  қисм автомобилларни назорат қилмоқда. Японияда 11 та фирма қўлида мамлакат саноати тўпланган.

**Дүнё мамлакатларида автомобиллар ишлаб чиқариш  
(1995 йил млн.дона)**

№	Мамлакатлар ва миңтақалар	Жами	Шундан	
			енгил автомобиллар	юк ва автобуслар
1.	Япония	11,5	8,4	3,1
2.	АҚШ	9,5	5,6	3,9
3.	ГФР	5,2	4,4	0,8
4.	Франция	3,7	3,3	0,4
5.	Испания	2,1	1,8	0,3
6.	Канада	1,9	1,0	0,9
7.	Италия	1,7	1,5	0,2
8.	Корея Республикаси	1,6	1,2	0,4
9.	Буюк Британия	1,5	1,3	0,2
10.	Швеция	0,4	0,3	0,1
11.	Россия ва Шарқий Европа	2,2	1,4	0,8
12.	Лотин Америкаси	2,4	1,8	0,6

Бозор иқтисодиётiga ўтаётган мамлакатларда автомобилсозлик Россияда (1,0 млн. дона), Польша, Чехия, Руминия, Венгрия ва Ўзбекистонда ривожланмоқда. Йилига жаҳон мамлакатлари бўйича 40–42 млн.дона автомобиль ишлаб чиқарилади.

Дунё хўжалигида (йилига 7 минг дона тепловоз ва электровозлар ишлаб чиқарилади) 60% локомотивлар, темир йўл вагонлари иқтисодий ривожланган мамлакатларга (Франция, ГФР, Япония ва Буюк Британия, Ҳиндистон, Бразилия) ҳамда 40% бозор иқтисодиётта ўтаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Дунё кемасозлигида (35 млн. бр – рег.т.) Япония алоҳида ўрин тутади (дунё бўйича 50% чиқарилаётган кемалар тўғри келади). Шунингдек, кемасозлик АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Франция, Швеция, Италия, Норвегия, Нидерландия, Перу, Ҳиндистон каби давлатларда, Россия ва Польшада ривожланган.

90-йилларда Корея Республикаси кемалар ишлаб чиқариш бўйича Япониядан ўтиб кетди. Кўзга кўринган ўринни Тайван, Бразилия эгалламоқда.

Кемасозлик ривожланган классик мамлакатлар – Буюк Британия, Нидерландия, ГФР, АҚШда кемалар ишлаб чиқаришдан уларни ремонт қилишга ўтдилар (80-йилларда) ва фуқаро кемасозлиги ўрнини ҳарбий кемасозлик эгалламоқда. 80-йилларда кемасозлиқда асосий эътибор маҳсус юкларни кўтаришга мўлжалланган танкерлар

қурилишига қаратылған бўлса, эндилиқда янги йўналиш – контейнерлар ташишга мўлжалланган кемалар, яъни юкларни тўғридан – тўғри юклаш, ташиш ва тушириш имкониятини берувчи (темир йўл – денгиз, дарё – денгиз) йўллари ҳамда Р<sub>0</sub> – Р<sub>0</sub> типидаги («Роллон – Ролл – офф») кемалар қуришга эътибор кучли.

Машинасозлик саноати тармоқлари ўртасида давлат саноат сиёсатининг марказий бўғинини ташкил этувчи авиаракета ва космик саноат (APKC) алоҳида ўрин тутмоқда. Бу тармоқ истиқболда ҳам на фақат машинасозлиқда, балки бутун гарб мамлакатлари иқтисодиётида базис технологияни (микроэлектроника ва APKC) етказиб беришдә етакчи рол уйновчи тармоқ сифатида қаралмоқда.

Давлат бу тармоқни тартиблашда икки йўл – инновацион жараёнларни рағбатлантириш ва протекционизм тадбирларини қўллаш орқали фирмаларни ички ва ташқи бозордаги рақобатларини енгиллаштирмоқда.

Бугунги кунда ишлов берувчи саноатда илмий – тадқиқот ва тажриба – конструкторлик бюrolарига сарфланаётган давлат харажатларининг асосий қисми яъни APKC ва электротехника (радиоэлектроника) саноати тармоқларига мос равищда АҚШ да – 44 – 28%, Японияда – 28% (электротехника), Германияда – 47 ва 29%, Францияда – 50 – 43%, Буюк Британияда – 45 – 40%, Италияда – 30% (ҳар бир тармоққа) сарфланмоқда.

АҚШда машинасозлик саноатида илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик бюrolари харажатларининг 60% APKC га (75% тармоқдаги мақсади харажатлар) сарфланмоқда – ки, бу кўпроқ ҳарбий буюртма билан боғлиқ бўлиб, йирик ихтисослашган фирмалар томонидан амалга оширилмоқда. АҚШ, Европа ҳамжамияти ва Японияда APKC ва микроэлектроникани ривожлантиришнинг истиқболи дастурлари («АЭРОБУС» фуқаро авиацияси учун A 300/250 ўринли, 1972 йил модели) ва A 300/750 ўринли, 10000 км.га учувчи Осиё йўналишига мос модел ва бошқ.), «Эврика» (3,8 млрд экю) RACE (1985 – 1995 йиллар замонавий алоқа воситалари бўйича) ва бошқа кўпилаб давлат концепциялари амалга оширилмоқда.

АҚШ ва Россия дунёдаги йирик авиакосмик саноатга эга. Шунингдек, Франция ва Буюк Британия, сўнгра Германия ва Нидерландияда («Фоккер» фирмаси) ҳам авиация саноати ривожланган. Авиация саноатида «Боинг» фирмаси (АҚШ –

Сиэтл), Фарбий Европада (Тулуса «Конкорд»), Россияда йирик самолётсозлик корхоналари мавжуд.

Үмуман, халқаро меңнат тақсимоти, ихтисослашув ва кооперацияни ҳисобга олган ҳолда дунё мамлакатларида машинасозлик саноати ривожланганлик даражаси бўйича қўйидаги гуруҳлар шакланди.

1. Машинасозлик саноати маҳсулотларини тўла номенклатурада ишлаб чиқарувчи – АҚШ, ГФР, Япония ва Россия мамлакатлари.
2. Тармоқда унчалик аҳамиятли бўлмаган турлардан ташқари тўла номенклатурада машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлар – Буюк Британия, шартли равища Италия.
3. Унчалик тўла бўлмаган машинасозлик тармоқлари ривожланган мамлакатлар – Франция, Хитой, шартли равища Испания ва Чехия.
4. Машинасозлик маҳсулотлари катта қисмини четдан келтирувчи, аммо айрим тармоқлар юқори даражада ривожланган, машиналар бўйича ижобий савдо балансига эга мамлакатлар – Швейцария, Швеция, Корея Республикаси, Тайвань, Сингапур.
5. Йимпортга қарам, машинасозликнинг айрим кичик тармоқлари юқори даражада ривожланган, импорт қийматида маҳсулот қиймати 2/3 ташкил қилувчи мамлакатлар – Нидерландия, Бельгия, Дания, Австралия, Венгрия, шартли равища Малайзия, қандайдир даражада Польша, Руминия ва Болгарияни киритиш мумкин.
6. Йирик ишлаб чиқариш кўламига эга, аммо ишлаб чиқариш таркибида айрим оралиқ мавжуд машиналар экспорт қиймати импортнинг ярмини қопловчи мамлакатлар Канада, Бразилия, Мексика ва Ҳиндистон.
7. Ишлаб чиқариш умумий кўлами юқори бўлсада, савдо баланси кескин манфий бўлган мамлакатлар – Австралия, ЖАР ва Аргентина.
8. Машинасозликнинг айрим турлари тор ихтисослашган ва экспортга йуналтирилган алоҳида тармоқлар ривожланган мамлакатлар – Финляндия, Норвегия, Исландия, Греция ва Португалия, Пуэрто – Рико ва Лотин Америкасидаги компаниялар филиаллари, учинчи дунёning айрим мамлакатлари (Маврикий – чўнтак радиоприёмниклари ишлаб чиқариш).

Машинасозлик ривожланган бўлсада ички эҳтиёжларни қондира олмайдиган мамлакатлар – Туркия, Эрон, Миср.

10. Машинасозлик                    энди – энди                    (шакланаётган) ривожланаётган мамлакатлар – Нигерия ва бошқалар.
11. Таъмир ва йиғиш корхоналари мавжуд мамлакатлар – Эфиопия, Камбоджа ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар.

### **8.7. Кимё саноати**

Жуда мураккаб табақалашган тармоқ таркибиға әгадир. Шунинг учун ҳам кимё саноати тармоқларини ягона жойлашиш қонуниятлари асосида умумлаштириш жуда қийин. Кимё саноати иқтисодиёт ва аҳолининг дори – дармоналарга бўлган хилма – хил эҳтиёжларини қондиради. Кимё саноатнинг хом – ашё ва химикатларга, қишлоқ хўжалигини – минерал ўғитларга ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларга қарши ишлатиладиган воситаларга бўлган талабини қондиришдан ташқари турмушда ҳам жуда кенг қўлланимoqueда. Кимё саноатининг янги хом – ашёси – синтетик сунъий маҳсулотлар табиий маҳсулотлар ўринини босмоқда, қурилиш ва қадоқловчи маҳсулотларни етказиб бермоқда. Кимё саноати ҳарбий йўналишга ҳам әгадир.

Кимё саноати тармоқлари ўртасида бош ролни нефт газ хом – ашёси асосидаги органик синтез кимёси ўйнамоқда. Ноорганик кимё иккинчи ўринга тушиб қолди ёки кимё саноати маҳсулотлари қийматининг 10 – 25%ни ташкил қилмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатлarda тобора кўпроқ «ilm талаб» тармоқлар – фармацевтика, заҳарли химикатлар ишлаб чиқариш ўрин эгалламоқда, ривожланаётган мамлакатлarda ўғитлар, органик маҳсулотлар, пластмасса ва толалар ишлаб чиқарилмоқда.

АҚШ дунё мамлакатлари ўртасида кенг номенклатурада илмий – тадқиқот ишлари билан боғлиқ янги техник жиҳатдан мураккаб юқори эҳтиёж мавжуд тармоқлар ривожланганлиги билан ажralиб туради. 90 – йилларнинг бошларида дунё кимё саноати маҳсулотининг 20% ва ҳалқаро экспортнинг 15% АҚШ ҳиссасига тўғри келди. Фарбий Европа мамлакатлари 23 – 24% кимё саноати маҳсулотларини (ГФР энг кимёлашган мамлакат бўлиб, АҚШ билан тенг кимё саноати маҳсулотини экспорт қиласди) ишлаб чиқармоқда ва экспорт қилмоқда. Японияга 15% дунё кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорти тўғри келади.

Дунёда тўртингчи кимё саноати ривожланган район Форс кўрфази миңтақасида шаклланди. Нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар – Саудия Арабистони, БАА, Қувайт,

Эрон ва Баҳрайн мамлакатлари органик синтез маҳсулотлари ва ўғитлар ишлаб чиқармоқда ва экспорт қилмоқда. Хом – ашё сифатида арzon табиий газдан фойдаланилмоқда. Бу минтақа кимё саноати маҳсулотининг 5–7% ини бермоқда.

Юқоридаги тўртта кимё саноати ривожланган минтақадан ташқари Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларида, Шарқий Европа давлатларида кимё саноати корхоналари мавжуд. Россия дунё кимё саноати маҳсулотининг 3–4%ини бермоқда. Хитой кимё саноатини жадал ривожлантириб ва унинг маҳсулоти сифатини оширмоқда. Минерал ўғитлар, пластмасса ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, Ҳиндистон, Бразилия ва бошқа ривожланаётган мамлакатлarda ҳам кимё саноати тез ривожланиб бормоқда.

Шарқий ва Жануби – Шарқий Осиё мамлакатлари, айниқса Корея Республикасида кимё саноати тармоқлари тез ривожланмоқда.

1970 – йиллардан бошлаб кимё саноати жойлашишида энергетика инқизозга боғлиқ ҳолда ўзгаришлар юз берди. Кимё саноати, айниқса, ўғитлар ишлаб чиқариш (нефт кимё) Фарбий Европа мамлакатларидан (азотли ўғитлар) ривожланаётган мамлакатларга кучди. Япония фирмалари нефт – кимё заводларини арzon нефт – газ хом – ашёси районларига қурдилар. Натижада, дунёдаги энг арzon метанол Оловли ердан Японияга келтирилади. Япониянинг ўзида метанол ишлаб чиқариши тутатилди ва мамлакатда ишлаб чиқарилган метанолга нисбатан нархи 2 баробар оз қийматга эга маҳсулот импорт қилинмоқда.

Натижада, кимё саноати жойлашишида уч асосли модел: Шимолий Америкада хом – ашё, энергия ва сув ресурслари асосида (мехнат қиймати, сотиш бозорлари ва ИТТКБ<sup>1</sup> иккинчи даражали омил бўлиб қолди); Японияда хом – ашё омили; Фарбий Европада хом – ашё, энергия ва сув ресурсларига боғлиқ йўналиш асосий рол ўйнамоқда.

Юқоридаги омиллар асосида АҚШ нефть кимё саноати корхоналари Жанубда – Хьюстон районида тўпланди. «Доу – Кемикал» фирмаси дунёдаги энг йирик нефть кимё саноати корхонасидир. Нозик кимё саноати корхоналари Нью – Йорқда (фармацевтика ва нозик кимё), Фарбда (Лос – Анджелес ва Сан – Франциско агломерацияларида)

<sup>1</sup> ИТТКБ – Илмий – тадқиқот ва тажриба – конструкторлик бюоролари

жойлашган. Канада кимё саноати корхоналари АҚШ учун ишлайды (калийлы тузлар).

Фарбий Европа мамлакатларидаги интеграция жараёни кимё саноати корхоналарининг жойлашишини сезиларли дарајада ўзгартирди. Хўжаликни дengизга томон умумий силжиши фонида нефть хом—ашёси асосида Рейн—Шелдъ қўйи қисмида «Техас—Европа» (Роттердам—Антверпен) дунёдаги кўлами жиҳатидан энг йирик комбинатлардан бири қад кўтарди. Бу корхона Рур заводларидан ташқари, қўшни районлар ва Италия заводларини ярим фабрикат маҳсулотлар билан таъминлайди.

Нисбатан кичикрок кўламда Жанубий Италия райони (Сицилия—Сардиния—Апеннин ярим ороли жануби) ярим фабрикат маҳсулотлар билан мамлакат жануби, Алъп мамлакатлари ва ҳатто ГФР жанубини таъминлайди.

Фарбий Европа ўзининг анъанавий аҳамиятини сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш инфратузилмалари ривожланган эски районлarda янги ишлаб чиқариш тизимлари шаклланмоқда. Чунончи, ГФРдаги Людвигсхавен кимё комбинати на фақат Фарбий Европада, балки дунёдаги иккинчи комбинатdir. Шунингдек, ГФРда Гамбургдаги Америка «Доу Кемикл» фирмасидан ташқари Кил каналига кираверишдаги Хайде шаҳрида «Басф» фирмаси заводи юзага келди. Буюк Британияда Уилтан—Биллингем саноат тутунидан ташқари Ардир (Шотландия жануби), Шимолий Ирландия, Инвергардон (Шотландия), Францияда Гавр ва Марседда кимё саноати корхоналари муҳим ўрин тутади.

Япония кимё саноати Тинч океани қирғоқ бўйидаги бўш ҳудудларни ўзлаштириш орқали Нагоя ва Осакадан Симоносекига қадар, шунингдек, Кита Кюсю ва Синоку оролига қадар, Япония дengизи соҳил бўйида Ниигата дан Цирутига қадар жойлашган. Тинч океани соҳил бўйидаги экологик муаммолар мамлакат кимё саноатини бошқа ҳудудларга кўчиришни тақозо қилмоқда.

Форс кўрфазида шаклланган кимё саноати корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича (Саудия Арабистони, БАА, Қувайт, Эрон) ва Баҳрайн дунёда Техасдан (АҚШ) сўнг иккинчи ўринга чиқди ва маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилгандир. Айни вақтда ривожланаётган мамлакатлардан бир гуруҳида (Хиндистон, Бразилия ва бошқ.) турли дори—дармонлар ишлаб чиқаришдан иборат фармацевтика саноати тез ривожланмоқда.

Кимё саноати халқаро савдосида АҚШ, Фарбий Европа, Япония, Россия йирик экспорт мамлакатлари сифатида етакчи ўрин тутса, 80 – йиллардан бошлаб нефт кимё саноати маҳсулотлари экспортида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг фаол иштироки бошлианди. Юқоридаги ҳудудларда сертармоқ кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг «қуий қаватлари» ва «юқори қаватлари» жадал ривожланмоқда.

### **8.8. Енгил, ўрмон-целлюлоза ва озиқ-овқат саноатининг тармоқ таркиби ва ривожланиш жараёнлари**

Енгил саноат деярли барча саноати ривожланган мамлакатларда индустрлаштириш жараёнида «бойроқ» бўлган тармоқdir. Кейинги йилларда деярли учинчи дунё мамлакатларида жадал ривожланмоқда. Енгил саноат тармоқларида ҳамон арzon ва кам малакали ишчи кучи асосий ўрин тутади, унинг айрим тармоқларида юқори технология муваффақиятли қўлланилмоқда. Айни вақтда, асосан арzon ишчи кучи ва янги саноат номенклатурасини тез ўзгарувчанлиги бу тармоқни ривожланаётган мамлакатларга силжиши учун бош омил бўлмоқда. Натижада, на фақат тўқимачилик ишлаб чиқариши (Хитой, ривожланаётган мамлакатлар, янги индустрисал мамлакатлар) ривожланаётган мамлакатларга, балки пойабзал саноати ҳам (АҚШда – бу тармоқ енгил саноат бешиги бўлган) янги пойабзал саноати «кит» лари (Корея Республикаси, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва Веътнам) бўлган мамлакатларга йуналмоқда.

Саноати ривожланган мамлакатларда эса «қимматбаҳо» ишлаб чиқариш тармоқлари – трикотаж (газламадан ташқари), гилам, муйна маҳсулотлари ишлаб чиқариш, «юқори мода уйлари» сақланиб қолган. (бунга Хитойга ўхшаган гарб андозасида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кирмайди). Айни вақтда заргарлик саноати, ўйинчоқлар ва спорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш мұхим ўрин тутмоқда. Шунингдек, мўйна саноати (асосан иккى мамлакат АҚШ ва ГФР тўпланган) ҳам ривожланаётган мамлакатларга силжимоқда. Майший маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг намуналари, эталонлари ва лойиҳа ҳужжатлари иқтисодий ривожланган мамлакатларда қолгани ҳолда бу тармоқ ҳам ривожланаётган мамлакатларга силжимоқда.

Енгил саноат сертармоқ бўлиб, у бош тармоқ – трикотаж ва пойабзал тармоқларидан тортиб ўнлаб шаҳарларининг «қасб – кори»га айланган «кам аҳамиятли»

бўлиб кўринган заргарлик, кулолчилик, ўйинчоқлар ишлаб чиқариш, гулчилик каби соҳалардан иборатdir.

Енгил саноат асосан тўқимачилик (трикотаж тармоғи ҳам), тикувчилик ва пойабзал тармоқларидан иборат.

**Тўқимачилик саноати.** – Бу тармоқ учта ишлаб чиқариш типларидан (турли сунъий толалардан иборат аралаш газламалар, ип – газлама, сунъий толалардан иборат трикотаж) иборат. Анъанавий жун, каноп газламаларининг аҳамияти камайиб кетди ва дунё газламалар ишлаб чиқаришнинг 10% тўғри келади, холос. Сунъий толалардан (табиий толалар ҳам аралашган) газламалар ишлаб чиқариш йилига 3 млрд.м.ни ташкил қиласди. Трикотаж газлама ва унинг маҳсулотлари 30 млрд.м. атрофида. Бундан ташқари, кўлда тўқиладиган Ҳиндистон газламаси – сари 5 – 6 млрд.м. ишлаб чиқарилади ва қисман экспорт ҳам қилинади.

Асосий аралаш газламалар ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда АҚШ (10 млрд.м.) туради ва ўз ўрнини секин – аста Хитой ва Ҳиндистонга бўшатиб бермоқда. Иккинчи ўринда Ҳиндистон (4 млрд.м.) ва шунга яқин Япония, Хитой, Корея Республикаси ва Тайвань туради (қолган мамлакатлар йилига 2 млрд.м.дан оз газлама ишлаб чиқаради).

Ип – газлама ишлаб чиқариш бўйича Хитой ва Ҳиндистон (7 – 9 млрд.м.), сўнгра АҚШ (5 млрд.м.), Япония, Италия, Тайвань ва Миср (1,5 – 2 млрд.м) мамлакатлари етакчи ўрин тутади. Бир вақтлар Буюк Британия йирик ип – газлама ишлаб чиқарувчи мамлакат бўлган бўлса, ҳозир 300 млн.м. ип – газлама ишлаб чиқармоқда ва ўз ўрнини Португалияга бўшатиб бермоқда. Ривожланётган мамлакатлар (Покистон, Гонконг ва бошқ.) дунёдаги ип – газлама ишлаб чиқаришнинг 50% ини бермоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда (Италиядан ташқари) ўз ўрнини ривожланётган мамлакатларга (50% дунё бўйича ишлаб чиқариш) бўшатмоқда.

Россия тўқимачилик саноати фоят мураккаб жараёнларни бошидан кечирмоқда. Мураккаб иқтисодий ҳолат бу тармоқда ишлаб чиқаришни кескин пасайиб кетишига олиб келди.

**Жун – газламалар** ишлаб чиқариш Фарбий Европа, АҚШ, Япония, Хитойда ривожланган бўлиб йилига 1,5 – 2 млрд.м. тайёрланади. Каноп газламалар ишлаб чиқариш Россия, Франция, Бельгия, Нидерландия, Буюк Британия, жун маҳсулотлари Ҳиндистон ва Бангладешда ривожланган.

Табиий шойи газламалар ишлаб чиқариш кейинги 20 йилда бир оз тикланди ва Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Италия каби мамлакатларда ривожланган. Турли мамлакатлар учун қимматбаҳо ва ҳунармандчилик – бадиий газламалар ишлаб чиқариш ҳам хос (сари – Ҳиндистон, беқасам ва хонатлас – Ўзбекистон ва бошқалар).

**Тикувчилик саноати** арzon меҳнатга асосланган ҳолда ривожланаётган мамлакатларга силжимоқда. Шунга қарамай, йирик тикувчилик саноати марказлари Нью – Йорк (дунёдаги энг йирик тикувчилик саноати маркази), Париж ва Рим «мода марказлари» бўлса, индустрисал мамлакатларда юксак технологияга асосланган дунё бўйича тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишини белгиловчи мода кийимлари тикиш сақланиб қолди. Деярли барча мамлакатларда тикувчилик саноати ривожланган бўлишига қарамай, иқтисодий ривожланган мамлакатлар – «элита» маҳсулотлари, ривожланаётган мамлакатлар «оммавий» маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқдалар.

**Пойабзal санoати** ҳам енгил саноат тармоқлари каби ривожланаётган мамлакатларга силжимоқда ва бу жараён ҳам арzon ишчи кучи билан боғлиқдир. Бу жараён бутунги кунда ҳам давом этмоқда ва мутахассисларнинг таъкидлашича янги пойабзal ишлаб чиқарувчи мамлакатлар (Вьетнам сингари) юзага келиши мумкин. Агар, дунё бўйича 90 – йилларининг бошларида АҚШ ва Италия етакчи ўринни эгаллаган бўлса, XXI аср бошларида Шарқий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларига дунё бўйича пойафзал ишлаб чиқаришнинг 60%и, Фарбий Европа мамлакатларига – 11%и, Жанубий Америка мамлакатларига 7%и, АҚШга – 6%и тўғри келди.

Бутунги кунда йирик пойабзal ишлаб чиқарувчи мамлакатлар МДҲ давлатлари, Корея Республикаси, Италия, Тайвань, Япония, Индонезия, Вьетнам, Таиланд ва АҚШ дир. Пойабзal саноатида модани белгиловчilar ва дунё пойабзal саноати корхоналарига етказиб берувчилар Италия ва Австрия фирмалари бўлиб қолмоқда. Умуман, енгил саноатда оммавий ишлаб чиқариш турлари ривожланаётган мамлакатларда ва «элитар» ишлаб чиқариш турлари иқтисодий ривожланган мамлакатларда ривожланмоқда.

**Ўрмон-Целлюлоза саноати**. Дунё бўйича ёғоч миқдори 360 млрд.м<sup>3</sup> деб баҳоланган. Йиллик кўпайиши – 3,3 млрд.м<sup>3</sup>. 90 – йилларнинг – бошларидаёқ ёғоч тайёрлаш, ўрмонларни кўпайтириш билан бир хил даражага етди. Дунё хўжалигига ўрмон саноати (целлюлоза – қофоз саноати ҳам) иқтисодий ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Канада,

Финляндия, Россияда жойлашган. Юқоридаги мамлакаттар айни вақтда ўрмон саноати маҳсулотларини экспорт қилувчи асосий мамлакатлар ҳам ҳисобланади. Айниқса, Финландия ва Канада экспортида қоғоз алоҳида ўрин тутади.

Лотин Америкаси мамлакатларидан Бразилия, Осиёда – Индонезия, Малайзия, Африкада Буркино – Фасо, Габон каби ўрмон ресурсларига бой давлатлар ҳам ёғоч тайёрлайди (дунё бўйича тайёрланадиган ёғочнинг 10% тўғри келади) ва кўплаб экспорт қиласди. Бу мамлакатлар истиқболда целлюлоза саноатини ривожлантириш имкониятига эгадир.

Ўрмон саноати: а) ёғоч тайёрлаш (дараҳт кесиш, уни транспорт магистралларига олиб чиқиш, қайта ишлаш марказларига етказиб бериш); б) ёғочга механик ишлов бериш (тахта тилиш ва ёғочсозлик – енгил – ёғоч – тахта, фанер, гутурт, идиш, мебель ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш); в) ёғочга кимёвий ишлов бериш (ўрмон – кимё – яъни целлюлоза, қоғоз, картон, сквилидар, канифол ва бошқа хилма – хил маҳсулотлар) тармоқларидан иборат. Ўрмон саноати тармоқларининг жойлашиши хусусияти ҳом – ашё ва истеъмол районлари билан боғлиқдир:

Целлюлоза – қоғоз саноати деярли иқтисодий ривожланган мамлакатлар АҚШ, Канада, Финляндия, Россия, Болтиқ бўйи давлатлари, Украинада жойлашгандир. Россиядаги энг йирик целлюлоза – қоғоз комбинатлари – Красноярск, Братск, Байкальск, Амурск, Котлас ва Сыктывкарда барпо этилган.

**Озиқ–овқат саноати.** XX аср охири ва XXI аср бошларида озиқ – овқат саноати муҳим ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда анъанавий тармоқлар, айниқса инсон соғлиғига таъсир қилувчи «зарар»ли ҳисобланган виночилик, пиво, тамаки ва қанд саноатининг ривожланаётган мамлакатларга силжиши (Россия ҳам истеъмол жиҳатидан ривожланаётган мамлакатларга яқин турганлиги учун бу ерда тамаки ва пиво ишлаб чиқариш ўсмоқда) кузатилмоқда. Шунингдек, иқтисодий ривожланган мамлакатларда аёлларни оғир «ошхона меҳнати»ни енгиллатувчи «ошхонани индустрлаштириш» ишлаб чиқариши юқори суръатлар билан ўсмоқда.

Йирик ва хилма – хил озиқ – овқат саноати АҚШ, Канада, Фарбий Европа, Япония, Шарқий Европа, Россия,

шунингдек, Бразилия, Аргентина, Австралия, Янги Зелландия, Ҳиндистон, Хитойда шаклланди.

Озиқ—овқат саноати таркибида техник жиҳатдан қуролланганлик даражасига кўра шакар саноати (фақат Ҳиндистонда кустар типда) ажралиб туради. Бразилия, Куба, Австралия, ЖАР, Таиланд, Франция, Нидерландия, ГФР йирик шакар экспорт қиласидан мамлакатлар бўлса, Россия, АҚШ, айрим Европа мамлакатлари, Эрон йирик импорт мамлакатларидир. Дунёдаги ишлаб чиқарилаётган шакарнинг 2/3 шакар қамиш, 1/3 қанд лавлагига тўғри келади. Тамаки бозорида иккита мамлакатлар гуруҳи — тамаки маҳсулотлари билан тўлиб — тошган йиғисодий ривожланган мамлакатлар (айни вақтда чекишига қарши кураш туфайли истеъмол қисқариб бормоқда) ва ривожланаётган мамлакатлар бозори (Россия) бўлиб, иккинчи гуруҳда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиб бормоқда. Энг йирик тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари йирик марказлар ва порт шаҳарларда жойлашган бўлиб, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва ГФР йирик тамаки саноатига эгадир. Россия, Туркия ва Хитойда тамаки индустриси кенгаймоқда.

Худди шундай ҳолат вино ёки вино-арақ ишлаб чиқаришига ҳам таалуқлилир Йиғисодий ривожланган мамлакатларда вино, спиртли ичимликлар, пиво ишлаб чиқариш қисқариб, янги индустрисиал мамлакатларда эса кўпайиб бормоқда.

Кейинги ўн йилликда Фарбий Европа мамлакатларда виночилик 10 млн. гкл. га қисқарди. Шунга қарамай Италия дунёда вино ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда (61 млн. гкл.), Франция (57 млн. гкл.) иккинчи ўринда туради. Ҳар иккала мамлакат дунё бўйича ишлаб чиқилган виночилик маҳсулотларнинг 40% бермоқда, қолган мамлакатлар ҳиссасига 180 млн.гкл. вино тўғри келади. Европада йирик вино ишлаб чиқарувчи мамлакатлар Испания (15–18 млн. гкл.), Португалия (10–12 млн. гкл) ва ГФР (10 млн.гкл) бўлса, фарбий ярим шарда АҚШ (20 млн.гкл) ва Аргентина (8–10 млн.гкл) мамлакатларидир.

Пиво ишлаб чиқарувчи йирик мамлакатлар АҚШ, ГФР, Буюк Британия ва бошқа кўпгина Европа мамлакатлари бўлиб, кўпроқ экспорт эҳтиёжлари туфайли ривожланмоқда. Россия йирик пиво ва бошқа экологик ичимликлар ишлаб чиқарувчи мамлакат бўлишига қарамай, бу маҳсулотларни импорт қилувчи мамлакат ҳамдир.

Кейинги йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатлар озиқ – овқат саноатида ярим фабрикатлар ишлаб чиқариш, гүшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг экспорт йўналиши кенгаймоқда. Ривожланаётган мамлакатларда озиқ – овқат саноатининг «классик» тармоқлари, консерва саноати, айниқса, хилма – хил соклар, мева консервалари ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

Озиқ – овқат саноати тизимида балиқчilik алоҳида ўрин тутади. Кейинги йилларда Дунё океани биоресурсларидан кенг суръатда ва интенсив фойдаланилмоқда. Йилига 100 млн.т. дengиз маҳсулотлари овланмоқда. Бунинг 1/10 қисми чучук сувлардан овланмоқда. 90% дengиз маҳсулотларини сельд ва треска балиқлари ташкил қиласди ва истиқболда қисқариши кутилмоқда. Қолганлари моллюска, раксимонлар ва сув ўтларидан иборат. Дengиз маҳсулотларининг 50% Тинч океани ҳавзасига айниқса, Хитой (10 млн.т.) ва Япония (10 млн.т.) тўғри келади. Шунингдек, Перу (5 млн.т.) ва Россия (5 млн.т.) мамлакатлари ҳам йирик балиқ овловчи флотга эга. Шимолий Атлантика биоресурсларидан кенг суръатда фойдаланиш бошланди. Бир қатор Европа мамлакатлари айниқса Норвегия, Исландия мамлакатлари иқтисодиётида дengиз биоресурслари муҳим ўрин тутмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларининг техник жиҳатдан яхши қуролланган замонавий балиқ овлаш кемалари Дунё океани ва дengизларининг энг унумдор ҳудудларида қиммат баҳо балиқ ва бошقا дengиз маҳсулотларини овлаш имкониятига эга бўлса, ривожланаётган мамлакатлар бундай имкониятларга эга эмас. Айниқса, дengиз маҳсулотлари билан тирикчилик ўтказувчи камбағал аҳоли учун сезиларли қийинчилликлар юзага келмоқда. Айни вақтда, экологик мувозанат жиiddий бузилмоқда.

БМТнинг 1982 йилда «Дengиз ҳуқуқи конвенция» сини қабул қилиши ва қирғоқ бўйи мамлакатларӣ учун 200 – милли «иқтисодий минтақа» ни эълон қилиниши сермаҳсул дengиз акваториясини назорат қилиш, унинг биоресурсларидан самарали фойдаланиш ва кўпайтириш имконини берди.

Дунё океани биоресурсларини тиклаш ва кўпайтиришда, инқирозли ҳолатлардан чиқишида аквакультура ва балиқларни кўпайтириш муҳим ўрин тутмоқда. Аквакультуранинг 80% Осиё ва Тинч океани минтақасига тўғри келади. Бу ерда одамлар қадимдан шоли билан

биргалиқда балиқ күпайтирганлар ва бу йұналиш истиқболли йұналиш сифатида қаралмоқда. Шунингдек, аквакультурада сув ўтлари (денгиз карами), моллюскалар, қисқиңбақа ва бошқ. етиштирилмоқда ва экспортта чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар ҳиссаси дengiz маҳсулотлари ҳажмида 10% ташкил қылмоқда. Хитой ва Ҳиндистонда эса дengiz маҳсулотларининг 40% дан иборат. Аквакультура жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда ва унинг истиқболи мустаҳкам илмий–техник асосларни барпо қилиш, күплаб дengиз биотини күпайтириш билан боғлиқdir.

**Саноат ва атроф–муҳит муаммоси.** Саноаттинг ривожланиши атроф – муҳитта кучли таъсир қиласы. Чунки, саноат тармоқлари ер ости ва ер усти ресурсларининг асосий «истеъмолчи» сидир. Тоф – кон саноаттинг ривожланиши оқибатида табиий ландшафттинг бузилиши, тоф жинсларининг очиқ муҳиттега чиқарылған ташланиши атроф – муҳиттега жиғдий зарап етказади. Унинг оқибатлари инсоният учун ниҳоятта хавфли бўлиб, тупроқ қопламишининг бузилишига, ер ости сув манбаларининг ифлосланишига ҳамда рекультивация жараёнларида катта харажатларга олиб келади. Дengiz тоф – кон ишларини кенгайиши Дунё океани сувларининг ифлосланишига, унинг биоресурсларига салбий таъсир қилиб жиғдий экологик хавфни юзага келтирмоқда.

Ёқилғи энергетика мажмусида ИЭСлари атроф – муҳиттега зарапли моддалар чиқаради, атмосферанинг газ таркибини бузади, сув температурасини күтаради, АЭС эса атроф – муҳиттега фоят зарапли радиоактив элементларни чиқаради, ёки АЭС лардаги фалокат оқибатлари (Украина – Чернобиль АЭС даги авария) тузатиб бўлмас ҳолатларини юзага келтириши, жуда эжтиёткорона ёндошишни тақозо қилмоқда. АЭС лар нисбатан «соғ» бўлсада тўғон плотиналар, сув омборлари атроф – муҳит рельефига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, ер ости сувларига таъсир этиб экологик мувозанат бузилишига олиб келмоқда.

Металлургия саноаттинг ривожланиши эса ресурсли ҳудудлар киёфаси жиғдий бўзилишидан ташқари атроф – муҳиттега темир, кўргошин, калайи, мис, симоб, сурма ва бошқа зарапли металл чиқиндилари, зарралари ва чангларни чиқарыб инсон саломатлигига хавф солмоқда.

Кимё ва нефт – кимё саноати, ўрмон – целялюоза ва бошқа саноат тармоқлари – ҳавони, сувни, тупроқ қопламини турли зарапли чиқинди ва ташламалар билан ифлосламоқда. Айниқса, кимё саноати корхоналаридаги ҳалокатлар фоят хавфли оқибатларни юзага келтирмоқда.

Шунинг учун ҳам саноат тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштиришда экологик омилни ҳисобга олиш, табиий мұхитни мұхофаза қилиш тамоийларига амал қилиш, «чиқітсиз технология» ларни ва берк ишлаб чиқариш тизимларини жорий қилиш포ят мұхим ажамиятта эга.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Иқтисодиётнинг умумий тармоқ таркиби ва моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Ёқилғи – энергетика мажмусаси ва унинг дүнө хужалиги тизимидағи ўрнига тавсиф беринг ва ИТИ таъсирида юз бераёттан ўзгаришларнинг моҳиятини очиб беринг?
3. Металлургия саноатининг ривожланиш хусусиятлари ва ИТИ таъсиридаги ўзгаришларга тавсиф беринг?
4. Машинасозлик саноатининг «зарбдор учлик» нинг марказий бүғини сифатида ривожланиш жараёнлари ва иқтисодиётдеги ўрнини тавсифлаб беринг?
5. Кимё саноати, унинг тармоқ таркиби ва жойлашиш хусусиятларига тавсиф беринг?
6. Енгил, ўрмон – целлюлоза ва озиқ – овқат саноатининг тармоқ таркиби ва ривожланиш жараёнларини тушунтириб беринг?

## **ІХ БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ: РИВОЖЛАННИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

### **9.1. Агросаноат мажмуси ва агробизнес түшүнчаларининг моҳияти. «Кўк инқилоб» ва унинг моҳияти**

XX асрнинг 60 – 70 йилларида дунё ҳўжалиги ишлаб чиқаришда дастлаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда аввало АҚШда янги технологик силжиш «агросаноат интеграция» си жараёни бошланди.

Агросаноат интеграцияси – саноат бирлашмалари ва хизмат кўрсатиш соҳаларидан фарқли ўлароқ – бош хусусияти тармоқлараро характерга эга бўлиб, бир – биридан жиддий фарқ қўйувчи саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг ташкилий ва тижорат жиҳатидан бирлашувини ифодалайди.

Агросаноат интеграцияси маълум маънода қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг:

- табиий – ижтимоий омилларга боғлиқлигини юмшатиш;
- оддиндан режалаштиришнинг сифатини ошириш;
- мева – узум, сабзавот – полиз ва ботика қиппилок ҳўжалиги маҳсулотларидан олинадиган ҳосил ва унинг ҳажмини башоратлаш имконини беради ҳамда қишлоқ ҳўжалигини саноат ишлаб чиқаришининг умумий жараёнлари билан қўшади. Интеграция, жамиятдаги қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ва саноат ишлаб чиқаришининг ўзаро боғлиқлигини янада кучайтириш орқали саноатни қишлоқ ҳўжалик хом – ашёси билан таъминлашнинг барқарор иқтисодий ва тижорат механизмини вужудга келтиради.

Агросаноат интеграцияси тарихий ва мантиқий суръатда **агросаноат мажмусини** (ACM) тузилишига олиб келади. ACM – мураккаб түшунча бўлиб ижтимоий ишлаб чиқаришда қишлоқ ҳўжалиги ва саноат корхоналари, тармоқларининг интеграцион асослардаги барқарор, узоқ муддатли ишлаб чиқариш ва тижорат алоқаларини билдиради, хусусий ва шартномавий муносабатлар, (контракт тилида) негизида бутун агросаноат занжирини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш ва қишлоқ ҳўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришини ифодалайди.

ACM таркибиага уч соҳа:

- 1) қишлоқ хўжалиги ва унга алоқадор тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига – ишлаб чиқариш техника хизмати кўрсатадиган саноат тармоқлари;
- 2) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўзи;
- 3) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш (тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиб, реализация қилиш) билан банд бўлган тармоқлар киради.

Шунингдек, айrim тадқиқотларда АСМ таркибида тўртинчи соҳа инфратузилмалар ҳам маҳсус таркиб сифатида ажратилади. Инфратузилмалар таркибига – АСМ ва унда бандлар фаолияти учун шарт – шароитларни таъминлаб берадиган хўжалик тармоқлари – йўл – транспорт хўжалиги, алоқа, моддий – техника таъминоти, омбор хўжалиги, моддий бўлмаган ишлаб чиқариш тизимлари киради.

АСМ функционал характеристига кўра ижтимоий ва ишлаб чиқариш йўналишларига бўлинади.

Агросаноат интеграциясининг ривожланиши ва АСМнинг шаклланиш жараёни иқтисодий ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШда юқори суръатлар билан бормоқда. Чунонча, 90 – йилларнинг бошларида АҚШ АСМда меҳнатда банд аҳолининг 18,5% банд бўлиб, ялпи миллий маҳсулотнинг 17,5% етказиб берди, ёки амалда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини саноатдан орқада қолишга барҳам берилиди. Ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалигига муҳим ўзгаришлар юз бераётганлигини, умумий жараён ва шакллар кўзга ташланаётганлигига қарамай, агросаноат соҳасида умумий қолоқлик фарб иқтисодиётига боғлиқ ҳолда ўзига хос равиша мавжудdir.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар агросаноат ишлаб чиқаришида ТМК интегратор вазифасини бажармоқда ва муҳим рол ўйнамоқда. ТМК ўзларининг қайта ишлаш корхоналарини ривожланаётган мамлакатларда қуриш орқали ўз давлатларида шаклланган ишлаб чиқариш жараёнларни ҳам кўчирмоқдалар.

Халқаро агросаноат интеграциясининг бош йўналиши – умумбашарий муаммолардан бири ўсиб бораётган ер шари аҳолисининг озиқ – овқат маҳсулотлари ва саноатни хом – ашё билан таъминлашдир.

**«Агробизнес» тушунчасининг моҳияти.** Агробизнес – юқори фойда олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва у билан

боғлиқ тармоқларни (маркетинг тизими ҳам киради) ҳозирги замон бошқарув усуллари ва йўллари билан ташкил қилишдир. Агробизнеснинг юзага келиши 70 – йилларнинг ўрталаридан бошлаб дастлаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда, сўнгра бозор иқтисодиётига ўтаётган ва ривожланаётган мамлакатларда озиқ – овқат саноати компанияларининг фермер хўжаликларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиши ва қайта ишлаши, бозорга олиб чиқиш туфайли ягона агроишлаб чиқариш тизимига бирикиш жараёни билан боғлиқ. Агробизнесда йирик қишлоқ хўжалик корпорациялари, саноат капитали, банк ва сугурта ташкилотлари ҳам иштирок этмоқда.

Агробизнес бозор муносабатлари ҳосиласи бўлиб ўзига хос хусусиятларга эга:

1. ишлаб чиқарилаётган товарларнинг деярли бир хиллиги;
2. товарларнинг юқори рақобатбардошлиги;
3. ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги ва унинг маҳсулотларига бўлган бозор конъюктурасининг ўзгарувчанлиги;
4. аграр соҳадаги тадбиркорлик тавакқалчилигининг ғоят юқорилиги яъни об – ҳаво ва бошқа омилларга боғлиқлиги;
5. аграр соҳага давлатнинг аралашуви ва ёрдамишининг зарурийлиги;
6. маҳсулотларни ўзаро айирбошлашда нарх – навонинг мукаммал эмаслигидир.

Агробизнеснинг асосий мақсади бозорларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш орқали фойда кўришдир. Агробизнес тизимида бу мақсадни амалга оширишда соф қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркор – фермерлар, дәжқонлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тадбиркорлари, «сервис» хизмати тадбиркорлари, тижоратчи – тадбиркорлар ҳамда манфаатдор банк, сугурта ва молия компаниялари иштирок этадилар.

Агробизнес шакллари жуда хилма – хилдир. Унинг кенг тарқалган турлари шахсий индивидуал фермалар, агрофирмалар, агросаноат бирлашмалари ва бошқалардир. Агробизнеснинг энг оммавийлашган турларидан бири шахсий индивидуал фермалар бўлиб АҚШда кенг тарқалган ва фермер хўжаликларини 90% тўғри келади. Бу хўжаликлар ихтисослашув даражасининг юқорилиги, фан – техника ютуқларини, илфор технологияларни қўллаши, меҳнат

унумдорлиги ва иқтисодий самарадорликнинг юқорилиги, бозорга кенг суръатда тортилганлиги билан ажralиб туради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етиштириш ва қайта ишлаш тизимини яхлит хўжалик организми сифатида бирлаштирган агрофирмалар ҳам агробизнес тизимида муҳим ўрин тутади. Агрофирмалар дон хўжалиги, пахта етиштириш, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот – полиз маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, чорвачиликда сут ва гўшт етиштириш ва тайёр маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда реализация қилишининг ягона занжирини юзага келтиради.

Агросаноат бирлашмалари эса йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш, истеъмолчига етказиш билан машғул бўлиб, на фақат қишлоқ хўжалиги корхоналари ва саноат, балки банк капитали, молия тизимлари билан ҳам интеграциялашади.

Агросаноат бирлашмаларида йирик фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа ташкилий тузилмалари (комбинат ва бошқ.) саноатнинг қишлоқ хўжалиги техникаси ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи соҳалари ва «сервис» булинмалари (таъминот ва хизматлар билан шуғулланувчи), қайта ишлаш корхоналари ва тайёр маҳсулотни реклама қилиш (маркетинг) ва реализация қилувчи турли савдо ташкилотлари ягона технология занжирга бирлашадилар.

**"Кўк инқилоб" ва унинг можияти.** "Кўк инқилоб" тушунчаси 60–йилларнинг ўрталаридан бошлаб Лотин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатларида амалга оширилган аграр ислоҳотлар билан чамбарчас борлиқдир. "Кўк инқилоб" қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавий агротехника ва бошқариш асосида ташкил қилиш негизида, ИТИ ютуқларини қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишдан иборат чора – тадбирлар мажмуасидир.

"Кўк инқилоб"ни амалга оширишда қуйидаги ҳолатлар асосий ўрин тутади:

- яъни, тез пишар, юқори унумдорликка эга донли экинларнинг гибрид навларини экиш, ҳосилдорликнинг 2–3 баробар юқори бўлишидан ташқари, қулай агроиклиний хусусиятларга эга ҳудудларда икки, уч ва ҳатто тўрт марта ҳосил олиш орқали озиқ – овқат муаммоси ечимларини ҳал қилиш;

- ирригация ва мелиорацияни кенгайтириш ва такомиллаштириш, айниқса сугорма деҳқончилик

маданиятини ривожлантириш, агротехник тадбирлар мажмуасини амалга ошириш;

■ замонавий техника, минерал ўғитлар, қышлоқ хўжалиги зараркундаларга қарши гербицидлар, биометодларни кўллаш орқали ижтимоий – иқтисодий ривожланиш учун асос яратиш.

"Кўк инқилоб" ҳалқаро ҳамкорликнинг натижаси бўлиб, донли экинларнинг юқори маҳсулдор навлари яратилди. Энг катта ютуқ Рокфеллер фонди ва Мексика қышлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Мексико яқинида ташкилланган Норман Борлоу генетика – селекция станциясида кўлга киритилди. Америкалик селекционерлар томонидан юқори навли буғдой Япониянинг паст бўйли навлари билан чатиштирилади ва юқори ҳосилдор, касалликларга чидамли янги нав яратилди. (Н.Борлоу Нобел мукофотига сазовор бўлди).

Ушбу навнинг кенг кўлланиши, сугориладиган майдонлар ва механизация Мексикада кейинги 20 йилда буғдой ҳосилдорлигини 3 марта ошириш имконини берди. Натижада, 70 – йилларнинг охирида Мексика буғдой импорт қилишидан уни экспорт қилишга ўтди. Сўнгра, шолининг «Филиппин» нари, Ҳиндистонда «Орисса 1» наслири гектаридан 80 ц шоли, Югославия селекционерлари яраттан буғдой навидан эса гектаридан 150 ц ҳосил олиш имконини берди. Аргентина, Кения ва Замбияда маккажўхорининг янги навлари, Марказий Америка ва Анд гурӯҳи мамлакатларида тариқ ва қўноқнинг серҳосил янги навлари яратилди.

Аммо "Кўк инқилоб" ривожланаётган мамлакатларнинг ҳаммасида ҳам кўтилган натижаларни бермади. Чунки, бу режани амалга оширишга маълум маънода дәхқончиликнинг интенсивлаштириш ва молиявий тўсиқлардан ташқари кенг дәхқонлар оммасининг фойдаланиш имкониятлари чегаралангандиги ҳам таъсир кўрсатди.

"Кўк инқилоб" ни амалга ошириш маълум шарт – шароитлар, яъни йирик ер эгалиги мавжуд бўлган, суформа дәхқончилик ривожланган қышлоқ хўжалиги районларида, айниқса Мексика, Ҳиндистон, Покистон, Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатларида кенг ёйилди. "Кўк инқилоб" айрим донли экинларга, жумладан буғдой ва маккажўхори етиштириш, унинг ҳосилдорлигини оширишга таъсир қиласада шоли ва бошоқли ҳамда техника экинларга таъсiri жуда бўш эди.

Шундай қилиб, дәхқончиликнинг тармоқ таркибидағи районлараро фарқлар "Кўк инқилоб" нинг географик

таркалиш қонуниятларга ҳам таъсир қилди ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш қулайбўлган ҳудудларда, экинлар, биринчи навбатда буғдой ҳосилдорлиги суръатлари юқори бўлди.

Бундай тараққиётта Ҳиндистондаги Панжоб штати ва Покистондаги Панжоб провинцияларидағи маълум шарт—шароитлар

- қишлоқлардаги йирик ва бақувват хўжаликларнинг мавжудлиги, ирригация каналлари ва қўшимча ер ости сувларидан фойдаланиладиган қудуқлар;

- буғдой етиштириш имкониятларининг катталиги ва шу йўналишининг шаклланганлиги;

- хилма—хил қишлоқ хўжалик жиҳозлари ишлаб чиқарувчи мавжуд ва янги майдо саноат корхоналари асосида эришилди.

Шунингдек, "Кўк инқилоб" хорижий компанияларга карашли юқори товар хўжаликларда катта муваффақиятга эришган бўлсада, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда (айниқса, Африка контингентида) табиий шарт—шароитлардан ташқари, мураккаб ижтимоий—иқтисодий сабаблар таъсирида «озиқ—овқат» муаммоси кескинлашиб бормоқда.

**Қишлоқ хўжалиги — моддий ишлаб чиқаришнинг энг қадимги — тармоқларидан бириди.** Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ўстириш ва кўпайтириш — ўсимликшунослик (зироатчилик) ва уй ҳайвонларини кўпайтиришдан (чорвачилик) иборат икки бўлимга бўлинади ва айни вақтда оралиқ тармоқлар — ўрмон хўжалиги, овчилик ва балиқчиликни ҳам ўз таркибига олади. Қишлоқ хўжалиги аҳолини хилма—хил озиқ—овқат маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, саноат тармоқларини хом—ашё билан ҳам таъминлайди.

Халқаро статистикада агроишлаб чиқариш тизимида аҳолининг эркак ишчи кучи бандлиги асосий кўрсаткич сифатида фойдаланилади ва мамлакатларни иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлашда кенг қўлланилди. Чунончи, агроишлаб чиқариш тизимида банд эркак ишчи кучлари 35% дан оз бўлса бундай мамлакатлар индустрисал, 35—59% бўлса ярим индустрисал ва 60% ундан юқори бўлса, аграр мамлакатлар деб юритилади. Кўриниб турибдикি ҳозирги дунёни ярим индустрисал сифатида тавсифлаш мумкин. Бу умумлаштириш универсал жараённи ифода этади ва ер шарининг турли минтақаларида жойлашган мамлакатларда турлича кўринишларга эга. Шунинг учун

мамлакатлар иккита йирик гуруұларга – иқтисодий ривожланған ва ривожланып жүрмегендегі мамлакатларга бўлинади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда 1,1 млрд.киши банд. Бу дунё бўйича меҳнатда банд аҳолининг қарийб 50% ни ташкил қилади. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги мамлакатларида эса 85–90% қишлоқ хўжалиги билан банд бўлса, иқтисодий ривожланған мамлакатларда бу 7–10% (АҚШда, Буюк Британияда 3% ҳам етмайди) ташкил қилади холос. Қишлоқ хўжалиги қишлоқ аҳолиси ва аҳоли қўргонларининг ижтимоий – иқтисодий муаммолари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги кунда фойдаланилаётган маданий ўсимликлар Лотин Америкаси ва Африка тоғли районларида, Осиёдаги дарё водийларида бир неча минг йиллик тарихга эгадир. Айни вақтда жудда катта ҳудудлар (Австралия) нисбатан ўзлаштирилиши жиҳатидан ёш қишлоқ хўжалик минтақалариdir.

Қишлоқ хўжалиги бир қатор ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб:

а) ИТИ шароитида ҳам табиий шарт – шароитларга бўғлиқдик ҳолати саўзланиб қолали; б) бозор талабларига ва табиий шароитга бўғлиқ ҳолда мослашади; в) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хилма – хил типлари мавжуд. (50 га яқин типлар мавжуд); г) қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг товарлилик даражаси ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги катта фарқлар; д) ҳудуднинг табиий имкониятлари ва ундан хўжаликда фойдаланиш характеристики билан ажralиб туради.

Қишлоқ хўжалиги деярли барча жаҳон мамлакатларида мавжуд бўлсада, зироатчилик ва чорвачиликнинг уйгунашув ҳолати турличадир. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожланиши ва жойлашишига аввало табиий ва ижтимоий – иқтисодий омиллар:

- ҳалқаро меҳнат тақсимоти;
- ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси;
- меҳнат ресурслари малакаси ва кўнимкалари;
- иқтисодий – географик ўрни;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёж кучли таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланишида икки асосий:  
– а) экстенсив; б) интенсив шакллар мавжуддир.

а) Экстенсив ривожланиш шакли учун қишлоқ хўжалигининг «энига» кенгайиши характеристли бўлиб, у янги

ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги оборотига киргизиш, қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари сонининг ортиши, чорва бош соҳларини кўпайиши, яйлов ва ўтлоқларни кенгайтиришдан иборат.

б) Интенсив ривожланиш шакли йирик капитал маблаглар билан боғлиқ ҳолда, қишлоқ хўжалик тармоқларини комплекс механизациялаш, электрлаштириш, кимёлаштириш, ирригация – мелиорация ишларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмалар соҳаларини юзага келтириш негизида маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдир. Интенсив шаклда кенг маънода ИТИ ютуқларидан фойдаланиш – (юқори сортли уруғлар, маҳсулдор чорва моллари) негизида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг саноат асосларига кўчиши тушунилади. (теплица – парник хўжаликлари, чорвачилик фабрикалари, бўрдоқичилик базалари). Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 25 – 40% саноатда қайта ишланади.

ХХ аср 50 – йилларидан бошлиб йирик шаҳар ва шаҳар агломерациялари атрофларида ихтисослашган шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги минтақалари шаклланди. Шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги шаҳар аҳолисининг янги сут, сут маҳсулотлари, сабзавот, полиз ва мева билан таъминлангаша қаратилгандир. Урбанизациялашган минтақаларда ернинг нархи ҳаддан ташқари қиммат бўлиши қишлоқ хўжалигини юқори интенсив ривожланишини тақозо қиласиди. Масалан: 1 гектар ерга солинадиган минерал ўғитлар, экстенсив қишлоқ хўжалиги минтақаларига нисбатан 500 мартадан ортиқ бўлиши мумкин. ИТИ қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожланиши ва ихтисослашувига сезиларли таъсири кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалик тармоқларининг саноат асосларига кўчиши, меҳнат унумдорлигининг ортиши кўзга ташланса – да, бу ҳол кўпроқ иқтисодий ривожланган мамлакатларга хосдир.

Айни вақтда Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатларда қишлоқ хўжалиги экстенсив шаклга эга бўлиб, унда индустролаштиришгача даврдаги қолоқ бўлган укладлар тизими ва шунга мувофиқ ижтимоий – иқтисодий муаммолар мажмуаси мавжуддир.

**Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш зарурияти.** Дунё хўжалиги тизимида қишлоқ хўжалигини устивор тармоқ сифатида ривожлантириш зарурияти бир қатор сабаблар билан боғлиқ агроишлаб чиқариш соҳасидаги вазифаларни белгилаб беради.

**Биринчи сабаб** – ўсиб бораётган ер шари аҳолисини озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлаш. XX асрдаги аҳоли кўпайишининг юқори суръатлар билан бориши (Лотин Америкаси ва бошқа бир қатор минтақаларда айrim йиллари аҳолининг ўсиш суръатлари 3% га етди.), «демографик портлаш» жараёни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириб боришини тақозо қиласи. Чунки, XXI аср бошларида ҳам БМТнинг озиқ – овқат комиссияси маълумотларига кўра 700 – 750 млн.киси оч, тўйиб овқат емайди ёки ярим оч ҳолда кун кечирмоқда.

**Иккинчи сабаб** – озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг юқори даражада ўзгарувчанлиги (мослашувчанлиги), яъни унинг ҳажми, таркиби ва истеъмоли аҳоли даромадлари билан чамбарчас боғлиқлигидир. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига ўргача озиқ – овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш илмий асосланган мөъёрларда ва ҳатто айrim социал гуруҳларда ундан юқори бўлганлиги учун талаб мослашувчанлиги даражаси 0,1 – 0,2 гача пасайиши мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 0,8 гача ошиши мумкин. Озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган талаб тез ўсиши, бир томондан, аҳолининг озиқ – овқат маҳсулотлари билан старҳи таъминланмаганигини, иккинчи томондан – жамиятдаги кучли мулкий табақаланиш жараёнини ифода этади. Охирги жараён Россияга таъллуқли бўлиб юқори даромадли оиласарга нисбатан паст даромадли оиласар гўшт маҳсулотлари – 1,5 марта, тухум, меваларга 2 марта балиқ маҳсулотларига 4 марта оз харажат қиласи.

**Учинчи сабаб** – саноатнинг хом – ашё асосини мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Айниқса, бу муаммо билан ривожланаётган мамлакатлар тўқнаш келдилар. Чунки, индустрлаштириш жараёнини тезлаштиришда бу мамлакатлар қишлоқ хўжалигига умид қилган эдилар. Енгил саноатининг етарли даражада хом – ашё билан таъминлашга уринишлар агроасосларнинг бўшлиги туфайли кўтилган натижаларини бермади. Натижада, 80 – йилларда кўпгина ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги саноат ролининг пасайиши кузатилди. Фақатгина, Жанубий ва Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари қишлоқ хўжалигини интенсификациялашлари орқали чуқур тармоқлараро фарқдан қутулиб қолдилар.

**Тўртинчи сабаб** – қишлоқ хўжалиги иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга ишли кучи ва капитал етказиб берадиган тармоқдир. Иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги тадқиқотларда бу жараён ишли кучининг «шаҳар»

тармоқларига ўтиши деб қаралади. Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига капиталнинг жамгарилиши соҳаси сифатида қаралди ва унинг бошқа тармоқларни инвестициялашибириши учун манба бўла олишига эътибор берилди. Аммо, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда амалга оширилаётган ёш ишлов берувчи саноат тармоқларини кўйлашдан иборат расмий протекционизм сиёсати қишлоқлар учун фоят зарур маблағларни индустрлашибириш эҳтиёжларига сарфланиши, ички бозорда саноат маҳсулотларининг фойдасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ноэквивалент айирбошланиши каби салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Худди шундай фоя СССРда партиячи – иқтисодчи Е.О.Преображенский (1926) томонидан ишлаб чиқилган эди. Унинг амалга оширилиши 74 йил давомида СССРда қишлоқларнинг ҳароб бўлиши ва қолоқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши сақланиб қолишига қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасининг оғирлашишига олиб кедди.

**Бешинчи сабаб** – қишлоқ хўжалиги валюта ишлашнинг муҳим манбай бўлиб, дунёдаги бир қатор мамлакатлар – Дания, Нидерландия, Аргентина, Янги Зеландия каби мамлакатлар ташки иқтисодий фаолиятида муҳим ўрин тутади. Унчалик тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра ҳалқаро савдога жаҳон аграр маҳсулотларининг 12% и чиқарилади. Айни вақтда, кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортига кучли боғлиқдир. Масалан: Гватемала – банан ва кофе, Белиз – шакар ва цитрус, Бенин – мойли ўсимликлар, Чад – пахта ёки чорвачилик маҳсулотлари етказадилар ҳам экспортта чиқарадилар.

Шуни алоҳида таъкидаш керакки, кейинги йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, юксак технологияни кўйлаш асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва унинг маҳсулот кўламини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар ҳамда озиқ – овқат мажмуасини ривожлантириш орқали кучли давлат ролини келажакда ҳам сақлаб қолишига умид қилмоқдалар.

Чунончи, АҚШ экспорти қийматининг 20% аграр маҳсулот ҳисобига шаклланмоқда ва 1950 йил ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 7% и четга чиқарилган бўлса ҳозир 25% маҳсулот чиқарилмоқда ёки ҳалқаро дон савдосида 80 – йилларда АҚШ ҳиссаси 50% га яқинлашган бўлса, эндилиқда қаттиқ рақобат шароитида – 40% атрофида ушлаб туришга уринмоқда.

Күриниб турибиди, ҳозирги дунёда озиқ – овқат маҳсулотлари экспорти тўлов баланси ва савдо фаоллигини кучайтиришдан иборат иқтисодий мақсадлар учунгина эмас, балки таъсир кўрсатиш воситаси ҳам бўлиб қолмоқда.

Инсон иқтисодий фаолиятида қишлоқ хўжалиги табиий муҳит билан чамбарчас боғланган соҳадир. Кейинги йилларда ИТИ натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муҳим сифат ўзгаришлари юз берганлигига қарамай табиий шароитга боғлиқ ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Табиий шароит на фақат қишлоқ хўжалиги тармоқлари йўналишигина эмас, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларига таъсир этади. Табиий шарт – шароит аввало:

- қишлоқ хўжалигининг асоси ҳисобланган ер ресурсларини;
- ўсимликларнинг вегетация даври учун ҳаётий зарур бўлган агроклимий ресурслар – иссиқлик, нам ва ёруғликнинг ўзаро уйғуналашувини;
- тупроқнинг табиий унумдорлиги, мелиорация ва иргизганимиятларини;
- чорвачиликнинг озука базаси ҳисобланган табиий ўтлоқ ва яйловларни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги инсон фаолиятида атроф – муҳитга кучли таъсир этадиган соҳадир. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши билан табиий ландшафт чуқур ўзгаришларни бошидан кечиради ва маданий ландшафтга айланади. ИТИ шароитида қишлоқ хўжалигининг атроф – муҳитта таъсири ҳаддан ташқари кучаймоқда.

Қишлоқ хўжалигига ер ресурсларини баҳолаш – ерларни қишлоқ хўжалигига яроқлилик (сифати) нуқтаи – назаридан сифатлаш муҳим ўрин тутади. Ер сифатини баҳолаш (бонитровка) маълум маънода иқтисодий эҳтиёжлардан келиб чиқади ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини олиб борища табиий ҳолат ва мелиоратив тадбирларни ҳисобга олиш имконини беради. Бунда истиқбол йўналишидаги иқтисодий – экологик талабларни ҳисобга олиш ҳам фоят муҳимдир. Чунки, бутунги кунда, бевосита инсон фаолияти туфайли ўрмонларнинг аёвсиз кесилиши, қўриқ ва бўз ерларнинг оммавий ўзлаштирилиши, уқувсизларча мелиоратив тадбирлар мажмуасини амалга ошириш оқибатида унумдор ерларнинг қишлоқ хўжалигига яроқсиз ҳолга келиши, эррозион жараённинг кучайиши ва ўз навбатида

маҳаллий, регионал ва халқаро экологик вазиятнинг кескинлашувига ҳам олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларини синфлаштиришда улар бош типларга: 1) дэхқончиликда ишланадиган барча қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар; 2) табиий ўтлоқ ва яйловлар; 3) яроқсиз кам фойдаланиладиган ёки мутлақо яроқсиз ерларга ажратилади. Юқоридаги барча тип майдонлар ер шарининг 1/3 қисмини ёки 4,5 млрд. гектарни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида ишланадиган майдонлар эса 1,5 млрд. гектардан (ҳайдаладиган ерлар 1 млрд.га, кўп йиллик ўсимликлар эса 0,5 млрд.га) иборат. Ишланадиган майдонларнинг 16% МДҲ га, 10% Европага (Россиянинг Европа қисмидан ташқари), 32% Хорижий Осиёга, 16% Шимолий Америкага, 9% Лотин Америкасига, 3% Австралия ва Океанияга, 14% Африкага тўғри келади. Европа деярли ҳайдалганлик даражаси юқорилиги, ер ресурслари заҳираларининг чегараланганилиги билан ажralиб турса, Хорижий Осиё, Лотин Америкаси, Африка чул ва чала чўл, тоғли рельефга эгалиги ҳамда катта ер фонди заҳиралари мавжудлиги билан ажralиб туради. Аммо, бу ҳудудларни ўзлаштириш табиий ва ижтимоий – иқтисодий қийинчилеклар ҳамда катта сарф – харажат боғлиқдир.

Агроиклиний ва тупроқ қоплами ер шарининг умумий қонуниятлари асосида зоналлик ва тик (вертикал) минтақалик қонуниятлари асосида тарқалгандир. Иссиқ, мўътадил ва совуқ минтақа зоналари алоҳида ажralиб туради. (8 – жадвал). Фаол температура суммаси (+10° С дан юқори) 200°С дан то 4000°С ва 1000°С дан 2000°С бўлган зоналарда, яъни биринчи зонада ўрмон – қўнғир, қора ва каштан тупроқлар, иккинчи зонада ўрмон кулранг ва подзол тупроқлар тарқалгандир. Мавжуд агроиклиний ва тупроқ ресурслари ИТИ ютуқларидан оқилона фойдаланилган ҳолда барча мамлакат ва регионларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш имконини беради.

## **9.2. Зироатчилик ва унинг тармоқ таркиби**

Барча мамлакатларда ва регионларда зироатчилик тармоқлари қишлоқ хўжалигининг, умуман иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида катта ўрин тутади. Зироатчиликнинг муҳим тармоқлари дон хўжалиги, техника экинлари, сабзавотчилик ва картошқачилик, боғдорчилик ва узумчилиқдир. Бу ва бошқа янада табақалашган зироатчилик тармоқларининг булиниши шартлидир. Зироатчилик озиқ –

овқатнинг асосий қисмини бир йиллик ўсимликлар беради.  
(дон, техника экинлари, сабзавот ва бошқ.)

Қадимдан зироатчиликнинг икки типи – суформа ва носугорма (лалмикор) деҳқончилик мавжуддир. Суформа деҳқончилик майдонлари 230 млн. гектар бўлиб, зироатчилик маҳсулотларининг 50% беради. Ер шари бўйича 30% сугориладиган майдонлар Хитой, 14%, Ҳиндистонга, тўгри келади, шунингдек АҚШ, Россия, Марказий Осиё давлатлари (Ўзбекистон), Покистон, Мексика, Италия, Австралия мамлакатларида ҳам катта сугориладиган майдонлар мавжуддир. Кейинги йилларда қурғоқчил ва ёғинларнинг мавсумийлигига боғлиқ бўлмаган мўттадил ва тропик минтақаларда суформа деҳқончилик юқори ва барқарор ҳосил олиш мақсадида кенгайтирилмоқда.

**Дон хўжалиги.** Хилма – хил донли экинлар 500 млн. гектарни ташкил этади. Донли экинлар Чекка Шимолдан ташқари деярли аҳолининг жойлашишига мос барча ҳудудларда етиштирилади. Дон ҳам майдада деҳқон хўжаликларида ҳам юқори даражада механизациялашган фермер хўжаликлири ва қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилади. Донли экинлар етиштиришга аҳоли меҳнат анъаналарига нисбатан ҳам агроклимии омилларни таъсири кучли. Чунончи, буғдой учун энг паст температура 4–5°C, атрофида, фаол температура суммаси эса 1150°C то 1700°C, маккажўхори учун эса юқоридагига мос ҳолда 10°C, ва 2100–2900°C, шоли учун 12–15°C ва фаол температура суммаси 2200°–3200° бўлиши керак.

Донли экинлар орасида кенг тарқалгани – буғдой, маккажўхори ва шоли бўлиб, дунё бўйича етиштириладиган доннинг 3/4 қисмини ташкил қиласди. Буғдой – Шимолий Америка, Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари, Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари, Россия, Украина, Қозогистон ва бошқа давлатларда асосий озиқ – овқат сифатида Шимолий Америка ва Лотин Америкасида, шоли эса Шарқий, Жанубий ва Жануби – Шарқий Осиё мамлакатларида етиштирилади.

Дунё бўйича етиштирилган 75% дон учта асосий «нон» – буғдой, маккажўхори ва шоли ҳиссасига тўгри келади.

Донли экинлар орасида буғдой 200–230 млн. гектардан ортиқ ерга экиласди. Ҳосилдорлик, айниқса, Фарбий Европа мамлакатларида юқори 45–50 ц/га бўлса, Шимолий Америкада 40–45 ц/га, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида 20–25 ц/га, Шарқий Европа мамлакатларида 40 ц/га ва

Россияда 20 ц/га ташкил қиласы. Фарбий Европа мамлакатларидаги дон етиштирувчи хұжаликлар юқори интенсивлашган товар хұжаликлари сифатида ажрасынан турады. Лотин Америкасыда йирик товар хұжаликлари Ла-Плата дарёсі ҳавзасындағы унумдор Пампа – Аргентинада жойлашғандыр. Дунё мамлакатлари бүйічә йилига ўртача 550–600 млн. т, бұғдой олинади ва йилига 100 млн.т. бұғдой (унга ҳисоблаганда) халқаро бозорга чиқарилади.

ХХ асрдаги дон (буғдой) хұжалигининг ривожланиш жараёни шу билан изохданадыки, иккінчи жағон урушига қадар халқаро бозорга үнчалик илфор бўлмаган мамлакатлар дон экспорт қилған ва саноатлашган бош мамлакатлар импорт қилған бўлса, ҳозирги кунда мутлақо бошқача манзара, яъни саноатлашган «Шимол»дан аграр «Жануб»га катта дон оқими йуналғандыр. Ҳатто узоқ йиллар дон импорт қилған Буюк Британия экспортёр (аҳоли жон бошига 0,12 га ишланадиган майдон тўғри келгани ҳолда йилига 3 млн.т. дон чиқармоқда) мамлакатта айланди. Фарбий Европа мамлакатлари дон хұжаликларини интенсификациялаш негизида (сафланган меҳнат ва капитални оқлаш учун) 60 ц/га ва ундан юқори ҳосил олиш учун интилмоқдалар. Биргина Францияда бутун Африкага нисбатан 4 марта кўп бұғдой етиштирилади.

## 8-жадвал

### Дунё агроклиматий ва тупроқ ресурслари.

Иқлимий миңтақалар	Түрли даражада нағланадиган зоналар		
	Намлик, НК-1,0 (гумид)	Қурғоқчил, НК-1,0-0,33 (семигумид ва семиарид)	Құруқ, НК-0,33 (арид)
<b>Асосий тупроқ типлари.</b>			
Арктика ва субарктика, S<1000°C 0°C дан паст	глейли тундра тупроқлари	Арктика тупроқлари	–
Мұытадыл, S – 1000 – 4000°C, t°s – 0дан + 13°C.	үрмөн – құнғир, подзоль, подзоллашған қора тупроқлар	қора тупроқ, тұқ каштан ва каштан тупроқлар	сүр каштан, кулранг – құнғир тупроқлар, құмлар
Субтропик, S – 4000 – 8000°C t°s – -13 дан +20°C гача	сарғыш, қызығыш тупроқлар.	құнғир ва кулранг – құнғир тупроқлар	кулранг, шұрхок тупроқлар, құмлар
Тропик, S > – 8000 °C t°s – + 20°C.	ферралатив қи – зил ва қызығыш – сарық үрмөн, үрмөн – саванна тупроқлари	ферралатив, құнғир – қизил ва қизил – құнғир саванналар	ферралатив ва снайлит қызығыш – құнғир чұл, шұрхок ва шұртоб тупроқлар, құмлар.

S – ҳаво температурасы йиллик +10 °C дан юқори бўлған давр.

t°s – йиллик ўртача температура.

НК – нағымлик коэффициенти – йиллик ёғии ва буғлакишига нисбатан.

Ихтисослашган бүгдой етиширувчи юқори товар хўжаликлари Фарбий Европа мамлакатлари, АҚШ (буғдоикор минтақа), ва Канада (чўл провинциялари, Аргентина (Пампа), Австралия ва Қозоғистонда (кўриқ ва бўз ерлар) шакланган.

Дунё бўйича маккажўҳори майдонлари 120 млн.гаектардан ортади ва 30% экин майдонлари АҚШ ҳамда маккажўҳори ватани Лотин Америкасига тўғри келади. Маккажўҳори етиширувчи йирик район Аргентина – Пампасида (Буэнос – Айресдан Шимоли – Фарбдаги районларда) шакланган. АҚШда маккажўҳори етишириш юксак даражада механизациялашган бўлиб ҳосилдорлик гектаридан 65–70 центнерни ташкил қиласиди ва дунё бўйича маккажўҳори дони экспортининг 70% и АҚШга тўғри келади ва АҚШда 200 млн.т. ортиқ маккажўҳори дони йиғиштириб олинади.

Дунё бўйича йилига 500 млн.т. дан ортиқ маккажўҳори дони йиғиштириб олинади. Маккажўҳори шунингдек, Фарбий Европа мамлакатлари, бошқа саноати ривожланган мамлакатлар, Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда МДҲ давлатларида етиширилади. Маккажўҳори дони етиширишда иккинчи ва учинчи ўринда Хітой ва Бразилия туради, Африкада – Кения, Ангола, Мозамбик, Малави ва бошқ. мамлакатларда етиширилади. Осиё, Африка мамлакатларида маккажўҳори ҳосилдорлиги анча паст эканлиги билан (4–10 ц/га) ажралиб туради. Венгрия, Руминия, Молдовада маккажўҳори дони озиқ – овқат сифатида кенг фойдаланади.

Шоли асосан сугоришни талаб қилувчи ўсимлик бўлсада, йилига 1500–2000 мм ёғин ёғувчи районларда (Муссонли Осиё) уни сугормай етишириш мумкин. Ниҳоятда кўп қўл меҳнатини талаб қилувчи ўсимлик. Шоли асосан Жанубий, Жануби – Шарқий Осиёдаги ҳалқларнинг нафақат асосий озиқ – овқати бўлибгина қолмай, балки кундалик турмуш ҳаётида ҳам катта ўрин тутади. Шунингдек, шоли Япония, Хитой, Россия ва Марказий Осиё, Жанубий Осиё, Жануби – Фарбий Осиёдаги дарё водийлари, Африка, Шимолий Америка (АҚШ), Фарбий Европа (Италия, Испания, Португалия), Австралия шунингдек Лотин Америкасида етиширилади. Ҳосилдорлик айниқса, Шимолий Америкада (АҚШ) ва Японияда юқоридир. (50–60 ц/га). Йилига 450–500 млн.т. шоли олинади. Шунинг 30% дан ортиғи Хитойга, 20% га яқини Ҳиндистонга тўғри келади. Биргина Таиландда бутун

Африкада етиштириладиган шолига нисбатан 2 марта күп ҳосил олинади.

Европа мамлакатларида донли экинлардан рож, арпа, тариқ, Осиё ва Африкада қўноқ, хилма – хил маҳаллий дуккакли ва бошоқли экинлар етиштирилади. 60–70–йилларда Осиё, Африка ва Лотин Америкасида озиқ – овқат муаммосини ҳал қилиш мақсадида амалга оширилган "Кўк инқилоб" режасига мувофиқ шоли етиштириши ҳам кескин кўпайтириш вазифа қилиб қўйилди. Шу асосда янги юқори навли тез пишар, бўтасимон урутлар, минерал ўғитлар, юқори агротехника қўллаш асосида шолидан йилига икки ва ҳатто уч марта ҳосил олиш имкониятлари юзага қелди. Ирригацион тармоқлар кенгайтирилди. Дончилик хўжаликлари давлат ёрдамининг кучайиши оқибатида озиқ – овқат муаммосини ҳал қилишда муайян ютуқларга эришилди.

Дунё бўйича етиштирилган доннинг (1,3–2,0 млрд.т) 40% дан ортиғи иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри қелади. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги мамлакатларда дон етиштириш 900 млн.т. ортганлигига қарамай, озиқ – овқат муаммоси кескин турибди. Донли экинлар ҳалқаро савдода муҳим ўрин тутади. (180 млн.т.).

Асосий дон экспорт қилувчи мамлакатлар 20 тага етмагани ҳолда 100 дан ортиқ мамлакатлар дон импорт қилади. Асосий буғдои экспорт қилувчи мамлакатлар Шимолий Америка (АҚШ ва Канада), Аргентина, Австралия бўлса, маккажўхори ем сифатида АҚШ, шоли – гурунч, Жанубий ва Жануби – Шарқий Осиё мамлакатлари томонидан экспорт қилинади.

Дон импорт қилувчи мамлакатлар Осиё, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Африкадаги ривожланаётган мамлакатлар, Россия, Марказий Осиё давлатлариdir. Европа мамлакатлари асосан ем учун маккажўхори ва арпа импорт қилади.

**Техника экинлари.** Техника экинлари – қандли, толали, мойли ва «raigbatлантирувчи» (чой, кофе, какао) каучуксимон гурухларга бўлинади. Бу ўсимликлар асосан иссиқсевар, сермеҳнат ва юқори товарлилиги билан ажralиб туради. Бу экинлар деярли тропик ва субтропик минтақаларда бўлиб, «мустамлака экин» лари деб ҳам юритилади.

Қандли ўсимликлар орасида шакар қамиш ва қанд – лавлаги алоҳида ўрин тутади. XX аср бошларига қадар қанд – шакар саноатида қанд лавлаги асосий ўрин тутган бўлса, кейинчалик шакар қамиш муҳим ўрин тута бошлади. Шакар

қамиш күп йиллик ўсимлилк бўлиб иссиқ, нам ва куёшни жуда яхши кўради. Сермеҳнат бўлиб, катта майдонларида етишириллади. Шакар заводлари эса хом—ашё районларида жойлашган. Шакар қамиш асосан тропик ва субтропик минтақаларда тарқалган. Щимолий ва Марказий Америка (Куба, Мексика, АҚШ, Кариб ҳавзасидаги ороллар), Жанубий Америка (Бразилия, Аргентина, Перу) Осиё, (Хиндистон, Хитой, Филиппин), Африка (ЖАР, Миср, Маврикий ороли), Океания (Гавайи оролларида), Австралияда йирик плантация хўжаликларида шакарқамиш етишириллади.

Қанд лавлаги эса мўътадил минтақаларда айниқса, Европанинг ўрта минтақасида, Россия, Украина, Беларусь, Польша, Чехия, Словакия, Руминия, ГФР, Франция, Буюк Британия ва АҚШда етишириллади. Қанд лавлаги чорвачилик билан уйғуллашган ҳолда ривожланган. Дунё бўйича йилига 120 млн.т. шакар етиширилмоқда. Бунинг 50% ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади, йилига 8—9 млн.т. дан Куба, Бразилия ва Хиндистон, 5—6 млн.т. АҚШ, Чили ва 4 млн.т. ортиқ Франция шакар ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарилаётган шакарнинг 60% шакар қамиш ва 40% қанд лавлаги ҳиссасига тўғри келади.

Техника экинлари таркибида тамаки етишириш алоҳида ўрин тутади. Мутахассисларнинг таъкидлашича бирорта экиннинг бозор нархи тамаки сингари тупроқ таркибига боғлиқ эмас. Ҳатто озгинагина тупроқ таркибининг ўзгариши унинг хушбуйлиги, ранги ва тамаки баргининг ёйилишига (текстура) кучли таъсир қиласиди. Бу ҳам нисбатан олинадиган фойданни белгилаб беради. Ҳудди шу хусусият АҚШ Жанубида (Виргиния, Щимолий ва Жанубий Каролина) ва Кентукки штатида йирик тамакичилик минтақасини шаклланишига ва ривожланишига олиб келди. Бу ҳудуддаги тупроқ таркиби айниқса, машхур Виргиния навини етишириш имконини беради. Бу минтақа ҳозир ҳам дунёдаги йирик тамаки ва тамаки маҳсулотларини экспорт қилувчи (АҚШ йилига 250 минг.т.экспорт қиласи) минтақа бўлса—да, 1990 йилдан бошлаб ўзининг ўрнини Хитойга (дунёдаги 33% тамаки етишириш тўғри келади) бўшатиб бермоқда. АҚШ ҳиссасига эса дунёда етиширилаётган 7,1 млн.т. тамакининг 10% тўғри келади. Шунингдек, Россия, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларда ҳам тамаки етишириллади.

**Толали ўсимликлар** ўртасида— пахта алоҳида ўрин тутади. Пахтачилик тўқимачилик саноати ишлатадиган толаларнинг 50—60% ини беради. Пахта етиширувчи

районларда пахта мойи олиш ҳам мұхым ақамиятга молиқдир. Пахтани дастлабки қайта ишламай (тола ва чигитини ажратмай) узоққа олиб бориш ўзини иқтисодий жиҳатдан оқламайды. Шунинг учун ҳам пахта тозалаш заводлари пахтакор районларда жойлашган. Ҳар бир тонна пахтадан 350—400 кг тола олинади. Пахта толасини узоққа ташиб бориш құлайліги учун тұқымачилек фабрикалари пахтакор районлардан минглаб.км. узоқлықда, истеъмол районларда жойлашғандыр. Пахта асосан 20° ва 40° Шимолий кенглик орасида қуруқ субтропик миңтақаларда етиштирилади. Пахта сүфориб (Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистан, Озарбайжон, Қозоғистон, Миср) ҳамда сүформай (АҚШ) етиштирилади. Йилига дунё бўйича 19—20 млн.т. пахта толаси етиштирилади.

Энг йирик пахта толаси етиштирувчи мамлакатлар АҚШ — 2,5 млн.т. Ўзбекистон ва Хитой 1,5—2,5 млн.т., Ҳиндистон — 1,5 млн.т. бўлиб, шунингдек Туркия, Покистон, Бразилия, Мексика, Перудир. (ҳар иккала мамлакат қимматбаҳо, ингичка толали пахта етиштиради.), Ҳалқаро бозорга 4,5—5 млн.т. пахта толаси чиқарилади. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда етиштирилган пахтанинг 50—75% чиқарилади. (Ҳиндистон экспортга чиқарилган пахта толасига нисбатан кўпроқ импорт қиласи). Европадаги мамлакатлар 2 млн.т. ортиқ пахта толасини, Япония — 800—900 минг тонна пахта толасини импорт қиласи. Хитой — йирик пахта етиштирувчи мамлакат бўлишига қарамай зўрға ўз эҳтиёжларини қондиради.

Толали ўсимликлардан жут ва сизал ўсимликлари хилма — хил техник мақсадларда ишлатилувчи материаллар олишда фойдаланилади. Жут — Хитой ва Ҳиндистонда (1,5—2 млн.т. дан), Бангладешда (500—600 минг.т.) етиштирилса (дунё бўйича 4,5—5 млн.т.), сизал (агава баргидан олинади) Бразилия (200 минг.т.) ва Танзанияда (400 минг.т.) етиштирилади. Дунё бўйича 500—600 минг.т. сизал ишлаб чиқарилади.

**Мойли ўсимликлар** — ўсимлик мойи олишда ва озиқ — овқат саноатида кенг фойдаланилади. Мойли ўсимликлар — асосан бир йиллик ўсимликлар — кунгабоқар, соя, ер ёнгок (араҳис), пахта, зигир, рапс, кунжут, нұхот ҳамда кўп йиллик ўсимликлар (зайтун дарахти, мойли ва кокос пальмаси, туню дарахти ва бошқ.) бўлиб, ҳар бирининг жойлашиш хусусияти бир — биридан фарқ қиласи. Иқтисодий жиҳатидан бир йиллик мойли ўсимликлар алоҳида ақамиятга

эга. Йилига дунё бўйича 60–65 млн.т. ўсимлик мойи ишлаб чиқарилади. Энг йирик ўсимлик мойи истеъмол қилувчи мамлакатлар АҚШ, Канада, Россия, Ўзбекистон, Украина, Хитой, Ҳиндистондир.

Кунгабоқар етиштириш Россия, Украина, Шарқий Европа мамлакатлари Аргентина ва Уругвайда, Соя – ватани Шарқий Осиёда (Хитой ва Корея ярим ороли) бўлишига қарамай кейинги йилларда – қимматбаҳо озиқ – овқат ва ем – хащак экини сифатида АҚШ, Россия, Бразилия ва тропик мамлакатларда кенг тарқалди. Йилига 90–100 млн.т. соя етиштирилади. Бунинг 50% ортиги АҚШга, 20% Хитой ҳиссасига тўғри келади. Зигир етиштирувчи асосий районлар АҚШ, Канада, Аргентина, Ҳиндистон, Россияда ер ёнгоқ, рапс, кунжут эса субтропик мамлакатларда етиштирилмоқда.

Кўп йиллик мойли ўсимликлардан зайдун дараҳти Ўтра денгиз қирғоқ бўйи районларда (Испания, Италия, Тунис, Марокко, Туркия), копр (кокс ёнғорини қуритиб кокс мойи олинади) тропик мамлакатларда (Филиппин, Индонезия, Ҳиндистон, Океания ороллари), пальма мойи – тропик Африкада (Сьерра – Леоне, Нигерия), Малайзия, Индонезияда етиштирилади.

«Рағбатлантирувчи» ўсимликлар – чой, кофе, какао ривожланаётган мамлакатларнинг экспорт маҳсулотлари бўлиб «колониал ўсимликлар» номи билан машҳурdir. Бу экинлар тропик, қисман субтропикларда (чой), сернам районларда етиштирилади ва мўътадил минтақаларда истеъмол қилинади. Чой барги асосан Осиёда етиштирилади (ватани Хитой бўлиб, Европага XVII асрда маълум бўлди). Йилига 1,8–2,0 млн.т. чой барги йиғиштириб олинади. Бунинг 50% Ҳиндистон ва Шри – Ланкага тўғри келади. Шунигдек, Хитой, Жануби – Шарқий Осиё мамлакатлари, Туркия, Озарбайжон, Грузия (Аджария), Африкада – Кения ҳам чой етиштирувчи мамлакатлардир.

Кофе – деярли тропик районлар ўсимлиги бўлиб, плантация хўжаликларида етиштирилади. Кофе ватани Африка бўлсада, бутун дунёда етиштирилаётган кофенинг 2/3 қисми Лотин Америкасига (Бразилия 1,8 млн.т., Колумбия 0,7 млн.т.) тўғри келади. Марказий Африка (Эфиопия), Марказий Америка (Мексика) йирик кофе плантацияларига эгадир. Йилига дунё бўйича 5–6 млн.т. кофе етиштирилади.

Какао – кондитер саноатининг муҳим хом – ашёси сифатида Африкада (гарбий қисми) ва Бразилиядаги етиштирилади. Дунё бўйича 1,5–2,0 млн.т. какао бошоги

йиғиштириб олинади. Ватани Лотин Америкаси бўлишига қарамай асосий ишлаб чиқариш Гвинея қирғоқ бўйига (Африка) тўпланган.

Каучуксимон дарахтлардан (гевая), каучук (латекс) йиғиштириб олинади. Бразилияда (Амазонка дарёси ҳавзаси) ҳамда иккинчи жаҳон урушидан сўнг Жанубий – Шарқий ва Жанубий Осиёда ҳарактерлидир. Йилига 4 – 4,5 млн.т. табиий каучук йиғиштириб олинади.

Сабзавотчилик ва картошқачилик деярли барча мамлакатларда кенг тарқалгани билан ажralиб турди. Сабзавот ва картошка аҳоли озиқ – овқат рационида катта ўрин тутади. Картошка кўпчилик мамлакатларда «иккинчи нон» сифатида етиштирилади ҳамда техник мақсадларда ҳам ишлатилади. Йилига 400 – 450 млн.т. картошка йиғиштириб олинади. Эртанги картошка ва сабзавот муҳим экспорт маҳсулотлари ҳисобланади. Картошка етиштириш Шимолий Америка, Европа мамлакатларида, ширин картошка (батат) эса тропик мамлакатларда кенг тарқалганадир.

**Боғдорчилик** – субтропик ва тропик минтақада, узумчилик – субтропик минтақада кенг тарқалган. Боғдорчилик ва узумчилик плантация хўжалик шаклида бўлиб, юқори товар қийматига эгалиги билан ажralиб турди. Йирик боғдорчилик ва узумчилик минтақалари – Ўрта дengиз қирғоқ бўйи (Испания, Италия, Франция, Югославия, Болгария), АҚШ (Калифорния), Марказий Осиёда (Ўзбекистон) шаклланган. Дунё бўйича йилига 360 – 400 млн.т. мева йиғиштириб олинади, бунинг 60 млн.т. цитрус меваларидир. Цитрус мевалари АҚШ, Ўрта дengиз ва Кариб ҳавзалари мамлакатларида кўплаб етиштирилади.

Боғдорчилик ва узумчиликнинг тез ривожланганлиги қайта ишлаш саноатини ҳам ихтисослашган транспорт воситаларининг юзага келишига олиб келди. Шунингдек, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари (ҳам янги ҳолда ҳам қайта ишланган ҳолда) халқаро савдода муҳим ўрин тутмоқда. Кўпгина минтақаларда боғдорчилик ва узумчилик ҳам ички ҳам ташки бозор (АҚШда Калифорния, Ўзбекистонда – Фарғона водийси, Ўрта дengиз қирғоқ бўйи ва бошқ.) йўналишдадир.

### **9.3. Чорвачилик ва унинг тармоқ тарқиби**

Қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғида қўйидаги чорвачилик типлари кенг тарқалган. а) аралаш тоғ қишлоқ хўжалиги – бой ва маҳсулдор табиий ўтлов ва ўтлоқлар,

вертикал (тиқ) минтақалик асосида сертармок йұналиш харakterли. Дон хұжалиги, боғдорчилик ва чорвачилик деярли бир хил ақамиятга әгадір;

б) ранчо чорвачилиги – асосан ривожланган ишлаб чиқариш муносабатлари күчирма қылинганды мамлакатлардаги (Австралия, Яңғы Зелландия, ЖАР, Канада) ва Аргентина, Бразилия экспорт учун дон йұналишидегі хұжаликларда (үн минглаб гектар ҳудудларда) жүн, құй гүшти ва мол гүшти етиштиришга ихтисослашғандыр;

в) ялов чорвачилиги – ҳудудий жиҳатдан жуда катта бўлиб узоқ оралиқда ҳайвонларни боқиб юришдир. Жануби – Фарбий Осиё, Африка шимоли, АҚШ (тарбия штатлар), Лотин Америкаси (Бразилия, Аргентина), Мексика, Марказий Осиё давлатлари, Мўгулистан, Россия, Афғонистонда тарқалган бўлиб, унга майин ва ярим майин қўйчилик, эчкичилик, тұячиликдан иборат кўчманчи ва ярим кўчманчи хұжаликлар киради. Бу ҳудудларда ялов чорвачилиги минглаб км. оралиқдаги миграцион (ҳатто Африка шимолида – давлатлараро) ҳаракатлар билан боғлиқ;

г) экстремал шароитдаги тундра ва тундра ёни бутунимик хұжаликлари – Россия (төккә Шимол), Канада, АҚШда (Аляска) кенг тарқалган бўлиб чекка шимол халқлари турмушыда муҳим ўрин тутади;

д) мўътадил минтақалarda аралаш интенсив деҳқончилик – чорвачиликка ихтисослашган хұжаликлар – юқори товар хұжаликлари бўлиб, турли йұналишдаги аграр ва агросоноат корхоналаридан иборат. Фарбий Европа, Шарқий Европа, Россия учун харakterлидир;

е) сут хұжаликлари – деярли иқтисодий ривожланган мамлакатларда тарқалган бўлиб АҚШ, Фарбий Европа (Буюк Британия, Франция, ГФР, Финляндия, Дания, Нидерландия, ва бошқ.) қорамоллар маҳсулдорлигининг юқорилиги (5000 кг.ва ундан юқори, қора – ола зотидан сут соғиб олинади ва унинг ёғлилик даражаси 4,35% ташкил қиласы) билан ажralиб туради. 1995 йил дунё бўйича 500 млн.т.ортиқ сут соғиб олинган бўлса (450 млн.т. мол сути) бунинг 25% Фарбий Европа мамлакатларига, 13% АҚШ ва 15% МДХ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади;

ж) шаҳар атрофи хұжалиги – йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларни тез бузилувчи сабзавот, мева, сут, тухум билан таъминлашып қаратилғандыр. Шаҳар атрофи хұжалиги икки йұналишдан: а) мева, илдиз мевалар, сабзавотлар билан таъминловчи кўп сонли деҳқон ва фермерлар; б) саноат – харakterидеги йирик қышлоқ хұжалиги корхоналари – сут,

тухум «фабрика»лари, йирик теплица ва парник хўжаликларидан иборат.

Шаҳар атрофи хўжалиги кейинги йилларда ИТИ таъсирида (транспорт) янги жараёнларни бошидан кечирмоқда. Агар илгари 150 км.дан флягаларда сут олиб келинган бўлса, эндиликда авторефрежераторларда – 1500 км.дан олиб келинмоқда. Тез бузиладиган шафтоли, қулупнай, гул ва бошқ. самолётлар билан (гул – Кения) ташилмоқда. Шаҳар атрофи хўжалиги йирик шаҳарларни жумладан 18 млн.аҳолига эга Нью – Йоркни 40% сабзавотга бўлган эҳтиёжини қоплайди. (картошка ва чўчқа гўштига бўлган эҳтиёжини эса – 2% қоплайди). Умуман шаҳар атрофи хўжалиги иқтисодий ривожланган мамлакатларда юқори самарадорликка эгалиги билан ажралиб туради.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасида чорвачилик муҳим ўрин тутади. У аҳолини кундалик зарур маҳсулотлар – сут, сут маҳсулотлари ва гўшт билан таъминлабгина қолмай, саноат ва медицина учун ҳам зарур бўлган маҳсулотлар (жун, тери, суяқ, кон ва бошқ.) етказиб беради. Кейинги йилларда чорвачиликнинг ихтисослашув жараёни кучайди. Гўшт, сут, жун – гўшт – тери йўналишидаги чорвачилик маълум ҳудудларда ривожланмоқда. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ва ҳудудларда чорвачилик ривожланиши интенсив йўналишга эга бўлса, Осиё, Африка, Лотин Америкасида бир қатор мамлакатларда экстенсив йўналишга эгадир. Шуниси характерлики, жаҳон чорвачилик маҳсулотлари асосий қисмини мұттағид минтақадаги мамлакатлар етказиб беради.

Чорвачиликнинг асосини озуқа базаси ташкил қиласи. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда озуқанинг асосий қисмини зироатчилик етказиб беради. Кўпгина мамлакатларда (ГФР) зироатчилик чорвачилик манфаатларига бўйсунгандиги билан ажралиб туради. Зироатчиликда алмашлаб экинча маккажӯхори, бир йиллик турли ўтлар, беда, илдизмевалар (ҳашаки лавлаги) чорвачилик озуқа базасини хилма – хил бўлишига олиб келади. Аҳоли зич районларда табиий ўтлоқ ва яйловлари чегараланган.

Интенсив ва экстенсив йўналишдаги чорвачилик Шимолий Америка учун хос. (АҚШ, Канада). АҚШнинг қурғоқчил районлари, Аргентина, Мексика, Австралия ва ЖАРда чорвачилик минтақалари, яъни жуда катта табиий яйловлар ва ихтисослашган боқув пунктлари ривожланган. Осиё, Африка (Жануби – Фарбий Осиё, Муғулистон,

Шимолий, Фарбий ва Шимолий Африка) чорвачилик кўчманчи ва ярим кўчманчи шаклида ривожлангандир.

Чорвачилик – йирик шохли ҳайвонлар (қорамолчилик), қўйчилик ва эчкичилик, чўчқачилик, йилкичилик, паррандачилик соҳаларидан иборат.

**Йирик шохли ҳайвонлар** – деярли барча мамлакатларда ва ҳудудларда ривожлангандир. Дунё бўйича 90–йиллар бошларида йирик шохли ҳайвонларнинг умумий сони 1,4 млрд. бошдан ортиб кетди. Юқори маҳсулдор зотли қорамолчилик Европа, Шимолий Америка, Австралия иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Лотин Америкасида товар чорвачлиги Аргентина, Уругвай, Бразилиянинг жанубида ривожланган. Ҳиндистонда йирик шохли ҳайвонлар (200 млн.бош) кўп бўлишига қарамай, иш ҳайвонлари сифатида (диний қарашлар билан боғлиқ ҳолда, молниг гўшти ейилмайди, сути ичилмайди) фойдаланилади. Африканинг кўпгина районларида ҳам чорвачилик маҳсулдорлиги паст бўлиб, асосан ишчи ҳайвон сифатида фойдаланилади.

Қорамолчилиқда иккита йўналиш – сут – гўшт йўналиши шаҳар атрофи хўжаликларида, иқтисодий ривожланган минтақалар ва мамлакатларда ривожланган. Аҳоли зич, озуқа ташнаги таъсирли юбори бўлишига қарамай, бу минтақаларда – ёғ, пишлоқ ва хилма – хил сут маҳсулотларини саноат асосларида тайёрланади, ички ва ташқи бозор учун маҳсулот етказиб берилади. (Нидерландия, Данія). Гўшт йўналиши табиий шароити қулай, ер ресурсларига бой Аргентина ва Австралияда ҳам интенсив ем – хашак етишириш (маккажўхори ва соя) ривожланган районларда (АҚШ, Франция) ривожлангандир. Йилига дунё бўйича 55–60 млн.т. гўшт етиширилади.

**Қўйчилик ва эчкичилик** – деярли экстенсив характерга эга бўлиб, нам мўътадил минтақалар Европа, Янги Зелландия, Аргентина, Уругвай, шунингдек, қурғоқчил ҳудудлар – Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Эронда ривожлангандир. Қўйчилик ва эчкичилик гўшт – жун ва гўшт йўналиши – АҚШ, Буюк Британия, Аргентина, Бразилия, жун – юнг йўналиши эса – Австралия, ЖАР, Намибия, Аргентина, Испания мамлакатлари учун хосдир. Майин юнг етказиб берувчи ангор эчкилари – Туркия, Афғонистон, Намибия, Ўзбекистон Қозогистон учун хосдир. Қоракўл қўйлари Афғонистон, Ўзбекистон(Бухоро), Намибияда тарқалган. МДҲ ҳудудида майин жунли қўйчилик – Кавказ олди, Волга бўйининг қўйи қисми, Қозогистон, дагал жунли қўйлар Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Россиянинг

ноқоратупроқ минтақасида тарқалғандыр. Юнг (тивит) берадиган эчкичилик Урал ёни, Волга бүйи, Дон бүйидаги қуруқ дашт районларида, шунингдек бутасимон яйловлари бўлган тоғ даштларида (Олтой, Қирғизистон, Байкал орти) ривожланган. Қўйчилик ва эчкичилик маҳсулотининг асосий қисми жун – теритир. Йилига дунё бўйича 2,5 – 3 млн.т. жун тайёрланади. Бунинг асосий қисми Австралия (800 минг.т.), Янги Зелландия (350 минг.т.), Фарбий Европа ва Аргентинага (100 – 150 минг.т.) тўғри келади.

**Чўчқачилик** – гўшт ва ёғ берадиган чорвачиликнинг энг тез маҳсулот етиширадиган тармоғидир. Интенсив деҳқончилик ва аралаш ем саноатининг ривожланганлиги чўчқачиликни саноат асосларга ўтказиш имконини берди. Бугунги кунда кўпчилик мамлакатларда йирик чўчқачилик мажмуалари мавжуд. Дунё бўйича чўчқалар сони 850 – 900 млн.бошни ташкил қиласди. Шунинг, 150 млн. боши Хитойдадир. Чўчқачилик Фарбий ва Шарқий Европа, Россия, Болтиқ бўйи, Украина, Беларусь ҳамда Лотин Америкасида ривожланаётган мамлакатлардаги чўчқаларнинг 75% тарқалган. Ислом дини мавжуд мамлакатларда чўчқачилик унчалик ривожланган эмас.

**Паррандачилик** (товук, ўрдак, гоз, курка) гўшт ва тухум беради. Парранда боқиш кўп жиҳатидан емга, донга асосланади. Паррандачилик тарихан йирик фалла етиширувчи минтақаларда, хусусан дашт ва ўрмон дашт зоналари билан боғлиқдир. Паррандачилик чорвачиликнинг бошқа тармоқларига нисбатан бир мунча оддин саноат асосларига ўтди. 50 – йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда йирик паррандачилик фабрикалари барпо этилди. Паррандачилик фабрикалари маҳсулот истеъмол қиласиган районларда, урбанизациялашган минтақалар, йирик шаҳарлар атрофи ҳамда фаллакор минтақаларда жойлашгандир.

Шунингдек, чорвачилик тармоқлари ўртасида йилқичилик ҳам муҳим ўрин тутади. Йилқичилик учта йўналишга: а) зотдор йилқичилик; б) от – улов йилқичилиги; в) маҳсулот берадиган йилқичилик; г) гўшт ва бия сути шифобахш қимиз тайёрланади.

Чорвачилик тармоқлар ўртасида, қўтосчилик, туячилик, моролчилик, буғучилик ҳамда чорвачиликнинг ўзига хос ем – хашак базасига эга бўлган тармоқлари – асаларичилик, пиллачилик, муйнали паррандачилик ва ҳовуз балиқчилиги ҳам иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда чорвачилик тарақкий этган учта минтақаны ажратиш мүмкин. 1) Фарбий Европанинг интенсив чорвачилик ривожланган марказий қисми – сут ва гўшт – сут йўналишидаги қорамолчилик, чўчқачилик ва паррандачилик – Дания, Нидерландия, Буюк Британия, Ирландия, Бельгия, Швейцария ва бу мамлакатларга қўшни мамлакатларнинг чегарадош ҳудудлари; 2) АҚШ ва Канада – хилма – хил йўналишидаги чорвачилик ривожланган минтақа; 3) Австралия ва Янги Зелландия қайсики юқори маҳсулот берувчи экстенсив яйлов хўжалиги (жун ва гўшт – жун қўйчилик, қорамолчилик) ривожланган бўлиб, юқори даражада механизациялашганлиги билан ажralиб туради. Юқоридаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар аҳолиси жаҳон аҳолисининг 0,5% ташкил этгани ҳолда уларга дунё бўйича қорамолларнинг 5%, қўйларнинг 15% тўғри келади. Улар қарийиб 30% жаҳон бозорига чиқарилаётган ҳайвон ёғини, 15% пишлок, 80% қўй гўшти, 25% мол гўшти ва 75% жунни етказиб беради.

Лотин Америкаси ҳам экстенсив чорвачилик ривожланган минтақалардан биридир. Жуда катта ерларга эгалик шакли – латифундия кенг тарқалган. айникса. чорвачилик Аргентина, Уругвай ва Бразилияда ривожланган. Гўшт ва сут маҳсулотлари аҳоли озиқ – овқат рационида пастлиги билан ажralиб туради. Африканинг бир қатор мамлакатларида экстенсив чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асоси бўлиб хизмат қилади. Айниқса, чўл ва чала чўл минтақаларида чорвачилик дехқончилиқдан тамомила ажralган бўлиб, кўчманчи ҳолатдадир. Қўйчилик ва эчкичилик, тячилик характерлидир. Африка жун экспорт қилувчи йирик минтақа бўлиб, ҳисобланади.

Шарқий Европа мамлакатларида чорвачилик интенсив йўналишидадир. Сут – гўшт чорвачилиги, чўчқачилик ва паррандачилик Чехия, Словакия, Польшада, қўйчилик Руминия ва Венгрияда ривожланган. Мўғулистон экстенсив чорвачилик минтақаси (қўй, йирик шохли ҳайвонлар, эчки, от) бўлиб, аҳоли жон бошига чорва моллари тўғри келиши жиҳатидан дунёдаги олдинги ўринлардан бирида туради. Хитойда қорамолчилик, фарбий вилоятларида эса, яйлов чорвачилиги ривожланган. Россия, Болтиқ бўйи, Украина, Беларусь, Кавказ орти, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Қозогистонда қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, чўчқачилик ва паррандачилик ривожланган.

#### 9.4. Дунё мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ижтимоий – иқтисодий типларининг хусусиятлари

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги интенсивлаш, механизациялаш ва маҳсулдорлилик даражаси, ишлаб чиқаришни ихтисослашув ва концентрацияси юқорилиги ҳамда қишлоқ хўжалиги монополиялари манфаатларига буйсунганилиги – агробизнес тобора кучайиб бораётганилиги билан характерланади. Қишлоқ хўжалигида ўртача ва кичик фермер ва деҳқон хўжаликлари монополистик агробизнеснинг таркибий қисми, унинг қишлоқ жойлардаги ишчи кучи бўлиб қолди. Бу мамлакатларда деярли чорвачилик, зироатчилик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Маданий яйловлардан кенг фойдаланиб, яйлов маҳсулдорлигини барқарор ортиб бориши, айниқса, шаҳар атрофи хўжаликлари учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фарбий Европа қишлоқ хўжалиги юқори даражада интенсивлашгани билан ажралиб туради. Минерал ўғитлардан фойдаланиш, ҳар 100 га ишланадиган ерга тўғри келадиган тракторлар сони, 1га ердан олинадиган маҳсулдорлик Шимолий Америка қишлоқ хўжалиги билан бир хил. Шимолий Америка қишлоқ хўжалиги катта майдонларда юқори ҳажмда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган зоналарнинг (минтақа) шаклланганлиги билан ажралиб туради. Масалан: АҚШда – сут чорвачилиги, сабзавот, нам ва қуруқ субтропик мевалар етиштирувчи тор ихтисослашган қишлоқ хўжалик минтақалари шаклланган. Япония қишлоқ хўжалигида амалга оширилган аграр ислоҳот оқибатида йирик механизациялашган хўжаликлар (фермер) ҳукмрон рол ўйнайди. Бошқа иқтисодий ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Япония қишлоқ хўжалигида зироатчилик асосий ўрин тутади. Зироатчилиқда эса шоли етиштириш бош йўналишидир. Шоли – қишлоқ хўжалик маҳсулотининг кариийиб 50%дан ортигини беради. Австралия, Янги Зелландия, ЖАР, Истроил қишлоқ хўжалиги ҳам юқори товар қийматига эгалиги билан ажралиб туради. Айниқса, Австралия қишлоқ хўжалиги – экспорт йўналишидадир.

Оснё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида 50 – йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Аммо ер ресурсларининг камлиги, Тупроқ унумдорлигининг пастлиги механизациялаш ва кимёлаштириш даражасининг бўшлиги, мелиорация ишларининг амалга оширишдаги

иқтисодий кийинчиликлар, тез – тез бўлиб турадиган табиий оғатлар (қурғоқчиликлар) озиқ – овқат муаммосини ҳал қилишни доимий суръатда мураккаблашувига таъсир қиласи. Аргентина, Уругвай, Бразилия, Мексика каби давлатлардан ташқари деярли барча мамлакатлар қишлоқ хўжалиги таркибида зироатчилик бош тармоқ бўлиб ҳисобланади.

Бу мамлакатларда деҳқон хўжаликларининг икки типи мавжуд:

1. Озиқ – овқат экинлари (Жанубий ва Жануби – Шарқий Осиё мамлакатларида шоли етиштириш) ёки бирданига бир неча хил қишлоқ хўжалик экинлари (ҳар бир қарич ердан фойдаланган ҳолда) етиштирувчи хўжаликлар кенг тарқалган.
2. Нам – тропик ўрмонлар минтақасида ҳануз ўт далали зироатчилик тизимининг сақланиб қолиши тропик ўрмонларнинг катта – катта ҳудудларда кесиб юборилишига, тупроқ эрозиясининг кучайишига ва табиий – экологик шароитни мураккаблашувига олиб келмоқда. Саванналарда эса маккажўхори, бошоқли ва дуккакли экинлар ўстирилмоқда, ширин картошка (батат) ва бошқа экинлар етиштирилади.

Экспорт қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса кўп йиллик тропик ва субтропик экинларни етиштирувчи плантация хўжаликларида етиштирилади. Плантация хўжаликлари ҳалқаро трансмиллий корпорациялар билан боғлиқ бўлиб, иқтисодий ривожланган хўжаликларидир. Плантация хўжаликларида банан, шакарқамиш, пахта, хилма – хил цитрус мевалари етиштирилади. Плантация хўжаликлари одатда порт шаҳарлар ва қайта ишловчи корхоналар билан темир йўл ва автомобиль йўллари орқали боғлангандир.

Ривожланётган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги кўп укладли эканлиги билан ажralиб туради. Йирик чет эл капиталига карашли плантация хўжаликлари, йирик хўжалик, ўрта ва майда деҳқон хўжаликлири ва ердан ва бошқа ресурслардан (яилов) жамоа бўлиб фойдаланиш характерлидир. Кейинги йилларда бир қатор мамлакатларда (Ҳиндистон ва бошқ.) «кўк инқилоб» сиёсатининг (қишлоқ хўжалигини ривожлантириш негизида озиқ – овқат муаммосини ҳал қилиш) амалга оширилиши, қишлоқ хўжалиги моддий – техника базасини мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш имконини бермоқда.

Шарқий Европа мамлакатлари қишлоқ хўжалиги экстенсив шакллардан интенсив шаклларга ўтиш билан характерланади. 80—йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган муҳим ижтимоий — иқтисодий ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам муҳим ўзгаришларни юзага келтириди. Социалистик секторни ташкил қилувчи хўжаликлар ўрнида, дәҳқон ва фермер хўжаликлари, дәҳқонларнинг ихтиёрий кооперациялари кенгаймоқда. Бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёни тезлик билан бормоқда. Хитой муҳим иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш негизида «социалистик бозор муносабат» ларини барпо этишни мақсад қилиб қўйган бўлса, Въетнам ва Мўгулистон бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлига кирди. ЛХДР ва Кубада социалистик принциплар ҳамон иқтисодиётнинг асосий мезони бўлиб қолишига қарамай, бозор муносабатлари кенгаймоқда. МДҲ дабирасидаги мамлакатларда бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларига ўтиш жараёни жараёнида қишлоқ хўжалик корхоналари билан бир қаторда фермер ва дәҳқон хўжаликлари кенгаймоқда.

**Озиқ—овқат муаммоси ва уни ҳал қилишнинг асосий йўналишлари.** Аҳолини озиқ—овқат билан таъминлаш инсоният олдидаги турган муаммоларнинг марказий қисмени ташкил қиласди. Озиқ—овқат маҳсулотларини етиштириш ва истеъмол қилиш нафақат табиий омилларга боғлиқ бўлибгина қолмай, балки мамлакатлар ва районларнинг ижтимоий — иқтисодий ривожланиши даражаси, хўжалик ихтисослашуви, ҳудудларни ўзлаштирилганлик даражаси, яъни ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёти билан ҳам боғлиқдир.

Озиқ—овқат маҳсулотларининг сифати, озиқ—овқат рационида муҳим ўрин тутади. Чунки, ҳаётнинг асосини ташкил қилувчи оқсилиларниң маҳсулотлари (гўшт, сут ва тухум) орқали истеъмол қилинади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳоли озиқ—овқат рационининг 1/3 қисми чорвачилик маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келгани ҳолда, қолган минтақаларда 1/10 қисмини ташкил этади, холос. Озиқ—овқат маҳсулотларининг энергия қуввати тўйимлилиги (калориялилиги) билан ўлчанади. Дунё бўйича озиқ—овқат маҳсулотларининг тўйимлилик даражаси кўрсаткичидан суткасига ўртача 2400 ккал (ФАО меъёри бўйича) деб белгиланган бўлсада, мутахассислар уни 2700—2800, ҳатто 3300 ккал деб ҳисобладилар. АҚШда 1995 йил эълон қилинган, маълумотга кўра соғлом овқатланиши меъёри

ишиламайдиган аёллар учун 1600 ккал, фаол мөхнатда банд эркаклар учун 2800 ккал. деб тавсия қилинади.

Аҳолини озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси иқтисодий ривожланган мамлакатларда деярли ҳал қилинган бўлса – да, ер шарининг катта қисмида XX аср 90 – йилларида ҳам энг кескин муаммо (1992 йил Сомолидаги очарчилик 1 млн.дан ортиқ сомалийларнинг ҳётни олиб кетди) бўлиб қолмоқда. Озиқ – овқат муаммосининг кескинлиги МДҲ ҳудудидаги мамлакатлар учун ҳам характерли жараёндир. Тўйиб овқат емаслик ва ярим очлик Африка, Осиё ва Лотин Америкаси учун ўзига хос «доимий» муаммо бўлиб қолди.

Жаҳон аҳолисининг озиқ – овқат маҳсулотлари билан етарли таъминлаш, истиқболли озиқ – овқат режасини амалга оширишнинг бир қатор йўналишлари мавжуд табиий ва ижтимоий – иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланишни, янги ресурсларни ишга солишни тақозо қилади.

Озиқ – овқат ресурсларини кенгайтиришнинг биринчи йўналиши мавжуд ер фондидан самарали фойдаланишdir. Осиё, Африка ва Лотин Америкасида қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш иқтисодий ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, озиқ – овқат маҳсулотлари таиерлашни кўпайтириш имконини беради. Иккинчи йўналиш тропик ва қурғоқчил минтақаларда мелиорация ишларини амалга ошириш негизида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчи минтақаларни барпо қилиш билан боғлиқ. Учинчи йўналиш, нисбатан қолоқ аграр иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар ва ҳудудларда ИТИ ютуқларидан кенг фойдаланиш ва агросаноат интеграциясини ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кўтариш юқори унумли навлардан деҳқончиликда ва маҳсулдор ҳайвон турларидан чорвачиликда фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг экстенсив ва интенсив шаклларини оқилона уйғулаштириш билан боғлиқдир.

**Қишлоқ хўжалиги ва экологик муаммолар.** Деҳқончилик ва чорвачиликнинг минг йиллар давомида ривожланиши атроф – муҳитга сезиларли таъсирини ўтказган ва маданий ландшафтларни юзага келтирган. Айниқса, ўт – далали деҳқончилик тизими кўплаб ўрмонларнинг Европада қирқиб юборилишига олиб келган бўлса, бугунги кунда ҳам Осиё, Африка ва Лотин Америкасида бу жараён тақрорланишига тупроқ устки қатламининг очилиб қолишига (тропик ёғинлар натижасида ювилиб кетилишига), эрозион – жараёнларнинг кучайишига олиб келмоқда. Яйлов

чорвачилигининг ривожланиши унумдор ўтлоқ ва яйловларнинг маҳсулдорлигини пасайишига, тупроқ устки қопламининг очилиб қолиши ва шамол эрозияси оқибатида адир ва ярим адир минтақаларда чўлланиш жараёнининг кучайишига таъсир этмоқда.

ХХ асрнинг иккинчи ярмидан ИТИнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсири натижасида интенсив ривожланиш жараёни бошланди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кимёлаштириш жараёни оқибатида (ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари – пестицидлар, минерал ўғитлар, ветеринария пестицидлари ва бошқ.) тупроқ, ҳаво ва сув ресурслари жиддий заҳарланмоқда ҳамда тузатиб бўлмас оқибатларини юзага келтирмоқда.

Бугунги кунда дунё мамлакатларда 100 минг.т. турли хил кимёвий препаратлар қўлланилмоқда, 100 млн.т. ортиқ минерал ўғитлар (фосфорли, калийли, азотли), ва 2–3 млн.т. заҳарли химикатлар ишлатилмоқда.

Кейинги йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигига заҳарли кимёвий воситалардан фойдаланишини тақиқланиши оқибатида кўпроқ биологик усувлар кенг ёйилмоқда. Биологик усул атроф – муҳит учун ҳавфсиз бўлиб, зарар келтирмайди. Айниқса, биологик усувлар – боғдорчиллик – узумчилик, сабзавот ва полиз етиштиришда қўлланилмоқда ҳамда бу экологик «соғ» маҳсулотлар нархи юқорилиги билан ажralиб туради.

Шунга қарамай, ҳануз дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш мақсадида минерал ўғитлар, пестицидлар, турли кимёвий моддалар кенг қўлланилмоқда, бунинг оқибатида йилига тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, 400 мингдан – 2 млн. га қадар одамлар заҳарланмоқдаки, бунинг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ аҳолиси ҳиссасига тўғри келади.

Яқин истиқболда, қишлоқ хўжалигига илфор биотехнология, ген инжинерияси ютуқларини қўллаш юзага келган экологик муаммоларнинг юмшатиш имконини бериши мумкин.

## **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Агросаноат мажмуаси, Агробизнес ва «Кўк инқилоб» тушунчалари моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Зироатчилик, унинг тармоқ таркиби ва дунё минтақалари бўйича ривожланиш ҳамда жойлашишига тавсиф беринг.
3. Чорвачилик, унинг тармоқ таркиби ва дунё мамлакатларида ривожланиш хусусиятларини тушунтиринг.
4. ИТИ ва қишлоқ ҳўжалигидаги йўналишларга тавсиф беринг.
5. Озиқ – овқат муаммоси ҳамда уни ҳал қилиш йўлларини тушунтириб беринг.
6. Агросаноат мажмуаси ва экологик муаммоларга тавсиф беринг.

## **Х БОБ. ТРАНСПОРТ МАЖМУАСИ: РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **10.1. Транспорт тизимининг ҳозирги ривожланиш жараёнлари**

Саноат, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда транспорт моддий ишлаб чиқариш жараёнида марказий ўринни эгаллайди. Транспорт иқтисодий тизимда юкларни ва йўловчиларни ташиш орқали ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатади ҳамда аҳолининг ҳаракатчалигини таъминлайди. Транспорт янги маҳсулотлар яратмайди, балки моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари томонидан яратилган маҳсулотларни бир жойдан – иккинчи жойга олиб боради ва ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантириш ҳамда қўшиш орқали янги ишлаб чиқариш тизимини давом этиши учун шарт – шароит ҳозирлайди. Худди шу хусусият маҳсулотлар қийматида транспорт харажатлари миқдорининг ортичига олиб келади.

Ялпи транспорт харажатларининг истеъмолчига келиб тушган маҳсулотнинг тўла қийматига бўлган нисбати маҳсулот қийматининг транспорт таркибий қисми коэффициенти деб аталади. Транспорт таркибий қисми хом – ашё, ёқилғи маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўлган ёрдамчи материалларни келтириш учун кетган харажатлардан таркиб топади ҳамда уни истеъмол районларига етказиб бериш учун сарф бўлган харажатларни ҳам ўз ичига олади. Транспортта кетган харажатлар миқдори қанча кам бўлса, истеъмолчига етиб борган муайян маҳсулотнинг тўла нархи шунча паст бўлади. Шунинг учун ҳудудий фактор, яъни ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил қилиниши ва транспорт – иқтисодий алоқаларнинг оқилона бўлиши юк ташиш учун кетган харажатларнинг камайишига олиб келади.

Юк ташишнинг ҳажми, таркиби ва йўналишлари, мамлакат ва минтақаларнинг иқтисодий ривожланиши жараёнларини кўрсатса, транспорт тури аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг жойлашишини ифодалайди. Транспорт тармоқларининг ривожланганлик ҳолати районларнинг ихтисослашувига, хўжаликни мажумали тараққий этишига муайян шароит ҳозирлайди. Транспорт ҳудудий (географик) меҳнат тақсимотини юзага келишининг моддий – техник асосидир.

Илмий – техника инқилоби таъсирида транспорт тизимининг ривожланиши ишлаб чиқариш қувватлари

таркибидаги жицдий ўзгаришлар, халқаро товарлар бозорига ташиладиган юкларга эҳтиёжнинг ўсиши ва транспорт хизмати сифатига янги талабларнинг юзага келиши билан боғлиқдир. Бу ерда кескин рақобат натижасида асосий капиталнинг янгиланиш зарурияти тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. ИТИнинг халқаро транспорт бозорида характерли натижаси – доимий турли транспорт турлари рақобатбардошлигининг ўсиши, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, салоҳиятининг кучайиши ва интеграцион алоқаларнинг ривожланишиди.

Транспорт бозоридаги кескин рақобат кураши, айниқса, қуруқлик транспорт турлари – темир йўл, автомобил, қувур транспорти ва дарё (юкларни денгиз портига олиб берадиган) йўналишларда кучлидир. Шунингдек, ИТИ билан паралел равишда транспорт воситаларининг монополлашуви рақобатни янада кучайтирмоқда. Транспорт тизими ўзининг техник даражаси, кўлами, ташкилий шакли, халқаро юк ва йўловчи ташиш сифати бўйича мижозларнинг янги талабларига мослашмоқда. Бунда ҳатто харажатларга нисбатан транспорт хизмати сифати бош омил ролини уйнамоқда.

Бу ишни таълаблар қўйиндангилар билан боғлиқдир:

- юк жўнатиш кўламининг ортиб бориши, ишлаб чиқариш технологик жараёнларидағи ҳудудий фарқлар ва юк ташишдаги майдада партиялар, юк ташишнинг табақаланишини кучайишига;
- транспорт харажатлари ўсиши туфайли юк ташиш самарадорилигини қўтаришга интилиш;
- иқтисодий алоқалар таркибининг ўзгаришига мослашув зарурияти;
- йўловчи ва юк ташишни доимий ва бир маромда таъминлаш;
- юкларни ташишдаги тезкорлик ва сақлаш даражасининг ортиши;
- асосий транспорт магистраллари (йўлак) ва транспорт тугунларида ишлаб чиқариш ва аҳолининг ҳудудий тўпланиши шароитида интенсив ҳаракатнинг ўсиб боришида ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш зарурияти;
- халқаро йўловчи ташиш алоқаларида қулийликларига бўлган талабнинг кескин ортиши;
- транспорт турлари ривожланишига бўлган экологик талабни ҳисобга олиш зарурияти;
- транспортни энергия талаблигини озайтириш зарурияти.

Шундай қилиб, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси шаклларининг ривожланиши билан транспорт хизмат кўрсатиш сифати алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юқоридаги омиллар ўз навбатида юк ташишда автомобиль ва ҳаво транспортининг устун даражада ривожланишига, халқаро транспорт коммуникацияларининг такомиллашувига, инфратузилмалар тизимининг модернизациялашувига, транспорт воситалари айланмасининг тезлашуви, алоқаларда қайта юкламай аралаш юк ташиш интенсивлиги ортишига, транспорт воситалари ва хизматларнинг мос ихтисослашувига, халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик ихтисослашган транспорт – тақсимлаш марказларини ташкиланишига олиб келмоқда.

Транспорт тизимида юқоридаги ўзгаришлар асосида юк ташиш таркибида жиҳдий силжишлар истеъмолчи товарлари қиймати таркибига ўз таъсирини ўтказмоқда. Транспорт тизими ривожланиш жараёнида 2 босқич мавжуд:

а) капиталнинг дастлабки жамғарилиш даври ва индустрисал ривожланиши босқичида юк ташиш ҳажмида нисбатан арzon юклар 30–40% ва ундан кўпроқ бўлиб, транспорт тармоқларининг асосий вазифаси транспортда юк ташиш харажатлари ҳиссасини пасайтиришдан иборат эди. Бунга транспорт воситалари юк кўтариш қувватларини ошириш ва юк ҳажмларини иқтисод қилиш орқали эришилди;

б) постиндустриал босқичга ўтиш транспорт тармоқлари олдига мутлақо янги вазифаларни қўйди. Бундан ташқари, транспорт тизимини тубдан ўзgartирмай уни тақсимлаш – логистика тизимига айлантирмай дунё хўжалигининг постиндустриал босқичга ўтиши мумкин эмас.

Бу жараён – ишлаб чиқишини такомиллаштирилиши ва табақаланиши, халқаро савдода товарлар таркиби модернизацияси билан, яъни қазиб берувчи тармоқлар ва ишлов берувчи саноатнинг биринчи тармоқлари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳиссасининг қисқариши билан боғлиқ. Айни вақтда юксак технологияга асосланган ишлов берувчи саноат маҳсулотлари қиймати кескин ортиб бормоқда, тобора кўпроқ – аниқлик, ишончлилик, компактлилик, хавфсизлик, транспорт тўрининг истаган жойида маълумотлар олиш, транспорт хизматининг жавобгарлиги ва мосланувчанлиги, юкларни етказиб бориши вақтини оптималлаштириш, жўнатиш оралиқлари каби омиллар ҳатто ишлаб чиқариш харажатларини ҳам иккинчи ўринга суриб қўймоқда. Юк ташишнинг аниқ ўз вақтида

амалга ошириш тамойили туфайли мижоз талабининг устуворлиги таъминланмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасидаги ташкилий ўзгаришларда доимий ривожланиб ва мураккаблашиб бораётган бозор эҳтиёжларига мосланувчан кичик ва ўрта бизнеснинг (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш) роли катта бўлмоқда. Ана шу ўзгаришлар таъсирида шаклланган транспорт – логистика тизими ўзида интермодель (тармоқлараро) тизимни ифода этади, яъни аниқ юкни бир ёки бир нечта транспорт турида элтиб беради. Шунинг учун унчалик катта бўлмаган партияда қимматбаҳо юкни олдинги оммавий юк ташишда бўлгани каби арzon ташиб берган ҳолда юкнинг бут сақланишини таъминлаш масаласи ҳам юзага келади. Хилма – хил юкларни стандартизациялаш орқали транспорт юкларнинг янги таркибиға мослашди. 50 – 60 йиллардаги оммавий юкларни ташишда юқори самара берган «кўламдаги иқтисод» тамойилини бош юкларни ташиш стандартизациясига тадбиқ қилиш юк жўнатишларни йириклишуви ва оқимларининг барқарорлашувига олиб кеди. Контейнерлардан фойдаланиш стандарт транспорт воситаларига амалда транспорт жараёнлари учун янги талабларни қўйди. Шундай қилио, контейнерлар асосида транспорт воситалари ва жиҳозларини стандартизациялаш бутун транспорт тизимини, қолаверса, дунё хўжалигини қайта қуришга олиб кеди.

Дунё бўйича 90 – йилларнинг ўрталарида контейнерлар 7,5 млн. дона бўлиб, бунинг 3,4 млн. донаси 6 м.узунлигига, 4 млн. донаси – 12 м.узунликдадир. Контейнерлаштиришга – йирик транспорт тугулари, айниқса деңгиз портлари катта таъсир кўрсатди. Транспорт тизими ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тизимининг интеграциясини ва интермодель транспорт хизматига бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши ва самарадорлигини таъминламоқда. Шундай қилиб, интермоделизм бугунги кунда халқаро бозор тизимининг марказий бўғини бўлиб қолмоқда.

## 10.2. Халқаро транспорт тизимининг асосий кўрсаткичлари

Дунё хўжалиги транспорттабеллигининг ўзгариши 50 – йиллардан кейин барқарорлиги билан ажralиб туради ва юк айланмаси ва умумий ялли маҳсулот (ўзгармас нархларда) ўсиш суръатларига боғлиқ ҳолда борди. Бу даврда халқаро юк айланмаси 1 т. ишлаб чиқилган маҳсулотга нисбатан 33%,

аҳоли жон бошига юк айланмаси ва аҳоли ҳаракатчанлиги (км) эса 3,5 – 4 марта ўсди.

Халқаро транспорт тизими ва унинг динамикаси 9 – 10 – 11 – 12 жадвалларда ўз ифодасини топган.

Умумий транспорт тури ва алоқа йўллари кейинги ўн йилликларда сезиларли даражада барқарорлашди ва айни вақтда муҳим сифат ўзгаришлари темир йўлларни электрлаштириш ва тез юрар темир йўллар қурилиши, такомиллашган қаттиқ қопламга эга автомобиль йўллари, йирик диаметрдаги қувур магистралари билан боғлиқдир. Ер шаридаги барча алоқа йўллари (денигиз трассаларидан ташқари) 36 млн.км.иборат. кейинги 45 йил давомида темир йўллар деярли ўзгармай қолгани (1,2 млн.км) ҳолда электрлаштирилган темир йўллар ва тез юрар темир йўллар 3,3 марта га кўпайди (200 минг.км) ҳамда сифат жиҳатидан такомиллаштирилган автострадалар 2,8 – 4,5 марта кўпайди. Айниқса, халқаро транспорт турлари ўртасида ИТИ билан боғлиқ йирик нефть қувурлари 175 минг км.дан 680 минг км.га етди ёки 3,9 марта ортди ва магистрал газ қувурлари 186 минг км.дан 1,1 млн.км етди ва 5,9 марта кўпайди. XX аср охири ва XXI аср бошларида янги темир йўл, автомобиль йўллари ва нефть – газ қувурлари қурилиши янада кенгайиб бормоқда. Жумладан, кун чиқар мамлакатларни (Хитой, Корея, Япония), Эрон, Туркия ва Фарбий Европанинг Жануби билан туташтирадиган **Трансосиё магистрали** (Истанбул – Тошкент – Олмаота – Пекин) муҳим иктиносидий аҳамиятта эгадир. Бу магистралнинг Дружба станцияси (Қозогистон), Туркманистонда Тажан – Сарахс ва Эронда Сарахс – Машҳад йўналишлари фойдаланишга топширилди. Бу йўлдан Ўзбекистоннинг ва бошқа Марказий Осиё давлатларининг Бухоро – Бейнау орқали Европа мамлакатларига ва Тажан – Сарахс орқали Яқин Шарқ мамлакатларига чиқиш имконияти юзага келди. Шунингдек, Европа ва Осиёни бир – бири билан боғловчи «Буюк ипак йўли»нинг қурилиши, «Кавказ йўлаги»нинг барпо этилиши, шу қатори йирик нефт ва газ магистраларининг қурилиши Осиё, Африка, Лотин Америкасида, мавжуд темир йўлларнинг реконструкциялаш Европа мамлакатларида ҳам давом эттирилмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро кўламда юк ташиш ҳажми кариийиб 7 марта га кўпайди ва 2010 йилга бориб яна 1,2 – 1,3 марта ўсиши куттилмоқда.

Халқаро юк ташишда денигиз транспорти асосий ўрин тутади ва унга халқаро юк айланмасининг 62,1% тўғри келади ва бу улуш ўзгармай қолмоқда. Шунингдек, халқаро юк

айланмасида темир йўл транспорти ҳиссаси кейинги 45 йил ичидаги 17,2 фоизга қисқаргани ҳолда автомобил транспорти ҳиссаси – 2,8 фоизга, нефт қувури ҳиссаси 4,8 фоизга, газ қувури ҳиссаси 3,2 фоизга ўди. Ҳаво транспортида юк ташиш 7 млрд. т/км дан, 52 млрд. т/км.га етгани ҳолда ёки 7,4 марта кўпайганлигига қарамай, умумий юк ташиш ҳажмидағи унинг ҳиссаси ўзгармай қолмоқда. Айни вақтда, транспорт турлари ўртасида юк ташиш таркибида жиҳдий ўзгаришлар юз бермоқда. Чунончи, темир йўл транспортининг бош рақобатчиси ҳисобланган автомобил транспортида юк ташиш нисбати 1990 йилда 4:1 дан 1,2:1 га тушди ва 2000 йилда бу ҳолат тенглашди. Қувур транспортининг ҳиссаси эса 4,2% дан 12,8 фоизга етди.

Халқаро йўловчи ташишда автомобил транспорти, айниқса хусусий автомобил транспорти ҳиссаси юқори бўлиб, етакчи мавқени деярли сақлаб қолмоқда. Агар 1950 йилда халқаро йўловчи ташишда шахсий автомобил транспорти ҳиссасига 56,8% тўғри келган бўлса, 1995 йил – 60,3 фоиз тўғри келди.

#### 9-жадвал

#### Дунё транспорт тизими (минг км) (1950–1995 йиллар)

Транспорт йўллари турлари	1950	1979	1980	1990	1995	1995 йилда 1990 йилга нисбатан % ҳисобида
Темир йўл	1320	1340	1248	1210	1180	-89,9
<i>Шундан:</i> электрлаشتрилган	60	125	164	193	200	3,3 м
Автомобил йўллари	15540	19700	22300	23600	24000	154,4
<i>Шундан:</i> қаттиқ копламли	7645	12151	16000	20000	22000	2,8 м
такомилашган	2920	5860	9210	11700	13000	4,5 м
Кемалар катнайдиган дарё ва каналлар	560	525	540	544	550	-98,2
Нефть қувурлари	175	395	520	600	680	3,9 м
Магистрал газ қувурлари	186	545	760	900	1100	5,9 м
Ҳаво йўллари	3300	5510	6900	7900	8500	2,6 м
<b>Жами:</b>	<b>31706</b>	<b>46151</b>	<b>57642</b>	<b>66647</b>	<b>51210</b>	<b>162,50</b>

**Транспорт турларида халқаро юк айланмаси**

Транспорт турлари	1950		1970		1980		1995		1950 йилга нисбатан % ҳисобида
	млрд т/км	%	млрд т/км	%	млрд т/км	%	млрд т/км	%	
Темир йўл транспорти	2120	30,8	5470	18,9	6909	14,5	5607	12,0	2,6 м
Автомобил транспорти	516	7,5	2315	8,0	3288	6,9	4813	10,3	9,3 м
Ички сув транспорти	385	5,6	868	3,0	1191	2,5	1262	2,7	3,5 м
Денгиз транспорти	3570	51,9	18145	62,7	32164	67,5	29015	62,1	8,1 м
Нефть ва нефть маҳсулотлар и курури	213	3,0	1447	5,0	2859	6,0	3832	8,2	18,0
Газ курулари	76	1,1	666	2,3	1191	2,5	2149	4,6	28,2
Ҳаво транспорти	7	0,1	29	0,1	48	0,1	52	0,1	7,4
<b>Жами:</b>	<b>6887</b>	<b>100</b>	<b>28940</b>	<b>100</b>	<b>47650</b>	<b>100,0</b>	<b>46730</b>	<b>100</b>	<b>77,1</b>

**Халқаро йўловчи айланмаси  
(шаҳарларда йўловчи ташишдан ташқари)**

Транспорт турлари	1950		1970		1980		1995		1950 йилга нисбатан % ҳисобида
	млрд й/км	%	млрд й/км	%	млрд й/км	%	млрд й/км	%	
Темир йўл транспортида	655	25,8	1284	15,2	1680	11,8	1872	10,2	2,8 м
Автомобил транспорти Шунган: автобусда	1820	71,6	6533	77,2	11250	79,0	14551	79,3	8,0 м
ингил автомобилда	377	14,8	1411	16,7	2706	19,0	3486	19,0	9,2 м
Ички сув транспортида	1443	56,8	5122	60,5	8544	60,0	11056	60,3	7,6 м
Денгиз транспортида	20	0,8	25	0,3	43	0,3	37	0,2	1,8 м
Ҳаво транспортида	30	2,2	566	6,7	1210	8,5	1835	10,1	61,0 м
<b>Жами:</b>	<b>4360</b>	<b>171,6</b>	<b>14983</b>	<b>177,1</b>	<b>25490</b>	<b>179</b>	<b>32892</b>	<b>179,3</b>	<b>94,1</b>

Темир йўл транспортининг ҳиссаси 25,8% дан 10,2% га тушди ва ҳаво транспорти ҳиссаси 1,2% дан 10% га етди ва 2000 йилда халқаро йўловчи айланмасида темир йўл транспортидан ўтиб кетди.

Транспортнинг барча турлари билан йилига 100 млрд.т.дан ортиқ юклар ва 1 трлн.дан ортиқ йўловчи ташилади. Халқаро йўловчи айланмаси 18 – 19 трлн. пасс./км.ни ва юк айланмаси эса 46 – 50 трлн. т/км.ни ташкил қиласи.

Транспорт корхоналарида 110 млн.дан ортиқ ишчи банд.

Барча алоқа йўллари, транспорт воситалари ва транспорт корхоналарининг ўзаро уйғунашуви транспорт тизимини ташкил этади. Ҳар бир мамлакат ва миңтақа ўзини транспорт тизимига, транспорт тўрининг конфигурациясига эгадир. Транспорт тўри конфигурацияси: а) радиал (бир марказли ва кўп марказли); б) радиаль – айланма; в) кенглик; г) меридионал; д) шоҳсимон ёки тарвақайлаб кетган кўринишларга эгадир.

Транспорт ишида миллий ва макроминтақавий фарқларни аниқлашада асосий ўлчовлар қўйидагилар: 1) ишлаб чиқаришнинг транспортга борлиқлиги, транспорт ва ишлаб чиқариш, ҳудуднинг катта – кичиклиги ва конфигурацияси нисбати; 2) аҳолининг жойлашиш типлари; урбанизация даражаси ва миграция суръатини ифодаловчи аҳоли транспорти ҳаракатчанлиги;

3) хўжалик тизимини, яъни транспорт парадигмасини ифодаловчи йўловчи ва юқ ташиш нисбати; 4) на фақат транспорт тизимини, балки бутун хўжалик тизимини ифодаловчи транспорт ишларида транспорт турлари нисбати.

Юқоридаги ўлчовлар асосида дунё мамлакатларини учта йирик группага бўлиш мумкин: 1) Иқтисодий ривожланган мамлакатлар. 2) МДХ ва Шарқий Европа мамлакатлари ва 3) Ривожланаётган мамлакатлар. 1992 йилда хўжаликнинг транспорт сифими (ткм ни 1 долл. ЯИМда ифодаланиши) Шимолий Америкада 1,3 бирлик, Фарбий Европада 0,3, Японияда 0,4 бирлик бўлса, Россияда 5,0 ва Шарқий Европа мамлакатларида ўртача 1,5 бўлди. Рақамлардан кўриниб турибдики, хўжалик тармоқ таркибидағи транспорт сифими даражаси «оғир» хом – ашё ишлаб чиқариш роли, мамлакатларнинг ижтимоий – иқтисодий типларига борлиқ ва ҳудудларнинг катта кичиклиги эса нисбатан оз рол ўйнайди ва буни Фарбий Европа ва Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги транспорт сифимидағи кескин фарқ (5 марта) кўрсатиб турибди. Ривожланаётган мамлакатларда бу 0,84 ни, Лотин Америкаси мамлакатларида эса 1,7 ни ташкил қиласди.

Аҳолининг ҳаракатчанлиги қарама – қарши хусусиятга эга бўлиб, саноати ривожланган фарб мамлакатларида катта аҳамият қасб этади. Аҳоли жон бошига шаҳарлараро йўловчи айланмаси (минг йўл – км) Шимолий Америкада 12,9, Фарбий Европада 8,5, Японияда 6,3 бўлса Россияда 3,6 ва Шарқий Европа мамлакатларида 2,9 ни ташкил қиласди. Аҳолининг транспорт ҳаракатчанлиги муракаб ижтимоий ва иқтисодий

жараён бўлиб, маданий, сиёсий ва демографик йўналишидаги омиллар мажмуасидан иборатdir.

Ҳаракатчанлик муаммоси аҳолининг автомобиллашуви (автомобил билан таъминланганлиги) масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Автомобиллашувнинг ўсиши инсониятнинг 50 – йиллардан кейин барқарор ривожланиш жараёни билан боғлиқ ҳаракатчанлик даражаси ва ундаги фарқларни ифодалайди. Бу кўрсаткич ривожланаётган мамлакатларда жуда хилма – хил бўлиб, иқтисодий қолоқ мамлакатлар – 0,65, Шимолий Африкада 2,0 ва Лотин Америкасида – 1,5 дан иборат.

Хўжалик тизимида муҳим типологик ўлчов юк ва йўловчи ташиш нисбати, (ткм. «юк» 1 йўл.км тенглаштирилади) бўлиб, таққослаш жуда шартлидир. Бунда икки маҳсулот юк ва йўловчи ташиш ҳисобга олинади. Бу нисбат АҚШ да 1,2 тенг ( яъни умумий юк айланмасининг абсолют миқдори шаҳарлараро йўловчи айланмасидан 1,2 марта кўп ), Фарбий Европада 0,34, Японияда 1,1, Россияда 7,8, Шарқий Европада 3,53, ривожланаётган мамлакатларда эса 0,4 дан 2,5 гачани ташкил қиласди. Бу нисбатлар ўз навбатида минтақаларда туризм ва умуман рекреацион соҳалар ривожланишига таъсир қиласди.

Маълумотларга қараганда МДҲ доирасидаги мамлакатларда меҳнатда банд бўлган аҳолининг 50 – 90% меҳнат таътили даврида ҳеч қаерга дам олгани бормайди. Чунки, алоқа йўлларининг яхши ривожланмаганилиги, автомобилда йўловчи ташиш даражасининг пастлиги (автобус ва енгил автомобил) мавжуд ижтимоий – иқтисодий муаммолар рекреацион соҳалар ривожланишига тўғаноқ бўлмоқда.

Юк ташишдаги транспорт турлари нисбати хўжалик тармоқларидағи юклар таркиби ва ишлаб чиқаришнинг ҳудудий концентрациясини ифодалайди. Саноати ривожланган Фарб ва Шарқ мамлакатлари ҳиссасига дунё ички (океан трассаларидан ташқари) юк айланмасининг 80% тўғри келади ва бу икки гуруҳ мамлакатларига тенг бўлинади. Аммо, бу нисбат транспорт турлари ўртасида турличадир.

Умуман, фарб мамлакатлари юк айланмасида темир йўл транспорти ҳиссасига 18,7%, автомобиль транспортига 44,4%, қолган ички сув, денгиз каботажи ва қувур транспортига 36,9% тўғри келади. МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатлари юк айланмасида темир йўл ҳиссасига ўртача 62%, автомобиль транспорти ҳиссасига 9%, Шимолий Америка юк айланмасида

темир йўл автомобиль транспорти ҳиссалари деярли тенг, Россияда мос равища 46 ва 9% тўғри келади. Ривожлангаётган мамлакатларда темир йўл, автомобиль ва қувур транспортига ички юк айланмаси ўртача 1/3 қисми (Лотин Америкасида бир мунча юқори 65% бўлса, Осиёда пастроқ) тўғри келади.

Ҳаво транспортидаги юк айланмасининг 90% иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

## 12-жадвал

### Транспорт турларида халқаро юк айланмаси. 1993 йил% ҳисобида.

Минтақалар	Транспорт турлари.			
	Автомобил транспорти	Темир йўл транспорти	Сув (дарё ва каботаж)	Қувур транспорти (нефт ва табиият газ)
Россия	9	46	5	40
Шимолий Америка	26	28	18	28
Фарбий Европа	67	19	8	6
Шарқий Европа	9	78	2	11
Япония	40	9	51	—

Демак, турли минтақалардаги алоқа йўллари, транспорт йўллари зичлиги, юк ва йўловчи ташишдаги улуши транспорт тармоқларининг ўзаро алоқадорлиги ва уйғунлашуви турлича эканлиги билан ажralиб туради. Барча минтақалардаги транспорт тизими биргаликда халқаро транспорт тизимини ташкил қиласди.

### 10.3. Қуруқлик транспорти. Темир йўл транспорти

Темир йўл транспорти халқаро юк ва йўловчи айланмасида ҳиссаси қисқарип бораётганлигига қарамай муҳим транспорт воситаси бўлиб қолмоқда ва сезиларли равища сифат ўзгаришларни (электрлаштириш ва тез юрар темир йўллар қурилиши) бошдан кечирмоқда. Дунё бўйича темир йўлларнинг умумий узуналиги 1,2 млн.км. бўлиб бунинг 200 минг км. электрлаштирилганdir.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда темир йўлларни электрлаштириш, монорельсли ва магнит осилмали йўллар қуриш давом этмоқда. Дунёдаги 140 дан ортиқ мамлакатда темир йўллар бўлишига қарамай, 50% темир йўллар «ўнликка» кирувчи мамлакатлар – АҚШ, Россия, Канада, Хиндистон, Хитой, Австралия, Аргентина, Франция, ГФР ва Бразилияда жойлашган. Мавжуд темир йўлларнинг 650 минг км ёки 54%

иқтисодий ривожланган мамлакатларга, 31% (380 минг км) бозор иқтисодиётiga ўтаётган мамлакатларга ва 29% (320 минг км) ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига түғри келади.

Темир йўл тармоқларининг зичлиги жиҳатидан Европада Бельгия, (100 км<sup>2</sup> ҳудудга 25 км), Люксембург, ГФР, Буюк Британия, Швейцария, Дания, Нидерландия, Франция, Австрия, Италия, Венгрия, Чехия ва Словакия, Польша, Осиёда – Япония олдинги ўринда туради. Турли мамлакатларда темир йўл линиялари орасидаги масофалар ҳам турличадир. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда мавжуд темир йўлларнинг 2/3 қисми – 1435 мм, Шарқий Европа мамлакатларида ҳам 1435 мм, МДҲ ҳудудида эса 1524 мм, Жануби – Шарқий Осиё мамлакатларида эса 1000 мм.дир.

Трансконтинентал темир йўллар катта аҳамият касб этади. Европада бундай йўллар: а) Кале – Париж – Лион – Марсель – Италиянинг жанубий портларига; б) Гамбург – Мюнхен – Швейцария – Италия; в) кенглик бўйича Мадрид – Париж – Берлин – Шарқ. Буюк Британия паром алоқаси орқали (Дувр – Дюнкерк) Бельгия ва Франция билан боғланган. Дания эса паром алоқаси (Катта Бельт ва Эресунд) орқали Швеция, Вернемюнде пароми орқали Германия билан боғланган. Швеция Троллеберг – Засниц пароми орқали континент билан боғлангандир.

Шимолий Америкада 12 та трансконтинентал темир йўллар мавжуд. Жанубий Америкада Буэнос – Айрес – Вельпарасио ва Буэнос – Айрес – Антофагасто трансконтинентал темир йўллари мавжуддир.

Осиёда энг йирик трансконтинентал темир йўл Буюк Сибирь магистралидир. (9322 км). Паром алоқаси Каспий денгизида (Баку – Туркманбоши) мавжуддир.

Африка материгининг энг қисқа ҳудудида темир йўллар кесишган. (Бенгола – Лобиту – Бейра ва Лидерий – Дурбан) Австралияда эса шарқдан – Фарбга ягона Сидней – Перта темир йўли йўналгандир.

Темир йўлларнинг жойлашишига иқтисодий, сиёсий ва табиий – географик омиллар кучли таъсир кўрсатади.

ХХ асрнинг охириги ўн йиллигига Европада геополитик ҳолатнинг жиҳдий ўзгариши, «совук уруш» муносабатларининг тугаши ва Шарқ – Фарб алоқаларининг ривожланиши транспорт тизими салоҳиятларидан ҳам интеграцион алоқаларни амалга ошириш мақсадларида фойдаланиш имкониятларини юзага келтириди.

Сиёсий чегарлардаги тұсиқтарнинг бартараф этилиши транспорт йўлкаларини кўп магистралли шакллантириш концепциясини ишлаб чиқиш имконини яратди. Натижада, Европада 9 та транспорт йўлкалари: 1) Хельсинки – Таллин – Рига – Калининград – Вроцлав; 2) Берлин – Варшава – Минск – Москва – Нижний Новгород; 3) Берлин – Вроцлав – Краков – Киев; 4) Дрезден – Прага – Будапешт – София – Истамбул; 5) Венеция – Люблян – Будапешт – Ужгород – Львов; 6) Гданьск – Катовице – Эллин – Познань; 7) Дунай сув йўли орқали Рейн – Майн – Дунай каналига чиқиш; 8) Дуррес – Тирана – София – Пловдив – Варна; 9) Хельсинки – Санкт – Петербург – Москва – Киев – Бухарест (сўнгра Новороссийск ва Астраханга қадар) шакллантирилоқда.

Хельсинки шаҳрида (1997 йил) бўлиб ўтган учинчи Паневропа транспорт конференциясида транспорт йўлкаларини шакллантириш ва кучайтириш лойиҳаси тасдиқлауди ва учта минтақавий транспорт тизимини – Шимолий континент, Ўрта Денгиз ва Қора денгиз соҳиб бўйини ривожлантириш ғоясини амалга оширишга киришилди.

Айни вақтда, XXI аср бошларида тобора кўпроқ жорий транспорт харажатларига нисбатан ҳам юк ташишнинг сифат омили муҳим ўрин тутмоқда. Бунинг ёрқин ифодаси бутун транспорт жараёнларига инқилобий таъсир кўрсатган халқаро контейнер тизимининг шаклланишидир. Иилига денгиз контейнер айланмаси 70 млн. донага етди ва асосий юкларнинг 40%га яқинини қамраб олмоқда. Бу жараённинг аниқ кўриниши транспорт алоқаларида ишенчли ва кафолатли трансконтинентал контейнер «кўприк»лари, яъни денгиз транспорти билан тез юрар темир йўл составлари, автопоездлар (контрейлери) комбинациясига асосланган Транссибир (Япония – Фарбий Европа), Трансамерика, Фарбий Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ магистралларининг юзага келишидир.

Шунингдек, темир йўлларнинг янги йўналишларини барпо этиш Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари ижтимоий – иқтисодий ҳаётida катта рол ўйнашдан ташқари бу минтақа мамлакатларини дунё хўжалиги интеграцион жараёнларга тортилишини тезлаштиради.

Автомобиль транспорти – XX аср бошларида юзага келган бўлиб, XX аср 50 – йилларидан бошлаб халқаро транспорт тизимида асосий ўрин тува бошлади ва ижтимоий – иқтисодий ҳаётнинг ҳамда инсонлар фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланди. Дунё

миқёсида автомобил йўллари тобора ривожланиб, сифат жиҳатидан такомиллашиб бормоқда ва ўзига хос автомобил йўллари индустрияси ҳам шаклланмокда. Жами автомобил йўллари 25 млн.км.дан иборат бўлиб, бунинг 22 млн. км. қаттиқ қопламга ва 13 млн. км. такомиллашган йўллардан иборатdir. Мавжуд автомобил йўлларининг 50% АҚШ, Ҳиндистон, Россия, Япония ва Хитойга тўгри келади. Шимолий Америка, Фарбий Европа ва Япониядаги автомобиль йўллари фоят юқори сифатли ва инфратузилмалар билан таъминланганлик даражаси жиҳатидан олдинги ўринда туради. Жаҳон автомобил парки йилдан – йилга автомобиллар билан мустаҳамланиб бормоқда. Агар, 1980 йил жаҳон автомобил парки 350 млн. автомобилга эга бўлган бўлса, 1990 йил 400 млн. ва XX аср охирида бу 500 млн.дан ортиб кетди. Шунингдек, аҳолининг транспорт ҳаракатчанлигига, ҳалқаро юк ва йўловчи ташишда автомобил транспорти ҳиссаси ортиб бормоқда.

Яқин масофаларга юк ташишнинг қулайлиги ва катта ҳажмда (50 – 100т) юк ташувчи ихтисослашган автомобилларнинг юзага келиши билан ҳалқаро юк айланмаларида ҳам (айниқса) 30 – 50 км. (масофаларга) автомобиль транспортининг ҳиссаси ортиб бормоқда.

Автомобиль транспорти бугунги кунда деярли барча мамлакатларда тез ривожланиб бормоқда. Аммо, жаҳон мамлакатлари ўртасида АҚШ, Германия, Франция, Япония, Буюк Британия, Канада, Австралия, Корея Республикаси, Туркия, Бразилия алоҳида ажралиб туради. Бу мамлакатларда автомобиль йўллари ҳозирги замон талабларига мос бўлиб, бир томонлама ҳаракат, кўп полосали, асфальт ва бетон қопламига, қулай айланмаларга ҳамда хизмат кўрсатиш (машиналарга техник хизмат кўрсатиш, меҳмонхона – кемпинглар, овқатланиш, соғлиқни сақлаш муассасалари) шаҳобчаларига эгалиги билан ажралиб туради.

Бозор иқтисодиётига ўтаетган мамлакатлар ўртасида автомобиль транспорти ривожланганлик даражаси жиҳатидан Россия, Шарқий Европа мамлакатлари ажралиб туради. Бу мамлакатлар автомобиль паркларида енгил автомобилларга нисбатан юк автомобиллари кўпdir. Автомобиль йўлларининг узунлиги жиҳатидан Россия, зичлиги жиҳатидан ҳамда сифати жиҳатидан Шарқий Европа мамлакатлари алоҳида ўрин тутади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда «ЎзДЭУ» авто қўшма корхонаси турли маркадаги енгил автомобиллар, Самарқанд шаҳрида 12 модификациядаги турли юк ва йўловчи автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Автомобиль йўллари 115 минг.км. бўлиб, 3,2 минг. км халқаро ва 18,8 минг. км. давлат аҳамиятига эгадир. Ўзбекистонда Хитой ва Тинч океанига чиқиш имкониятини берадиган Тошкент – Андижон – Ўш – Эргаштот – Қашқар – Шанхай халқаро автомобиль йўли қурилиши тутгалланиш арафасида бўлса, Афғонистонда тинчликнинг қарор топиши Ҳинд океанига чиқиш имкониятини берувчи халқаро Термиз – Ҳирот – Караби автомобиль йўли қурилишининг бошланиши ижобий таъсир қилиши мумкин.

Осиё, Африка ва Лотин Америкасидағи ривожланаётган мамлакатларда кейинги йилларда автомобиль транспорти тез ривожлана бошлади. Бу жараён йирик автомобиль йўлларининг қурилиши ҳамда катта ҳажмдаги лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлди.

Кейинги йилларда йўловчи ташища аҳоли ҳаракатчанлигининг ўсиш жараёни ва комфортилилукни таъминлаш катта аҳамият касб этмоқда. гарб мамлакатларида 40% га яқин йўловчи айланмаси меҳнат ташрифига тўғри келса, 70% дан ортиқ ташриф шахсий фойдаланишдаги енгил автомобилларга тўғри келади. Туризм мақсадларидағи юришлар (шаҳар атрофи ва шаҳар ташқарисига) аҳолида «сифат» узгаришларни таъминлашдан ташқари, кичик шаҳарлар ва кам ривожланган ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ўсишига олиб келмоқда.

Шунингдек, автомобиллашув жараёни комфортдан ташқари жамоат транспортидаги сингари қатъий ҳаракат графигининг йўқлиги, тасодифий йўловчилар бўлмаслиги, йўналишларни эрkin танлаш каби қатор қулайликлар билан боғлиқдир. Ҳатто бензин нархининг юқорилаб бориши ҳам автомобиллашув суръатларига таъсир этмади. (АҚШда 1 кишига 600 автомобиль, Фарбий Европада 400 – 500, Россияда – 100) ва 100 км.га сарфланадиган бензин сарфини қисқартириш жараёни амалага оширилди.

Автомобиллашув урбанизация жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлиб унинг янада ривожланишига олиб келмоқда. Айни вақтда урбанизациянинг янги шакллари суб – ва конурбанизация, агломерацияларнинг шаклланиши аҳолининг автомобиллашувини янада кучайтируммоқда.

Ҳозирги замон урбанизация жараёни шаҳар ва шаҳар атрофи йўловчи алоқаларининг ривожланиши билан боғлиқ. Кейинги 25 йилда АҚШда шаҳар атрофларидан шаҳар марказларига ташриф 35% дан 10% га қадар қисқарди. Европа Иттифоқи мамлакатларида эса ўртача – 50% шаҳарлараро алоқалар енгил автомобилларда (2% яёв, 20% автобус, трамвай

ва метрополитен, 15% велосипед ва мопед), 3% шаҳар темир йўллари орқали амалга оширилмоқда.

Мутахассислар ҳисоб – китобларига кўра информатика воситаларининг ривожланиши билан иш юзасидан ташрифларга бўлган эҳтиёжнинг 20 – 25%, майший ташрифлар – 50% га қадар қисқариши мумкин.

Қувур транспорти, нефть ва табиий газ заҳираларини ҳудудий жойлашиши, уни қазиб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги фарқларни яққол ифода этади. Дунё бўйича нефть ва нефть маҳсулотлари қувурлари 680 минг км, газ қувурлари эса 1,1 млн.км.дан ортди. Қувур транспорти нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда табиий газ ташища бошқа транспорт воситаларига нисбатан бир қатор қуляйликларга эгадир. Бу қуляйликлар аввало нефть ва нефть маҳсулотларини исроф бўлишининг олдини олади, истеъмол районига бир хил ва доимий келиб туришини таъминлайди, атроф – муҳитни ифлосланишини сезиларли даражада камайтиради. Магистрал нефть ва газ қувурлари айниқса, АҚШ, Россия, Марказий Осиё республикалари (Ўзбекистон ва Туркменистон), Канада, Мексика, Яқин Шарқ мамлакатлари, Фарбий Европа мамлакатларида ривожлангандир.

Нефть қувурлари асосан нефть қазиб чиқарувчи районлар билан порт шаҳарларни боғлайди. Яқин Шарқ мамлакатларидағи нефть қазиб чиқарувчи районлардан порт шаҳарларга нефть қувурлари тортилган. Фарбий Европада эса порт шаҳарлардан нефтни қайта ишловчи ва уни истеъмол қилувчи районларга нефть қувурлари тортилгандир. АҚШ нефть қувурлари ички эҳтиёжлари учун хизмат қиласди.

Россия деярли барча Шарқий Европадаги мамлакатларни (Руминиядан ташқари) ва Фарбий Европадаги мамлакатларни, Украина ва Белорусни нефть ва табиий газ билан «Дўстлик» ва «Қардошлиқ» нефть ва табиий газ қувурлари орқали таъминлаб туради.

Шунингдек, юк ташиш ишончлилигини ошириш мақсадларида халқаро аҳамиятга молик транспорт коммуникациялари билан баробар ишлайдиган иккинчи алоқа воситалари қуриш орқали «қайноқ нуқта» ларни айланиб ўтилмоқда. Жумладан, Сувайш ва Панама каналларига паралел равишда йирик нефть қувурлари барпо қилинди. Ўрта Шарқда Эрон томонидан назорат қилинадиган Ормуз бўғозидан танкерларни ўтказишдан қочиб, Саудия Арабистонини Янбу (Қизил дengiz) билан боғлайдиган Трансараб нефть қувури қурилди. Сувайш каналидан ўтмаслик мақсадида Судан – Камерун Трансафрика нефть

қувури лойиҳалаштирилмоқда. Эркин ҳаракат қилиши мақсадида Танспорт турларини бирлаштириш жараёни Фарбий Евопада Жанубий ва Шимолий қувурлар тизимининг қўшилиши, Ла-Манш бўғози остидан «Евротуннел» нинг очилйши Европа газ қувури «халқа» сини ташкиллашга олиб келди.

#### **10.4. Сув транспорти**

Халқаро иқтисодий алоқаларда денгиз транспорти жуда катта ўрин тутади. Денгиз транспорти орқали 8000–10000 км масофадаги (ўртача) юклар ташилади ва унга халқаро юқ айланмасининг 3/5 қисми тўғри келади. Йўловчи айланмасидаги ҳиссаси унчалик катта эмас (ҳаво транспортининг ривожланиб бориши туфайли). Денгиз туризми ҳам бир мунча муҳим ўрин тутади.

Дунё дengиз флоти 80 мингдан ортиқ кемалардан иборат бўлиб, ялиси сифими 500 млн. бр-рег-т (регистр-тонна кемаларнинг шартли юқ кўтариш бирлиги бўлиб 100 куб.футга ёки  $2,8 \text{ m}^3$  тенг; регистр тонна – бруттода – кеманинг бутун ҳажми ҳисобга олинса, тонна – неттода – кема ҳажмиде яшаш жойи, манишик жоналар ва машиналар жойлашган хоналар ҳисобга олинмайди) ёки кўтариш қуввати 500 млн.т. ортиқ, дengиз флоти таркибида универсал кемалар билан бир қаторда суюқ (нефть ва нефть маҳсулотлари, суюлтирилган табиий газ), қуруқ юклар – кўмир, руда, ғамма ва ёғоч – тахта, фосфор ташишга ихтисослашган танкер, супер танкерлар, рефрижераторлар (музлатгич жиҳозларга эга), темир йўл паромлари катта ўрин тутади. Денгиз флоти янги типлардаги кемалар – контейнер ташигичлар, лихтер (руда ва руда маҳсулотлари) ташигичлар, пакет ташигичлар ҳисобига кенгаймоқда. Денгизларда контейнерларда юқ ташиш ягона транспорт циклини, яъни «эшикдан – эшикка» юқ етказиб бериш циклини яратишга олиб келди.  $P_0 - P_0$  типидаги кемалар (ролкерлар) кемаларнинг икки томонидаги дарвозалар орқали юкларни горизонтал усул билан тушириш ва ортиш имконини бермоқда.

Кўпчилик мамлакатлар йирик савдо флотига (160 давлат байроби остида сузади) эга бўлишига қарамай Япония, Буюк Британия, Норвегия, Греция, Нидерландия, Швеция, Либерия, Панама, Гондурас, Россия<sup>1</sup>, Польша, Хитой,

<sup>1</sup> Собиқ СССР га қарашли бўлган савдо флотининг (1800 та кема) асосий қисми Россияядо қолди.

Югославия, Руминия, Вьетнам, Корея Республикаси ва бошқ. алоҳида ажралиб туради. Либерия, Панама, Гондурас, Греция давлатларининг катта савдо флотига эга бўлиши, бу мамлакатларда солиқларнинг пастлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам чет эл компанияларига қарашлиги кемалар юқоридаги мамлакатлар байроби остида сузса – да, умуман бу мамлакатлар портларига кирмайди. Панлибгоко мамлакатлари (Панама, Либерия, Гондурас, Колумбия) савдо флотининг 50% Грецияга қарашлиди, маҳсус чет эл адабиётларида таъкидланишича, Греция кемалари 16 та бошқа давлат байроқлари остида сузади. Худди шундай ҳолат Нидерландия учун ҳам хосдир.

Денгиз транспортининг ривожланиши халқаро иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, яъни янги хом – ашё ва истеъмол минтақаларининг ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўсиб бориши билан боғлиқdir. Халқаро алоқаларда нефть ва нефть маҳсулотларининг асосий ўрин тутиши савдо флоти юк ташишда ҳам ўз ифодасини топган. Денгиз флоти орқали ташилётган юкларнинг 50% нефть ва нефть маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, қора ва ранги metallar, кўумир, тоғ – кимё маҳсулотлари, ўрмон маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўғри келади. ИТИ шароитида эса тобора тайёр маҳсулотлар ташиш (контейнерларда ) муҳим ўрин тутмоқда.

Денгиз алоқаларида порт ва халқаро каналлар жуда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда барча дengиз ва океанларда 2700 порт мавжудdir, 840 портга эса юк айланмасининг 96% тўғри келади. 30 та гигант – портнинг йиллик юк айланмаси эса 50 млн.т.дан, 4 таси эса 100 млн.т.дан ортиқdir.

Бундай йирик портлар АҚШда – Нью – Йорк, Филадельфия, Балтимор, Сан – Франциско, Бостон, Буюк Британияда – Лондон, Ливерпуль, Глазго, Францияда – Марсель, Японияда – Симоносеки, Осака, Кобе, ГФРда – Гамбург, шунингдек, Роттердам, Антверпен, Сингапур, Порт – Саид, Қувайтда – Ман – ал – Аҳмад, Россияда – Санкт – Петербург ва бошқалар.

Бу портларни маҳсадди хизмат кўрсатиш ҳолатига кўра қўйидағи группаларга ажратиш мумкин:

1. Ҳарбий – дengиз портлари (Чатем, Портсмут, Пирл – Хабор, Гибралтар, Севастопол). Бу портларнинг бир қисми тижорат маҳсадларига ҳам хизмат қиласи (АҚШда – Сан – Диего, Японияда – Йокосука, Россияда (Санкт – Петербург, Кронштад).

- Балиқ овлаш ва балиқни қайта ишлаш ҳамда паноҳгоҳ портлар.
- Паром алоқасига эга портлар (Гавр, Дувр, Фолкстон).
- Транзит портлар ва эркин гаванлар – Лондон, Амстердам, Копенгаген, Роттердам, Антверпен, Марсель, Лиссабон, Сингапур. Эркин гаванларда бож солиги олинмайды. Бундай гаванлар Гамбург, Бремен, Копенгаген, Мальмё, Стокгольм, Триест, Рио-де-Жанейрода мавжуддир.
- Аван портлар порт олди яъни йирик тоннажли кемалар учун маҳсус қурилган портлар. (Гамбург учун Куксхафен, Нант учун Сен-Назер, Руан учун Гавр).
- Қирғоқ бўйи ва яқин алоқаларга (каботаж<sup>1</sup>) хизмат қилувчи портлар. (Греция, Дания, Норвегия, Балтика бўйи давлатлари, Россия, Италия), Ўрта дengiz ҳавзаси, Кариб дengиз ҳавзасида).
- Махсус портлар (кўмир, руда, нефть, ва нефть маҳсулотлари, ўрмон ва бошқа юкларга мўлжалланган).

Халқаро кема катновида Атлантика океани етакчи ўрин тутади. Бугунги кунда Атлантика соҳил буида (Европа, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка) 70 мамлакат ва 1,5 млрд. аҳоли жойлашган бўлиб дengиз юқ ташишининг кариийиб 50% тўғри келади. Дунёдаги 70% га яқин портлар, айниқса энг йирик универсал ва ихтисослашган Европа ва Шимолий Америкада йирик порт-саноат мажмуалари шаклланган.

Иккинчи ўринда Тинч океани туради. Асосий йўналишлари Япония, Хитой, АҚШ нинг гарбий соҳил бўйи, Корея Республикаси, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Австралияда, Россияда (Владивосток, Жанубий Саҳалин) шаклланса, Ҳинд океанида – Форс кўрфази (асосан нефть ва нефть маҳсулотлари), Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар йирик юқ йўналишларида ишгирок этмоқда.

Халқаро каналлар иқтисодий алоқаларда муҳим ўрин тутади. Бундай каналлар учта – Сувайиш (1869 йилда ишга тушган, узунлиги 173 км, эни 120–150 м, чуқурлиги 12–13 м, иилига 250–300 млн.т. юқ ўтади, барча мамлакат кемалари

<sup>1</sup> Каботаж алоқалари икки қисмдан катта каботаж ва кичик каботаждан иборат. Катта каботаж бир нечта дengиз ҳавзасида кемаларнинг сузиши, кичик каботаж бир ёки икки дengиз ҳавзаларида кемаларнинг сузишидир.

учун очиқ), Панама (1914 йил ишга түшгән, узунлиги 82 км, эни 16 км.ли канал АҚШга қарашли бўлган ва 1999 йил 31 декабрда Панама ҳукуматига бериш хақида шартнома имзоланган бўлиб, белгиланган муддатда Панама ҳукуматига берилди. Йилига 150 – 200 млн.т. юк ўтади), Киль (узунлиги 95 км, эни 102 чуқурлиги 11 м, йилига 50 – 100 млн.т. юк ўтади).

Шунингдек, Қора денгиз, Балтика, Дувр, Гибралтар, Малакка, Сингапур, Зонд, Лаперуза, Сингапур, Корея бўғозлари ҳам муҳим иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Денгиз сувларида сузиш барча мамлакат каналлари учун очиқ. Қирғоқ бўйи ҳудудларида эса кемалар шу ҳудуддаги мамлакатлар томонидан назорат қилинади. Дунё бўйича ягона ҳудудий сувларни кенглик бўйича назорат қилиш қонуни йўқ. Ҳудудий сувларни назорат қилиш қирғоқ бўйи мамлакатлари томонидан ёки халқаро шартнома асосида ўрнатилади. Масалан, Буюк Британия, Франция, АҚШ ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг қирғоқ бўйи ҳудудидаги чегаралари 3 миль<sup>1</sup>, Ўрта Денгиз қирғоқ бўйи мамлакатлари, Марказий Америка давлатлари, Ҳиндистонда – 5 миль, Чили, Перуда 200 миль, Россия, Болгария, Руминияда 12 миль деб белгиланган. 80 – йилларнинг бошларида деярли барча соҳил бўйи мамлакатлари дengiz чегараларини 200 миль деб ўзгартирилар.

Ички сув транспортидан асосан, мамлакат ички алоқаларида ва мамлакатлараро алоқаларда ҳам кенг фойдаланилади. Юк айланмаси ҳажми жиҳатидан АҚШ, Россия, Канада, умумий юк айланмаси жиҳатидан эса Нидерландия (50% ортиқ), Бельгия шунингдек, Тропик Африка мамлакатлари, Жанубий Америка ва Жануби – Шарқий Осиё, Фарбий Европа (Франция, Германия), Шарқий Европа мамлакатлари алоҳида ўрин тутади. Халқаро юклар Рейн, Дунай, Амазонка, Миссисипи, Обь, Енисей, Янцзи, Конго, Одра, Шим. Лаврентий ва Буюк кўллар, Ганг, Меконг, Нигер ва Парана, Волга ва бошқа дарёларида ташилади. Ички сув йўлларининг умумий узунлиги 600 минг.км. ортади, шунинг 100 минг.км.га яқини каналлардир. Сунъий сув йўллари (шлюзли дарё ва каналлар) АҚШ, Хитой, Россия, Европа мамлакатларида ривожланган. Бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлардан ички сув транспорти Россия,

<sup>1</sup> 1 миль – 1,609 км (инглиз мили), 1,8 км (рус мили)

Украина, Марказий Осиё (Амударё), Хитой, Венгрия, Руминия, Польша, Болгария, Югославияда ривожланган.

Айни вақтда, Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги йирик дарё тизимлари ҳиссасига 5% юк айланмаси тұғри келади, холос. Күл кемачилиги АҚШ ва Канададаги Буюк күлларда ривожланган бўлиб, Шим. Лаврентий дарёсидан чуқур сув йўли орқали Атлантика океанига чиқилади ва континент ичкарисига (4 минг.км.) денгиз кемалари кира олади. Шунингдек, ички мақсадларда Россияда — Байкал, Ладогада ҳамда Каспий денгизида күл кемачилиги ривожлангандир.

**Ҳаво транспорти** — йўловчи ва шошилинч юкларни ташишда жуда катта ўрин тутмоқда. Агар 1946 йил дунё бўйича 20 млн. йўловчи ташилган бўлса, 1980 йил 700 млн., 1990 йил 1,2 млрд. ва 2000 йилда 1,4 млрд. йўловчидан ортиб кетди. Бугунги кунда жаҳондаги барча мамлакатлар ва минтақалар бири-бири билан ҳаво йўллари орқали боғланган. Дунё бўйича 500 дан ортиқ аэропортлар мавжуд бўлиб, шундан 300 дан ортиги халқаро аэропортлардир. 100 дан ортиқ аэропорт эса энг йирик аэропортлар (йилига 10–20 млн. дан ортиқ йўловчига хизмат қиласи) бўлиб ҳисобланали. Бундай аэропортлар қаторига Чикаго, Нью-Йорк, Лос-Анджелос, Лондон, Москва, Санкт-Петербург, Париж, Берлин, Токио, Пекин, Бомбей, Коҳира, Тошкентни киритиш мумкин. Дунёдаги энг йирик Хитроу (Лондон) аэропорти суткасига 700 дан ортиқ самолёт ва 100 минг.дан ортиқ йўловчига хизмат қиласи. Ҳаво транспорти ривожланган мамлакатлар: АҚШ, Россия, ГФР, Япония, Буюк Британия, Канада, Франция, Австралиядир. Ҳаво транспорти тобора мамлакатларнинг бош транспорт воситасига айланмоқда.

ИТИ туфайли ҳаво транспортида кенг фюзеляжли самолётлардан фойдаланиш (чартер рейслари) халқаро туризмни тез ривожланишига олиб келмоқда. Бунда рейсларни йўловчилар гурухлари учун ташкиллаш, билет таннархининг паст бўлиши аҳоли кенг қатламларини жалб этмоқда (хорижий туризм билан боғлиқ).

Айни вақтда, юк ташишда халқаро транспорт маълум маънода иқтисодий алоқалар ва хўжалик ҳудуди таркибидаги силжишларга ҳам таъсири этмоқда. АҚШ тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ихтисослашган техник воситалар ва терминаллардан иборат шарт-шароитлар мавжуд бўлса юкларни самолётларнинг отсекларида ташишга нисбатан маҳсус юк самолётларида ташиш 2 марта арzonлашади. АҚШда кейинги 25 йилда юкларни юк самолётларида ташиш

40% дан 85% етди ва бугунги кунда 80 та юк терминалы фаолият күрсатмоқда.

Истиқболда транспорт ва экспедиция – тақсимлаш корхоналарини қўшиш жараёни муҳим аҳамиятга эга. Ишончли ва тез транспорт алоқалари тутунларида ҳаво ва денгиз контейнерлари линияларидан иборат йирик ихтинослашган транспорт – тақсимловчи халқаро марказлар (Париж, Марсель, Франкфурт – на Майне, Мюнхен ва бошқ.) ташкилланмоқда.

**Транспортнинг бошқа шакллари.** Замонавий транспорт тармоқларидан ташқари ўтмиш транспорти – чаналардан чекка шимолдаги халқлар, жиловли транспорtdан эса чўл, ва тоғли районлардаги халқлар, эшкакли қайиқлардан дарё ва кўл бўйида яшовчи халқлар фойдаланиб келмоқда. Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги мамлакатларда эса ҳануз ҳаммолчилик сақланиб қолган.

### **10.5. Минтақавий транспорт тизими**

Дунё хўжалигида муҳим ўрин тутувчи халқаро транспорт тизимини умумлашган ҳолда қуийдаги минтақавий тизимларга ажратиш мумкин:

1. Шимолий Америка – АҚШ, Канада транспорт тизими – энг катта минтақавий транспорт тизими бўлиб, барча транспорт йўлларининг 30% тўғри келади. Трансконтинентал автомобиль ва темир йўл магистраллари, зич қувур тармоғи ривожланган. Буюк кўллар, Шим. Лаврентий ва Миссисипи ички сув тизимига эга. Барча транспорт турлари юк айланмаси жиҳатидан биринчи ўринда туради. Йўловчи ташишда енгил транспорт бош ролни ўйнайди. Автомобиль паркидаги автомобиллар сони жиҳатидан бошқа минтақалардан олдинда. Ҳаво транспорти ривожланган. Дунёдаги аҳоли ғоят ҳаракатчан ҳудуд ҳисобланади.
2. Фарбий Европа транспорт тизими – хўжаликнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш хусусиятларини, тармоқ ва ҳудудий тузилишини, интеграцион жараёнларни ифода этади. Бу минтақа транспорт тизимининг шаклланишига тарихий, табиий ва иқтисодий – сиёсий, географик омиллар кучли таъсир кўрсатган. Шимолий Америка транспорт тизимидан транспорт йўллари узунлиги, юк ҳажми ва узоқча ташиш бўйича орқада бўлса – да, темир йўлларни электрлаштириш ва тез юрар йўллар жиҳатидан олдинда

- туради. Ички алоқаларда автомобиль, темир йўл, қувур, дарё транспорти, ташқи алоқаларда эса денгиз транспорти катта ўрин тутади. Ҳаво транспорти АҚШдан фарқли ўлароқ ҳалқаро алоқаларга хизмат қиласди.
9. МДҲ транспорт тизими – ривожланган сертармоқ транспорт турларидан иборат. Энг узун темир йўл, нефть ва табиий газ магистралларига эгадир. Ички алоқаларда темир йўл, ташқи алоқаларда денгиз транспорти асосий ўрин тутади. Йўловчи ташишда темир йўл ва автомобиль транспорти, шунингдек, ҳаво транспортининг ҳиссаси катта. Собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши натижасида бир қанча мустақил:
- а) Россия (Европа ва Осиё транспорт тизимидан иборат).
  - б) Марказий Осиё.
  - в) Кавказ орти давлатлари.
  - г) Украина
  - д) Белорусь.
  - ж) Балтика бўйи давлатлари тизими шаклланмоқда.
10. Шарқий Европа мамлакатлари транспорт тизими – барча турдаги транспорт тармоқларига эгалиги билан ажralio туради – автотранспорт ҳиссаси йўловчи ва юк ташишда юқоридир. Транспорт тўри конфигурацияси радиал бир марказли (Венгрия), радиал кўп марказли (Чехия, Словакия), кенглик ва меридионал (Польша) кўринишларига эгадир.
11. Хорижий Осиёдаги транспорт тизими ҳудудий қарама – қаршиликларга бойлиги билан ажralib туради. Айниқса, ривожланган замонавий транспорт тизими Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань, Гонконг учун характерли бўлса, Жануби – Фарбий Осиёй, Жанубий ва Жануби – Шарқий Осиё мамлакатларида эса бир мунча бўш ривожлангандир. Покистон ва Ҳиндистон қисқа изли темир йўлларга эга. Жанубий, Жануби – Фарбий Осиё мамлакатларида қувур транспорти, Жануби – Шарқий Осиё мамлакатларида ички сув транспорти ривожланган. Чет эл компанияларига қарашли ҳаво транспорти тобора ривожланиб бормоқда.
12. Лотин Америкаси мамлакатлари транспорт тизимида транспорт билан таъминланганлик даражаси жиҳатидан Аргентина, Бразилия ва Мексика алоҳида ажralib туради. Лотин Америкаси минтақасига иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги 33% дан ортиқ ички сув йўллари тўғри келсада, кемачилик мақсадларида деярли

фойдаланилмайды, фоят юқори сифатли автомобиль йўллари билан бир қаторда тош йўллар мавжуд.

7. Африка транспорт тизими бир мунча бўш ривожланган. Мавжуд темир йўллар берк, тор изли ва бир—бири билан боғланмаган. Аҳолининг транспорт ҳаракатчанлиги дунёдаги энг паст ҳудуд. Кейинги йилларда кенглик ва меридионал бўйича автострадалар, магистрал қувур транспорти барпо қилинмоқда. Денгиз флоти ва Ҳаво линиялари кенгайиб бормоқда.
8. Австралия транспорти тизими ўзида Шимолий Америка (трансконтинентал излар, автопаркнинг катталиги, тепловозлар) ва ривожланаётган мамлакатлар (темир йўл изларининг турлилиги), хусусиятларини мужжасамлаштирган транспорт тизимининг ўзаро уйғулиги хос. Ички алоқаларда автомобиль, ташқи алоқаларда денгиз ва ҳаво транспорти муҳим ўрин тутади.

Минтақавий транспорт тизимлари ҳалқаро транспорт тизимининг бўйлимлари сифатида бир—бири билан боғланган бўлиб, юк ва йўловчи ташишда деярли барча транспорт турлари хизмат кўрсатади.

Фарбий Европа, Шарқий Европа ва МДҲ таркибидағи мамлакатларда транспорт алоқалари асосан қуруқлик транспорти айниқса, темир йўл, қувур ҳамда денгиз ва ҳаво транспорти орқали амалга оширилади. Бу жараён аввало минтақалар транспорт тизимидағи мамлакатларнинг қўшничилик ҳолати ҳамда оммавий суръатда ёқилғи, хом—ашё ва тайёр маҳсулотлар айирбошлаш билан белгиланади. Ўзаро алоқаларнинг ривожланишида ҳалқаро инфраструктура даражасидаги транспорт инфраструктураси («Дўстлик» нефть қувури, «Қардошлиқ» газ қувури, «Дунай—Майн—Рейн» ички сув йўллари) муҳим роль ўйнамоқда.

Шимолий Америка, Европа, Осиё, Австралия, Африка, Лотин Америкаси транспорт тизимида қуруқлик, денгиз ва ҳаво транспортининг роли каттадир. Трансконтинентал алоқаларда айниқса, Европа—Осиёдаги Балтика бўйи, Украина ва Беларусь, Россия ҳудудлари орқали ўтган транзит йўлларнинг (темир йўл, автомобиль йўллари, ҳаво линиялари) аҳамияти каттадир. Фарбий Европа—Япония контейнер йўли ҳамда Сувайш канали орқали Ҳинд океани ҳавзасига чиқиш имкониятлари шулар жумласидандир. Америка қирғоқ бўйида йирик денгиз трассалари Панама канали кираверишида умумлашади.

Шунингдек, транспорт тизимида транспорт пунктлари ва транспорт тугуnlари юкларини ортиш ва тушириш, йўловчиларни жўнатиш ва қабул қилишда асосий ўрин тутади. Транспорт тугуnlари – алоқа йўллари кесишган, бир–бири билан туташган ёки тармоқланиб кетган шунингдек хилма–хил ёки бир хил коммуникация турлари кесишган, туташган ва тармоқланиб кетган жойлардир.

Транспорт тугуnlари иқтисодий–сиёсий аҳамиятига кўра жалқаро, минтақавий, мамлакат, район, маҳаллий тугуnlарга, транспорт турларининг сонига кўра – кўп компонентли (мураккаб), икки–уч компонентли тугуnlар, бажарадиган ишига (функциясига) кўра кўп функцияли, бир ёки икки функцияли, юк ва йўловчи айланмасига кўра йирик, ўртача, кичик тугуnlарга ажаратиласди.

**Транспорт ва атроф–муҳит муаммоси.** Транспорт тизимининг ривожланиб бориши атмосферага, ўсимлик ва тупроқ қопламига, океан, дengиз, дарё ва ер ости сувларига таъсир этмоқда, инсон саломатлигига жиддий зарар етказмоқда. Айниқса, қуруқлик транспорти тизимида автомобиль, темир йўл ва қувур транспорти ўзига хос равишда атроф–муҳитни ифлослантиришта сабаб бўйинши билан ажаралиб туради. Автомобиль транспорти исгази, азот икки оксиди ( $\text{NO}_2$ ) ва углеводород билан биргалиқда фоят заҳарли бўлган қўрошин чиқаради. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда атмосфера ҳавосини ифлосланишининг 40–50%, шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларида, урбанизациялашган минтақаларда эса 80% автомобил транспортига тўғри келади. Мутахассислар маълумотларига кўра 1 та автомобиль ўртача йилига 4 тонна оксигенни ҳаводан олиб ташки мұҳитга 800 кг ис гази, 400 кг, азот оксиди ва 200 кг заҳарли моддалар, шу жумладан углеводородлар чиқариб ташлайди. Агар, XXI асрда ҳам автомобильлашув жараёни тез суръатлар билан ривожланишини эътиборга олсак, бу фоят кескин муаммолардан бири эканлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам яқин келажакда атроф–муҳитни энгоз ифлослантирадиган альтернатив ёқилғи манбаларидан фойдаланиш жалқаро автомобильлашув жараёнининг бош йўналишларидан биридир. Темир йўл транспорти ҳам атроф–муҳитга қаттиқ заррачалар чиқарса, қувур транспортида вақти – вақти билан бўлиб турадиган ҳалокатлар оқибатида минглаб тонна нефть ва нефть маҳсулотлари оқиб чиқиши тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости сувларига, айниқса оқар сувларга

зарар етказиб мұраккаб экологик ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Бундан ташқари автомобиль, темир йүл ва җаво транспорти шовқини ҳам ахоли эшитиш кобилятига таъсир қилиб, турли қасаллик ва «стресс» ҳолатларни юзага келтирмоқда. Йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларида «шовқин ифлосланиши» тобора кескин муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Сув транспорти гидросферани (океан, денгиз, дарё ва кўллар) ифлослантирувчи бош манбалардан биридир. Айниқса, ҳалқаро иктиодий алоқаларда нефть ва нефть маҳсулотлари ташувчи танкер ва супер танкерлар ҳалокати оқибатида минглаб тонна нефть океан ва дengiz сувларини катта ҳудудларда юпка плёнка ҳосил қилиб коплаб олиши бу ҳудудлар биофондига тузатиб бўлмас зарар етказмоқда. Атмосфера ифлосланишига тобора җаво транспорти ҳам «хисса» кушмоқда.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда иқтисодий ривожланган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда «транспорт ва атроф – мұхит» муаммоси билан боғлиқ жиiddий илмий – тадқиқот ишлари ва чора – тадбирлар мажмуаси амалга оширилмоқда.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Транспорт тизимидағи таркибий ўзгаришлар ва силжишлар қандай сифат кўрсаткичларига эга?
2. Транспорт дунё хўжалигининг сектори сифатида қандай хусусиятларга эга?
3. Транспорт тизими ривожланишининг асосий йўналишларини тушунтириб беринг.
4. Транспорт тизимининг ҳалқаро меҳнат тақсимотига таъсири қандай?
5. Автомибиллашув жараёнининг «салбий» ва «ижобий» томонларини тавсифланг.
6. Аҳолининг транспорт ҳаракатчанлиги ўсиб бораётганлигининг сабабларини тушунтириб беринг.
7. Ҳалқаро контейнер тизимининг хусусиятлари қандай?
8. Транспорт хизмати сифати деганда нимани тушунасиз?
9. Ҳалқаро ва миңтақавий транспорт тизими ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.
10. Ҳалқаро транспорт тизимининг қандай кўрсаткичлари мавжуд?

## **ХІ БОБ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВА УЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ**

Дунё хўжалиги ғоят мураккаб ва барқарор ривожланиб бораётган ўзига хос қарама – қаршиликларга эга тизимдан иборат. Бугунги кунда халқаро иқтисодий муносабатлар жаҳон мамлакатлари тараққиётида жуда катта роль ўйнамоқда. Бу муносабатларниг мутлақо янги сифат босқичи, товар ва хизматларниг халқаро савдоси, капиталлар ва ишчи кучи ҳаракати, мамлакатлараро ишлаб чиқариш кооперацияси, фан – техника тизимидағи айирбошлашлар, халқаро валюта муносабатлари, туризм (илмий ва дам олиш, даволаниш, савдо) тобора ривожланиб ва чуқурлашиб бормоқда.

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида очиқ иқтисодиётга эга бўлган иқтисодий ривожланган мамлакатлар етакчи мавқеъга эга бўлиб, барча тур алоқаларидағи улуши 60% дан 80%га қадарни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда 80 – йиллардан бошлаб иқтисодиётида мұхим силжишлар юз берганлигига қарамай, уларниг «Шимол» мамлакатларидан молиявий қарзлари салкам 2 трлн. долларга етди. Бу мамлакатлар иқтисодий ривожланган лавлатлар учун алом – ашё, ихтисослашган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва арzon ишчи кучи етказиб берадиган ҳудудлар бўлиб қолмоқда.

70 – йилларниг ўрталарида БМТ ташабуси билан «Халқаро иқтисодий муносабатларниг янги тартиби» Дастури қабул қилинди. Бу дастурниг моҳияти халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида мамлакатларниг ўзаро teng ва адолатли қатнашишини ташкиллашдан иборат. Шунингдек, бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларни дунё хўжалиги ва халқаро муносабатлар тизимиға янада кенгроқ жалб қилиш вазифаси ҳам қўйилган.

Халқаро меҳнат тақсимоти тобора самарали хўжалик юритишга мослашмоқда ва XX аср охирги чорагида ва XXI аср бошларида халқаро бозорга чиқарилаётган оммавий товарлар ниҳоятда хилма – хил бўлиб бормоқда. Айни вақтда, халқаро товар айирбошлашдаги оммавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш (серияли) (ECONOMY of scale) тамойилидан хилма – хил, фуқаро ва инновация маҳсулотлари (ECONOMY of scope) тамойилига ўтилоқда.

Бу тамойил ҳатто ҳар қандай миллий иқтисодиёт ўзининг хилма – хил маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни қондира олади деган назарий қарашларни инкор қилишга олиб келди.

Постиндустрисиал жамият шароитида ишлаб чиқариш ихтисослашуви янада чуқурлашмоқда ва халқаро географик меҳнат тақсимоти табақалашмоқдаки, ишлаб чиқариғлан маҳсулотлар тобора деталлашиб ва «адрес»ли бўлиб бормоқда. Ишлаб чиқаришнинг на фақат тайёр маҳсулотларга, балки деталларга, ярим фабрикатларга, ишлаб чиқаришнинг айрим босқичлари, элементларига ихтисослашуви кучаймоқда. Ихтисослашув асосида на фақат миқдорий кўрсаткичлар (кўпроқ ва нисбатан арzon нархларда), балки сифат кўрсаткичлари (илм талабилиги, ишончли ва мустаҳкамлиги, «тоза»лиги ва бошқалар) ётмоқда.

Ишлаб чиқаришга бўлган юқори сифат талаблари натижасида иқтисодий ривожланган мамлакатларга халқаро савдо айланмасининг 60% тўғри келмоқда.

Ҳозирги замон халқаро иқтисодий алоқалари ғоят хилма – хил эканлиги ва бу жараён кенгайиб ҳамда чуқурлашиб бораётганлиги билан ажралиб туради.

### **11.1. Халқаро савдо – халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркиби қисми**

Халқаро савдода товарлар йўналиши ёки мамлакатлар ўртасида товарлар айрбошлиш етакчи ўрин тутади. Давлатларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларидаги янги жараён – халқаро иқтисодий алоқалар таркибидаги ўзгаришлар ташкии савдо товарларида ҳамда халқаро транспорт алоқаларидаги юклар таркиби ва кўламида очиқ кўринади. Ҳозирги замон халқаро иқтисодий ривожланишининг асосий хусусиятларидан бири саноат ишлаб чиқариш суръатларига нисбатан халқаро савдонинг ўсишидир. 1995 йил товар экспорти қиймати 4875 млрд. долларни, хизматлар экспорти эса 1230 млрд. долларни ташкил қилди.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳиссасига халқаро экспортнинг 85,3% ва халқаро импортнинг 83,8% тўғри келади.

Айрим иқтисодий ривожланган мамлакатларга, жумладан АҚШ га халқаро экспорт ва импортнинг 15,5 ва 19,9%, Германияга 11,6 ва 10,7%, Японияга 11,8 ва 8,6%, Францияга 6 ва 6,3% ва Буюк Британияга 5,2 ва 5,8% тўғри келади ва бу мамлакатлар халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида етакчи мавқега эгадир.

Жануби – Шарқий Осиёдаги янги индустрисиал мамлакатлар ҳиссасига халқаро экспорт ҳиссасининг 8,5% ва

нефти экспорт қылувчи мамлакатларга (ОПЕК) 10% түгри келади.

Халқаро савдо тизимига миллий иқтисодиётлар қўшилиш жараёни тезлашганлигига қарамай халқаро товар айланмаси юқори ҳудудий концетрациясига эгалиги билан ажralиб туради ва жаҳон товар айланмаси ҳажмининг деярли ярми бешта йирик экспортчи мамлакатларга түгри келади. Айни вақтда, товар йўналишининг ҳудудий ёйилиши юз бермоқда ва товарлар йўналишининг умумий ҳиссаси (халқаро товар айланмасининг 10% дан юқорисига) 1970 йил 29,3%, 1980 йил 26% ва 1995 йил 20% ни ташкил қилди.

Шунингдек, товарлар йўналиши пропорцияларида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда (13 – жадвал )

### 13 – жадвал

#### Мамлакатлараро товарлар йўналиши нисбати (жаҳон товар айланмасига нисбати)

№	Мамлакатлар	1980 йил	1995 йил
1.	Канада – АҚШ	4,7	3,2
2.	АҚШ – Япония	3,3	3,0
3.	Германия – Франция	2,1	1,6
4.	АҚШ – Мексика	1,7	2,1
5.	Германия – Буюк Британия	1,2	1,6
6.	Германия – Италия	1,4	1,0
7.	Франция – Италия	1,2	1,0
8.	Япония – Саудия Арабистони	1,4	0,9
9.	АҚШ – Буюк Британия	1,3	0,8
10.	Германия – Бельгия	1,3	0,6
11.	АҚШ – Саудия Арабистони	1,2	0,6
12.	АҚШ – Германия	1,2	0,6
13.	Нидерландия – Бельгия	1,0	0,6

Шуниси характерлики, товарлар йўналишидаги алоқалар қўшни мамлакатлар ўртасида товар айланмаси пасайиб бораётганлигига қарамай етакчи ўрин тутмоқда. Бу ҳолат аввало интеграцион жараёнлар хусусиятлари, мураккаб сертармоқ хўжаликнинг бир типлик тамойилларига қарамай иқтисодий ривожланган мамлакатлар ўртасида юк айланмасига тўсқинлик қилмай, аксинча интеграциянинг типологик белгиси бўлиб қолмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда эса бир хил ресурсларга асосланганлик қўшни мамлакатлар ўртасидаги товарлар айланмаси ривожланишига имкон бермаяпти. (деярли бир хил табиий шароит ва ресурслар).

ХХ аср охирги ўн йиллигига келиб ғарб иқтисодиётининг уч маркази (АҚШ—Германия—Япония) ўртасидаги алоқалар бир мунча бўшаши ва йирик икки экспортчи мамлакат АҚШ—Германия 12—ўринга тушиб қолди. Япониянинг халқаро экспортдаги ҳиссаси ўсишига қарамай Америка—Япония ҳиссаси ҳам қисқарди. Умуман, уч марказ ҳиссаси АҚШ—Япония—ЕХ халқаро ташки савдода 14% дан 1970 йилда 10% гача ва 1980 йилларда 8% гача қисқарган бўлса, бу марказларнинг ўз минтақалари алоқаларидағи ҳиссаси кейинги 20 йилда 10% дан 25% га ўси. Бу ҳолат жаҳон хўжалигининг тобора кўп қутубли тизимиға айланётганлигидан ва глобализациялашув жараёни кучайиб бораётганлигига қарамай алоқаларнинг маҳаллиялашуви, минтақавий берклик тенденцияси ҳам мавжудлигидан далолат беради.

ХХ асрнинг охирги чорагида кутилмаганида халқаро иқтисодий алоқалар майдонида Япониянинг фаол ташки иқтисодий фаолияти натижасида янги индустрисал мамлакатлар юзага келди. Бугунги кунда бу мамлакатлар Тинч океани ҳавзасининг Шарқий қисмида мустақил иқтисодий минтақани шакллантирилар ва кейинги 20 йилда уларнинг жаҳон ялпи маҳсулотидаги ҳиссаси икки марта кўпайди (14—жадвал).

#### 14— жадвал

**Янги индустрисал мамлакатларнинг хўжалик ривожланиши. (1980—1993 йиллар) (% ҳисобида)**

№	Мамлакатлар	Ялпи ички маҳсулот.	Экспорт
1.	Корея Республикаси	90	172
2.	Тайван	76	155
3.	Сянган (Гонконг)	67	153
4.	Сингапур	58	91
5.	Саноати ривожланган Ғарб мамлакатлари	23	36

Жаҳон экспортида 4 та индустрисал мамлакатларнинг ҳиссаси 4 марта ўси ва 14% га етди. (Гонконг — 4,6%, Корея Республикаси — 3,3%, Сингапур — 3,2%, Тайван — 3,0%). Бу мамлакатларда индустритишилнинг бошлангич босқичида экспортта давлат субсидиялари ажратилди, импорт чегаралаб қўйилди ва унинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор кучайтирилди. Бугунги тараққиёти эса сиёсий барқарорлик, меҳнат ресурсларининг сифати, анъана

ва малакалари, интизомлилiği ва уюшганлиги ҳамда дөнгиз бўйи транспорт – географик ҳолати қулалиги каби омиллар билан ҳам характерланмоқда. Иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари «қизиб» кетиши 1998 йилдаги оғир молиявий инқирозни ҳам юзага келтирди.

Халқаро товар экспорти (1990 йил баҳоларида), 1950 йилдаги 35 млрд. доллардан, 1960 йилда 50 млрд. долл., 1970 йилда 1,25 трлн. долл., 1980 йилда 2,25 трлн. долл., 1990 йилда 3,48 трлн. долл ва 1997 йилда 5,4 трлн. долларга етди. Шундай қилиб 40 йилда халқаро савдо 10 марта ёки ҳар 10 йилда 1,4, 2,5, 1,8 ва 1,5 марта ўсди.

XX аср 50–йилларидан бошлиб халқаро товар айланмаси таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди. (15–жадвал).

### 15–жадвал

**Халқаро товар айланмаси таркибидаги силжишлар  
(% ҳисобида)**

№	Товар гурӯҳи.	1960	1970	1980	1990
1.	Хом – ашё ва озиқ – овқат	55	50	47	75
2.	Тайёр маҳсулотлар	45	50	53	25

XX асрнинг охирги ўн йиллигига саноатда таркибий ўзгаришлар бошланди. Бундай ўзгариш натижасида ғарбдаги саноати ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатлардан импорт қилинадиган хом – ашёга боғлиқлигини камайишига олиб келди (16 – жадвал).

### 16–жадвал

**Иқтисодий ривожланган мамлакатларни хом – ашё билан таъминлашда ривожланаётган мамлакатлар ҳиссаси**

№	Хом – ашё импорт қи – лувчи мам – лакат ва миintaқалар	Озиқ – овқат, қишлоқ ҳу – жалик маҳ – сулолари		ёқилғи		хом – ашёнинг барча турлари	
		1980	1995	1980	1995	1980	1995
1.	ЕХ	10	5	55	22	30	17
2.	Шимолий Америка	8	4	20	15	16	12
3.	Япония	13	8	90	72	50	22

Дунё мамлакатларининг кўпчилиги учун ҳалқаро товар айирбошлаш таşки иқтисодий алоқалардаги иштирокнинг асосий шакли бўлиб қолмоқда. Ҳалқаро географик меҳнат тақсимотидаги иштироки даражаси ёки очиқ иқтисодиёт – экспорт ва импорт, товарлар ва хизматлар айирбошлашнинг ЯИМга ёки аҳоли сонига нисбатан кўрсаткичлар ифодалайди. Бирорта ҳам мамлакат бугунги кунда ўз эҳтиёжларини самарали барча турдаги истеъмол товарлари билан тўла қоплай олмайди. Ҳалқаро меҳнат тақсимотига мамлакатларнинг тортилганлик даражаси ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳалқаро товар айирбошлашда асосан юқори технология маҳсулотлари – машиналар, электрон жиҳозлар, фармацевтика ва нозик кимё каби илмий – техника инқилоби билан боғлиқ маҳсулотлар билан таъминлашга ихтисослашмоқда.

• Мамлакатларнинг дунё хўжалик тизимиға тортилган – лик даражасини аниқлашда экспорт квотаси<sup>1</sup> кўрсаткичидан фойдаланилади. Экспорт квотаси экспорт товарлари ва хизматлари қийматининг ялпи ижтимоий маҳсулотга (таққослама нархларда) нисбати асосида аниқданади.

Экспорт квота 1975 – 1995 йилларда 12% дан 22% га етди. Товарлар ҳалқаро экспортида машинасозлик маҳсулотлари, автомобиллар, электрон жиҳозлар, кимё маҳсулотлари, тўқимачилик маҳсулотлари, ёғоч маҳсулотлари, қоғоз ҳиссаси ўсиб, рангли металлар, пўлат, озиқ – овқат маҳсулотлари ҳиссаси қисқармоқда. (17 – жадвал).

#### 17 – жадвал

#### Ҳалқаро экспортнинг товар таркиби. 1995 йил.

№	Товарлар гурӯҳи	Экспорт ҳажми. млрд. Долл	Жамига нисбатан.% ҳисобида
Ҳом – ашё			
1.	Озиқ – овқат	352	98
2.	Ёқилги.	370	39
3.	Саноат ҳом – ашёси	132	23
4.	Рангли металлар	85	22
5.	Руда	62	2
Жами		<b>1004</b>	<b>24</b>

<sup>1</sup> Экспорт квотаси – маълум товарларни ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб беришнинг белгилаб қўйилган ҳажми. Импорт квота – ҳар йили хорижий мамлакатдан келадиган маҳсулотлар ҳажмини миқдор жиҳатдан чеклаб қўйиш.

### 17-жадвал давоми

Тайёр маҳсулотлар ва ярим фабрикатлар			
1.	Машина ва транспорт воситалари	152	35
2.	Бошқа истеъмол товарлар	480	11
3.	Химикатлар	370	9
4.	Ярим фабрикатлар	365	8
5.	Кийим – кечаклар	174	4
6.	Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	153	4
7.	Қора metallлар прокати	147	3
	<b>Жами</b>	<b>3216</b>	<b>73</b>
	Бошқа маҳсулотлар (курол – аслала)	145	3
	<b>Жами.</b>	<b>4362</b>	<b>100</b>

Шундай қилиб, дунё бўйича ишлаб чиқилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг 1/5 дан ортиғи (қиймат ифодасида) халқаро бозорга чиқади. Айни вақтда, ривожланаётган мамлакатларнинг бальзиларида экспорт квотаси ҳатто иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг кўрсаткичларидан юқори. Бу иқтисодий адабиётларда кенг тарқалган мамлакатнинг экспорт салоҳияти юқори бўлса шунчалик очиқ иқтисодиёт мавжуд деган қарашининг доимо ҳам тўғри бўлавермаслигини кўрсатади. Чунончи, АҚШ ва Япония дунёдаги биринчи ва учинчи экспорт мамлакатлари бўлишига қарамай нисбатан паст экспорт квотасига эгадирлар. (18 – жадвал).

### 18-жадвал

**Иқтисодий ривожланган мамлакатлар экспорт квотаси динамикаси (ЯИМ нисбатан% ҳисобида).  
(1970–1995 йиллар)**

	Мамлакатлар	1970	1995
1.	Италия	15,4	25
2.	Франция	16,3	26
3.	Буюк Британия	23,2	29
4.	Германия	21,2	33
5.	Швеция	24,1	35
6.	Нидерландия	44,8	59
7.	АҚШ	5,9	11
8.	Япония	10,8	14
9.	Австралия	14,8	21
10.	Канада	22,7	28

18 – жадвал таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, экспортга йўналганлик ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги даражаси, иқтисодий – географик мавқенинг қулиялиги ва табиий ресурсларнинг хилма – хиллигидан ташқари ички

бозорнинг товарларга талаби аҳолининг тўловга қобилиятили талаби ўсиб бориши билан ҳам боғлиқдир. Жумладан, Японияда кейинги 30 йилда (1960 – 1990 йй) ташки иқтисодий фаолиятнинг барча турлари гуркираб ривожланганлигига қарамай экспорт квотаси ўсмаган мамлакатлардан биридир. Чунки, аҳолининг иш хақи ва турмуш даражасининг тез ўсиши тўлов қобилиятини, ички бозор ҳажми катта эканлигини белгилайди ва хўжалик экспортлилик даражасининг ўсишига тўқинлик қилувчи кудратли омил бўла олади.

Ривожланаётган мамлакатларда эса ички бозорнинг ҳажми катта эмас. Экспортга айрим маҳсулотларни чиқаришга ихтисослашув эса уни халқаро бозордаги нархларга боғлиқ қилиб қўяди ва моно ихтисослашувни юзага келтирган.

Россиянинг халқаро савдодаги ўрни унинг дунё хўжалигидаги ҳам сиёсий ҳам иқтисодий ўрнига мос эмас (2%) ва экспорт ҳамда импорт таркиби ривожланаётган мамлакатларда ўхшаш бўлиб, экспорт ҳажмининг 4/5 ёқилғи, хом – ашё, ярим фабрикатларга, импорт эса тайёр маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўғри келади. Экспорт қилинадиган тайёр маҳсулотлар таркибида машинасозлик маҳсулотлари, биринчи навбатда, ҳарбий техника ва қурол – аслаҳалар асосий ўрин тутмоқда.

Халқаро қурол – аслаҳа экспортининг 10% дан ортиғи Россияга тўғри келади ёки Россияда экспорт қурол – яроқ экспортининг 3% ни, АҚШда – 2%, Фарбий Европа мамлакатларига 1% ини ташкил этади.

**Аҳолининг меҳнат миграцияси.** Асосий меҳнат миграцияси йўналишини хорижий ишчилар (жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар ва ўсиб бораётган интелектуал салоҳият вакиллари киради) ташкил қиласи. Бугунги кунда меҳнат миграцияси жараёнларида 100 млн.дан ортиқ киши қатнашмоқда ва мигрантлар ишлаб ўз мамлакатларига юборган валюталари йилига 400 млрд. АҚШ долл. ошмоқда. Гостбайтерлар ва уларнинг оиласлари (хорижда четдан келиб ишловчилар шундай номланади) Германия хўжалигини тез ўзлаштириб, мослашиб олмоқдалар (асосан Туркия ва собиқ Югославиядан келганлар) ва уларнинг сони 7 млн.дан ошиб, мамлакат аҳолисининг 8 – 10% ташкил қилмоқда. Шунингдек, «ақл оқими» Хитой ва Россия учун ҳам кескин муаммо бўлиб қолмоқда.

Дунё хўжалигининг постиндустрисиал босқичида халқаро туризм аҳолининг чегараларо аралашуви сифатида муҳим ўрин тутмоқда. Халқаро туризм бугунги кунда ўзига хос индустрисиал мажмуя бўлиб, таркибига – транспорт, меҳмонхона хўжалиги, кўнгил очди индустриси, спорт, реклама ишлари, умумий овқатланиш ва бошқ. киради. 1970 – 1991 йилларда халқаро туристлар сони 160 млн. дан 525 млн. кишига етди ёки 3 марта ўсли, туризмдан тушадиган даромад 25 марта кўпайди ва 20 млрд. АҚШ долл.дан 500 млрд. АҚШ долларига етди. Бу туризм барқарор ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Бугунги кунда 2/3 халқаро сафарлар туризм мақсадларида амалга оширилмоқда. Туризм ривожланган минтақалар Фарбий Европа (64 – 65 млн.), Америка (18 – 20 млн.), Осиё – Тинч океан минтақаси (13 – 15 млн.), Африка (3 – 3,5 млн.) ва Жанубий Осиё (1 – 1,2 млн.), Яқин ва Ўрта Шарқ (1 – 1,3 млн.) мамлакатлари. Шунингдек, «курорт ороллари» – Кипр, Барбадос, Багам, Бермуд, Сейшел – туризм ривожланганлиги ва бу ороллар иқтисодиётида катта ўрин тутиши билан ажralиб туради.

Башпоратларга кўра истиқболда халқаро туристик сафарлар йилига 4% дан ва ундан олинадиган даромад эса 9% дан ошиши кутилмоқда. 1992 йил халқаро туризм айланмасининг ҳиссаси халқаро ялпи маҳсулотда 6%, йиллик капитал қўйилмалар 438 млрд. АҚШ долларига етди ва унинг фонdlари 3,8 трлн. АҚШ долл. баҳоланмоқда, унда бандлар сони 130 млн. кишидан ортди. Шундай қилиб халқаро туризм автомобиль транспорти каби жаҳон хўжалигининг етакчи сектори бўлиб қолди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туризмнинг ривожланиши транспорт тузилишидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Ҳаво транспортининг гуркираб ривожланиши, узоқ масофаларга тўхтамай учувчи, кулай ва шинам бўлган кенгфюзеляжли «Джамбо» типидаги аэробусларнинг юзага келиши билан борлиқ янги туристик минтақаларни ўзлаштириш имконини берди. Шунингдек, оммавий чартер рейслари ёқилги қимматлигига қарамай тарифларни икки марта пасайишига олиб келди. Бундай омиллар туристик йўналишдаги миллий ўзгаришларни ҳам юзага келтириди. Чунончи, 60 – йилларда туристик йўналишларда америкаликлар, 70 – йилларда ГФРлик, кейинги ўн йилликларда Япониялик туристлар етакчи мавқени эгаллади. XXI аср бошларида МДҲ давлатлари, жумладан Ўзбекистон халқаро туризмда етакчи ўрин эгаллаши мумкин.

Континентлараро линиялардаги ҳаво транспортида кейинги 25 йилда туристлар ташиш ҳиссаси 15% дан 70% га етди.

Ақолининг чегаралараро ҳаракатида геополитик ҳолат билан боғлиқ қочоқлар оқими муҳим ўрин тутмоқда. Гарчи қочқинлар тўлақонли халқаро иқтисодий фаолиятга киргизилмасада, улар сезиларли равишда бу муносабатларга таъсир қиласи. Қочоқларнинг халқаро йўналишида икки хусусият: а) 70 йиллардан сўнг улар сонининг қатъий ўсиши ва; б) нисбатан ривожланаётган мамлакатларда тўпланишидир. Рўйхатдан ўтган қочоқлар 1970 йида 2,4 млн.кишидан 1992 йил 18,5 млн.кишига жумладан, Шимолий Африка, Яқин ва Ўрта Шарқда 7,3 млн., Африкада (Саҳрои Кабирдан жанубда) 5,1 млн., Европада 3,2 млн.кишидир. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг минтақавий можаролар оқибатида қочқинлар сони 190 млн.га – Африкада 52 млн., Лотин Америкасида 34 млн., Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё 49 млн., Европада 12 млн., Яқин ва Ўрта Шарқда 41 млн. кишига етди. Асосий қарама – қаршиликлар ҳудудий можаролар (Ҳиндистон ва Покистон, Хитой ва Ҳиндистон, Яқин Шарқ (Исройл – Фаластин) ва бошқ.), мавжуд тузумга қарши кураш, этник ва диний қарама – қаршиликлар, мустақиллик учун курашдан ташқари бошқа омиллар – аҳоли зичлиги, энергия, сув, ер тақчиллиги билан боғлиқдир.

Молиявий оқимлар. XX асрнинг 50 – йилларидан бошлаб четга капитал чиқаришда иқтисодий ривожланган мамлакатлар ўртасида рақобат кучайди ва янги босқичга кирди. Бу жараён ишлаб чиқариш ва халқаро товар айланмасига нисбатан тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Дунё бўйича тўғридан – тўғри инвестициялар 1960 йилда 6,6 млрд. АҚШ долларидан 1995 йил 1,2 трлн. АҚШ долларига етди. Халқаро капитал миграциясида иккинчи жаҳон урушидан сўнг юзага келган жараён иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг бир – бирининг иқтисодиётига инвестиция киришилари бўлиб, алоҳида миллий хўжаликларни жаҳон хўжалигига янада маҳкамроқ боғланишига шароит яратди.

1992 йил АҚШ хорижий инвестицияси 487 млрд. долларга етди ва бунинг 78 млрд. доллари Буюк Британияга, 68 млрд. долл. Канадага, 38 млрд. долл. Германияга, 29 млрд. долл. Францияга, 19 млрд. долл. Нидерландияга, 17 млрд. долл Австралияга, 16 млрд. долл. Бразилияга, 14 млрд. долл. Италияга, 8,5 млрд. долл. Сянган, 4 млрд. долл. Норвегияга тўғри келади. АҚШ 1996 йилда 85 млрд. долл. инвестиция чиқарган бўлса, айни вақтда 85 млрд. долл инвестиция АҚШ га

кирди. АҚШ чиқараётган инвестициянинг 40% ЕИ, 1/3 қисми ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган.

Бу мамлакатлардаги кўпчилик корхоналар акцияларининг 50% АҚШ капиталига қарашли ва деярли 50% обьектлар АҚШ мулкидир. Хорижий инвестициялардан келган даромад АҚШ пассив тўлов балансининг катта қисмини қоплади (25% га яқин тушумлар). Иккинчи йирик инвестиция чиқарувчи мамлакат Буюк Британиядир (31 млрд.долл.).

Кейинги йилларда Канада йирик халқаро инвестор бўлиб қолди ва унинг етакчи тоғ – кон саноати компаниялари 30 та мамлакатга ўз капиталларини жойлаштироқда. Япония хорижий инвестиция ҳажми бўйича иккинчи ўринга чиқди ва ўзининг 35% дан ортиқ капиталини АҚШ иқтисодиётига киришмоқда. Шунингдек, Япониянинг Farbий Европа мамлакатларига капитал экспансияси кучайиб бормоқда. Айни вақтда, бошқа иқтисодий ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Япония ўзининг капиталларининг (25% хорижий инвестициясини) ривожланаётган мамлакатларга ҳом – ашё ресурсларини топиш, фойдаланиш ва янги индустрисал мамлакатларга йўналтироқда. Шуниси характерлики, халқаро хорижий капиталини бор йўти 1% Японияга йўналтирилган, холос. Дунёдаги 20 та энг йирик банкларнинг 12 таси Японияда бўлиб бунинг 6 таси капитал айланмаси жиҳатидан биринчи ўринда туради. Кейинги ўн йилликда Япония капитали Farbий Европада ўз мавқеини мустаҳкамлади ва йўналтирилган капиталнинг 80% молиявий хизматлар ва савдо, 15% ишлов берувчи саноатдадир. ЕИ бож тўсиқларини бартараф этиб, Япония фирмалари Европа мамлакатларининг ўзида тобора кўпроқ экспорт товарлари ишлаб чиқаришга уринмоқда.

Farbий Европа мамлакатларининг 60% хорижий капитали Европадан ташқарида жойлашган. Шундан, 2/3 қисми хорижий капитал АҚШ, 1/4 қисм Японияга тўғри келади айни вақтда, Farbий Европа Америка капиталининг йирик қабул қиливчиси бўлиб, АҚШ хорижий капиталининг 50% тўғри келади. АҚШ ва Япония ўртасидаги кескин иқтисодий қарама – қаршиликларга қарамай ўзаро молиявий алоқалар кенгайиб бормоқда. Аммо, Farbий Европа ва АҚШ ўртасида ўзаро капитал чиқариш АҚШ ва Япония ўртасидагига нисбатан юқоридир. Кейинги йилларда АҚШнинг Farbий Европага бўлган тўғридан – тўғри инвестицияси ҳажми Японияга бўлган капитал

йўналишларидан 12 марта юқори бўлди. Фарбий Европанинг АҚШга инвестицияси эса Япониянинг АҚШга нисбатан инвестициясидан 7 марта юқоридир.

Ривожланаётган мамлакатлар тизимида 70–80 йилларда капитал экспортининг икки маркази мавжуд – ОПЕК мамлакатлари (нефть экспорт қилишдан йилига 150–200 млрд. АҚШ долл. оловчи) ва халқаро капитал бозорига яқинда кириб келган ва ўз капиталини фарб мамлакатларига йўналтираётган янги индустрисал мамлакатларидир.

Дунё бўйича халқаро кредит – молиявий муносабатларни тартибга солища иккита йирик ихтисослашган халқаро ташкилотлар – Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (МБРР) ва Халқаро валюта фонди (МВФ) алоҳида ўрин тутади. 1990 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР) тузилди ва бу банк бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларга молиявий инвестиция ёрдами кўрсатишни ўз зиммасига олди.

## 10.2. Хизмат кўрсатиш соҳалари

ХХ асрнинг 80 – йилларидан бошлаб жаҳон хўжалиги тизимида социал муаммолар етакчи ўринни эгаллай бошлади. Халқаро иқтисодиётнинг учинчи соҳаси аҳоли ва хўжалик тизимини бир меъёрда фаолият кўрсатишини таъминловчи ноишлаб чиқариш тизими тўла шаклланди. Бугунги кунда учинчи соҳадан тўртинчи соҳани – илм, илмий – тадқиқотлар ва тажриба – конструкторлик ишлари, ахборотлар индустриси ҳамда билимлар соҳалари – ажратилмоқда.

Шунингдек, ноишлаб чиқариш соҳаларига транспорт ва бутун ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ҳам киритиш мумкин. Бу учинчи соҳалар фарbdаги саноати ривожланган мамлакатлarda юқори суръатлар билан ўсмоқда ва таркибан ўзгармоқда. Асосий ишлаб чиқариш тармоқларида тармоқ, ҳудудий ва ташкилий ўзгаришлар ишлаб чиқариш хизматлари ролининг кенгайиб боришига олиб келмоқда. Жумләдан, Буюк Британияда 1980 – 1995 йилларда ишлаб чиқариш соҳаларида хизматлар 40% (720 минг киши), шахсий соҳа хизматлари 15% (600 минг киши) ўсади.

70 – йилларнинг ўрталарига қадар иқтисодий ривожланган мамлакатлар ташқи савдо балансининг товар қисми (манфий) зарар кўрган бўлса сервис қисмида даромадлар харажатдан юқори бўлди. (19 – жадвал)

**Иқтисодий ривожланган мамлакатлар  
ташқи савдо баланси динамикаси (млрд.долл.)**

Ийллар	Ташқи савдо баланси	
	Товар қисмі	Сервис қисмі
1970	8	2
1975	-31	5
1980	-83	19
1985	-56	17
1990	-40	18

Ишлаб чиқариш хизматлари қуийдагича фарқланади: а) истеъмол соҳалари (бозор эҳтиёжи) б) таъминот соҳалари (мол етказиб бериш); в) боғловчилик вазифасини бажариш (ахборот, телекоммуникация, транспорт, компьютер хизмати, ташкилий – тадбиркорлик муҳитини тузиш ёки яратиш). Ишлаб чиқариш хизматларининг бу ҳусусияти мижозларга юқори сифатли мутлақо янги хизматларни таъминлаш имконини беради.

ХХ асрнинг охирги чорагида иқтисодий ривожланган мамлакатлар учинчи секторида чуқур ўзгаришлар ва тез ўсиш юз берди. Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатларида иқтисодий фаол аҳолининг бандик таркиби ўзгаришларини таққосланадиган бўлса бу икки минтақа орасидаги фарқ 30 йилни ташкил қиласди. (20 – жадвал).

20-жадвал

**Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари хўжалик  
секторида аҳоли бандиги таркиби  
(% ҳисобида)**

	Хўжалик сектори	Шарқий Европа		Фарбий Европа	
		1955	1995	1955	1995
1.	Учинчи сектор	23	40	38	62
2.	Саноат ва қурилиш	30	43	42	30
3.	Кишлоқ хўжалиги	47	17	20	8

Бундай чуқур ўзгаришларни талқин қилиш учун постиндустриал ривожланиш тушунчасининг моҳиятини шархлаш мақсадга мувофиқ. Бу босқичга фарбдаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ва янги индустрисал мамлакатлар кирган. Бу босқич аввало истеъмол бозоридаги товарлар ва хизматлар ўзгариши билан характерланади (кўпчилик тадқиқотчилар таъкидлаганидек ИТИ ютуқлари гарчи катта

ўрин тутсада, иккинчи ўринда туради). Жамият эҳтиёжларини қондиришда «биринчи айланма» дан (ҳаёт таъминоти) «иккинчи айланма»га (ёки «бўш вақт»), моҳияти жиҳатидан чексиз бўлган эҳтиёжни қондиришга ўтилади. (бу босқич 70 – йилларнинг ўрталаридан бошланниб маълумотлар истеъмоли босқичи деб юритилади). Бу жамиятдаги истеъмол ўзгариши оила бюджети харажатлари таркибидаги ўзгаришларда ифодаланади. Академик С.Шаталин Россияда (совет ва постсовет даври) оила бюджетининг озиқ – овқатга харажати 60% дан пасаймаганлиги, айрим вақтларда ҳатто 3/4 қисмга кўтарилганлигини, фарбда эса кейинги 20 йилда 20% қисқарганлигини ўз тадқиқотларида таъқидлайди.

Жамиятнинг янги истеъмоли «оммавий маҳсулотлар» ишлаб чиқариш тамойилидан «хилма – хил маҳсулотларни» ишлаб чиқариш тамойилига (қимматбаҳо буюмлар, кичик партиялар, фуқаро ва инновация маҳсулотлари) ўтганлиги билан характерланади. Айни вақтда, фарб мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, истеъмолнинг (эҳтиёж) ўзгариши билан ишлаб чиқариш таркибидаги силжишлар ўртасида социал субъектларнинг социал эҳтиёжи – жамиятнинг ўзи турадики, бу социал кафолат ва маълум социал психологияни юзага келтиради. Социал психология ўз навбатида куйидагилар билан характерланади:

1. меҳнат мотивациясини, яъни эркин меҳнат малакаси ва профессионал билимлар асосидаги моддий манфаатдорликни;
2. жамиятнинг экологик тушунчаси (онги);
3. социал йўналиш;
4. интелектуаллашув («кўк» ва «оқ» ёқалиларнинг уйғунлашуви) ва меҳнатнинг гуманизациялашувининг меҳнат ресурслари сифатига таъсири;
5. жамиятнинг демократизациялашувининг меҳнат ресурслари сифатига таъсири;
6. иқтисодиётнинг демилитаризацияси (ҳарбий – саноат мажмусини (ҲСМ) конверсиялаш бўлиб бу жараён Россияда амалга ошмади ва ҳануз ҳарбий харажатлар ЯИМ да 10% дан ортмоқда, АҚЦДа бу 6% дан ошмайди).

Юқоридаги жараёнлар туфайли постиндустриал жамият таркибида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бериб, жамият барқарорлигини таъминловчи ўрта синф шакланишига, унинг барқарор эволюцион ривожланишига, криминоген жараёнларни нисбатан яхшиланишига олиб келмоқда. Тажриба

шуни кўрсатмоқдаки, жамиятдаги бундай барқарорлик ўрта синфнинг аҳоли сонидаги ҳиссаси 50% дан ортгандагина юзага келади.

Бундай барқарор шарт – шароитлар моддий ишлаб чиқариш таркибида ҳам тармоқ, ҳам ташкилий ва аста – секин ҳудудий ўзгаришларга олиб келади. Постиндустрисал жамиятнинг белгилардан бири кичик тадбиркорликнинг ривожланиши бўлиб, бу инновацияни тадбик қилиш, истеъмол бозорларининг тез ўзгарувчи эҳтиёжларига мослашуви ва «хилма – хил» маҳсулотлар тамойилига ўтиши билдиради. (21 – жадвал).

### 21-жадвал

#### **Дунё мамлакатлари иқтисодиётидаги кичик корхоналарнинг роли. (1996 йил).**

Мамлакатлар	Кичик корхоналар сони		Бандлар сонида кичик корхоналар ҳиссаси % ҳисобида	ЯИМда кичик корхоналарнинг ҳиссаси % ҳисобида
	минг дона	ҳар 1000 кишига		
Буюк Британия	2630	46	40	53
Германия	2290	37	46	54
Италия	3920	68	73	60
Франция	1980	35	54	62
ЕИ	15770	45	72	67
АҚШ	19300	74	54	52
Япония	6450	50	78	55
Россия	836	6	9,6	11

Постиндустрисал жамиятда иқтисодиётнинг очиқлигига «кўринимас экспорт» катта таъсир кўрсатади ва уни бешта гуруҳга: а) транспорт хизмати; б) молиявий в) туризм; г) алоқа – ахборот маълумотларни таклиф қилиш; А) мутахассислик бўйича давлат ва шахсий хизматлар (сугурта, реклама, бухгалтерия – аудиторлик фаолияти, менежмент ва бошқ.) бўлиш мумкин.

Реклама кейинги 15 йил ичидаги (1980 – 1995 йиллар) сервис фаолиятининг бош йўналиши бўлиб қолди ва реклама харажатлари 65 млрд. АҚШ долларидан 200 млрд. АҚШ долл.га етди ёки 3 мартадан кўпроқ ўсади. Шундан, газеталардаги реклама 30 млрд. долл. дан 90 млрд. долл. га ва телевидениеда 20 млрд. долл. дан 60 млрд. долл.га кўпайди. Айниқса, Америка реклама фирмалари Фарбий Европа бозорида фаол бўлиб, кейинги 10 йилда унинг агентликлари

60 дан 250 тага етди. Францияда бешта йирик реклама фирмасига реклама бизнес айланмасининг 60% қиймати тұғри келади. Фарбий Европа учта энг йирик реклама агентлигига реклама харажатларининг 34% тұғри келади. Халқаро реклама бизнеси бир нечта марказларда тұпланған. (22 – жадвал).

## 22-жадвал

### Халқаро реклама марказлари (1993 йыл)

Марказлар	млрд. долл. айланма	агентликлар. сони
Нью – Йорк	26,5	147
Токио	24,1	38
Лондон	11,0	65
Париж	8,7	46
Чикаго	7,1	52
Лос – Анджелос	4,6	52

Шунингдек, йирик реклама марказларига Амстердам, Стокгольм, Дюссельдорф, Мадрид, Милан, Лиссабон шаҳарлари киради. 10 та энг йирик реклама агентлигидан бештаси АҚШ га, иккитадан Япония ва Буюк Британияга, битта Францияга тұғри келади. Реклама агентликлари ўз рекламаларини ишлаб чиқариш құвватлари ва полиграфия базаси ривожланған марказларда зemas, балки оммавий ахборот воситалари ривожланған, маданият муассасалари – изостудиялар, овоз ёзиши студиялари, музика ансамблари, спорт үйінгоҳлари, күнгил очар жойлар ва бошқ. жойларға жойлаштироқдалар.

Коммуникация хизматлари янги босқичининг бошланиши аста – секин транспорт хизматини ҳам сиқиб чиқармоқда. Бу фирма ва компания ходимларига йирик шаҳарлардаги оғисларда үтирай ҳам ўзининг оғис билан тұла алоқасини сақлад қолиши имконини яратмоқда. Бунда бир вақтнинг ўзида 100 минг телефон сүзлашуви имконини берувчи шиша толали алоқа тизимидан фойдаланылмоқда. Видеоконференциялар (шахсий алоқалар үрнини босувчи) кенг ёйилмоқда. Буюк Британияда 250 та маҳсус бино шуңдай «сиртқи» конференциялар олиб бериш учун жиһозланған. Экспертлар маълумотларига күра икки соатли бундай сиртқи конференциялар фирмаларга одатдаги 15 минг фунт – стерлинг үрнига 2 – 3 минг фунт – стерлингге түшмоқда. Айниқса, Шенондаги (Ирландия) бизнес маркази роли дикқатта сазовор бўлиб, аралаш фирмада ёрдамчи электрон оғис Атлантиканинг икки томонига үрнатилған (вақт фарқи

5 соат). Бундай марқаз фирманинг 24 соат ишлашини таъминламоқда.

Буюк Британиядаги телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиб ишлаётган «уйдагилар» 1,2 млн. кишидан, АҚШ да 4 млн. кишидан (деярли 4% бандлар) иборат. Алоқа воситаси сифатида уяли телефонлар мұхым ўрин тутмоқда. Уяли телефонлардан фойдаланувчилар сони йилига 27% ўсмоқда ва 200 млн. кишини (1998 й.) ташкил қылған бўлса, 2000 йилда 830 млн.га, шундан Шимолий Америкада 60 млн., Фарбий Европада 57 млн., Японияда 29 млн., Осиё – Тинч океани минтақасида (Япониядан ташқари) 40 млн. кишига етди.

Ишлаб чиқариш хизмати фаолиятига молия – кредит соҳаларини киритиш мумкин. Халқаро молия – кредит тизими капиталнинг концентрациясидан ташқари, халқаро капитал қўшилиши ва йирик банк марказларининг (Фарбий Европа мамлакатларида 1/3 қисм йирик банк активлари Японияда 1/4 қисм ва АҚШ да 1/5 қисм тўплланган) шаклланишига олиб келди. (23 – жадвал).

### 23-жадвал

#### Фарбий Европадаги энг йирик банк марказлари (1995 й.)

Марказлар	Активлар		
	млрд. АҚШ доллари	1980 йилга нисбатан ўсиш, %	активлар даромадлиги% хисобида
Париж	2610	177	0,30
Франкфурт	1963	225	0,34
Лондон	1431	170	1,28
Мюнхен	715	238	0,36
Брюссель	633	226	0,43
Амстердам	508	185	0,69
Милан	421	141	0,50
Рим	325	103	0,27
Мадрид	299	149	0,80
Вена	281	158	0,33
Стокгольм	275	117	1,08
Берлин	216	349	0,81
Лиссабон	176	391	0,88

Етакчи банк марказлари Париж, Лондон, Франкфурт бўлсада, Лондон банклари ва Германия банклари активлари юқори даромадлилиги билан ажralиб туради.

Шунингдек, «кўринмас экспортда» кўпгина мамлакатлар таклиф қиласидан хорижий мамлакатлар юкларини ташувчи «денгиз извошлари» катта ўрин тутади.

Бундай «денгиз извоши»чилари йирик кемачилик компаниялари, биринчи навбатда Норвегия в Грециядир. Айниқса, ахборот – коммуникация ва иш юзасидан (бошқарув – консультация) халқаро хизматлар тез ривожланмоқда. Халқаро хизматларда мұхандислик – консультация, илмий – тадқиқот хизматлари ва конструкторлық ишлери мұхым ўрин тутмоқда ва халқаро савдонинг бир қисми бўлиб қолмоқда.

Асосий хизматлар савдоси иқтисодий ривожланган мамлакатлар доирасида амалга оширилмоқда. Ривожланған мамлакатлар ва янги индустрнал мамлакатлар, Ҳиндистон, Мексика ҳиссасига 1/5 қисм хизматлар экспорти қиймати тўғри келади. Хизматлар экспорт килаётган мамлакатларнинг кўпчилигига валюта тушумлари кўпайиб, ташки савдо баланси камомадини қопламоқда.

Молиявий битимларни тезлаштириш мақсадларида Нью – Йорк, Токио, Лондон, Париж, Франкфурт, Амстердам, Цюрих, Токио, Сингапур, Сянган ва бошқ. халқаро молия марказларида 20 га яқин компьютер марказлари тузилиди.

«Кўринмас экспорт» ҳажмининг 25% транспорт хизмати, 20% халқаро туризм, қолган 55% сүфурта, коммуникация, маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш, реклама, техник – мұхандислик лойиҳа хизматлари, кинопрокат, консультация хизматларига тўғри келади.

### **11.3. Халқаро ишлаб чиқариш ва илмий техника хамкорлик**

Ишлаб чиқариш соҳаларидағи халқаро алоқалар динамикаси, йўналиши ва характеристи интеграцион жараёнларнинг ишлаб чиқариш ва мумила соҳаларининг ривожланиши ва можиятига боғлиқ қилиб қўймоқда. Савдо алоқалари халқаро ишлаб чиқариш алоқаларининг якунловчи босқичи бўлиб қолмоқда. Ривожланиш жараёнига кўра халқаро ишлаб чиқариш алоқаларини бир нечта босқичга бўлиш мумкин.

**Биринчи босқич.** Мамлакатнинг халқаро ихтисослашуви умумий меҳнат тақсимоти асосида бир тармоқ маҳсулотини (масалан, саноат маҳсулоти) бошқа маҳсулотта (масалан, қишлоқ хўжалиги) айирбошланган.

**Иккинчи босқич.** Моддий ишлаб чиқариш таркибининг мураккаблашуви, яъни саноат тармоқлари табақаланишига боғлиқ қисман меҳнат тақсимоти асосида

тармоқлараро ихтисослашувининг интенсив ривожланиши билан характерланди.

**Учинчи босқич.** Қисман ва алоҳида меҳнат тақсимоти асосида халқаро тармоқ ихтисослашувининг чуқурлашуви жараёни бошланди. Бу маҳсулотларни оммавий ишлаб чиқариш мақсадларида, техника ва технология асосида ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун алоҳида маҳсулотлар (агрегатлар, деталлар ва узеллар) ишлаб чиқаришни билдиради. Табиийки, бундай ихтисослашув якуний маҳсулотлар (машиналар, агрегатлар ишлаб чиқариш объектлари) ишлаб чиқариш кооперациян алоқаларни тақозо қилади. Ишлаб чиқариш ҳамкорлигига ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациян алоқалар бир – бири билан чамбарчас боғлиқидир.

Шундай қилиб, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси унинг қатнашчиларини аниқ ишлаб чиқариш мақсадларида бирлаштиради.

Халқаро ишлаб чиқариш коопреацияси турли мамлакатлардаги юридик шаксларнинг меҳнатини қушилиши ва доимий ўзаро алоқадорлигини, ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

Халқаро ишлаб чиқариш коопреациясининг асосий шакллари:

- а) ихтисослашув ва кооперация асосида ишлаб чиқариш – сотиш тизимини мувофиқлаштириш;
- б) биргалиқда қўшма корхоналарни ташкиллаш ва бошқариш;
- с) ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа мақсадлардаги қурилиш ишларини олиб бориш;
- д) илмий – техник ҳамкорликдан иборат.

Халқаро коопреациянинг юқоридаги шакллари доимо «соф» ҳолда бўлмайди. Амалда, фирмалар ва коопреациялар биргалиқда қўшма корхоналарни ташкиллайдилар, ёки тармоқлараро ва ички тармоқлараро ихтисослашув асосида ишлаб чиқариш характеристидаги маҳсулот ёки хизматлар кўрсатади, бунда илмий, ишлаб чиқариш ва савдо – сотик фаолияти уйгуналашади.

Халқаро ихтисослашув асосида биргалиқда ишлаб чиқариш (қўшма корхоналар) халқаро интеграцион жараёнларнинг юқори даражада ривожланганлик даражасини ва турли мамлакатлар фирмалари ўртасидаги биқуқ алоқаларни ифодалайди.

Ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг характерли белgilari:

- шериклар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг узоқ муддатли, барқарор ва мунтазамлиги ; турли мамлакатлардаги ( фирмалар ) саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш кооперациясининг субъектлари сифатида мавжудлиги;
- кооперацияда тайёр маҳсулотлар, компонентлар, маҳсулотларнинг турли қисмларини биргалиқда ишлаб чиқарилишини, технологиянинг шартномавий мустаҳкамланиши;
- ўзаро келишилган дастур доирасида топшириқларнинг тақсимланиши ва ишлаб чиқариш кооперацияси асосий мақсадларининг мустаҳкамланиши;
- ҳалқаро ҳамкорлик доирасида ишлаб чиқариш дастурларини амалга ошириш мақсадида шерикларнинг ўзаро ёки бир томонлама товарлар таъминотини таъминлаш (бу оддий шартнома асосидаги савдо – сотиқдан иборат бўлиб қолмаслиги керак).

**Ҳалқаро илмий–техник ҳамкорлик.** Илмий–техник ҳамкорликда илмий, молиявий ва материал ресурсларни бирлаштириш негизида биргалиқда илмий – тадқиқот ёки мутахассислар гуруҳлари ёки ташкилотларни тузиш орқали илмий – тадқиқот ва конструкторлик – лойиҳа ишларини ўзаро биргаликдаги дастурлар кўринишида амалга оширишdir.

Бундай илмий – техник ҳамкорликнинг оқилона ва самарали шакллари:

- янги ва энг янги илмий – техник ғоялар, конструкторлик ишлари, маркетинг тадқиқотлари ва техник – иқтисодий ҳисоб – китоблардан фойдаланиш учун умумий илмий – тадқиқот марказлари, бюоролари, лаборатория ва институтлар, ижодий гуруҳлар ташкиллаш;
- фирмалар ва корпорацияларнинг техник – иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, амалдаги техника ва технологик жараёнларни такомиллаштириш мақсадларида биргалиқда тажрибалар ўтказиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш;
- хорижий мамлакатларда ва юқори самарали фирмаларда ишлаб чиқариш жараёнларини ва меҳнатни ташкил этиш тажрибаларини ўрганиш ҳамда биргалиқда тадбиқ қилиш;
- фирмалар ва корпорацияларнинг амалга ошираётган илмий – техник сиёсати ва унинг истиқболли йўналишлари бўйича маслаҳатлар ва жорий координациясини амалга ошириш;

- биргалиқда юқори малакали, иқтидорли, илмий – тадқиқот ишларини олиб борувчи тадқиқотчи – ходимларни тайёрлашни ташкил қилишдан иборат.

Илмий – тадқиқот ва конструкторлик тажриба ишлари натижаларининг самарадорлиги бир нечта йўналишлардан:

- назарий аҳамияти – муаммоларнинг ҳал қилиш усуллари, тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш ва ёндош фан тармоқларининг ўзаро яқинлашуви ёки интеграциясидан;
- техник аҳамияти – ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва фирмалар учун техник даражаси характеристикаси (ишончлилик, чидамлилик, унумдорлик ва бошқ.) ва рақобатбардошлигидан;
- амалий аҳамияти – иқтисодиёт тармоқларида фирма ва корпорацияларда қўллаш, унинг кўлами ва самара бериш натижаларидан ;
- истиқболли тадбирлар – илмий – тадқиқот натижаларини иқтисодиёт тизимларида самарали қўллаш вақти;
- ишланмаларининг тахминий қиймати – илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишларига қилинган харажат, мутахассислар тайёрлаш, керакли жиҳозларни яратиш ва ўрнатиш, ахборот таъминотидан;
- ишланма вақти, тадқиқотлар ва уни ўтказиш учун моддий – техника базасини тайёрлаш, натижаларини олиш ва текширишдан ўтказиш ва уни тадбиқ этиш вақтидан
- режаларни ва натижаларни реализация қилиш эҳтимоли, ишланаёттан муаммоларнинг илмий ва моддий базасига мос боғлиқлиги, ҳамкорликининг танланган шаклининг тўғрилигидан;
- тадбиқ қилинган натижаларнинг иқтисодий самарадорлиги соғ самара (фойда), харажатларнинг қоплаш вақти, миллий ва халқаро даражадаги рақобатбардошликнинг иқтисодий кўрсаткичларидан иборатдир.

#### **11.4. Халқаро иқтисодий интеграция ва халқаро иқтисодий бирлашмалар.**

Халқаро иқтисодий интеграция бу – турли шакл ва турли даражадаги ўзаро мувофиқлашган ишлаб чиқариш таркибининг миллий иқтисодиётлар меҳнат тақсимоти асосидаги чуқур ва барқарор алоқаларидан иборат мамлакатларнинг хўжалик – сиёсий бирлашув (қўшилув) жараёнидир. Микродарожада бу жараён капиталнинг фаолияти орқали алоҳида хўжалик субъектларининг

(корхоналар ва фирмалар) қўшни мамлакатлар билан иқтисодий келишувлар тизимининг шакллантириш орқали хорижда филиалларни ташкиллашидир. Давлатлараро даражада интеграция давлатлараро иқтисодий бирлашмаларнинг шаклланиши асосида мувофиқлашган сиёсатни амалга оширишидир.

Фирмалараро алоқаларнинг гуркираб ривожланиши давлатлараро (айрим ҳолларда давлатлар устидан ҳам) тартиблаш заруриятини юзага келтироқда ва мавжуд минтақада мамлакатлараро товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучларининг эркин ҳаракат қилишини таъминлаш, келишилган иқтисодий илмий-техникавий, молиявий ва валюта, ижтимоий, ташқи ва мудофаа сиёсатини амалга ошириши тақозо қилади. Натижада, ягона валюта, инфратузилмалар, умумий иқтисодий пропорциялар, молия фонди, умумий давлатлараро ёки давлатлардан устун турган бошқарув органлари, яхлит минтақавий хўжалик мажмуналарининг тузилишига олиб келмоқда.

Иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли – эркин савдо минтақалари бўлиб, иштирокчи мамлакатлар ўртасида савдо чекловлари, биринчи навбатда божхона божлари бекор қилинади.

Иқтисодий интеграциянинг иккичи, бир мунча юқорироқ шакли – божхона иттифоқи бўлиб, эркин савдо минтақаси билан биргаликда ягона ташқи савдо таърифи ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати амалга оширилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам давлатлараро чуносабатлар қатнашувчи мамлакатлар учун бир хил имкониятлар яратади, ўзаро фойдали савдо ва молиявий алоқаларни таъминлайди.

Иқтисодий интеграциянинг мураккаб шакли умумий бозор бўлиб, унинг қатнашчилари учун ягона эркин бозор ўзаро фойдали савдо, ягона ташқи тариф, капиталнинг ва ишчи кучининг эркин ҳаракати ҳамда келишилган ташқи сиёсат хос.

Давлатлараро иқтисодий интеграциянинг янада мураккаброқ шакли иқтисодий (валюта) иттифоқдир. Бу иттифоқ юқоридаги ҳолатлар билан биргаликда умумий иқтисодий ва валюта – молиявий сиёсатни ўз ичига олади.

Иқтисодий интеграция унда қатнашувчи мамлакатлар учун қулай имкониятлар очади: а) интеграцион ҳамкорлик хўжалик субъектларига (товар ишлаб чиқарувчиларга) турли ресурслардан: молиявий, моддий, меҳнат, янги технологиядан кенг фойдаланиш учун йўл очади ҳамда интеграцион группада

биқиқ бозор учун маҳсулот ишлаб чиқариш имконини вужудга келтиради; б) минтақа доирасида мамлакатларнинг иқтисодий яқинлашуви иқтисодий интеграция қатнашчилари – мамлакатларнинг фирмаларига имтиёзли шарт – шароитларни яратади, улар учинчи мамлакат фирмалари рақобатидан ҳимоя қилинади; в) интеграцион ўзаро алоқалар мамлакатларда юзага келган мураккаб ижтимоий – экологик муаммолар мажмуаси – иқтисодий қолоқ районлар иқтисодиётини жонлантириш орқали уларни ривожланган районларга яқинлаштириш, меҳнат бозоридаги ҳолатни юмшатиш, кам таъминланган оиласарга ижтимоий кафолатларни таъминлаш, уларни қўллаб – қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий таъминотни, экологик муаммоларни биргаликда ҳал қилишни таъминлади.

Бироқ, миллий хўжаликларнинг ривожланиши ва ўзаро алоқадорлигининг интенсивлик даражаси, кўлами, алоҳида минтақаларда ривожланиши турличадир. Шунинг учун ҳам бу жараёнларни юзага келтирувчи объектив омилларни ҳисобга олиш фоят муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши қўйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжалик (иқтисодий – ижтимоий) ҳаётининг интеграциялашувининг ўсиши;
- ҳалқаро меҳнат тақсимотининг янада чуқурлашуви;
- илмий – техника инқилоби ўзининг характеристи ва йўналишлари жиҳатдан ҳалқаро аҳамият касб этиши;
- миллий иқтисодиётларнинг очиқлик даражасининг ортиши.

Иқтисодиётлар интеграциялашуви мамлакатлар ўртасида барқарор иқтисодий муносабатлар жараёнини ифодалайди ва ишлаб чиқариш миллий хўжалик доирасидан чиқиб кетади. Интеграциялашув жараёнининг ривожланишига трансмиллий корпорациялар фаолияти кучли таъсир этмоқда.

ЮНКТАД маълумотларига кўра дунёда 39 минг трансмиллий корпорациялар ва уларнинг 270 минг филиаллари 3,0 трлн. АҚШ долларига яқин активларга эгадир. Трансмиллий корпорацияларнинг филиаллари томонидан 6 трлн. долл. сотув ҳажми амалга оширилади. Дунёдаги энг йирик 100 та ТМК нинг 1/3 қисми АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

ЮНКТАД эксперлари маълумотларига кўра XX асрнинг 90 – йилларидан бошлаб компанияларнинг қўшилиши ва сотиб олиниши кучли суръатлар билан бормоқда. Айниқса, бу жараён Фарбий Европа ва АҚШ учун хосдир. Бундай компанияларнинг қўшилиши ва сотиб олиниши иқтисодиётнинг энергетика, машинасозлик (автомобилсозлик), телекоммуникация, фармацевтика саноати секторлари ва молиявий хизматларга таъммузлидир.

Халқаро интеграция жараёнлари ривожланишининг иккинчи омили ИТИ таъсирида халқаро меҳнат тақсимотидаги чуқур таркибий ўзгаришлар ва силжишлар билан боғлиқдир. Халқаро меҳнат тақсимоти, бир томондан, миллатлар ва мамлакатлар ўртасидаги стихияли тарзда ишлаб чиқариш мажбуриятларининг тақсимланиши ва мамлакатларнинг маълум ишлаб чиқариш маҳсулотларига ихтисослашувини ифодаласа, иккинчи томондан ишлаб чиқариш мажбуриятларини фирмалар ичida ва ўртасида бир текисда тақсимланишини ифодалайди. Айни вақтда ички тармоқлараро ихтисослашув жараёни кучайиб бормоқда.

Ҳозирги замон ИТИ турли ижтимоий – иқтисодий тип мамлакатларида турлича тарқалганлигига қарамай халқаро бозорнинг интеграциялашувига, ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатидан янги босқичига кўтарилишига таъсир қилмоқда. ИТИ мустақил омил сифатида ташки иқтисодий алоқалар ролининг ортиб боришига, ундаги чуқур таркибий ўзгаришларга ва ижтимоий ишлаб чиқаришга кучли турткি бермоқда, илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари барча мамлакатларни қамраб олган ва бир – бири билан чамбарчас боғлиқ ривожланмоқда.

Турли мамлакатлардаги фирмалар ўртасида кооперацион ишлаб чиқариш алоқаларининг интенсив ривожланиши ва ТМК фаолиятининг кучайиши йирик халқаро ишлаб чиқариш – инвестицион мажмуаларни юзага келтирмоқда. Натижада, фирмалар ичидаги меҳнат тақсимоти миллий чегаралардан чиқиб, моҳияти жиҳатидан халқаро аҳамият касб эта бошлади ва шу асосда миллий иқтисодиётнинг очиқлик даражаси кучайди. Очиқ иқтисодиёт мамлакатлар миллий иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига ва халқаро иқтисодий алоқаларга боғлиқлиги жараёнларини ифодалайди.

Мамлакатлар очиқ иқтисодиётининг шаклланишида мамлакатлардаги экспорт ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдан иборат давлатнинг ташки иқтисодий стратегияси – яъни хориждан капитал, технология, малакали

кадрлар оқимини рағбатлантиришнинг қулай ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда хорижий фирмалар билан ишлаб чиқариш, кооперацион алоқаларни ривожлантириш мұхим ажамияттаға зерттеуде.

Дүнё хұжалиги тизимида минтақавий интеграцион мажмұалар қандайдыр стихиялы, давлатлар да давлатлараро бошқарув органларига бөлгілік бўлмаган ҳолда юзага келмайды, балки бу интеграцион мажмұалар ўзининг шартнома – ҳуқуқий асосларига эгадир. Минтақадаги бир гурӯҳ мамлакатлар ўзаро шартномалар асосида минтақавий интеграцион мажмұага бирлашиб, ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг турли жабжаларида яхлит минтақавий ўзаро манфаатли сиёсатни (интеграцияга тортилган барча мамлакатлар учун) амалга оширадилар.

Кўп соҳали интеграцион гурӯҳлар ўртасида Фарбий Европада – ЕХ ва ЕЭСА<sup>1</sup>, Шимолий Америкада – НАФТА (NAFTA)<sup>2</sup>, Осиё – Тинч океан минтақасида – Осиё – Тинч океан иқтисодий ҳамкорлигини (ОТОИХ) алоқида ажратиш мумкин.

Интеграция жараёнларининг ёрқин кўриниши Фарбий Европада юзага келди ва XX асрнинг 50 – йилларидан бошлаб бутун минтақада умумий ишлаб чиқариш шарт – шароитлари асосида ягона хўжалик майдони ва уни тартиблаш механизми яратиш йўлидан борилди. Натижада, XXI аср бошларида Фарбий Европада бошқа минтақавий интеграция жараёнларига нисбатан мустаҳкамрок ҳуқуқий, иқтисодий асосларга эга бўлган, етук ҳалқаро интеграция шакли – Европа ҳамжамияти (ЕХ) юзага келди. 1993 йилнинг 1 ноябрига қадар Фарбий Европадаги бу интеграцион группировка Европа ҳамжамияти деб юритилди. ЕХ 1967 йил учта мустақил минтақавий ташкилотдан иборат эди:

1. Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ – ECSC). Бу бирлашма 1952 йили шартнома асосида кучга кирган.
2. Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ – EEC). ЕИХ тузиш тўғрисида Рим шартномаси асосида 1957 йил кучга кирган.
3. Атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамияти. (Евроатом – EVPATOM) 1952 йилги шартнома асосида кучга кирган.

<sup>1</sup> Европа эркин савдо Ассоциацияси

<sup>2</sup> Шимолий Америка эркин савдо келишувини

ЕХ тарихида 1987 йил 1 июлда ҳамкорлик мамлакатлари томонидан маъқулланган ва ратификация қилингандай Европа ягона акти чуқур ўзгаришлар учун йўл очди. Ушбу актга мувофиқ ҳамжамиятни ташкил этиш тўғрисидаги шартнома асосидаги чуқур ўзгаришлар ҳуқуқий жиҳатидан мустаҳкамланди.

ЕХ бундай чуқур ўзгаришлар:

- 1) ЕХ иқтисодий интеграцияси Европа сиёсий ҳамкорлиги билан ягона жараёнга қўшилди ва Европа Иттифоқини (ЕИ) тузиш кўзда тутилди, ЕИ иқтисодий, валюта – молиявий, гуманитар соҳалар бўйича ҳамкорликдан ташқари мувофиқлашган ташкил сиёsat ва ўзаро хавфсизликни таъминлаш вазифаси ҳам қўйилди.
- 2) Ягона Европа Актига мувофиқ ЕХ доирасида ягона ички бозорни ташкиллаш – яъни товарлар, капитал, хизматлар ва фуқароларнинг эркин ҳаракат қилиши учун шароит яратишга келишилди ва бу жараёнга эришилди. Аввалги амал қилган умумий бозор барча савдо тўсиқларини тўла бартараф қилмаган бўлиб, янги шартномага мувофиқ товарлар ва бошқ. алмашувлар учун миллий иқтисодий чегараларда тўла эркинлик яратилди.

Фарбий Европа ягона бозорни яратиш учун ЕХ комиссияси ҳамжамият мамлакатлари ўртасидаги савдо – иқтисодий муносабатларга доир тўсиқларни бартараф қилишга қаратилган 300 та дастурни амалга оширди. XX аср 90 – йилларига келиб ЕХ мамлакатлари ўртасида бундай тўсиқлар тўла бартараф этилди.

1991 йил декабрь ва 1992 йил февраль ойларида ЕХ доирасида иқтисодий ва валюта иттифоқини тузиш тўғрисида Маастрихт шартномаси имзоланди. Маастрихт шартномасига мувофиқ XX аср охирига бориб ЕХ доирасида ягона пул бирлиги (евро) ва пул – кредит сиёсатини, Марказий Банк ва Европа марказий банклар тизимини (АҚШ Федерал резервлар тизими сингари) шакллантириш кўзда тутилди.

Ягона Европа Актини амалга ошириш федератив типига эга бўлган Европа Иттифоқини тузишга олиб келди. 1993 йил 1 ноябрдан бошлаб Маастрихт шартномаси кучга кирди ва расмий равишда бу группировка Европа Иттифоқи номини олди.

Кўриниб турибдики, ЕХ доирасида интеграциянинг ривожланиши ҳамкорликнинг қўйи босқичидан (эркин савдо минтақаси, божхона иттифоқи, умумий бозор) юқори босқичига (иқтисодий ва валюта иттифоқи) ўтиш ва унинг қатнашчилари сонининг ўсиши билан боғлиқдир.

ХХI аср араfasига келиб ЕХ доирасида умумий бозорни, давлатлараро бошқарув тизимини, иқтисодий – валюта ва сиёсий иттифоқини тузиш орқали амалда ягона етук иқтисодий интеграцион миintaша шаклланди. ЕХ га тенг ҳуқуқли асосда 15 та мамлакат – Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия, Франция ва Швеция аъзодир.

ЕХ доирасида дунё аҳолисининг 7% яшагани ҳолда халқаро савдонинг 40% дан ортиги ва валюта заҳираларининг 36% тўғри келади. ЕХ фаолияти сиёсий – ҳуқуқий бошқарув тизимига асосланган бўлиб, давлатлараро ташкилотлар ва миллий – давлат тартиблаш элементларидан иборатдир. ЕХ бошқарув таркиби – қонун чиқарувчи бош орган, Европа Кенгаши – давлат ва ҳукумат бошлиқлари киради, Министрлар Кенгаши ҳамда принципал масалалар консенсус асосида қабул қилинади. Европа Ҳамжамияти Комиссияси ижро этувчи орган бўлиб, фаолият доираси кенг ва ниҳоятда хилма – хил. Европарламент назорат органи бўлиб, Министрлар Кенгаши Европа Ҳамжамияти комиссияси билан биргалиқда фаолият кўрсатади, бюджетни тасдиқлайди. Европа Ҳамжамияти Сули – олий суд органи бўлиб, шартномаларнинг бажарилишини таъминлади.

Айни вақтда, дунё ҳўжалигида ЕХ энг кучли интеграцион ҳудуд, АҚШ, Япония ва янги индустрисал мамлакатлар шериги ҳамда кучли рақобатчисидир.

Шунингдек, Фарбий Европада иккинчи йирик иқтисодий ташкилот Европа Эркин Савдо Ассоциацияси (ЕЭСА) 1960 йилда Стокгольм конвенцияси асосида юзага келган, ЕЭСА аъзолари – Австрия, Исландия, Норвегия, Финляндия, Швеция, Швецария ва Лихтенштейнdir. ЕЭСА – эркин савдо миintaси бўлсада, божларсиз товар алмашуви саноат товарларига қўлланилган холос. ЕХдан фарқ қилиб бу бирлашмада ҳар бир мамлакат ташки савдо автономияси ҳуқуқини сақлаб қолган, учинчи мамлакаттага нисбатан мустақил божхона сиёсатини амалга оширган. Бирлашма доирасида ягона божхона таърифи жорий қилинмаган, кенгаш давлатлараро ташкилот ҳисобланмаган ва қарорлар бир овоздан қабул қилинган.

Европадаги бу икки йирик интеграцион группировканинг яқинлашув жараёни 70 – йиллардан бошланди. 1977 йилда ЕХ ва ЕЭСА мамлакатлари доирасида саноат товарлари учун ягона эркин савдо миintaси

ташкилланди ва ўзаро савдода божхона тўловлари, нотариоф чегаралашлар озайтириди.

1991 йил ҳар икки группировка мамлакатлари ўртасида ягона Европа иқтисодий маконини ташкиллаш тўғрисидаги шартнома имзоланди. 1993 йилдан бошлаб ЕЭСА мамлакатлари товарлар, капитал, хизматларнинг эркин ҳаракати ва рақобат сиёсатига доир 100 дан ортиқ ҳукуқий актларни ўз қонунчилигига қўшидилар. 2002 йилдан бошлаб ягона валюта (евро) ҳамда умумий ташки сиёсатни ишлаб чиқиш, Европарламент ролини кучайтириш, ягона фуқароликни киритиш, хавфсизликни таъминлаш ва бошқа йўналишлардаги ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда, интеграция бозорига аграр маҳсулотларни олиб кириш мўлжалланмаяпти, чунки ЕЭСА мамлакатларининг аграр соҳалари ЕХ мамлакатлари аграр соҳалари рақобатига бардош бера олмайди.

Фарбий Европадаги марказга тортилма интеграцион жараёнлар Шимолий Америка учун ҳам хосдир. Шимолий Американинг барча ҳудуди Шимолий Америка эркин савдо келишувига (НАФТА) тортилган. 1988 йилда АҚШ ва Канада ўртасида эркин савдо битими имзоланди. Бу битимга 1992 йилда Мексика ҳам қўшилди ва Шимолий Америка инетграциялашган иқтисодиёти Фарбий Европа интеграциялашган иқтисодиётдан қолишмайди.

Узоқ вақт интеграцион лойиҳа корпорациялар ва тармоқлар даражасида амалга оширилиб, давлатлараро тартиблаш ва бошқарув билан боғлиқ бўлмади.

Бу мамлакатларнинг ўзаро савдо, капиталлар ҳаракати ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги асосидаги иқтисодий ўзаро боғлиқлигини қуиидаги маълумотлар ҳам кўрсатиб турибди. XX асрнинг 90—йилларида АҚШ да Канада экспортининг 75–80% реализация қилинди. (Канада ЯММ сининг 20%). АҚШ учун Канада бозори хориждаги энг йирик бозорлардан биридир. АҚШ хорижий инвестицияларининг 75% Канадага йўналтирилган бўлса, Канада хорижий инвестицияларининг 9% АҚШ дадир. Мексика учун АҚШ билан иқтисодий алоқалари ҳаётий аҳамиятта молиқдир. 90—йилларнинг бошларида Мексика экспортининг 70% АҚШ га йўналтирилган бўлса, Мексика импортининг 65% АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, Мексика ва Канада ўртасида савдо молия ва бошқа иқтисодий – ишлаб чиқариш алоқалари ривожланди.

Эркин савдо тўғрисидаги битимга мувофиқ аста-секин ўзаро тариф ва нотариоф чегаралашларни бартараф

етиш, ўзаро капитал қўйилмалари билан боғлиқ муаммоларни енгиллатиш кўзда тутилган. Бундан ташқари савдо келишмовчиликларини, унда қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги бошқа ўзаро келишмовчиликларни тартибга солишибдан иборат тадбирлар амалга оширилоқда.

Осиё ва Тинч океани мінтақасида энг йирик ва етук интеграцион группировка – иқтисодий жиҳатдан ривожланган Япония, Австралия ва Янги Зелландияни, Шарқий ва Жануби – Шарқий Осиёдаги кўпчилик мамлакатларни, жумладан АСЕАН (Жануби – Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси) мінтақавий гуруҳига иштирокчи мамлакатларни, Хитой ва Океания ҳудудларини ўз ичига олади. XX аср 90 – йилларидан бу иқтисодий группировкада Россия қатнашиш истагини билдиromoқда.

Осиё ва Тинч Океан иқтисодий ҳамкорлиги – ОТИХ мінтақавий группировка сифатида расмий равища 90 – йиллардан бошлаб интенсив ҳамкорлик йўлларини қидирмоқда. Айни вақтда, бу ташкилот гуё ўзига хос блоклардан иборат. Жумладан, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Тайланд, Бруней мамлакатларини бирлаштирган АСЕАН 1967 йилда тузилган ва унинг иштирокчи – мамлакатлари ўз одиларига 15 йил моаинида босқичма – босқич таърифларни пасайтириш орқали эркин савдо мінтақасини тузиш вазифасини қўйганлар. Айни вақтда, АСЕАН мамлакатлари хўжалик тизими яқинлашувида бир – бири иқтисодиётини тўлдирувчи ички – мінтақавий савдо ва бошқа иқтисодий – хўжалик алоқалари жараёни кенг ривожланган эмас.

Амалда, АСЕАН мамлакатлари ҳар бирининг иқтисодиёти Япония, АҚШ ва янги индустрисал мамлакатлар (Сянган, Жанубий Корея, Тайван) иқтисодиёти билан чамбарчас боғланган. Осиё – Тинч океан савдосининг анчагина қисми Япон, Америка, Канада, Тайван, Жанубий Корея корпорацияларининг маҳаллий фирмалари ўртасидаги иқтисодий ишлаб чиқариш алоқаларидан иборат. Конфуций маданияти тарқалган мамлакатларда Хитойнинг роли кучайиб бормоқда. Япония, Америка, Австралияниң ўзаро алоқалари муҳим ўрин тутади.

Шимолий Америка, Осиё ва Тинч океан интеграцион модели Фарбий Европа интеграцион моделидан фарқ қиласди. Агар, Фарбий Европадаги интеграция жараёни – иқтисодий, валюта, сиёсий иттифоқлар (давлатлараро бошқарув тартибларини) шакллантириш асосида ягона умумий бозор тузиш йўлидан борган бўлса, НАФТА ва ОТОИХ

мамлакатлари доирасида трансмиллий корпорациялар фаолияти асосида – микродаражадаги интеграцион жараёнлар мұхимрок ўрин тутади.

МДХ 1991 йил 8 декабрда Минск шаҳрида, СССРнинг барҳам топиши муносабати билан шаклланди. Унинг вужудга келиши хақидағи ҳужжат – битимга дастлаб уч мустақил давлат – Россия Федерацияси, Украина ва Беларусь раҳбарлари имзо чекдилар. Битимни имзолаган давлатларнинг ҳудудий бутунлигини тан олиш, ҳурмат қилиш ҳамда амалдаги чегаралар, уларнинг очиқлиги ва фуқароларнинг ҳаракати еркинлиги эътироф этилди.

МДХ аъзолари халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий харажат ва қуролларни қисқартыриш чора – тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Ҳозирча юздан ортиқ норматив ва тавсифий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, томонлар бир – бирларининг ядроисиз зона ва бетараф давлат статусига эришиш учун олиб бориладиган ҳаракатларини ҳурматтайдилар.

МДХ аъзоларининг биргаликдаги фаолияти соҳасига қўйидаги тадбирлар киритилди:

- ташқи сиёсий фаолиятларини мувофиқлаштириш, мудофаа сиёсати ва ташқи чегарани мұхофаза қилиш;
- умумий иқтисодий мұхитни шакллантириш ва ривожлантириш, Умумевропа ва Евроосиё бозорини шакллантириш;
- иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш;
- божхона сиёсатини бирга олиб бориш;
- транспорт ва алоқа, шунингдек, энергетика тизимларини ривожлантириш;
- саломатлық, атроф – мұхит ва экологик хавфсизликни сақлаш;
- уюшган жиноятчиликка қарши кураш.

МДХ тарафдорларининг сони аста – секин ортиб борди. 1991 йил 21 декабрда собиқ СССРнинг уч славян ва Марказий Осиёдаги беш республикаси раҳбарлари Олмаотада учрашиб, Ҳамдүстлик ҳужжатларига жами 11 республика имзо чекди.

МДХнинг юқори Олий органдары – «Давлат бошлиқлари Кенгашы», шунингдек, «Ҳукумат бошлиқлари Кенгашы», «Иқтисодий Кенгаш», «Мудофаа вазирлари Кенгашы», «Ташқи ишлар вазирлари Кенгашы» ҳисобланади. Ижроия органдары «Мувофиқлаштирувчи қўмита» дейилади. Унинг

қошида доимий котибият ишлайди. Давлат бошлиқлари Кенгаши бир йилда камида юкки марта ўтказилади. Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлиси МДҲ, аъзоси бўлган ҳар қандай давлат ташаббуси билан чақирилади. МДҲ органларининг фаолияти МДҲ Низоми билан тартибга солинади.

МДҲнинг асосий мақсадларини амалга ошириш учун Ҳамдўстлик давлатлари ўзаро муносабатларида қуидаги қоидаларга риоя қиласидилар:

- давлат суверенитетини ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш;
- тенг ҳуқуқлик ва бир – бирларининг ички ишларига аралашмаслик;
- иқтисодий куч ёки бошқа тайзиқ услубларини қўллашдан воз кечиш;
- баҳсли муаммоларни келиштирувчи восьиталар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳамма эътироф қилган тамойил ва нормалари асосида ҳал қилиш.

Шу билан бирга, 1993 йил 3 – 4 январда Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашиб, оозор муносабатларни ўтиш даридж минақа давлатларидағи сиёсат ва иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш мақсадида, Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотини туздилар.

Шунингдек, Лотин Америкаси, Африка ва Осиёда XX асрнинг охирги чорагида ўнлаб эркин савдо минтақалари, божхона ва иқтисодий иттифоқлар юзага келди. Жумладан АНД пакти (Боливия, Венесуэла, Перу ва Эквадор); Марказий Америка умумий бозори (Гватемала, Гондурас, Коста – Рика, Никарагуа ва Сальвадор); МЕРКОСУР (Аргентина, Бразилия, Парагвай, Уругвай); Кариб ҳавзаси ҳамжамияти (Антигуа ва Барбуда, Багама ороллари, Барбадос, Белиз, Гайана, Доминика, Монтсеррат, Сент – Винсент ва Гренадина, Сент – Китс ва Невис, Сент – Люсия, Тринадад, Тобаго ва Ямайка); Жанубий – Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси – АСЕАН (Бруней, Вьетнам, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин); Араб умумий бозори – Миср, Иордания, Ироқ, Яман, Ливия, Мавритания, Сурия); Жанубий Африка ривожланиш қўмитаси – САДК (Ангола, Ботсвана, Лесато, Малави, Мозамбик, Маврикий, Намибия, ЖАР, Свазиленд, Танзания, Зимбабве); Австралия ва Янги Зелландия савдо шартномалари орқали мустаҳкам иқтисодий алоқалар билан боғланган.

Жаҳон хўжалиги тизимида ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ), 1961 йил Европа иқтисодий ҳамкорлиги асосида тузилган бўлиб саноати ривожланган мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва социал ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат. Бу ташкилотнинг асосий вазифаси молиявий барқарорлик асосида иқтисодий ўсишли таъминлаш, кўп томонлама асосида ҳалқаро савдода фаол иштирок этиш ҳамда ривожланаётган мамлакатларга ёрдам беришдан иборат. ИҲТТ аъзолари Австралия, Австрия, Бельгия, Греция, Дания, Ирландия, Исландия, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Янги Зеландия, Норвегия, Португалия, АҚШ, Туркия, Финляндия, Франция, ГФР, Швейцария, Швеция ва Япония мамлакатларидир.

Савдо соҳасидаги ҳалқаро ташкилотлар – савдо ва таърифлар бўйича Бош битим (ГАТТ) – 1995 йилдан Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ), 1948 йил тузилган бўлиб, унга 100 дан ортиқ мамлакатлар аъзо. Ҳалқаро савдонинг 90% га яқини УСТ қоидалари асосида амалга ошади. Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) – 1960 йилда тузилган бўлиб, қатнашувчи – мамлакатларнинг нефть сотиш сиёсатини координация қиласи. ОПЕК аъзолари: Жазоир, Венесуэла Габон, Индонезия, Ироқ, Эрон, Ливия, Қатар, Қувайт, Нигерия, БАА, Саудия Арабистони ва Эквадор. Шунингдек, мис, какао экспорт қилувчи ташкилотлар, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиши соҳалари (сервис) бўйича ҳалқаро ташкилотлар ҳам мавжуд. Бундай ҳалқаро ташкилотлар жумласига БМТ нинг ихтисослашган кенгаш ва қўмиталари иқтисодий ва ижтимоий кенгашлари (ЭКОСОС, ЮНКТАД, ПРООН, ЮНИДО, ФАО ва бошқ.) киради.

Ҳалқаро валюта – молия тизимида Ҳалқаро Валюта Фонди (ХВФ), Умумжаҳон Банки (ХБ), Европа тикланиш ва тараққиёти банки (ЕТТБ), Ҳалқаро ҳисоб – китоблар банки (ХХБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Ислом тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа агентлик, ҳалқаро марказлар мавжуд.

## **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Нима учун халқаро географик меҳнат тақсимоти ташқи иқтисодий алоқалар асосида ривожланади?
2. Ташқи иқтисодий алоқалар таркиби қандай?
3. Ҳозирги халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва халқаро кооперация сабабларини тушунтириб беринг.
4. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг қандай турларини биласиз?
5. Иқтисодий интеграция товарлар йўналиши жараёнига қандай таъсир кўрсатмоқда?
6. Миллий иқтисодиётнинг улуши даражасини қандай баҳолаш мумкин?
7. Экспорт квотаси моҳиятини тушунтириб беринг.
8. «Қўзга кўринмас экспорт» моҳияти нима? Бунга қайси мамлакатлар ва қайси маҳсулотлар киради?
9. Давлатнинг ташқи савдони тартиблашнинг асосий йўналишлари ва маъноси нимадан иборат?
10. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган, ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар иқтисодиётида савдо қандай рол ўйнайди?

## АДАБИЁТЛАР

1. Каримов. И.А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. I – том. Т., «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов. И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2 – том., Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов. И.А. Ватан саҗдагоҳ каби муқаддасдир. 3 – том., Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов. И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4 – том., Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. Каримов. И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995.
6. Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
7. Каримов. И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5 – том., Т., «Ўзбекистон», 1997.
8. Каримов. И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
9. Каримов. И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т., 1998.
10. Каримов. И.А. Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан курмоқдамиз. Т., «Ўзбекистон», 1999.
11. Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
12. Каримов. И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 1999.
13. Каримов. И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2001.
14. Абирқулов.К.А. АҚШнинг табиий ресурс салоҳияти. Т., ТДИУ 1998.
15. Абдуллаев.О. Региональные проблемы развития АПК. Т., Мешнат, 1988.
16. Абдуллаев.О. Жумҳуриятлараро агросаноатни ташкил этиш муаммолари. Т., Меҳнат, 1991.
17. Абдуллаев.О. Наманган вилояти. Наманган, 1995.
18. Абдуллаев.О. Фарғона водийси: ижтимоий – иқтисодий ривожланиш жараёнлари. Наманган, 2000.
19. Алиев.М.Г., Ишонходжаева.Д.А., Хачиев.Г.А. Экономика и финансы регионов мира в цифрах сравнения. Т., 1998.
20. Акрамов.З.М. Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т., Ўқитувчи. 1994.

21. Акрамов.З.М., Тоиров.А Экономические реформы Республики Узбекистан. М., ТОО «Люкс-орт», 1998.
22. Асанов.Г., Набиходонов.И., Сафаров.З. Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий географияси. Т., Ўқитувчи. 1994.
23. Атлас мира. М., 1990.
24. Атлас Узбекистана. 1 – 2 том. М., Т., 1982, 1985.
25. Ахмедов.Э., Сайдаминова.З. Ўзбекистон Республикаси (қисқача маълумотнома). Т., 1998.
26. Буванова.Т.М., Радионова.И.А. Экономическая география СНГ и стран Балтии. М., 1994.
27. Жаҳон иқтисодиёти. Т., ТДИУ. 1994.
28. Климанов.В., Климанов.Вл. Земли и страны. М., 1996.
29. Липец.Ю.Г., Пуляркин.В.А., Шлихтер.С.Б. География мирового хозяйство. М., ВЛАДОС. 1999.
30. Мировая экономика. Под ред. В.К.Ломакина. М., Изд – во АНКИЛ. 1995.
31. Мироненко.Н.С. Введение в географию мирового хозяйство. М., 1995.
32. Нихович.З.С., Смитиенко.Б.М., Эскиндаров.М.А. Мировое экономика на рубеже ХХ – ХХI веков. Учебное пособие. М., Изд – во Финансовый Академии при Правительстве РФ. 1995.
33. Политическая карта мира. М., 1995.
34. Радионова.И.А. Политическая карта мира. М., 1996.
35. Радионова.И.А., Бунакова.Т.М. Экономическая география. Учебно – справочное пособие. Московский Лицей. 2000.
36. Сергеев.П.В. Мировое хозяйство и международное экономические отношения на современном этапе. М., 1998.
37. Солиев.А. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари. Т., 1995.
38. Тўхниев.Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. Т., УМЭ, 1998.
39. Узбекистан 1991 – 1995 гг. Инф.сбор. Т., 1996.
40. Хасбулатов.Р.И. Мировое экономика. М., ИНСАН. 1994.
41. Экономическая и социальная география. Под. ред. Хрущева.А.Т. М., 1997.
42. Экономическая карта Узбекистана. Т., 1995.
43. Эшмуҳамедов.А. ва бошқ. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Т., Ўқитувчи. 1996.
44. Эшмуҳамедов.А., Шибаршова.Л.И. Мировая экономика и МЭО (интеграция в мировое экономику). Т., ТГЭУ. 1998.

45. Гуломов.С. ва бошқ. Мустақил Ўзбекистон. Т., «Меҳнат», 2001.
46. Ўзбекистон маъмурӣ – ҳудудий бўлиниш картаси. Т., 1995.
47. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Т., 1996.
48. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги. Йиллик стат.тўп. Т., «Меҳнат» 1995.
49. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Т., 1997.
50. Ўзбекистон. Экологик карта. Т., 1995.
51. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 – жилд. Т., Давлат илмий нашриёти. 2000.
52. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2 – жилд. Т., Давлат илмий нашриёти. 2001.

**Олимжон Абдуллаев  
Иқтисодий география ва экология  
(ўқув қўлланма)**

**Муҳаррир:**

**О.Абдуллаев.**

**Мусаввир:**

**И.Жуманазаров.**

**Бадиий муҳаррир:**

**Х.Бахромов.**

**Техник муҳаррир:**

**Х.Иброҳимов**

**Мусаххих:**

**А.Убайдуллаев.**

Босишига руҳсат этилди 18январ 2002 йил.

Адади 500 нусха

Бичими 148x210, 18 босма табок. Буюртма №012

---

Наманган мухандислик-педагогика институти  
Кичик босамаҳонаси, Дустлик шоҳ кучаси, 12